

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ

Нодирахон Нишонова

**ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИДА
ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ**

(*фалсафий таҳлил*)



Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
“Фан” нашриёти
Тошкент – 2013

УЎК: 396.9(575.1)
КБК: 66.74(5У)

Хотин-қизлар ижтимоий-фалсафий
хардакларин

Монографияда Ўзбекистон Республикасида хотин-қизларнинг Олий Мажлис, ижро, суд ҳокимияти, ўзини ўзи бошқариш органларида олиб бораётган сиёсий, ижтимоий, ташкилий-маърифий фаолиятлари ижтимоий-фалсафий нуқтаи назардан таҳдил этилган. Хотин-қизларнинг бошқарув тизимларидаги фаоллигини янада оширишга оид тавсиялар, илмий асосланган хуносалар берилган.


Монография педагогик ходимлар, илмий изланувчилар, аёлларнинг жамиятдаги ўрни ва уларнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти билан қизиқувчилар ҳамда кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Organizational spiritual, social, political, activities of women of the Republic of Uzbekistan in Oliy Majlis, executive authorities, judicial authorities, are analyzed in the monograph by socio-philosophical point of view. Advice concerning improvement of women's activity in administrative systems and scientifically approved conclusions are given.

The monograph is for pedagogic clerks, scientific researchers, those who are interested in the place of women's in the society and their socio-political activity and for wide range of readers.

Масъул мұхаррир:
falساfa фанлари доктори, профессор Б. ТҮЙЧИЕВ

Тақризчилаr:
falсаfa фанлари доктори, профессор И. САИФНАЗАРОВ
тиббиёт фанлари доктори, профессор Э. БАСИТХАНОВА
сиёсий фанлар доктори А. МУМИНОВ



10 41506
281

ISBN 978-9943-19-240-9

© ЎзР ФА «Фан» нашриёти, 2013 йил

С ЎЗБОШИ

Мустақилликка эришган мамлакатимизда бугун ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида улкан тарихий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Истиқлоннинг илмий-назарий асослари ва уни амалга ошириш механизмлари Республикасим Президенти Ислом Каримовнинг асарларида ўзининг теран ифодасини топган.

Ўзбекистонда танланган ва амалга оширилаётган миллий демократик тараққиёт йўли бугун жамият аъзоларини, барча фуқароларни, кенг аҳоли қатламларини ҳаракатга келтирди, натижада жамият ҳаётини кишиларнинг ижтимоий фаоллигисиз тасаввур этиб бўлмай қолди. Хотин-қизларимизни давлат ва жамият ишларини бошқаришга кенг жалб этиш ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга воқелик экани ҳеч кимда эътиroz уйғотмайди ва у бугун давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Мустақилликнинг ilk йиллариданоқ хотин-қизларнинг давлат бошқаруви тизимида фаол иштирок этишини таъминлайдиган сиёсий-хукуқий база яратилди, нодавлат ташкилотлари қўллаб-куватланди. Бунга жавобан хотин-қизларимиз сиёсий партиялар, вакиллик органлари ва давлат ҳокимияти тармоқларида кенг фаолият олиб бормоқда. Бу ўринда Олий Мажлис томонидан қабул қилинган оила хукуқи, аёллар ва болалар хукуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қатор қонунларни, Президентимизнинг Хотин-қизлар қўмитасини қўллаб-куватлаш чора-тадбирларига оид қатор Фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасида хотин-қизлар масалалари бўйича концепция"сини (1995 йил 16 ноябрь) эслаш мумкин.

Мамлакатимизда давлат ва жамият курилиши соҳасидаги ўзгариш ҳамда янгиланишларни ижтимоий-фалсафий нуқтаи назардан ўрганиш ижтимоий фанлар учун муҳим аҳамиятга эга. Табиийки, хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги фаолияти борасида юз берадиган ўзгаришларни ижтимоий, сиёсий, хукуқий ва фалсафий

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ
жиҳатдан ўрганиш ва таҳлил қилиш қизиқарли, айни пайтда мураккаб бир ишдир.

Шу нуқтаи назардан Нодирахон Нишонованинг кўп йиллик илмий изланишлари натижаси бўлган ушбу монографияси ўзбек фалсафасида жиддий тадқиқотлардан биридир.

Тадқиқот, авваламбор кенг қамровли, фактик материалларга бойлиги, фикр ва қарашларнинг тарихий ҳамда замонавий фалсафий қарашларга, концепциялар асосига курилгани билан эътиборлидир.

Монографияда давлат бошқаруви тизимида субъект ва объект муносабатларининг назарий-методологик масалалари, Ўзбекистон хотин-қизларининг давлат бошқаруви, сиёсий партиялар, вакиллик органлари, нодавлат ташкилотлари фаолиятидаги ижтимоий-сиёсий фаоллиги кенг таҳлил қилинган.

Шунингдек, унда Олий давлат ва маҳаллий давлат бошқаруви тизимида хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаолиятининг хусусиятлари ва суд ҳокимияти (бошқаруви) тизимидаги иштироки очиб берилган.

Албатта, монографиянинг мустаҳкам услубий асосини, назарий ва амалий қимматини Президент Ислом Каримов асарлари, унинг Олий Мажлис сессиялари ва бошқа минбарлардан туриб илгари сурган ғоялари, фикр-мулоҳазалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг илмий жиҳатдан янгилиги ва долзарблиги ҳақида кўп фикрлар билдириш мумкин. Унда давлат бошқаруви тизимида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалалари, Ўзбекистонда давлат бошқарув тизимини модернизациялаш ва унинг хотин-қизлар фаоллигига таъсири, бозор муносабатларига ўтиш, давлат бошқарув тизими ва хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллиги ҳамда уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш вазифалари, шунингдек, ижтимоий-сиёсий фаол аёлнинг портрети, маънавий-ахлоқий фазилатлари ва лидерлик хусусиятлари изчил ривожланиб бораётгани ва уларнинг ҳаётбахш натижаларини кўрсатиб берилган. Тадқиқотчининг хulosалари ҳар томонлама асосланганлиги билан ўкувчи эътиборини ўзига жалб қиласи. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ушбу тадқиқот Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини қарор

топтиришда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятини ўрганишга бағишилангани билан эътиборлидир. Ундаги тавсиялардан нафақат илмий, балки амалий мақсадларда ҳам фойдаланиш мумкин.

Монографиядан ўрин олган “Давлат бошқаруви тизимида субъект ва объект муносабатларининг диалектик боғлиқлиги”, “Феминизм ва гендер тенглик муаммолари”, “Оммавий ахборот воситаларида хотин-қизлар масаласининг талқинлари”, “Олий давлат бошқаруви тизимида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ўрни”, “Ижро этувчи давлат бошқаруви тизимида хотин-қизларнинг фаолияти”, “Суд ҳокимияти (бошқаруви) тизимида хотин-қизларнинг иштироки”, “Ўзбекистонда давлат бошқарув тизимини модернизациялаш ва унинг хотин-қизлар фаоллигига таъсири”, “Фуқаролик жамияти ва хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалалари”, “Ижтимоий-сиёсий фаол аёлнинг портрети: маънавий-ахлоқий фазилатлари ва лидерлик хусусиятлари” каби мавзулар ўкув курслари учун тайёр маъруза матнидир. Улардан, шунингдек, фуқаролик институтлари, ННТ, ОАВ, давлат бошқарув тизимлари, вакиллик ва ўзини ўзи бошқариш органлари, хотин-қизлар қўмиталари, сиёсий партиялар, тадбиркор аёллар уюшмаларининг ижтимоий-амалий фаолиятида фойдаланиш мумкин.

Монография ижтимоий фан соҳаси олимлари ва тадқиқотчилари, биринчи галда файласуфлар, сиёsatшунослар, хукуқшуносларда қизиқиш уйғотади, деган умиддамиз.

Х. ШАЙХОВА,
Ўзбекистонда хизмат қўрсатган фан арбоби,
фалсафа фанлари доктори, профессор

*Ушбу камтарин меҳнатим маҳсулини
муҳтарама онажоним ва падари бузрук-
ворим хотирасига бағишилайман.*

КИРИШ

Мустақил Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маданий ислоҳотлар Республикаизда миллий демократик тараққиётни таъминлашга, мамлакатимизни модернизация қилиб, ривожланган давлатлар даражасига кўтаришга қаратилгандир. Мазкур стратегик мақсадларга эришиш фақат давлат бошқарув тизимларининг функцияси бўлиб қолмайди, улар бутун жамиятни, фикрлаш, изланиш ва ишлашга қодир ҳар бир социум аъзосини озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш ўйи билан фаол яшашга ундейди.

Ижтимоий тараққиётнинг ушбу имманент қонуни амалга оширилаётган ислоҳотларга бош-қош бўлаётган давлатни, унинг бошқарув тизимларини халқнинг куч-қудратига, ташаббусига, қўллаб-қувватлашига таянишга чорлади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида “Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир” (7-модда), “Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қиласи” (2-модда), “Жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади” (9-модда), деб кўрсатилган. Унинг 32-моддасида эса барча фуқароларга, уларнинг жинси, келиб чиқиши, миллати, эътиқодидан қатъи назар жамият ва давлат ишларини бошқаришда қатнашиш ҳукуқи кафолатланган. Мазкур ҳукуқларни улар ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш, давлат органларини демократик тарзда ташкил этишда қатнашиш орқали амалга оширадилар¹.

Бугун инсоният шундай тараққиёт босқичига кўтарилдики, энди жамият ва давлатлар тақдиди, уларни бошқариш стратегияси, халқнинг ўз ҳаётидан, ижтимоий-сиёсий институтлар фаолиятидан қониқиши, улар билан ҳамкорлик қилиб, ижодий салоҳиятларини рўёбга чиқариб, тарихни яратувчи субъект сифатида эркин яша-

¹ Қаранг: Право человека. Единство общечеловеческого и национального (Сб. международных договоров и Законов Республики Узбекистан). Т.1. Ташкент: Шарқ, 1995. С. 65-66.

шига, демократияга, социумда демократик қадриятларнинг қарор топишига боғлиқdir. Халқлар, кишилар қадимдан эркин, озод яшашга интилиб келгандар, лекин ҳеч қачон демократия бугунги-дек инсоният, жамият ва давлатлар тақдирини белгилаб берувчи глобал воқелик бўлмаган. Бугун жамиятнинг очиқ ва инсонпарварлиги, давлатнинг эса ҳукуқий ва халқпарварлиги уларнинг демократия талабларига мувофиқлиги билан ўлчанади.

Инсоният демократик идеалини ҳар бир инсонни жамият ва давлат ишларини бошқаришда қатнашишида кўради. Шунинг учун ҳам “Инсон ҳукуқлари халқаро билль” демократияни инсон ҳукуқларини таъминлаш, ҳар бир кишига ўз фикрини эркин билдириш, жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш, ҳар қандай дискриминацияни бартараф этиш омили сифатида эътироф этади¹.

Инсоният, жаҳон ҳамжамияти демократия масалаларини бехуда кун тартибига кўяётгани, халқаро учрашувларда, симпозиумларда уларни қайта-қайта кутараётгани ва стратегик аҳамиятга молик ҳужжатлар қабул қилаётгани йўқ, демократия глобал аҳамият касб этаётгани сайин кўпгина давлатларда тенг ҳукуқлилик принципи бузилаётгани, дискриминация сақланиб қолаётгани, ҳатто XXI асрга келиб ҳам “аёллар савдоси” реал воқеликка айланётгани кузатилади. БМТнинг маълумотига кўра, бугун жаҳонда қулликка сотилган кишилар сони 27 миллиондан зиёддир. Уларнинг асосий қисми аёллар ва болалардир².

Бундай ғайриинсоний воқеликни бартараф этиш учун ҳам очиқ фуқаролик жамияти ва демократик ҳукуқий давлат барпо этиш, давлат бошқарув тизими фаолиятини инсонпарвар ва халқпарварлаштириш талаб этилади. Ўз худудидаги халқларни, инсонларни назорати остида тутиб турга олмаган давлат бошқарув тизими ўзи учун яшашга, бюрократияга, маъмурий буйруқбозлилкка, ҳатто коррупция ва сегрегацияга берилади. Фақатгина том маънодаги демократия, демократик бошқарув йўли давлат бошқарув тизимида юқоридаги каби салбий ҳолатларнинг юзага келишига имкон бермайди.

Ўзбекистон аҳолисининг ярмидан зиёдини хотин-қизлар ташкил этади. Шунинг учун ҳам хотин-қизларни ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маданий ислоҳотларга жалб этиш, давлат ва жамият ишларини бошқариш тизимларида аёлларнинг кенг

¹ Ҳаранг: Хроника ООН, 2005, №3. С.28.

² ўша жойда.

иштирокини таъминлаш алоҳида сиёсатни тақозо этишини англаб, Республикамиз Президенти ва ҳуқумати томонидан илмий ва ижтимоий-амалий аҳамиятга эга қонунлар, қарорлар ва дастурлар қабул қилинган. Президентимиз И.А.Каримов томонидан “Ўзбекистон Республикаси давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги (1995 йил 2 март), “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги (2004 йил 25 май) Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида хотин-қизлар масалалари бўйича концепция” (1995 йил 16 ноябрь), хотин-қизларни жамият ва давлат бошқаруви ишларига жалб этиш бўйича маҳсус Давлат дастури ва Миллий платформаси (1998 йил 27 январь) қабул қилинди. Умумижтимоий ва миллий демократик хусусиятга эга чора-тадбирлар кўрилди, яъни 1998 йил “Оила йили”, 1999 йил “Аёллар йили”, 2000 йил “Соғлом авлод йили”, 2001 йил эса “Она ва бола йили” деб эълон қилинди. Мазкур ҳужжатлар ва чора-тадбирлар жамиятимизда эркаклар билан аёллар teng ҳуқуқлигини таъминлашга, маълум бир объектив ва субъектив сабаблар боис ижтимоий ҳаётда фаол қатнаша олмайтган хотин-қизларни жамият ва давлат бошқаруви тизимларининг ҳақиқий субъектларига айлантиришга қаратилгандир. Бу борада тўпланган тажрибаларни илмий ўрганиш мавжуд муаммоларни тўғри, самарали ҳал этишга имкон беради.

Мамлакатимизда хотин-қизларга нисбатан позитив ҳуқук ва шарт-шароитлар яратилган бўлса-да, уларнинг давлат бошқариш тизимлари раҳбариятидаги иштироки ҳали юқори эмас. Бу ўринда кўп омиллар, масалан, хотин-қизларга нисбатан стереотип муносабатлар, бошқарув фаолиятининг мураккаблиги, қарорлар қабул қилиш борасидаги мастьулият ҳиссининг юқорилиги каби зиддиятли ҳодисалар, ҳолатлар таъсири кўзга ташланади. Аёлларга хос бўлган юмшоқлик, ҳалимлик, итоаткорлик, ўз ўрни ва вазифасини бажаришда фақат ижрочилик функцияси билан чекланиш, кўпроқ оиласини, фарзандларини ўйлаш каби хислатлар уларнинг давлат бошқаруви тизимларида раҳбарлик, етакчилик, лидерлик қилишларига халақит бермоқда. Айниқса, оммавий ахборот воситаларида, расмий учрашув ва илмий-назарий йиғилишларда аёлнинг бадийй-эстетик тимсол сифатида улуғланиши, унга ўзининг ижтимоий-сиёсий вазифаларини тўғри англашга халақит бермоқда. Мазкур ёндашишни янгилашмай, хотин-қизларда ижтимоий-сиёсий борлиқни ўзгартиришда фаол

қатнашиш фикрини, истагини уйғотмай туриб демократик ҳукуқий давлат ва очык фуқаролик жамияти қуриш мүмкін эмас.

Хотин-қызларнинг ижтимоий ҳәётда қатнашиши билан уларнинг давлат бошқаруви тизимидағи сиёсий фаолияти айнан бир хил воқелик эмас. Давлат бошқарувида шахс (у профессионал ходим, хизматчи ёки жамоатчи, ижтимоий-сиёсий фаол бўлиши мумкин) маълум бир жабҳага йўналтирилган маҳсус билим ва тажрибага, кишиларни ўз ортидан эргаштириш қобилиятига эга бўлиши шарт. Аммо, тажриба шуни кўрсатадики, ижтимоий-сиёсий фаол аёлда айнан шундай маҳсус билим ва тажриба етишмайди. У, кўпинча ўз ташаббускорлигини бошқарув ишларида қатнашиш учун етарли, деб ўйлади. Ташаббус – позитив ҳусусият, лекин давлат бошқаруви фақат ташаббус асосига қурилмайди, фақат ташаббусга таянмайди. У, энг аввало минглаб, ҳатто миллионлаб кишиларнинг ҳәёти ва тақдири билан боғлиқ муаммоларни ҳал этадиган фаолият тури сифатида эҳтиёткорликни, етти ўлчаб бир кесишни, масалага рационал ёндашишини талаб этади. Давлат бошқаруви тизимига хос рационал-оптимистик ёндашишини хотин-қызлардаги ташаббус, фаоллик билан уйғунлаштириш алоҳида қобилиятни, тактикани тақозо этади. Шунинг учун ҳам Юртбошимиз Ислом Каримов хотин-қызларимизга хос шарқона одоб-ахлоқ, оиласеварлик, инсонпарварлик фазилатларидан келиб чиқиб шундай дейди: “Мұхтарам оналаримиз, опа-сингилларимиз, аёлларимиз, қызларимизнинг жамиятдаги мақоми ва мавқеини кўтариш, уларнинг ҳурматини жойига қўйиш, манфаатини ҳимоялаш, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш давлатимизнинг жамиятимизнинг устувор йўналиши ва бош мақсадига айланishi лозим.

Аёллар учун ижтимоий фаолияти билан бола тарбиясини уйғунлаштиришга, соғлом авлодни вояга етказишга имкон берувчи барча шарт-шароитларни яратиб бериш бизнинг муқаддас бурчимиздир”¹.

Шу билан бирга Ислом Каримовнинг 2004 йил 21 июнь куни Хотин-қызлар қўмитаси фаолиятига оид мажлисда билдирган фикрлари аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини юксалтириш бора-сида жиддий муаммолар турганини кўрсатиб берди. Президентимиз дунёда хотин-қызлар билан боғлиқ муҳим масалалар борлигини ва уларнинг ечимини топишга жуда катта эътибор берилаётгани бежиз

¹ Ислом Каримов. Биз ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-том. Тошкент: Ўзбекистон, 1999. 332-бет.

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ

эмаслигини таъқидлайди. Республикамизда Хотин-қизлар қўмитаси маълум бир ишларни амалга ошираётган бўлса-да, уни “уз фоалиятида маъмурий бошқарув усулларидан, яъни юқоридан туриб буйруқ-кўрсатма ва топшириқлар бериш усулидан фойдаланадиган давлат тузилмаси каби қабул қилиш” одатга айланган. Ваҳоланки, Хотин-қизлар қўмитаси жамоатчилик институти, у хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, ташаббусини уюштирувчи ташкилотдир. У “билимдон, ҳаёт мазмунини тўғри тушунадиган, фаол ва ташаббускор хотин-қизларнинг ҳокимият вакиллик идораларига сайланиши ва уларда иштирок этиши учун янада кўпроқ имкониятлар яратиш, уларга кенг йўл очиб бериши керак... хотин-қизлар қўмиталари, аёллар ташкилотларининг халқаро хотин-қизлар ҳаракатида, гуманитар, таълим ва бошқа соҳаларда фаолият олиб борадиган ташкилотлар ишида фаол иштирокини таъминлаш бениҳоя катта аҳамиятга эга”¹. Демак, мавжуд хотин-қизлар ташкилотлари фаолиятини ижтимоий-амалий муаммоларга йўналтириш, давлат бошқарув тизимида ташаббускор, фаол, ҳаёт мазмунини демократик тараққиётга ҳисса қўшишда кўраётган хотин-қизларни тортиш, жалб этиш долзарб масаласалардан биридир.

Ўйлаймизки, бу тадқиқот давлат бошқарув тизимида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятини ўрганиш орқали илгари сурилган ғоялар ва чиқарилган назарий хulosалар ва уларни давлат бошқарув тизими фаолиятига жалб этиш ҳақидаги илмий қарашлар, фуқаролик институтлари, ННТ, ОАВ, давлат бошқарув тизимлари, вакиллик ва ўзини ўзи бошқариш органлари, хотин-қизлар қўмиталари, сиёсий партиялар, тадбиркор аёллар уюшмалари, шунингдек, давлат бошқарув тизимида хотин-қизларнинг ижтимоий-амалий фаолиятининг янада кучайишига хизмат қиласди.

Мазкур монография шу соҳадаги илк тажрибаларимдан биридир. Унда учраши мумкин бўлган айрим камчиликларни тузатиш ва уни янада такомилластириб қайта чоп этишда ёрдам берадиган фикр ва мулоҳазаларни мамнуният билан қабул қиласмиз.

¹ Ислом Каримов. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. 12-том. Тошкент: Ўзбекистон, 2004. 359–360-бетлар.

1-БОБ

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИДА СУБЪЕКТ ВА ОБЪЕКТ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ- МЕТОДОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ

- 1.1. Давлат бошқаруви тизими ва унинг субъекти**

- 1.2. Давлат бошқаруви тизимининг объектлари ва уларнинг ижтимоий белгилари**

- 1.3. Давлат бошқаруви тизимида субъект ва объект муносабатларининг диалектик боғлиқлиги**

- 1.4. Демократия шароитида давлат бошқарувининг имманент хусусиятлари**

1.1. Давлат бошқаруви тизими ва унинг субъекти

Ижтимоий борлик кишилар онгли фаолиятининг инъикоси сифатида бир-бирига диалектик боғлиқ субъект ва объект муносабатларидан иборатdir. Ижтимоий борлик, унинг таркибий қисми, ҳатто ядрои бўлган давлат, унинг институтлари ва бошқарув тизими тасодиф маҳсули эмас, улар кишиларнинг онгли, рационал фаолияти натижаси сифатида шаклланган. Шунинг учун давлат бошқарув тизими энг аввало субъект ва объект муносабатларини рационал, ижтимий-сиёсий фаолият сифатида таҳлил қилишни тақозо этади.

Субъект ва объект масалалари фалсафанинг турли концепцияларни илгари сурган, турли қарама-қарши фикрларни келтириб чиқарган, то ҳанузгача турли баҳс-мунозаралар уйғотиб келаётган мавзуларидан биридир. Бу борада кўплаб назарий ва фалсафий-методологик тадқиқотлар ўтказилган, асарлар чоп этилган. Бироқ давлат бошқарувида субъект ва объективнинг ўрни масалалари тадқиқотчилар эътиборидан четда қолмоқда.

Давлат бошқаруви ижтимоий-сиёсий фаолият тури ҳисобланади. Бошқарув жараёнига аралашган, кишиларнинг ҳатти-ҳаракатларини ташкил этишни ўз устига олган ҳар бир субъект – инсон, шахс, гурух ижтимоий-сиёсий жараёнларга, ижтимоий-сиёсий ҳаётга тааллуқли вазифа билан шуғулланади. Демак, давлат бошқаруви билан шуғулланувчи субъект аниқ (конкрет) ижтимоий-сиёсий ҳаётни, жараёнларни ташкил этувчи, йўлга қўювчи ва бошқарувчидир.

Ижтимоий-сиёсий ҳаётни, жараёнларни бошқариш инсон фаолиятининг мураккаб, серқирра ва қарама-қаршиликларга тўла кўринишларидан биридир. Шунинг учун ким бошқаради (ёки бошқара олади), кимни бошқаради (ёки бошқара олади) ва қандай бошқаради (ёки бошқара олади) деган фундаментал аҳамиятга эга саволлар сиёсий фалсафани кўпдан бери қизиқтириб келади. Ижтимоий-сиёсий борликка (ҳаёт тажрибаларига) мувофиқ келадиган, унинг барча томонларини ифода этадиган субъект модедиган.

лини яратиш ҳали ниҳоясига етмаган. Инсоният мазкур субъект моделини бугун демократияда, демократик бошқарувда кўраётган бўлса-да, уларнинг гносеологик моҳияти тадқиқотчилар, сиёсатчилар, давлатлар томонидан турлича талқин қилинмоқда. Бу ҳол бошқарув **субъектининг генезисига, функционал ҳусусиятлари ва ижтимоий-сиёсий кратологик моҳиятига** назар ташлашга ундайди.

Шу ўринда мавзумиз учун муҳим бўлган “давлат бошқаруви тизими” деган тушунча бўйича ўз фикрларимизни, қарашларимизни билдириб ўтишимиз лозим.

Давлат бошқаруви тизими сиртдан қараганда давлатни, давлат институтларини бошқариш билан боғлиқ фаолият туридек кўринади. Эмпирик, кундалик ёндашиш нуқтаи назаридан бу тўғри. Бироқ давлат бошқаруви тизими давлатни ёки унинг институтларини бошқаришдангина иборат эмас, у инсон ва инсонлар, гурух ва гурухлар, миллат ва элатлар, иқтисодий бойликларни, ресурсларни, ҳудудлар ва шахарларни, аҳоли миграциясини, меҳнат жараёнларини, ижтимоий, маданий, демография ва интеграция соҳаларини, хуллас, ижтимоий-сиёсий борлиқнинг тўлақонли ишлашини ва тараққиётини таъминлашга қаратилган мураккаб, ранг-баранг фаолиятдир. Бошқарув аниқ (конкрет) кўринишда бетакрор ҳодисадир, у ҳеч қачон айнан такрорланмайди. Бошқаришнинг самарали ва рационал ташкил этилган кўринишлари (масалан, субординация ёки координация, автократик ёки кооператив бошқариш) бўлса-да, улар ижтимоий-сиёсий борлиқнинг умумий талаблари (масалан, жамиятда миллатлараро муносабатларни тўғри йўлга қўйиш)га итоат этади, лекин ҳар бир конкрет ҳолда бетакрордир. Айнан ушбу ҳолат, омил бошқаришни рационал ташкил этишга, яъни уни маълум бир тизим – институтлар орқали олиб боришга ундайди.

Давлат бошқарувини тизимли, институционал олиб бориш объектив заруратдир. Ҳеч бир давлат, жамият ўз тизимини, институтларини тузмай, уларнинг тўлақонли ишлашини таъминламай туриб, яшай олмайди. Давлат ва жамиятнинг функционал ҳусусиятлари, давр талабларига мувофиқ фаолият олиб бориши уларнинг (жамият ва давлатнинг) тизимларига, институтларига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам А.И.Пригожин, ҳар бир ташкилот, тизим “ўз аҳолиси ва ҳудудига, иқтисоди ва иерархиясига, мақсадига

ва раҳбариятига эга кичик жамият". Унинг ўз "микроцивилизацияси: тарихи, маданияти, технологияси мавжуд"¹, деб ёзади. Ушбу "ташкилий базани" тақомиллаштириб, давр талабларига мувофиқ ҳолда ривожлантиrmай, ижтимоий-сиёсий борлиқни асрар ҳам, тараққий эттириб ҳам бўлмайди. Аммо мазкур "ташкилий база" ядросини субъект ва объект, улар ўртасидаги муносабатлар ташкил этади. Демак, бошқарув субъекти инсон, инсонлардир. Бизнинг тадқиқотимиз мақсадига мувофиқ эса ушбу субъектлардан бири – хотин-қизлардир.

Энди юқоридаги: 1) бошқарув субъектининг генезиси; 2) функционал хусусиятлари; 3) кратологик моҳияти нимада, деган саволларга жавоб излашга ўтамиш.

Бошқариш субъекти сифатида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий борлиқда пайдо бўлиши "аёллар масаласи"га ретроспектив назар ташлашни тақозо қиласди.

Илмий-тарихий манбалар шуни кўрсатадики, "ёввойилик даврида" кишилар, жинслар ўртасида ижтимоий фарқлар борлиги сезилмайди, тўда бўлиб яшаш ибтидоий кишиларнинг ҳаёт, турмуш тарзи эди. Таникли тарихчи, этнограф М.О.Косвеннинг ёзишича, бу даврда "ҳар бир эркак – ҳар бир аёлники, ҳар бир аёл – ҳар бир эркакники эди"². Бундай тартиб мисрликлар, критликлар, этруслар, афиналиклар, ҳатто массагетларда ҳам мавжуд эди. Масалан, "тарихнинг отаси" Геродотнинг хабар беришича, массагетларда "ҳар бир эркак бир аёлга уйланар, аммо ундан бошқа эркаклар ҳам фойдаланар эди"³. Бундай ҳаёт тарзида ҳали "сеники-меники" деган тушунчалар бўлмаган, фарзандлар ҳам, аёллар ва эркаклар ҳам умумий, барчаники бўлган. Мазкур тартиб одамнинг тур сифатида сақланиб қолиши, биргаликда яшаб, ёввойи табиатга, ҳайвонлар хужумига қарши чиқа олишининг зарурий шарти эди. Шу боис ҳам ундаги полигамик алоқаларни мутлақ ғайриахлоқий одат сифатида баҳолаш, уларга бугунги ижтимоий-ахлоқий қадриятлар, нормалар нуқтаи назаридан қараш мумкин эмас.

Пала-партиш полигамик алоқалар соғлом насл, авлод бермаслигини кишилар аста-секин англай бошлаганлар, натижада экзогамик алоқалар юзага келган. Турли қабила, уруғлар ўтас-

¹ Пригожин А. И. Организации: системы и люди. М.: Политиздат, 1983. С.6.

² Косвен М. Очерки первобытной культуры. М.: Наука, 1961. С.9.

³ Геродот. Истории. М.: Инфра - Пресс, 1999. С.181.

сида юзага келган экзогамик муносабатлар ҳали тўла маънодаги ижтимоий-сиёсий ҳодиса бўлмаса-да, жамият ва давлат асоси ҳисобланган оила институтининг шаклланишини тезлаштирган¹. Мазкур жараён уруғ, қабила институтларининг шаклланиши билан бирга кечган ва улар илмий адабиётларда оналик уруғи даври – матриархат номини олган.

Матриархатда уруғни, қабилани аёл бошқарган. Уруғнинг, қабиланинг аталиши, келиб чиқиши аёл номи билан белгиланган. Машхур антрополог ва тарихчи Г.Плосснинг ёзишича, Пелаус ороли (Африка қирғоги)даги аёлларни аёллар, эркакларни эркаклар бошқарган. Энг кекса аёл уруғ, қабила раҳнамоси бўлган. “Аёллар ҳукумати аёллар ўртасида тартиб-қоидаларга риоя этилишини, эркакларнинг асоссиз тарзда аёлларни жазолашига йўл қўймасликни кузатиб борган... Ҳеч ким аёлни уриши, ҳатто ҳақорат қилиши мумкин эмас эди”². Агар шундай эркак учраб қолса, у қаттиқ жазоланган, жаримага тортилган, ҳатто қатл этилган. Бундай уруғ, қабилада аёл ижтимоий ҳаётнинг бош субъекти эди, унинг амрига, иродасига нафақат аёллар, шунингдек эркаклар ҳам сўзсиз итоат этишган.

Г.Плоссъ қадимги Ҳиндистонда, брахманизм қарор топмасидан олдинги даврларда аёл билан эркак teng мавқега эга бўлганлигини қайд этади³.

Тарихий манбаларга кўра, мамлакатимиз ҳудудида ҳам матриархат босқичи аёлнинг мавқенини улуғлаган, уни уруғ, қабила раҳнамоси даражасига кўтарган. Махсус тадқиқотлар кўрсатадики, бундан 40 минг йиллар олдинги архонтроп ва палеонтролар давридаги уруғ, қабила ҳаётини бошқариш аёллар кўлида бўлган. Фарзанд туғиши, оиласи ҳаётни олиб бориши, термачилик, кейинчалик ер ҳайдаш, дехқончилик билан шуғулланиши аёлнинг ижтимоий мавқенини оширган. Натижада овчилик билан шуғулланадиган эркак эмас (овчилик ҳар доим ҳам омадли бўла-

¹ Қаранг: Ртвеладзе Э. В., Сайдов А.Х., Абдуллаев Е. В. Очерки по истории цивилизации древнего Узбекистана: государственность и право. Ташкент: Адолат, 2000. С. 12–13.

² Плоссъ Г. Женщина в естествоведении и народоведении // Антропологические исследования. Сыктывкар-Киров: Вятка, 1995. С.282.

³ Ўша жойда.

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ
вермаган, бу омил эркак мавқеига таъсир этмаслиги мумкин эмас зди, албатта), балки аёл уруғ, қабила, оила бошлигига айланган¹.

Матриархат даврида аёл ижтимоий ҳаётнинг бosh субъекти бўлгани халқ оғзаки ижоди намуналарида, миф ва афсоналар, эртакларда ҳам ёрқин из қолдирган. Изида, Деметра, Церера, Астарта каби худолар ва афсонавий қаҳрамонлар энг қадимги даврларда, матриархат даври таъсирида яратилган. Ушбу образларда аёл ижтимоий ҳаётнинг энг фаол субъекти, уруғ, қабила раҳнамоси, адолат ва эзгулик учун ботир жангчи, курашчи, ҳатто эркаклар салтанати ва лашкарини ҳам тор-мор этишга қодир қаҳрамон сифатида тасвирланади. Бундай мисолларни ўзбек халқи ижодидан ҳам кўплаб келтириш мумкин.

Шундай қилиб, матриархат давридаги аёлнинг мавқеи, уруғ, қабила ҳаётида тутган ижтимоий ўрни эркакларнидан юқори зди. Айнан ушбу омил кейинчалик оила, жамият, давлат институтларининг пайдо бўлишига, бошқариш тизимларини, хукуқий ва одатий нормаларни яратишга олиб келди, "ҳокимият", "давлат", "зўравонлик", "адолат", "озодлик", "хукуқ", "қонун", "бошқариш", деган тушунчалар шаклланди².

Ижтимоий-тарихий тараққиётнинг келгуси босқичларида ижтимоий ҳаётнинг субъекти сифатида аёлга бўлган муносабатларда ўзгаришлар, ҳатто аёл ва эркакни бир-бирига антогонист сифатида қарши қўювчи таълимотлар пайдо бўлади. Аёлнинг ижтимоий-сиёсий борлиқни яратувчи, бошқарувчи қобилиятга, кучга эга эканини шубҳа остига олувчи қарашлар ҳанузгача мавжуд, шу боис "аёллар масаласи" тараққийпарвар, демократик кучлар диққатини тортмоқда.

Ижтимоий ҳаётда, уруғ, қабилани бошқаришда эркаклар ролининг ортиши, патриархатнинг пайдо бўлиши билан аёлга, унинг ўрнига бўлган муносабатлар ҳам ўзгаради, аёлни завжа, уй қўриқчиси, тарбиячи, насл яратувчи, "эркакнинг қовурғасидан

¹ Қаранг: Ртвеладзе Э. В., Сайдов А.Х., Абдуллаев Е. В. Очерки по истории цивилизации древнего Узбекистана: государственность и права. Ташкент: Адолат, 2000. С. 13–14.

² Қаранг: Ходжаева С. А. Правовая культура и проблемы развития социально-правовой активности женщин Республики Узбекистан (историко-правовое исследование): Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. Ташкент, 2003. С.11.

яратилган" деган қарашлар тарқалади. Аёлнинг ижтимоий-сиёсий борлиқдаги ўрни, субъектлиги, фаоллиги тобора кам эсланадиган бўлади. Машхур Ману қонунларида қуидагиларни ўқиймиз: "Аёллар бад қилиқлардан асралиши лозим; агар улар назоратсиз қолса, оиласа баҳтсизлик олиб киради. Аёл табиатан эркакни йўлдан уришга мойил, шунинг учун эркак энг яқин аёл қариндоши билан ҳам якка қолмаслиги даркор. Аёл – беҳаёлик манбаи, у – нифоқлар манбаи... Ушбу сабаблар боис аёллар бутунлай эркаклар кўл остида бўлиши керак. Қизча, қиз, хотин ҳатто ўзининг уйида ҳам, ўзининг Иродасини англамаслиги зарур. Ниҳоят: хотин умр бўйи зерини эъзолаши, ҳатто эри ўлгач ҳам, уники бўлиши керак..."¹.


Хотин-қизларнинг ижтимоий субъектлигини рад этувчи, уларнинг инсон эканини менсимайдиган қарашларни биз инсоният тафкурига улкан ҳисса қўшган мутафаккирлар, ижодкорлар, файласуфлар ижодида ҳам учратамиз. Ҳомер "Аёлдан ҳам ҳалокатли нарса йўқ" деса, етти донишманднинг бири, фалсафа фанининг асосчиси ҳисобланадиган Фалес ўзининг аёл бўлиб туғилмаганига ҳамду санолар айтади. Сукрот, "эркак қаҳридан кўра, аёл меҳридан қўрқиши керак"², дейди. Аристофан эса бошқариш ишларини ўз қўлларига олмоқчи бўлган аёлларни мазахона иборалар билан тасвирлайди³. Бундай фикрларни Будда, Конфуций, Платон, Аристотель, Шопенгауэр, Ницше асарларида ҳам учратишимиз мумкин. Энг ҳайратланарлиси шундаки, эркакнинг сиёсий борлиқдаги ўрни, мавқеи ортишига мувофиқ ҳолда – тескари тарзда аёлнинг ижтимоий ҳаётдаги ролига салбий муносабат кенгайиб борди. Эркак мулкий муносабатларнинг асосий субъекти сифатида ижтимоий-тарихий тараққиёт саҳнасига чиққач, аёлнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш одатий ҳолга айланди. Солоннинг "аёл бошқариш ҳақида ҳеч нимани фикрламайди, шунинг учун у аёл, хизматкор ва ёрдамчи ролини ўйнаши зарур"⁴ деган тартиби кейинги асрларда

¹ Қаранг: П л о с с ь Г. Женщина в естествоведении и народоведении // Антропологические исследования. Сыктывкар – Киров: Вятка, 1995. С.308.

² Қаранг: А л и м а с о в В. Фалсафа ёхуд фикрлаш чанқоғи. Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ нашр., 2007. 192-бет.

³ Қаранг: Аристофан. Комедии. В 2-х т. Т. 2. М.: Искусство, 1983. С.345–347.

⁴ Қаранг: Энциклопедия афоризмов. Классическая философская мысль. Минск: Совр. лит-ор, 1999. С.19–20.



кенг тарқала борди. Фақат XIX асрға келиб аёлларнинг инсоний хуқуқларини тиклаш, уларни турли зўравонликлардан, камситишлар ва ғайриинсоний одатлардан ҳалос қилиш учун уюшган оммавий ҳаракат бошланди, ҳалқаро миқёсда зарурй нормаларни қабул қилишга киришилди¹. Бу борада Ж.А. Кондорсе (“Аёлларни фуқаролик хуқуқига киритиш ҳақида” асари), Олимпия де Гуж ва Луиза Лаколиб (“Аёллар хуқуқи” асари, кодекси), Т.Г. фон Гиппел (“Аёлларнинг фуқаролик аҳволини яхшилаш ҳақида” асари) нинг ижтимойй-сиёсий чиқишлиарини эслаш мумкин. Кейинчалик Шимолий Америка, Янги Зеландия, Австралия, Финляндия, Норвегия, Швеция, Англия, Германия, Австрияда олиб борилган феминистик ҳаракатлар XX асрда аёлларнинг тўла сиёсий хуқуқса эга бўлишини таъминлади².

Хотин-қизларнинг давлат бошқаруви тизимида субъект сифатида фаолият юритиши ижтимойй-сиёсий институтлар олдидаги функциялар билан чамбарчас боғлиқdir. Аёллар давлат бошқаруви тизимида қатнашар экан, энг аввало ушбу бошқарув тизимининг функционал хусусиятларидан, уларни бажариш технологиясидан яхши хабардор бўлишлари шарт.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, давлат ва унинг тизимларига хос бўлган функцияларга иқтисодий вазифаларни бажариш, ижтимойй вазифаларни ҳал этиш, хукуқ-тартиботни муҳофаза этиш, табиатни асраш, бошқа давлатлар билан алоқалар ўрнатиш, мудофаани ташкил этиш кабилар киради³. Демак, аёлларнинг давлат бошқаруви тизимидағи функциялари уларнинг субъектив коҳиш ва истакларининг инъикоси эмас, улар ўз билими, иродаси ва хатти-ҳаракатларини давлат функцияларига боғлайдилар, давлат манбаатларига бўйсунтирадилар. Давлат бошқарувининг ушбу фундаментал талаби субъектлар олдига ўз талабларини кўяди ва ушбу талабларга жавоб берган, уларни ўз фаолиятида ўринли тадбиқ эта олган шахсгина ижтимойй-сиёсий ҳаётда фаол қатнаша олади.

Шу билан бирга хотин-қизлар давлат бошқаруви тизимининг нафақат субъекти, шунингдек объекти ҳам эканини унутмаслик

¹ Сафәева С. Аёллар масаласи: умумижтимоий ва миллий жиҳатлар. Тошкент: Ўзбекистон, 2003. 27-бет.

² Ўша асар. 33–34-бетлар.

³ Сайдов А., Тожиконов У. Давлат ва хукуқ назарияси. Тошкент: Адодат, 2001. 195–206-бетлар.

даркор. Демократик давлатнинг бош принципи инсонга хизмат қилиш экан, у шубҳасиз, барча объектлар эҳтиёжлари ва талабларини ҳисобга олишга мажбур. Демак, хотин-қизлар объект сифатида ҳам, инсон сифатида ҳам бошқарув олдига ўз талаб ва эҳтиёжларини кўяди, уларнинг қондирилишини истайди. Бу эса уларнинг объект сифатида давлат бошқаруви тизимига маълум бир вазифалар қўйишига замин яратади, яъни улар ўз функцияларини бошқарув тизимига олиб киради. Бизнинг фикримизча, мазкур вазифалар аёлларнинг қўйидаги ижтимоий ва демографик ҳолатини ифода этувчи, улардан келиб чикувчи функциялардан иборатdir.

1. Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий хукуқларини таъминлаш.

2. Оиласда гендер тенгликни қарор топтириш, дискриминацияга қарши кураш.

3. Давлат ва жамият ишларини бошқаришга аёлларни кенгроқ жалб этиш.

4. Бошқарув тизимини такомиллаштиришга кўмаклашиш.

5. Фуқаролик институтларининг ривожланишига эришиш.

6. Маънавий-маърифий тадбирлар уюштириш орқали ёш авлодни тарбиялашга ўз ҳиссасини кўшиш.

Кўриниб турибдики, ушбу функциялари билан хотин-қизлар давлат бошқаруви тизимига ижтимоий вазифаларни тўла бажариш борасида ёрдам беради, ҳатто унинг айrim функцияларини ўз зиммасига олади.

Давлат бошқаруви тизимининг мажбурий функциялари билан хотин-қизларнинг ихтиёрий функциялари субстанционал аҳамиятига, келиб чиқиши ва ижтимоий-сиёсий борлиққа таъсир этишига кўра бир-бирига диалектик боғлиқдир. Агар хотин-қизлар давлат бошқаруви тизимининг функцияларини масъул ҳодим, раҳбар, ташкилот аъзоси сифатида ўз устига олишга мажбур бўлса (у ҳолда хотин-қизлар давлат бошқаруви тизимининг мажбурий функцияларини бажаришга масъулдирлар), жамоатчи, фаол сифатида эса ўзлари ҳам ихтиёрий функцияларини бошқарув тизими фаолиятига олиб кирадилар. Мажбурий функциялар кўпроқ масъул ҳодим – аёлларга, ихтиёрий функциялар жамоатчи, фаол аёлларга тааллуклидир. Бироқ, мажбурий функциялар очик кўринишида бўлмаса-да, жамоатчи аёллар фаолиятига, фаолиятнинг мазмуни

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ

ва ташкил этилишига таъсир қилмай қолмайди. Жамоатчи аёлларнинг ижтимоий-сиёсий борлиққа таъсири мажбурий функцияларни түрни англағани, уларни бажаришга құшган ҳиссаси билан белгиланади. Шунинг учун жамоатчи хотин-қизларнинг ихтиёрий функциялари улар ижтимоий-сиёсий фаоллигининг ифодаси сифатыда бутун бошқарув тизимиға, унинг самарали ишлашига таъсир күрсатади. Ихтиёрий функцияларини, жамоатчилик фаолиятини давлат бошқарув тизимининг мажбурий функциялари билан үйғунлаштира олган аёлгина ижтимоий-сиёсий борлиқни яратувчи, керак бўлса, уни ўзгартирувчи, янгиловчи ёки ривожлантирувчи субъектга айланади. Демак, субъект шунчаки фаолият олиб борувчи эмас, балки ижтимоий-сиёсий борлиққа, давлат бошқарув тизимиға фаол таъсир этувчи шахсадир.

Хотин-қизларнинг давлат бошқарув тизими, ижтимоий-сиёсий борлиқнинг фаол субъекти экани кратологик (давлат аҳамияти) моҳиятга әгадир. Янги давлат бошқарув тизими шакланаётганида, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, демократик қадриятларнинг қарор топишидаги ўрни беқиёс аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам Президентимиз Ислом Каримов фуқароларни, шу жумладан аёлларни ҳам, жамият ва давлат қурилиши ишларига жалб қилиш – миллий демократик тараққиётнинг асосий шартларидан бири эканлигини таъкидлайди. “Ҳокимият тузилмаларининг демократик мазмуни, – дейди Президентимиз, – кўп жиҳатдан давлатни бошқаришда фуқароларнинг иштирок этиши масаласи қанчалик ҳал қилинганлиги билан белгиланиши маълум. Ўзбекистонда ушбу ҳукуқнинг амал қилиши учун қонун асослари яратилган. Бироқ ҳали жамият ва фуқаролар давлатни бошқаришда иштирок этиш, ўзлари қандай бошқарилаётганлиги ҳақида маълумот олиш ҳукуқини англай бошлашига ва бу ҳукуқдан фойдалана оладиган бўлишларига эришиш керак. Шундай шароитдагина давлат ва унинг институтлари, мансабдор шахслар жамият ва фуқаро олдидаги ўз масъулияtlарини ҳис қиласидилар. Бунинг учун фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш зарур. Барқарор, мустаҳкам тизимларда, агар фуқароларнинг сиёсий манфаатларини рўёбга чиқариш учун ҳамма ҳукуқий, демократик шарт-шароитлар яратилган бўлса, аҳолининг ўзи ихтиёрий равишда, профессионал асосда мамлакатнинг сиёсий ҳаётида тобора кенг

иштирок этади"¹. Ушбу методологик ахамиятта эга фикрдан келиб чиқсан, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий борлиқнинг фаол субъекти эканлиги – уларнинг давлатни бошқариша ихтиёрий тарзда, профессионал асосда кенг кўламда иштирок этишидадир.

Кратологик нуқтаи назардан хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги давлатнинг сиёсий тизимдаги ўрнига таъсири билан ҳам белгиланади. Ҳатто, ушбу таъсир, аёлларнинг давлат бошқарув тизимининг фаол субъекти эканини билдирувчи асосий мезонлардан биридир.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, давлатнинг жамият сиёсий тизимидағи ўрни қуйидагиларда акс этади:

биринчидан, давлат асосий ишлаб чиқариш қуролларининг мулк эгаси, у жамиятнинг барча аъзолари, шунингдек, айrim фуқаролар манфаатлари йўлида ривожланишининг асосий йўналишларини белгилайди;

иккинчидан, давлат барча фуқароларнинг уюшмаси сифатида фаолият кўрсатади;

учинчидан, давлат бошқарув ва мажбурловнинг маҳсус аппаратига эга;

тўртинчидан, давлат турли-туман ишонтириш ва мажбурлов усулларидан фойдаланиш имконини берадиган кенг тармоқли юридик воситалар тизимига эга;

бешинчидан, давлат мустақилdir;

олтинчидан, бутун мамлакат миқёсида давлат тўла ҳокимиятга эга ягона ташкилотdir².

Хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий борлиқнинг, энг аввало, субъектлари сифатида давлат бошқарув тизимининг юқоридаги жиҳатларига, масъул ходим, раҳбар бўлганида бевосита, жамоатчи, фаол бўлганида эса билвосита таъсир этади. Ушбу таъсирнинг манбаи давлатнинг демократик характеристери билан белгиланади. Агар давлат демократик бўлмаса, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, жамоатчиликнинг барча саъй-ҳаракатлари беиз кетади. Давлатнинг демократик характеристери фуқароларнинг, шу

¹ Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент: Ўзбекистон, 1997. 173-174-бетлар.

² Сайдов А., Тожиҳонов У. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Тошкент: Адолат, 2001. 126-бет.

жумладан аёлларнинг ҳам, ижтимоий-сиёсий фаоллигига кратологик моҳият баҳш этади, яъни демократия аёлларнинг ижтимоий-сиёсий борлиқни такомиллаштиришига қаратилган фаоллигини тараққиёт учун зарур, давлат бошқарувини ривожлантиришга хизмат қиласидиган воқеликка айлантиради.

Профессорлар А.Х.Сайдов ва У.Тожихонов юқоридаги фикрларида тўғри кўрсатадилар: давлат – асосий ишлаб чиқариш куролларининг мулк эгаси ҳисобланади. Аммо бу давлатнинг барча фуқаролар манфаатларини ифода этишига халақит бермайди. Ҳатто хусусий мулк тан олинган, фуқароларда хусусий мулкчилик ҳаёт тарзига айланган тақдирда ҳам, давлат уларнинг манфаатларини ҳимоя қиласи. Давлатнинг ушбу демократик характери аёлларнинг ҳам хусусий мулк эгаси бўлишига халақит бермайди, балки, аксинча, давлат, ўзининг демократик характеридан келиб чиқиб, аёлларнинг хусусий мулк эгаси бўлишини қўллаб-кувватлади. Шу тариқа давлат барча фуқароларнинг уюшмаси сифатида фаолият кўрсатади¹.

Фуқароларининг иқтисодий фаоллиги орқали жамият тараққиётини таъминлаш стратегиясини ишлаб чиқиш, моддий фаровонликка эришишни таъминлаш давлатнинг функцияларидан бири ҳисобланади. Фуқароларнинг иқтисодий фаоллиги га таяниш, уни ижтимоий-сиёсий борлиқнинг таркибий қисмига айлантириш кратологик аҳамиятга эгадир. Шунинг учун аёлларнинг иқтисодий фаоллигини, бозор муносабатларини ривожлантиришига қаратилган саъй-ҳаракатларини ижтимоий-сиёсий фаолликка қарши қўйиш ёки ундан айрича тасаввур этиш мумкин эмас.

Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий борлиқни яратиш ва модернизациялашдаги фаол субъектлиги давлатнинг халқаро майдондаги нуфузига ҳам таъсир этади. Бугун давлатлараро интеграция глобал воқеликка айланаштганда, жаҳон ҳамжамияти, халқаро хотин-қизлар ташкилотлари ҳар бир давлатдаги аёллар масаласини синчковлик билан кузатмоқда, улар давлатларнинг демократик принципларга мувофиқ фаолият юритаётганини, халқаро конвенциялар шартларини тўла бажараётганини ижтимоий назорат қилмоқда. Бундай шароитда аёлларни жамият ва

¹ Ўша жойда.

давлат ишларини бошқаришга жалб этиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий субъектлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар кўриш кратологик моҳият касб этмай қолмайди.

Демак, аёллар масаласи фақат аёлларга тааллуқли эмас, у бутун жамият тараққиётига, давлат бошқаруви тизимини такомиллаштиришга ҳам хизмат қиласидиган ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий характерга эга ҳодисадир.

1.2. Давлат бошқаруви тизимининг объектлари ва уларнинг ижтимоий белгилари

Давлат бошқаруви тизимининг бош мақсади инсон фаолиятини, инсонларо муносабатларни, меҳнат ва жамоат ташкилотларига бирлашган кишиларнинг хатти-ҳаракатларини, ишлаб чиқариш қуроллари ҳамда табиий бойликлардан фойдаланиш жараёнларини бошқариш, ташкил этишдир. Ушбу жараёнлар давлат бошқаруви тизимининг объектлари ҳисобланади. Шунинг учун объектга жонли (инсон) ва жонсиз (ишлаб чиқариш қуроллари, табиий бойликлар) нарсалар киради.

Объект ҳақида кўплаб гносеологик тадқиқотлар ўтказилган, уларни таҳдил қилиш ёки янги бир назария яратиш бизнинг вазифамизга кирмайди. Энг муҳими шундаки, нима учун объект (инсон, аёл, хотин-қиз) субъект (инсон, аёл, хотин-қиз) учун зарур? Субъект объектни ҳаракатга, ижтимоий-сиёсий фаолликка чорлайдими ёки фаоллик объектнинг имманент хусусиятими? Давлат бошқаруви тизимлари объект фаоллигини ташкил этишдан қандай фойда кўради ёки бундай фаоллик объектнинг фақат ўзи учун зарурми? Объектнинг ижтимоий белгилари қандай, улар ҳар доим ҳам субъектнинг талабларига жавоб берадими? Жамият модернизациялашаётган бир пайтда объектнинг ижтимоий белгиларида қандай трансформациялар рўй бермоқда? Мазкур саволларга жавоб излаш мавзудаги асосий мақсадимиздир.

Инсон ҳар қандай бошқарув тизими учун бир вактнинг ўзида ҳам субъект, ҳам объектдир. Илмий адабиётларда субъект фаол, объект нофаол, ижрочи сифатлари билан ажратилади. Ижтимоий ҳаётга фаол муносабатда бўлиш субъектнинг, ижтимоий жараёнларнинг кузатувчиси ёки уларга мутлақ бефарқ бўлиш объект-

нинг ўзига хос белгиси, деб қараш кенг тарқалган. “Объект тушунчаси, – дейилади, “Билиш фалсафаси” асарида, – субъектга қарама-қарши бўлган, субъектнинг амалий, баҳоловчи ва билиш фаолияти йўналтирилган нарса, воқеа, ҳодиса ва бошқаларни ифодалайди... “Субъект” ва “объект” тушунчаларида нисбийлик моменти мавжуд: агар бир пайтда бир хил нарса объект бўлса, бошқа шароитда эса субъект бўлиши мумкин ва аксинча... А. талаба бўлиш субъектидир ва айни В. талаба учун у билиш обьекти бўлиши мумкин. Л.Фейербах айтганидек: “Мен – ўзим учун субъект, бошқалар учун эса обьектман, яъни хулоса шуки, “мен” субъект ҳам, обьект ҳам бўлишим мумкин!”¹. Демак, бу – инсоннинг бир вақтнинг ўзида субъект ёки обьект бўлиши мумкинлиги асиомасидир. Бироқ, савол туғилади. Агар инсон бир вақтнинг ўзида билишнинг, бошқаришнинг ҳам субъекти, ҳам обьекти бўлса, уларнинг функционал белгилари нима бўлади? Ҳар қандай бошқариш субъект ва обьект функцияларини, вазифаларини, хатти-ҳаракатларининг доираларини чегаралаб, аниқ белгилаб қўйишни тақозо этади-ку?! Бу эса инсонни бир вақтнинг ўзида ўзи учун ҳам субъект, ҳам обьект бўлиши мумкинлигини шубҳа остига қўяди. Маэкур гносеологик муаммо устида биз навбатдаги мавзуда батафсил тўхталамиз, ҳозир шуни айтишимиз керакки, инсоннинг бошқариш субъекти ёки обьекти бўлиши энг аввало унинг ўзига, иродасига, билими ва уни ҳаётга жорий этишга қаратилган фаолиятига боғлиқдир. Чунки, субъект ва обьект ҳақидаги фикрларни ушбу ёндашибдан айрича қўйиш, таҳлил қилиш мумкин эмас. Ижтимоий детерминация инсон онгига ва ўзини, ўзлигини намоён этишга қанчалик таъсир этмасин, ушбу таъсирни инсон энг аввало ўзининг маънавий-рухий онги, тафқури ва ҳаётий тажрибаси синтезидан ўтказибгина ё субъект (фаол), ёки обьект (нофаол кузатувчи) сифатида ҳаракат қиласиди. Айнан ушбу “ички синтез” субъект ёки обьектнинг ижтимоий белгиларини ҳам белгилаб беради, уларнинг ижтимоий-сиёсий борликда намоён бўлишига хизмат қиласиди.

Давлат бошқарув тизими инсон фаолияти ва характеридан, ҳаётий мақсадига эришиш йўлидаги саъй-ҳаракатларини ташкил этиш ва рационал бошқаришга интилишидан бошқа нарса

¹ Билиш назарияси. Тузувчи ва таржимон Қ.Назаров. Тошкент: Университет, 2005. 105-бет.

эмас. Бошқарув тизими у ёки бу даражада, бевосита ёки билвоси-та инсон билан, унинг ўзини ўзи бошқариши, идора этиши билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий фаолият туридир. Шундай экан давлат бошқаруви тизимининг парадигмал хусусиятлари, фундаментал вазифалари инсон ҳаётий мақсадининг, ўзини ўзи бошқаришга (бу ҳам демократия) интилишининг инъикосидир.

Маълумки, инсон фаолияти, инсоннинг ҳаётий мақсади, ўзини ўзи бошқариш (ушбу бошқариш орқали ўзини ўзи намоён этиш, ички маънавий-рухий, интеллектуал салоҳиятидан фойдаланиш) га бўлган интилиши динамик хусусиятга эга ҳодиса ҳисобланади. Ушбу динамик хусусият бошқарув тизимини ҳам динамик ҳаракат қилишга, динамик тизимга айлантиради. Агар бошқарув тизими динамик хусусиятини йўқотса, инсон интилишларига жавоб беролмаса, консерватив воқеликка айланади ва жамиятнинг динамик ривожланишига салбий таъсир кўрсатади.

Шу билан бирга ижтимоий детерменистик таъсир ҳаддан ташқари қўп, гоҳо бошқарув тизими имкониятларидан кенг бўлиши ҳам мумкин эмас. Бу тақдирда бошқарув тизими ижтимоий детерминизмга жавоб беролмай қолади, натижада бошқарув тизими ўзининг яшовчанлигини, эгилувчанлиги ва ҳозиржавоблигини йўқотади¹.

Тўгри, ижтимоий детерминизм қуйи бошқарув тизимларини юқори масъулият, юқори ташкилотчилик билан фаолият кўрсатишга, жамиятнинг динамик ривожланишига мувофиқ ишлашга етаклайди, лекин у бошқарув тизимининг ўзини ўзи идора этиш имкониятларини ҳисобга олишга мажбурдир. Масалан, республика-мизда ташкил этилган фуқаролар йиғини қошидаги диний, маърифий-маънавий ишлар ва хотин-қизлар билан ишлаш бўлимларида жамоатчи аёлларнинг ўз вазифасига ўта расмиятчилик билан ёндашиш ҳоллари учраётгани кузатилади. Шунинг учун ҳам мазкур бўлимдаги фаол аёлларнинг деярли 80 фоизи узоғи билан бир йил, 10-12 фоизи – икки йил, 6-7 фоизи уч йил фаолият кўрсатади. Бунинг асосий сабабларидан бири – юқори идораларнинг тинмай турли ҳисоботлар талаб этиши, бўлим ва фуқаролар йиғинининг моддий имкониятларига мувофиқ келмайдиган тадбирлар ўтказишни талаб этишидир. Демак, давлат бошқаруви тизими билан аёллар-

¹ Қаранг: У краинце в Б. С. Самоуправляемые системы и причинность. М.: Мысль, 1972. С.41.

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ
нинг ижтимоий-сиёсий фаолияти, ушбу фаолиятни амалга ошириш имкониятлари ўртасида мутаносиблик, уйғунлик бўлиши шарт.

Давлат бошқаруви тизимининг кенг, ижтимоий-сиёсий миқёсдаги объекти, тадқиқотимиз предметига мувофиқ аёллар қатлами, аёллар аудиториясидир. Ўзбекистон Республикасида ушбу қатлам ва аудитория мамлакатимиз аҳолисининг 51 фоизини ташкил этади. Аммо маэкур қатлам, аудитория ўзининг ички тизимлари ва ижтимоий белгиларига эга. Аёлларни ижтимоий-сиёсий борлиқ субъектига айлантириш түғрисида гап кетганида уларни ҳисобга олиш талаб этилади.

Хотин-қизлар қатлами ва аудиториясининг ички тизимлари деганда, биз уларнинг психофизиологик ҳолатини, онтогенетик ўсишини, ривожланишини назарда тутамиз. Уларни:

- қизча, қизалоқ;
- болалик ва ўсмирилик;
- вояга етганлик;
- оналик (репродуктивлик);
- норепродуктивлик;
- кексалик каби даврларга ажратиш мумкин. Упбу даврларда аёл организми ва ҳолатида маълум бир психофизиологик ўзгаришлар, силжишлар содир бўлади, улар аёлнинг ижтимоий ҳаётга муносабатига таъсир этмай қолмайди. Махсус кузатишлардан маълумки, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, асосан, норепродуктивлик даврига тўғри келади. Бу даврни 40-60 ёшлар билан белгилаш мумкин.

Норепродуктив даврда аёллар бола туғиши ва фарзандлар тарбиясидан бироз халос бўлади, улар оиласидан юмушлардан кейин ижтимоий ҳаётда қатнашишга вақт топадилар. Бундан ташқари, бу даврга келиб, аёллар ижтимоий ҳаёт ҳақида, бошқариш технологияси түғрисида маълум бир билим ва амалий тажрибага эга бўладилар. Норепродуктив давр аёлларнинг ижтимоий-сиёсий борлиқдаги репродуктив давриди. Аёлларни ижтимоий-сиёсий фаолиятга жалб этганда, маэкур омилни ҳисобга олиш лозим.

Тажриба кўрсатадики, аёлларнинг барчаси ҳам ижтимоий-сиёсий фаол бўла олмайди, уларга бундай талаб қўйиш инсон психологиясини ҳам, ижтимоий борлиқ қонуниятларини ҳам билмаслиkdir. Кўп ҳолларда аёллар ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаолликни эмас, балки маънавий тарбия, маданият, ҳалқ ижоди ва рекреация соҳаларида ўзини намоён қилишни маъкул кўра-

дилар. Фалсафа фанлари доктори В.Алимасов Фарб файласуфларига эргашиб: “Аёлда ижтимоийлик, ўзликни англаш ва мардлик кам, у ушбу хислатларни оиласига нисбатан кўрсатиши мумкин. У ўзини шахс сифатида намоён этиш учун эркакдек курашмайди, аёл табиатида мавжуд ҳаётга, муносабатларга кўникиш туйгуси устундир”¹, – деб ёзади. Бу ўринда олим юқоридаги омилни назарда тутмоқда, яъни барча аёллар ҳам ижтимоий-сиёсий соҳада фол бўлавермайди. Ҳатто, бундай ҳол эркакларнинг барчасида ҳам кузатилмайди. Аммо, В.Алимасовнинг “аёл ўзини шахс сифатида намоён этиш учун эркакдек курашмайди, унда мардлик, ижтимоийлик кам”, деган сўзларига кўшилиш қийин. Фарзанд туғиб, уни оёқقا қўйиш, инсон сифатида шакллантириш, уй-рўзгор ишларини сидқидилдан, ҳар куни, эринмай, сабр-тоқат билан олиб бориш мардлик, ижтимоийлик эмасми?

В.Алимасовнинг “Эркакларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги аксиома бўлиб қолмоқда. Ушбу омилни ҳисобга олмаслик, ҳар қандай гендер тенглик ҳақидаги ғояни йўққа чиқаради”,² – деган фикрига фалсафа фанлари доктори А.Хусейнова ҳақли эътиroz билдириб, ёзади: “Биринчидан, давлатни бошқариш фаолиятида эркаклар сонининг кўпчиликни ташкил этиши, ҳали уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини аксиома, деб таърифлашга асос бўлолмайди. Ҳа, бошқаришнинг юқори поғоналарида эркаклар устун туришини инкор қилиб бўлмайди, аммо ижтимоий-сиёсий борликни фақат ушбу поғона белгиламайди. Бошқаришнинг ўрта ва қуий поғоналари ижтимоий-сиёсий фаоллигисиз юқори поғона ҳеч қандай муваффақиятга эриша олмайди. Ижтимоий-хукуқий, маданий-маърифий, таълим-тарбия, коммуникация, медицина ва сервис соҳаларининг ўрта ва қуий поғоналарида аёллар 70-85 фоизни ташкил қилмоқда. Ҳўш, шундай экан, эркакларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги аксиома бўлиши мумкинми? Бизнинг фикримизча, йўқ. Иккинчидан, бошқаришнинг юқори поғоналарида етакчилик қилаётган эркаклар гендер тенгликни таъминлашга салбий таъсир ўтказиши мумкинми? Йўқ. Юқори поғона ўз манбаатларига мос қонунлар, кўрсатмалар, дастурлар ва режалар қабул қилиши мумкин, бироқ улар

¹ Алимасов В. Гендер фалсафаси. Тошкент: Фалсафа ва ҳукуқ инст., 2008. 120-бет.

² Ўша асар. 48-бет.

(қонунлар] жамият манфаатларига, эркакларнинг истакларига ва демократик қадриятларга мос келмаса, ижтимоий натижаларга олиб келиши қийин. Демак, гендер тенглиники таъминлаш – жамиятнинг демократик тараққиёт талаблари билан боғлиқ воқеликдир, уни фақат юқори поғона орқали таъминлашни тасаввур қилиб бўлмайди¹.

Аслида, бу ўринда баҳс аёлнинг ижтимоий-сиёсий борлиқда қанчалик субъект ва қай даражада объект эканлиги ҳақида бормоқда. В.Алимасов аёлларнинг баъзилари ижтимоий-сиёсий фаол (субъект), кўпчилиги эса ижтимоий-сиёсий нофаол (объект), деган фикрга мойил бўлса, А.Хусейнова аёлларнинг бошқа соҳалардаги фаоллигидан келиб чиқади, шу тариқа у ижтимоий-сиёсий фаоллик доирасини кенгайтирмоқчи бўлади. Тўғри, бошқа соҳалар ижтимоий-сиёсий ҳаётга таъсир этмай қолмайди, аммо уларда айнан ижтимоий-сиёсий борлиққа қаратилган фаолият юқори бўлмаса-да, ҳозирги демократик жамият, қабул қилинган ҳукуқий-меъёрий хужжатлар, давлат сиёсати, аёлларни, уларнинг хоҳиш-истак ва қонуний интилишларига мувофиқ, ижтимоий-сиёсий борлиқнинг фаол субъектларига айлантиришга тайёр. Энди гап аёлларнинг ўзини ҳаракатга келтириши, ўзини обьектдан субъектга айлантиришидадир.

Давлат бошқаруви тизими учун нафақат фаол аёллар, субъект, худди шунингдек аудитория, ижрочи, қабул қилинган қонун ва қарорларни ўзининг хатти-ҳаракатларига тадбиқ этувчи обьектлар ҳам зарурдир. Бошқарув тизимининг обьекти бўлиш бошқарув тизимини ҳам, обьектни ҳам бирининг иккинчиси олдида масъулликдан халос қilmайди. Ушбу масъулликни бажариш учун ҳам обьект субъект учун, субъект эса обьект учун зарурдир. Бу нафақат бошқарув ишларини йўлга қўйиш, шунингдек ижтимоий муносабатларни рационал ташкил этиш орқали жамият тараққиётини таъминлаш шарти ҳамdir.

Ижтимоий-сиёсий фаоллик обьект (аёл)нинг имманент хусусиятидир. Аристотель, инсон ижтимоий, сиёсий мавжудот², деганида ҳақ эди. Чунки инсон ўз хатти-ҳаракатларини нафақат бошқаларнинг манфаат ва интилишлари билан боғлиқлигини

¹ Хусейнова А. А. Фуқаролик жамияти ва аёллар. Бухоро, 2009. 68-бет.

² Аристотель. Сочинения. В 4-х т. Т.4. М.: Мысль, 1984. С. 63.

билади, худди шунингдек, ўз хатти-ҳаракатларини бошқаларнинг фаолияти, интилишлари билан уйғунлаштириш, гуруҳлар, жамоалар, партиялар тузиш омили эканини ҳам билади. Чунки “ижтимоий-сиёсий муносабатларда иштирок этиш эҳтиёжлари ва заруряти ҳар бир фуқарода манфаатларни фақат гурухий шаклдагина ифодалаш ва қондириш мумкин эканлигини англаб этишга замин яратади. Турли хил ижтимоий гуруҳлар ва табақаларнинг турлича манфаатларини ўзаро тўқнашувлар ва зиддиятларга киришиши, уларни ўзаро келиштириш ва мувозанатлаштиришсиз ҳал қилиб бўлмаслигини англаш жараёнлари табиий равишда халқчил жамият ва сиёсий ҳокимиятга бўлган эҳтиёжларни шакллантиради”¹.

Демак, ижтимоий-сиёсий фаоллик турли манфаатларни уйғунлаштириш, инсоннинг ижтимоий мавжудотлигини асослайдиган гуруҳлар, жамоалар, партиялар тузиш учун ҳам зарурдир. Ҳақиқатдан ҳам, “турли манфаатлар мувозанатини фақат демократик жамият билан давлат ҳокимияти тизимлари ҳамкорлигига амалга ошириш мумкин... Шу сабабли ҳам, сиёсий онг турли хил ижтимоий гуруҳларнинг сиёсий институтлар ва сиёсий субъектлар билан ўзаро мулоқот ва муносабатларга киришиши учун зарурий эҳтиёжларни шакллантирди ҳамда расмийлаштириди”².

Ижтимоий-сиёсий фаоллик объективнинг ички имманент хусусиятлари бўлиб қолмайди, у ижтимоий-сиёсий борлиқда объективлаштиришни тақозо этади. Объективлаштирилмаган фаолият хаёл, орзу, шунчаки тилак, режа бўлиб қолаверади. Шунинг учун демократик принципларга амал қилувчи давлат бошқаруви тизими ижтимоий-сиёсий фаолликнинг объективлашишини кун тартибига қўяди ва ўз тараққиётининг манбаи деб билади. Объективлаштиришга чорлаш ҳар бир демократик давлатнинг вазифасидир.

Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий интилишлари, орзу-тилакларини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароит яратиб бериш, уларни объективлаштириш икки томон – аёллар учун ҳам, давлат бошқаруви тизими учун ҳам муҳимдир. Аёллар ўзини ўзи намоён қилиш, мавжуд билимини, тажрибаси ва салоҳиятини

¹ Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти. Тошкент: “Наврўз” нашр., 2003. 202-203-бетлар.

² Ўша асар. 203-бет.

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ

ифода этиш, уларни янада ривожлантириш имконига эга бўлсалар – давлат бошқарув тизими кенг аҳоли манфаатларига хизмат қилади, ўзининг халқ ҳокимияти эканини амалда исботлайди, аёлларнинг сиёсий маданиятини юксалтиради.

Давлат, унинг бошқарув тизими, умуман ижтимоий бошқарув ҳеч кимни бефарқ қолдирмаган, чунки ушбу институтларнинг фаолияти кишилар, халқ, миллат ҳёти, тақдири билан боғлиқдир. Шу боис ҳам аёллар, айниқса уларнинг ижтимоий-сиёсий фаол қисми ижтимоий-сиёсий борлиқ муаммоларини ҳал этишга ўз хиссасини қўшадилар.

Шу билан бирга ижтимоий-сиёсий фаоллик инсонда тайёр ҳолда, Платоннинг “минемзиси” каби, у билан бирга “туғилмайди”. У шакллантириладиган, ижтимоий тарбиявий воситалар орқали инсон онгига, хатти-ҳаракатлари ва турмуш тарзига сингдириладиган фазилатдир. Буни кўпинча давлат, унинг институтлари амалга оширади. Илмий адабиётларда у “сиёсий ижтимоийлашув” номини олган¹.

Демак, объективлаштириш, сиёсий ижтимоийлашув давлат бошқаруви ва жамият тараққиёти учун объектив заруриятдир.

Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий борлиққа муносабатлари уларнинг ижтимоий белгиларини, давлат бошқаришида самарали қатнашишини таъминлайдиган ижтимоий хислатларини билишга, ўрганишга ундайди. Ижтимоий-сиёсий ҳётнинг, давлат бошқарувининг полифункционал воқелиги, мураккаблиги аёлларнинг ижтимоий хислатларига маълум бир талаблар қўяди, чунки дуч келган обьект, киши давлат бошқарувини ўз зиммасига ололмайди, уни муваффақиятли бажаролмайди, бунинг учун у нафакат шахсий (индивидуал), шунингдек, ижтимоий (социал) белгиларга, хислатларга эга бўлиши шарт. Бу борада илмий адабиётларда, ҳатто аёлларнинг давлат бошқарувидаги муаммоларини махсус ўрганганд олимлар асарларида ҳам бирор тавсия учрамайди. Тўғри, юридик фанлари номзоди С.А.Ходжаеванинг номзодлик диссертациясида аёлларнинг ижтимоий-хукуқий фаоллигини, фазилатларини аниқлашга қаратилган назарий

¹ Қаранг: Пугачев В.П., Соловьев А.И. Введение в политологию. М.: Аспект-Пресс, 1999. С. 323–324; Туричев Б. Проблемы формирования политической культуры и демократизации современного общества. Ташкент: Изд. “Китоб”, 1991. С. 212.

портрет яратишига ҳаракат қилинганд. Унга кўра, аёлларнинг ижтимоий-хуқуқий фаоллиги, уларнинг: 1) шахсий; 2) ижтимоий; 3) ижтимоий-хуқуқий сифатлари орқали белгиланиши, айнан ушбу белгилар замонавий фаол аёллар портретини ташкил этиши кўрсатилади¹.

Тадқиқотчининг ёзишича, сиёсий-хуқуқий ва ижтимоий фаол аёл жамият ҳаётида фаол иштирок қилувчи, сиёсий партиялардан бирига аъзо, гуманитар олий маълумотга эга 41-66 ёшлардаги шахсdir. У оиласи, мудом даврий хуқуқий нашрлардан бирини ўқиб боради, хотин-қизалар ҳаракати тарихи ва замонавий гендер муаммолари билан қизиқади. У кишилардаги тўғриликни, ахлоқий хислатларни, ташкилотчилик ва ишчанликни ёқтиради, ўзи ҳам кишилар даврасида, диққат марказида бўлишга интилади. Хуллас, ижтимоий-хуқуқий аёл замон ва давр, кишилар ҳаёти билан қизиқувчи шахсdir².

Тадқиқотчи совет давридаги хуқуқшунос аёлларнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиб, уларни ҳозирги даврга проекция қилади, шу тариқа ижтимоий-хуқуқий аёл портретини яратади. У совет давридагидан фарқли тарзда ҳозирги давр аёлларида, уларнинг онги, билими, ижтимоий ҳаётга муносабатларида туб ўзгаришлар содир бўлганини кўрмайди, ўрганмайди. Натижада яратилган портрет ҳаётдан, ижтимоий борлиқдан узоқ назарий модель бўлиб қолади.

Биз кейинги бобларда, айниқса хотин-қизларимизнинг ижтимоий-сиёсий портретини яратганда, мазкур масала ҳақида кенгроқ тўхталамиз. Ҳозир шуни айтишимиз мумкинки, аёлларнинг ижтимоий белгилари давр, ижтимоий тараққиёт талабларига мувофиқ келгани учун уларнинг умумий йўналишлари ҳақида тўхталиб ўтишимиз мумкин.

Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий борлиқдаги ўрни ва мавқеи уларнинг сиёсий маданиятига боғлиқдир.

Фалсафа фанлари доктори, профессор Б.Т.Тўйчиевнинг ёзишича, сиёсий маданият жамиятнинг иқтисодий тизимига бевосита боғлиқ бўлиб, у маънавий ҳаётнинг барча соҳалари таъсирида шаклланана-

¹Ходжаева С. А. Правовая культура и проблемы развития социально-правовой активности женщин Республики Узбекистан (историко-правовое исследование): Автореф. дисс... канд. юрид. наук. Ташкент, 2003. С.19-20.

²Ўша асар. С. 20.

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИДА ХОТИН-КИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ

ди¹. Ушбу таъриф аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги доираларини ўрганишда биз учун муҳим методологик аҳамиятга эга. Чунки батъзи илмий адабиётларда ижтимоий-сиёсий фаолият жамият ва давлат ишларини бошқариш билан чегараланиб қўйиладики, бундай ёндашиш, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини фақат давлат бошқаруви тизимида иштироки билан чегаралаб қўйишга олиб келади. Биз эса хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари билан боғлиқ деб ҳисоблаймиз.

“Сиёсий маданият, – деб ёзади Б.Т.Тўйчиев, – кишиларнинг сиёсий хатти-ҳаракатлари учун устувор принциплар, жамоага унинг уюшқоқлигини таъминловчи қадриятлар тизими асосини ташкил этади.

У сиёсий хулқ-автор учун устувор принциплар, ижтимоий нормалар ва идеаллар сифатида ижтимоий институтлар ва ташкилотларни уюштиради, бир-бирига таъсирини таъминлайди, сиёсий соҳани яхлит ва интегратив характерини ифодалайди...”² Шу билан бирга олим сиёсий маданият сиёсий онг, сиёсий билим, сиёсий тажриба билан боғлиқ, инсон фаолиятининг қолган соҳаларини интеграция қилувчи воқелик эканини ҳам таъкидлайди. Демак, соғ сиёсий воқелик йўқ, сиёсат моҳиятан жамият ва давлат ҳаёти билан боғлиқ экан, ижтимоий-сиёсий фаоллик ҳам сиёсий маданиятнинг интегратив хусусияти нуқтаи назаридан қаралиши лозим.

Хотин-қизлар давлат бошқаруви тизимида фаолият юритар экан, ижтимоий ҳаётнинг ранг-баранг соҳаларига дуч келади, улардаги муаммоларни ҳал этишга мажбур бўлади, ушбу муаммоларни ҳал этиш эса мудом ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эгадир.

Сиёсий маданият жамият ва давлат ҳақида энг муҳим илмий-назарий таълимотлардан, мамлакат Конституцияси ва энг муҳим қонунлардан яхши хабардор бўлиш демакдир. Жамият ва давлат амал қиласиган сиёсий-хукуқий нормаларни билмай, бошқарув тизимига аралашиб, жамият ва давлат ишларини бошқариб, олиб бориб бўлмайди³. Шунинг учун сиёсий маданиятни эгаллаш – ижтимоий-сиёсий фаолиятни муваффақиятли олиб бориш кафолатидир.

¹ Қаранг: Туйчиев Б. Политическая культура и демократизация общества (социально-философский анализ). Ташкент: Университет, 2010. С.30.

² Ўша асар. 34-бет.

³ Қаранг: Одилқориев Х.Т., Фойибназаров Ш.Ф. Сиёсий маданият. Тошкент: Ўзбекистон, 2010. 44–45-бетлар.

Хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини таъминловчи навбатдаги белги – сифат, яъни улардаги профессионал, касбкорга оид билимдир. Тажриба шуни кўрсатадики, аёллар давлат бошқаруви тизими профессионал бошқарувчи сифатида эмас, балки касбкори – ўқитувчи, шифокор, инженер, иқтисодчи, агроном, хукуқшунос сифатида кириб келишади. Маълум бир соҳа бўйича касбкор эгаллагач, билимга эга бўлгач, давлат бошқаруви тизими ўтишади. Давлат бошқаруви тизими қанча юқори бўлса, ижтимоий-сиёсий фаолият кишидан шунча юқори, яъни олий маълумотни талаб этади. Тўғри, давлат бошқарувига ўргатувчи маҳсус олий даргоҳлар (масалан, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият бошқаруви академияси) мавжуд, лекин у олий маълумот олингандан кейинги босқичдир.

Профессионал касбкор, билим билан ижтимоий-сиёсий фаолият ўртасида узвий боғлиқлик бўлса да, биринчиси ҳар доим ҳам ижтимоий-сиёсий соҳани, фаолиятни муваффакиятли олиб боришга етаклайвермайди. Ижтимоий-сиёсий фаолият тор профессионал касбкор, билим доирасидан чиқиши, яъни жамият ва давлат ҳаётига оид кенг тажрибага эга бўлишни тақозо қилади.

Давлат бошқаруви тизимининг обьекти инсонлар бўлгани учун ижтимоий-сиёсий фаолиятнинг предмети инсонлараро муносабатлардир. Ижтимоий-сиёсий фаоллик инсон ва инсонлараро муносабатларни, уларнинг ижтимоий-сиёсий борлиққа ва жарайёнларга таъсирини яхши билишни талаб этади. Шунинг учун ижтимоий-сиёсий фаолликка оид навбатдаги ижтимоий белги – аёлларнинг инсоний муносабатларини, улар негизидаги туб мақсадларнинг кундалик ҳаётда намоён бўлиш хусусиятларини ва ниҳоят, ижтимоий муносабатларнинг динамикаси ҳамда инсон психологиясини билишдир.

Маънавий-рухий даъватларга, эҳтирос ва чақириқларга берилиш аёлларга ҳос хусусиятдир. Бу ҳол уларнинг ташқи таъсирларга тез берилишини билдиради, ижтимоий-сиёсий фаолият кўпинча совуққонликни, дадилликни, масъулиятни ўз зиммасига олиб, ноодатий усуллар қўллашни тақозо этади.

Юқоридаги ижтимоий белгилар аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги учун муҳим аҳамият касб этса да, улар етарли эмас. Инсон ҳис-туйғулар, хаёл ва орзуларга берилувчан мавжудот бўлгани учун юқоридаги белгилар ҳам трансформацияга учраб,

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ

объектни ноодатий, тасодифий хатти-харакатларга, кутилмаган, гоҳо ғайриижтимоий қарорлар қабул қилишга етаклади. Инсоннинг деструктив хатти-харакатларга мойиллигини батамом бартараф этиш қийин¹. Гоҳо шундай ҳолатлар содир бўладики, инсон (объект)нинг ўзи салбий муносабати боисини англаб етмайди, тополмайди. Айнан ушбу хислати сабабли инсон машинадан фарқ қиласди. Айтмоқчи бўлган фикримиз шундаки, ижтимоий-сиёсий фаолият кишилар, халқ, миллат ҳаёти ва тақдирни, келажаги билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга йўналтирилгани учун мудом англанган, рационал, конструктив аҳамиятга эга бўлиши даркор. Хотин-қизларнинг ижтимоий хислатлари, белгилари ушбу талабларга мувофиқ келганида, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги жамият ва давлат томонидан қўллаб-қувватланади, ижобий воқелик сифатида баҳоланади.

1.3. Давлат бошқаруви тизимида субъект ва объект муносабатларининг диалектик боғлиқлиги

Давлат бошқаруви тизими ҳар қандай ижтимоий организм каби мураккаб ташкил этилганлиги, функциялари ва структураси (тузилиши), субъект ва объект ўртасидаги алоқалари каби бирбирига диалектик боғлиқ жиҳатларига эга. Улар ичida биз учун субъект ва объект ўртасидаги диалектик алоқалар мұхимдир.

Давлат бошқаруви тизими мураккаб ижтимоий тизимлар қаторига киради. Мураккаб ижтимоий тизимларга, институтларга эса доимо сон ва сифат ўзгариши, ҳатто нотекис ривожланиш хосдир². Ушбу ўзгариш ва ривожланиш ядроини эса субъект ва объект ўртасидаги муносабатлар, уларнинг динамикаси ташкил қиласди.

Илмий-фалсафий адабиётларда мураккаб ижтимоий тизимлар: 1) статистик турғун тизимлар (масалан, организмнинг анатомик тузилиши); 2) динамик барқарор тизимлар (масалан, организмдаги физиологик функциялар тизими); 3) ривожланувчи барқарор тизимлар (масалан, у ёки бу организмнинг онтогенез ёки фило-

¹ Қаранг: Фромм Э. Анатомия человеческой деструктивности. М.: Республика, 1993. С. 371-372.

² Қаранг: Диалектика познания сложных систем. М.: Мысль, 1988. С.8-9.

генез ривожланиши); 4) ижтимоий динамик бекарор тизимларга¹ ажратилади. Ушбу классификацияга мувофиқ ёндашсак, давлат бошқаруви институтлари динамик мураккаб тизимга киради. Ушбу тизимга "интеграл мураккаблик" хос бўлгани учун сон ва сифат нуқтаи назаридан баҳолаш талаб этилади. Агар мураккаб ижтимоий тизим фақат сон нуқтаи назаридан баҳоланса, унинг ичкни моҳияти субъект ва объект ўртасидаги муносабатлар мазмуни, мақсади англанмай, очилмай қолади. Шунинг учун субъект ва объект ўртасидаги диалектик боғлиқликни, алоқаларни баҳолаганда, уларни нафақат сон кўрсаткичларига қараб, балки сифат, моҳият нуқтаи назардан ҳам ўрганиш зарурдир.

Интеграл мураккаблик субъект ва объект муносабатларининг хусусиятидан, кўринишларидан келиб чиқади. Бошқарув тизимида фаолият кўрсатадиган субъект ва объектлар кун сайин ўзгарувчан эҳтиёжларни, қизиқишлир ва талабларни бошқарув фаолиятига олиб киради, натижада тизим фаолиятини у ёки бу томонга буриб юборади. Айнан шу нуқтаи назардан ҳам бошқарув тизимидағи субъект ва объект муносабатлари интеграл мураккаблик касб этади.

Субъект ва объект ўртасидаги муносабатларнинг интеграл мураккаблиги уларни ташкил этишга ҳалақит бермайди. Муносабатлар қанчалик мураккаб бўлса, улар шунчалик ташкилий жараёнга, яъни ташкил этилишга мухтождир. Ташкил этилмаган, уюштирилмаган субъект ва объект муносабатлари ижтимоий фаолликка, субъект ва объектларнинг ижтимоий-сиёсий борлиқка салбий муносабатини уйғотади, уларнинг давлат институтлари фаолиятидан қониқмаслигини келтириб чиқаради.

Давлат бошқаруви тизими ва ундаги субъект (объект), субъект ва объект муносабатларининг мураккаб ижтимоий воқелиги куйидагиларда акс этади:

1. Бошқарув тизими ва ундаги субъект-объект муносабатлари ранг-баранг, нотекис ривожланишга мойилдир. Давлат ўз субстанционал моҳияти ва функцияларига кўра, нотекис ривожланиши, кишилар, гуруҳлар хатти-харакатларини рационал ташкил этиш мақсадида юзага келган. Шунинг учун у нотекис ривожланишга қарши зарур чора-тадбирлар кўриб боради, ўз институтларини уюшган, бирлашган ташкилот сифатида ишлашга даъват

¹ Ўша асар. 9-бет.

этади. Айнан ушбу талаб аёлларнинг бошқарув тизимидаги фаолиятига ҳам таалуқлидир.

Субъект ва объект муносабатларидағи нотекис ривожланиши тұла, батамом бартараф этиб бўлмайди, аммо уларга нотекис ривожланиши таъминловчи ижтимоий, сиёсий, ҳукукий ва маъмурий йўллар билан таъсир этиш мумкин. Инсонлараро муносабатлар, Э.Тоффлер айтганидек, “биз барчамиз давлат, ҳокимият маҳсулимиз”¹, чунки давлат ҳаётимизга аралашмаган, фаолиятимизни рационал бошқаришни мақсад қилиб қўймаган соҳа йўқ. Демак, субъект-объект муносабатларига бир томондан, нотекис ривожланиш хос, иккинчи томондан, давлат бошқарув тизими уларни рационаллаштиришга интилади, шу тариқа институтларнинг самарали ишлашини таъминлайди. Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятида шу каби диалектик томонлар мавжудлигини давлат эътибордан қочирмайди, уларни умумхалқ манфаатлари билан уйғунлаштиришга бор имконини қаратади, сарфлайди.

2. Бошқарув тизими ва ундаги субъект-объект муносабатлари кўп ўлчамли, кўп аспектлидир. Кўп ўлчамлилик, кўп аспектлилик мураккаб, айниқса жонли ижтимоий тизимларнинг атрибутидир.

Аёллар бошқарув тизимига кирганида, ушбу мураккабликларни ҳали тұла англамайди, бу хислат барчага, шу жумладан эркакларга ҳам хосдир. Ҳар куни, ҳар онда дуч келадиган хилмажил вазифалар ва муаммоларни ечиш ижтимоий-сиёсий фаолият учун одатий ҳолдир. Гоҳо субъект (объект) уларнинг кундан-кунга ортиб боришини, мураккаблашиб, бутун ҳаёт тарзи ва фикрини чулғаб олганини сезмайди. Бошқаришнинг ушбу мураккаблашиб бориши ҳал этиладиган вазифалар ва муаммоларни кўп ўлчамли, кўп аспектли қиласи. Шунинг учун ҳам бошқарув тизими фаолиятини, унинг поғоналарини, субъект-объектларга таъсири ва динамикасини бир хил кўрсаткич билан ўлчаб бўлмайди. Сонлар сифат даражалари, нотекислик текис ўсиш, ковариантлилик вариантилилик, вербал тасвиirlар математик ҳисоб-китоблар, геометрик чизмалар билан аниқлаштирилиб, тўлдирилиб борилади ва аксинча.

Субъект ва объект ўртасидаги муносабатлардаги кўп ўлчамлилик, кўп аспектлилик бошқарув тизимини ҳам кўп ўлчамли, кўп аспектли қиласи, чунки юқоридаги муносабатларсиз ижтимоий

¹ Тоффлер Э. Метаморфозы власти. М.: ООО “Изд. АСТ”, 2004. С.22.

тизим, ташкилот йўқ. Аммо давлат узоқ ижтимоий-тариҳий ривожланиш жараёнида ушбу муносабатларни рационал бошқариш, ташкил этиш ва ўз манбаатларига бўйсундиришнинг зарур механизмларини ишлаб чиқкан. Давлатнинг кучли ёки заиф экани шу вазифасини бажаришида акс этади.

3. Бошқарув тизимидағи субъект ва обьект муносабатлари бир томондан, давлат, халқ манбаатларини, иккинчи томондан, инсон ёки грух (корпорация, фирма, партия ва б.) манбаатларини уйғунлаштирувчи куч сифатида келади. Улбу икки грух манбаатлар ўзидан-ўзи уйғунлашмайди, улар мудом бир-бираидан нимададир ўзишга, ниманидир инкор қилиб, ниманидир кўлга киритишга интилади. Демак, манбаатлар структураси ҳам мураккаб, кўп қирралидир. Бошқарув тизими, ундаги субъект-объект муносабатлари гоҳо бир-бираига зид, антогонист манбаатларга дуч келади, бу эса бошқарув фаолиятини чигаллаштирувчи, мураккаблаштирувчи сабаблардан биридир.

Инсон ижтимоий мавжудот бўлса-да, унга энг аввало ўз манбаатларини ҳимоя қилиш, ўзининг фаолиятида ўз манбаатларидан келиб чиқиш хосдир. Шунинг учун фалсафа фанлари доктори Ф.Р.Абдураҳмоновнинг қўйидаги фикрларига қўшилиш мумкин. У ёзади: "Инсон жамиятда яшар экан, у ўзининг манбаатларини жамият манбаатларидан алоҳида тасаввур қила олмайди ёки ажратта олмайди. Жамиятнинг ўзи ўзаро боғлиқ бўлган шахсларнинг манбаатларини белгилайди ва шулар асосида эса группавий, миллий ва умуминсоний манбаатлар ташкил топади"¹.

Бизнинг фикримизча, инсон миллий, группавий ва умуминсоний манбаатларни ўз манбаатлари орқали идрок этади. Ўз манбаатларига эга бўлмаган шахс деярли учрамайди. Давлат, бошқарув тизими инсонлар ҳеч қачон ўз манбаатларидан воз кечмаслигини яхши билади, шунинг учун улар шахсий манбаатларни умумхалқ манбаатлари билан уйғунлаштиришни ўзининг асосий вазифаларидан бири деб ҳисоблайди, зарур пайтларда ўзининг маъмурий, хукукий таъсирини ўтказади, мажбурлов механизмларидан фойдаланади. Бу зўравонлик, куч ишлатиш эмас, балки "бутун ишчанлигининг оптимумига эришиш"²дир. Субъект-объект муносабат-

¹ Абдураҳмонов Ф. Р. Мустақиллик ва миллий манбаатлар. Тошкент: Фан, 1994. 8-бет.

² Ильин В. В. Политология. М.: Книжный дом "Университет", 1999. С.248.

ларининг диалектик уйғунлиги, худди шунингдек, субъект-объект манфаатларининг давлат бошқаруви тизими манфаатларига мувофиқ келиши ҳам "ишчанлик оптимумига эришиш"дан дарап беради. Аслида шундай оптимумсиз бошқариш, ижтимой-сиёсий фаолият йўқ. Айнан шу оптимумда шахсий, гурӯҳий, миллий, эстетистик (давлатга оид) манфаатларининг диалектик уйғунлиги намоён бўлади.

4. Мураккаб тизим бетартиб ривожланишга, ҳатто хаосга мойил бўлгани учун унда деструктив ҳодисаларни келтириб чиқарувчи элементлар мавжуддир¹. Шу билан бирга ушбу тизимга ўюшиш, бир-бирини қўллаб-кувватлаш, муроса ҳам хосдир. Бир томондан, хаосга, деструктивликка, иккинчи томондан, тартибга, конструктивликка интилиш ушбу зиддиятли томонларни муросага келтиришни тақозо этади. Шунинг учун бошқаришни муросага келтириш санъати, дейиш мумкин.

Аёллар субъект сифатида давлат бошқаруви тизимига, ижтимой-сиёсий борлиққа қадам қўяр экан, қарама-қарши, зиддиятли томонларни ўзаро муросага келтириш фалсафасини, технологиясини билишга, ўрганишга мажбурдир.

Зиддиятли томонларни муросага келтириш фалсафаси, технологияси субъектлардан билим ва ҳаётий тажрибани талаб қиласи. Бу ўринда ҳуқуқий меъёрларни, қонуларни билиш, уларни бошқарув тизимига тадбиқ этиш камлик қиласи. Инсон психологиясини, инсонлараро муносабатлар сирларини билмай зиддиятларни муросага келтириш қийин.

Демократия, плюрализм, полистистика ҳаёт тарзига, муҳим қадриятларга айланган ҳозирги жамиятларда зиддиятлар кўпаймоқда, ранг-барангланмоқда. Давлат, ҳокимият, унинг институтлари атрофида мудом кураш, тўқнашиш кечган, ушбу зиддиятлардан холи жамият бўлгани тарихга маълум эмас. Демак, ижтимой-сиёсий борлиқ мудом зиддиятларга тўла бўлади, давлат бошқаруви тизими ва ундаги субъект-объект муносабатлари мудом ушбу зиддиятларни муросага келтиришга қаратилади.

5. Давлат бошқаруви тизими умумни, бутунни, яхлитни асраш, уларни умумий манфаатларга хизмат қилдириш орқали жамиятда уюшқоқликни таъминлаш билан шуғулланади. Шу билан бирга

¹ Қаранг: Алиева К.М. Философско-сингергетическое исследование проблемы сложности в современном научном познании: Автореф. дис. ... докт. филос. наук. Ташкент, 2006. С.18-19.

у умумга, яхлитга қарши турувчи якка, қисм борлигини ҳам эсдан чиқармайди. Бутун билан қисм, умумий билан якка, айниқса ижтимоий, мураккаб тизимларда ҳар доим ҳам яқдил, уюшқоқ, иттифоқ бўлавермайди. Бутун қисмлардан ташкил топган бўлсада, у барча қисмларга хос бўлган индивидуал белгиларни, хусусиятларни ўзида акс эттиравермайди, бутунга умумийлик, типологик томонларни ифода этиш хосдир. Натижада бошқариш тизими бутун билан қисмни, улардаги ўзига хосликларни асраган ҳолда, шундай уюптириши керакки, уларнинг ҳар иккаласи ҳам иммакент белгиларини йўқотмаслиги керак. Агар ушбу диалектик боғлиқлик қонунини ижтимоий, мураккаб тизимга, ундаги субъект-объект муносабатларига тадбиқ этсан, бошқариш фаолияти бутун (давлат, жамият)нинг ҳам, қисм (индивидуид, шахс)нинг ҳам имманент хусусиятларига мувофиқ ривожланишига халақит бермаслиги, балки улар ўртасидаги ижтимоий-ижодий интеграцияга, тажриба алмашиш ва бир-бирини бойитишга, тўлдиришга хизмат қилиш зарурлигини англаймиз. Давлат бошқаруви тизимида субъект (объект), қайси жинсга, миллатга, ижтимоий табақага тааллуқли бўлишидан қатъи назар, қисмнинг ҳукуқ ва эркинликларини бузмаган ҳолда бутуннинг тўлақонли ишлаши ва яшашини таъминлашга хизмат қилиши шарт. Платон бутуннинг мавжудлигини қисмлар яшашининг кафолати сифатида қараганида ҳак эди. У бутун деганида давлатни назарда тутган¹. Демак, ижтимоий-сийесий фаоллик зиммасига бир томондан, индивид, шахс суверенитетини, ҳак-ҳукуқларини ҳурмат қилган ҳолда, иккинчи томондан, жамият, давлат бутунлигини асраш, таъминлашдек мураккаб, зиддиятли вазифа юклатилгандир.

6. Ташкил этилганлик, бошқариши юқори йўлга кўйилгани ҳали ижтимоий тизимга хос мураккабликни ифода этмайди, мураккабликнинг ўзи эмас². Мураккаблик ташкил этиш механизmlарининг ёки структураларнинг шакллангани ҳам эмас, мураккаблик энг аввало субъект ва объект муносабатларининг турили даражада, ранг-баранг кўринишда, плюралистик, ҳатто зиддиятли кечишидадир.

Тизимларни, институтларни ташкил этиш, яратиш, уларнинг моддий-техника базасини шакллантириш, ҳатто кадрлар билан

¹ Қаранг: Платон. Сочинения. М.: Инфра-Пресс, Изд. "АСТ", 2006. С.12.

² Қаранг: Диалектика познания сложных систем. М.: Мысль, 1988. С.38.

таъминлаш қийин эмас, бироқ субъект-объект муносабатларини йўлга қўйиш, уларнинг давр талабларига мувофиқ фаолият юритишига эришиш қийин жараёнлардир.

Кейинги йилларда давлатни, ижтимоий бошқаришни, менежмент, персонални ташкил этиш, тизимларни идора қилиш муаммоларига оид кўплаб тадқиқотлар натижалари чоп этилди. Бозор иқтисодиёти ва хусусий мулкнинг ривожланиши билан бошқаришга бўлган ёндашишлар кескин ўзгараётгани кузатилади. Хусусий мулкнинг демократик характеристики билан уни ижтимоий-демократик тараққиётга хизмат қилдириш ўртасида принципиал тафовутлар мавжудлиги аниқландик, энди Р.Далнинг хуносасига мувофиқ, хусусий мулк ҳар доим ҳам демократияга, ўзини ўзи бошқаришнинг ривожланишига хизмат қилавермайди, балки улар ўртасида антагонистик зиддиятлар мавжуд¹. Ривожланган капиталистик корпорациялар фаолиятини ўрганган сиёсатшунос мазкур зиддиятлар демократик тараққиётга хавф солиши мумкинлигини, корпорацияларнинг юқори даражада ташкил этилгани ва бошқарилаетгани ҳали демократиянинг қарор топганига меъёр, ўлчов бўломласлигини таъкидлайди. Демак, гап тизимда субъект-объект муносабатларининг йўлга қўйилганидадир.

Бошқарув тизимининг мураккаблиги уни турли поғоналарда ташкил этишни тақозо қиласи. Илмий адабиётларда уни мураккаб (индинид, шахс поғонаси), ўрта мураккаб (гурух, корпорация, фирма поғонаси), ўта мураккаб (давлат, жамият поғонаси) ва супермураккаб (инсоният, ҳалқаро поғонаси) кабиларга бўлиб қараш кузатилади. Уларнинг ҳар бири ўзига хос тарзда мураккабликларга, субъект-объект муносабатларига эга. Ушбу мураккаб муносабатлар фалсафада “бутунни диалектик синтезлаш методи”² орқали ўрганилади. Бунинг учун эса тизим бир-бирига диалектик боғлиқ бўлган уч йўналиш ёки бир-бирини инкор этувчи, ёки бир-бирини тақозо қилувчи, тўлдирувчи қисмларга бўлинади. Яъни тизим: 1) шундай поғона ёки муносабатлар кўринишига ажратиладики, уларда бутунга хос бўлган хусусият ва белгилар мавжуд бўлиши керак; 2) ушбу поғона, қисм нафақат бутунга хос бўлган хусусият ва белгиларни, худди шунингдек, ўзининг ички,

¹ Карап: Даълъ Р. Введение в экономическую демократию. М.: Наука СП «ИКПА», 1991. С.66–68.

² Карап: Диалектика познания сложных систем. М.: Мысль, 1988. С.211.

имманент хусусиятлари, белгиларини намоён этиши зарур; 3) бутуннинг ажратиб қаралаётган поғона, қисмларида ҳам бир-бирига диалектик боғлиқ жиҳатлар, томонлар аниқланиши, уларнинг перманент ривожланиши бутун тизим ҳолатига, динамикасига қиёсланиб, ўрганиб борилиши, агар қисм билан бутун ўртасида зиддиятлар борлиги аниқланса, уларни бартараф этиш йўллари, технологияси ишлаб чиқилиши зарур.

Ушбу ёндашувни хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигига тадбиқ этсак, қуйидаги ҳолатни кузатамиз. Аёллар давлат бошқаруви тизимида субъект (объект) сифатида қатнашар экан, улар энг аввало қайси соҳага мойил, қайси соҳага оид билим ва тажрибага эга эканини билим ва тажрибанинг психологияк ифодаси бўлган “мойиллик” тушунчаси орқали ўрганиш талаб этилади. “Мойиллик” тушунчаси билан билим ва тажриба ўртасида фарқлар мавжуд, киши у ёки бу вазифани, лавозимни эгаллашга мойил бўлса-да, истаса-да, уни керакли савияда амалга оширол-маслиги мумкин. Бироқ кишига унинг кўнгли, дили мойил бўлмаган вазифани, лавозимни бериш бошқарувнинг самарали бўлишига олиб келмайди. Агар кипи вазифа, лавозим дилидаги, кўнглидаги нарса эканини билса, у соҳага оид билимини ҳам, тажрибасини ҳам оширади¹. Демак, билим, тажриба бир томондан, бошқариш фаолиятига мойиллик, иккинчи томондан, ижтимоий-сиёсий борлиқда муваффақиятли фаолият кўрсатиш омилларидир. Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятини бутун деб тасаввур этсак, билим, тажриба ва мойиллик унинг асосини ташкил этувчи поғона, қисмларидир. Ушбу поғона, қисмларни ижтимоий-сиёсий фаолликка қиёслаб борсак, аёл-лидернинг портеретини яратишимиш мумкин. Албатта, бу тақдирда ҳам билим, тажриба (ижтимоий-прагматик белгилар) ва мойиллик (ички психологик белгилар) ҳам “бутунни диалектик синтезлаш” методи ёрдамида поғона, қисмларга ажратилади.

Аёл-лидер ёки ижтимоий-сиёсий фаол субъект ўзининг нафақат психологик хусусиятларига, шунингдек бошқариш ишларини олиб боришнинг ўзига хос стилига, технологияси, яъни бошқариш маданиятига эга. Унинг ушбу имманент белгиларида эркакнидан фарқ қиливчи жиҳатлар мавжуддир. Шунинг учун

¹ Қаранг: А да ир Д. Ж. Психология власти // Концепция непрекращаемого лидерства. М.: ЭКСМО, 2004. С.35-37.

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИДА ХОТИН-ҚИЗЛарНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ

ҳам илмий адабиётларда “аёл психологияси”, “аёл менеджменти”, “аёл-лидер” каби соҳалар мавжудлиги қайд этилади. Аёл ва эркак бошқаришни моҳиятган бир мақсадга йўналтирасаларда, турли қарорлар, режалар қабул қилишда, идора усулларида, ҳис-туйғуларга берилишда бир-биридан фарқ қиласидан мавжу-дотлардир.

Хотин-қизларнинг бошқариш ишларидағи юмшоқлиги, ҳис-туйғуларга ортиқча берилиши, ҳатто иш жараёнида ҳам оиласи-ни, фарзандларини ўйлаши уларнинг камчиликлари эмас, балки ўзига хос ички, имманент хусусиятлари, ҳатто ютуқлариdir. Бу ўринда аслида Шарқ аёлларига хос бўлган хислатлар, фазилатлар кўзга ташланади.

Ижтимоий-сиёсий фаоллик, бошқариш амалиётига йўналтирилган, субстанционал негизига кўра амалий эҳтиёжларни қондиришга қаратилган бўлса-да, у субъектив фаолият туридир. Бошқариш ҳақида фикрлар, гоялар энг аввало субъект миясида, онгода пайдо бўлади, шаклланади. Бошқарув билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий фаолиятнинг ушбу субъектив хусусияти билан унинг ижтимоий ҳаётга, амалиётга йўналтирилгани ҳам улар ўртасида диалектик боғлиқлик бўлишини тақозо этади. Назария билан амалиёт уйғунлигини таъминлаш ижтимоий бошқариш ол-дидаги бош вазифа, талабдир.

Кишилар кўпинча ўзини бошқариш, раҳбарлик ишига тайёр, уни олиб боришга қодир деб ҳисоблайдилар. Шунинг учун улар жамоат ташкилотлари, уюшмалар ва сиёсий партиялар тузадилар. Бу демократик жамиятда одатий ҳодиса ҳисобланади. Лекин ама-лиёт кишиларнинг ушбу фикрлари, тасаввурлари мудом ҳам тўғри чиқавермаслигини, бошқарув иши, бошқа барча касб-кор, ижти-моий фаолият турлари каби, маҳсус билим, тажриба, ҳатто туғма қобилиятни талаб этади. Тўғри, барчада кимнидир, қайси бир уюшманидир кетидан эргаштиришга, бошқаришга маълум бир мояиллик, иштиёқ ва хислат бор, аммо улар ижтимоий-сиёсий соҳада раҳбарлик қилиш, давлатни бошқаришда қатнашиш учун етарли эмас. Бунга А.Линкольн, М.Тетчер, У.Черчилл ва И.Гандининг ижти-моий-сиёсий фаолияти, фазилатлари мисол бўлиши мумкин¹.

¹ Қаранг: Адаир Д. Ж. Психология лидерства // Концепция непререкаемого лидерства. М.: ЭКСМО, 2004; Абдураҳмонов Қ.Х., Холмуминов Ш.Р., Зокирова Н. Қ. Персонални бошқариш. Тошкент: O'qituvchi, 2008.

Бошқариш ҳақидағи фикр-тасаввурларни амалға тадбиқ этиш бошқариш фаолиятидаги зәңг мураккаб жараёндир. Гап бу ўринда ташкилотни ташкил этиш, персонал топиш устида кечәётгани йўқ, муаммо субъект-объект муносабатларини кўзланган мақсадга мувофиқ бошқариш, йўлга кўйишдадир.

АҚШлик тадқиқотчи, бизнес назариётчisi ва психолог Пэт Уильямс “Ҳокимият парадокслари” деган китобида Исо алайҳиссаломни ҳақиқий лидер, ҳеч ким ета олмаган муваффақиятларга эришган, “ҳокимиятсиз ҳокимликка эришган, кучсиз кучли бўлган даҳо бошқарувчи”, деб атайди. “У жангларсиз ғалабага эришади, унинг улуғлиги кишиларга хизмат қилишда, даҳолиги – соддадиллигига ва у, ўлган бўлса ҳам яшамоқда”¹. Жангсиз ғалабага эришгани, ўлган бўлса ҳам ғоялари кишиларни бирлаштириб келаётгани пародокс эмасми? Пэт Уильямс Исо алайҳиссаломнинг кишилар фикри, иродаси ва ҳаёти устидан ҳокимлигини, уларни бошқариб, уюштириб келаётганини пародокс деб атайди, чунки миллионлаб кишиларни ўз атрофида бирлаштирган, улар ўртасида инсоний муносабатларни шакллантирган Исо алайҳиссаломдек шахс кам топилади. Шунинг учун ҳам бугун дунёда 1,5 миллиардан ошиқ киши исавийликка эътиқод қиласи, унинг даъватларига эргашиб яшайди.

Бошқа бир АҚШлик тадқиқотчи, инсон ва ҳокимият психологияси, технологиясини яхши ўрганган “Ҳокимиятнинг 48 қонуни” ва “Ҳокимиятнинг 50 қонуни” асарларининг муаллифи, улар туфайли дунёга, илм оламига танилган Роберт Грин эса, кишиларни бирлаштириш ва бошқариш сири уларнинг ҳоҳиш, истак ва эҳтиёжларини билишдадир, деб ҳисоблайди. “Бошқариш кишиларни мафтун, ром этиш санъатидир. Ким ушбу санъатни билса, эгалласа, у, шубҳасиз муваффақиятларга эришади”². Демак, бошқариш санъати, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий борлиқдаги муваффақияти, зәңг аввало, субъект-объект муносабатларининг диалектик бирлигини, уйғунилигини таъминлашdir.

Субъект ва объект ўртасидаги муносабатларнинг диалектик бирлиги ҳар иккى томонга ҳам боғлиқдир. Демократия шароитида бошқариш субъект объект моделида кечиши мумкин эмас, у

¹ Уильямс Пэт. Парадокс власти. М.: АСТ, Ермак, 2004. С.20.

² Грин Р. Искусство обольщения или руководство для достижения эффективной формы власти. М.: РиполКлассик, 2005. С.116-117.

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ

субъект объект модели тарзида амалга оширилади. Субъект объектига қандай таъсир этса, объект ҳам унга шундай таъсир этиш хуқуқига эгадир.

Давлат бошқаруви тизими субардинация принципига қурилган, юқори ташкилотларнинг кўрсатмаси, қабул қилган қарори қўйи тизимлар учун мажбурийдир. Шундай иерархик идора этиш бўлмаса, давлат бошқаруви самара бермайди. Ушбу талабга, шубҳасиз, барча масъул ходимлар бўйсунади. Лекин бундай марказлашган бошқариш тизими маҳаллий идораларнинг бошқариш хуқуқини, муниципал идораларнинг ўзига хослигини инкор қилмайди. Марказлашган бошқарув мудом қўйи, муниципал идораларнинг эркин, маҳаллий шарт-шароитларга, имкониятларга қараб ҳаракат қилиши учун жой, имкон беради. Ушбу қоидани барча бошқариш поғоналарига, объекти-субъектларига нисбатан билдириш мумкин. Лекин кўзланган, режалаштирилган мақсадга этиш, белгиланган вазифа бажарилиши шарт. Давлат бошқаруви тизимлари фаолиятининг, аёллар ижтимоий-сиёсий борлиқдаги хатти-ҳаракатларининг натижаси ҳам ана шу эришилган мақсад, бажарилган вазифа билан ўлчанади.

1.4. Демократия шароитида давлат бошқарувининг имманент хусусиятлари

Кейинги йилларда тадқиқотчиларнинг диққатини тортаётган мавзулардан бири – демократия, демократик тараққиёт ва демократик жамият барпо этишдир. Бу бежиз эмас, бугун инсоният ўзининг ижтимоий-сиёсий тараққиёт йўлини демократияда кўрмоқда, глобал демократик жамият барпо этиш масалалари улар ўртасида тез-тез муҳокама қилинмоқда. Шунинг учун ҳам давлат бошқаруви тизимида субъект-объект муносабатларининг демократия принципларига қанчалик мувофиқ келишини ўрганиш биз учун муҳим илмий-методологик аҳамиятга эгадир.

Демократия – халқ ҳокимияти демакдир. “Демократия деб олий ҳокимият бевосита халққа тегишли бўлган ва халқнинг хоҳиш-иродаси билан амалга ошадиган давлат ва жамиятга айтилади”¹. Тўғри, демократиянинг илмий адабиётларда кенг

¹ Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти. Тошкент: “Наврўз” нашр., 2005. 17-бет.

кўлланиладиган 50дан зиёд таърифи бор¹. Аммо уларнинг бар-часида давлат, ҳокимият, бошқарув ва халқ, кўпчилик иродаси, ижтимоий назорат бир-бирларига боғлиқ ижтимоий-сиёсий воқеиликлар экани тан олинади.

Демократиянинг умумэътироф этилган қуидаги жиҳатлари бор:

“Биринчидан, демократик жамият давлатчилик соҳасида ҳар бир мамлакат ва халқнинг демократияда умумэътироф этилган қадриятлари ва тамойиллари ҳисобга олинадиган, миллий-маданий мероси хусусиятларига таянадиган, фуқароларнинг ҳукуқлари тан олинадиган ва ҳимоя қилинадиган бошқарувда фуқаролар фаол иштирок этади.

Иккинчидан, умумий тарзда демократия деганда, ҳамманинг манфаатлари йўлида кўпчиликнинг ҳокимияти ва озчиликнинг иродаси хурмат қилинади.

Учинчидан, уни батафсил таҳлил қилганда эса демократия халқнинг ўз эркинлиги ва мустақиллигига қарашлари ҳам, ҳар бир шахснинг манфаатлари ва ҳукуқларини ўзбошимчалик билан чеклашлару шу йўсиндаги ҳаракатлардан ҳимоя қилиш ҳам, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш шакли ҳам эканлигидир”².

Хўш, ушбу жиҳатлар хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий борлиқдаги фаолиятида, уларнинг давлат бошқарувти тизимида ги иштирокида қандай намоён бўлади ёки уларга қандай таъсир этади, имкониятлар беради? Демократизм принципининг конституциявий асослари бир-бирларига боғлиқ ҳолда аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятида қандай ва нималарда акс этади? Бундай саволлар тадқиқотимизнинг вазифаларидан келиб чиқади ва уларга жавоб излаш, моҳиятини очиб бериш бошқа мавзуларда ҳам у ёки бу даражада тилга олинади.

Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий борлиқка фаол муносабати уларнинг халқаро тан олинган ва ҳар бир давлат томонидан ратификация қилинган, ҳукуқ ва эркинликлари эътироф этилган ҳужжатларнинг инъикоси, ҳосиласи сифатида келади. У халқаро ҳуқуқда инсон ҳукуқлари деб аталади. “Инсон ҳукуқларини хурмат қилиш тамоили, – деб ёзди профессор А.Х.Сайдов, – халқаро

¹ Қаранг: Н у н е н к о Д. И. Теория демократии. М.: Юристъ, 2001. С.8.

² Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти. Тошкент: “Наврӯз” нашр, 2005. 17-18-бетлар.

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ

хукуқнинг асосий тамойилларидан бири сифатида 1945 йилда БМТ Уставининг қабул қилиниши билан қарор топди. У Уставда ҳалқаро хукуқ тамойиллари орасида кўрсатиб ўтилмаган¹. Аммо бу ҳалқаро хукуқда инсон хукуқларини белгиловчи, фундаментал аҳамиятга эга ҳужжатлар қабул қилишга халақит бермаган. Ушбу ҳужжатларга “Инсон хукуқлари Умумжаҳон декларацияси” (1948 йил), “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий хукуқлар тўғрисида Ҳалқаро пакт” (1966 йил), “Фуқаролик ва сиёсий хукуқлар тўғрисидаги Ҳалқаро пакт” (1966 йил) ва унга оид Факультатив протокол (1986 ва 1992 йиллар) киради. Шунингдек, мазкур ҳужжатлар қаторига, бизнинг мавзумизга доир, “Аёлларнинг сиёсий хукуқлари тўғрисида Конвенция” (1979 йил), “Турмушга чиққан аёлнинг фуқаролиги тўғрисида” (1957 йил), “Фуқаросизликни камайтириш тўғрисида Конвенция” (1961 йил), “Аёллар хукуқи камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида Конвенция” (1979-1981 йиллар), “Аёлларга нисбатан зўровонликни бартараф этиш тўғрисида Декларация” (1993 йил) кабилар ҳам киради.

Аёллар хукуқлари инсон хукуқларининг таркибий қисмидир, шунинг учун уларнинг хукуқлари ҳалқаро инсон хукуқлари тизимида қаралади.

“Инсон хукуқлари Умумжаҳон декларацияси”га мувофиқ, ҳар бир киши – жинси, ирқи, миллати, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, ўзи яшаётган давлатдаги бошқарув ишларида, ижтимоий-сиёсий ҳаётда қатнашиши, ўз фикри, таклифлари билан юқори идораларга, масъул ходимларга мурожаат этиши, у ёки бу бошқариш усулини рад қилиши ёки таклиф этиши, сайловлар орқали олий идора органларини шакллантиришда қатнашиши мумкин. Булар инсоннинг сиёсий хукуқлари бўлиб, уларни таъминлаш Декларацияни тан олган давлатларнинг вазифасидир².

1952 йили қабул қилинган “Аёлларнинг сиёсий хукуқлари ҳақида Конвенция” (БМТ, 1952 йил 20 декабрь)да эса қўйидагилар кўрсатилган:

– аёллар эркаклар билан teng тарзда барча сайловларда қатнашиш;

¹ Сайдов А.Х. Ҳалқаро хукуқ. Тошкент: Адабиёт жамғармаси, 2001. 198-бет.

² Қаранг: Права человека // Единство общечеловеческого и национального. Том 1. (Сборник международных договоров и Законов Республики Узбекистан). Сост. А.Х.Сайдов. Ташкент: Шарқ, 1995. С.17-21; 350-472.

- идора органлариға, лавозимларга салланыш;
- миллий хуқуқ үрнатган тартибда аёллар эркаклар билан бир қаторда, ҳеч қандай чекловсиз давлат органларида ёки жамоат бошқаруви ишларида ишлаш хуқуқларига әгадир¹.

Аёллар масаласи 1975 йилда Мехикода бўлиб ўтган халқаро аёллар Жаҳон конференциясида, 1980 йилда Копенгагенда чақирилган иккинчи Жаҳон конференциясида, 1985 йили Найробида ўтказилган учинчى Жаҳон конференциясида, 1995 йили Пекинда ўтказилган тўртинчи Жаҳон конференциясида маҳсус кўриб чиқилди. Уларда аёлларни эркаклар билан тенг хуқуқли қилиш, иш билан таъминлаш, жамият ва давлат ишларини бошқаришга жалб этиш, дискриминацияга қарши кураш, аёлларнинг оиласидаги гендер тенглигига эришиш каби кўплаб масалалар муҳокама қилинган, стратегик вазифалар ишлаб чиқилган.

Юқоридаги халқаро хужжатларга 130дан зиёд давлатлар имзо чеккан, улардаги хуқуқий меъёрларга риоя этиш ва тўла бажаришни ўз устига олган. Шунга қарамасдан, аёллар масаласи глобал муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. “Кўплаб мамлакатларнинг бозор иқтисодиётига ўтиши фуқароларнинг турмушини мураккаблаштириб юборди. Аксарият мамлакатларда ҳақ тўланмайдиган иш аёлларнинг эркакларга қараганда тахминан икки баробар кўп вақтини олади. Ҳатто, тараққий этган мамлакатларда хотин-қизлар расмий ишчи кучининг 31 фоизга қадарини ва жаҳон бўйича 46,7 фоизини ташкил қиласи.

Ривожланган мамлакатларда жами озиқ-овқат маҳсулотларининг 55 фоизидан кўпроғини қишлоқ хотин-қизлари етиштириб берадилар. Хотин-қизларнинг ҳақ тўланмайдиган уй-рўзғор ва жамоат ишлари ҳажми жаҳондаги ялпи миллий маҳсулотнинг 10 фоизидан 35 фоизигача деб ҳисобланмоқда...”².

Халқаро ташкилотлар, аввало БМТ чоп эттирган маълумотларга таяниб фалсафа фанлари номзоди С.Сафаева ёзади: “Аёллар аҳволи ноchorлашувида, айниқса, камбағаллик салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу боис, 90-йилларнинг ўрталарида “қашшоқлик феминизацияси” деган ибора ёйилганлиги тасодиф эмас. Европа иқтисодий комиссияси эксперктларининг таъкидлашича, 90-йил-

¹ Ўша асар. 330-бет.

² Сафаева С. Аёллар масаласи: умумижтимоий ва миллий жиҳатлар. Тошкент: Ўзбекистон, 2003. 48-49-бетлар.

ларнинг ўрталарида ишловчи хотин-қизларнинг 43 фоизи даромади паст даражада бўлган шахслар гуруҳига мансуб эди. Айни пайтда эркаклар орасида бу борадаги кўрсаткич 16 фоизга тенг эди. Хотин-қизларнинг қашшоқлар сафидаги улуши ҳозиргача ҳам юқори даражада. Жумладан, нафақадорлар орасида улар эркакларга нисбатан икки баробар кўп, нотўлиқ оиласларнинг 94 фоизини аёллар бошқарадилар¹.

Кам таъминланганлик, ишсизлик хотин-қизларнинг жамият ва давлат ишларини бошқариш, ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол қатнашишига халақит берәётган бош сабаблардан ҳисобланади. Кун кўриш, фарзандларини боқиш ғами билангина яшайдиган аёлни жамият ва давлат ишлари қизиқтиrmайди, натижада, у қабул қилинган дастурлар ва қонунларга бефарқ қолади. Пекинда ўtkazilgan aёllarning Жаҳон конференциясида хотин-қизларнинг иш билан бандлигини ошириш, моддий таъминотини яхшилаш, давлатларнинг бу борада ўз стратегиясини ишлаб чиқишига зеришиш каби масалалар муҳокама қилинди. Бирок, ушбу тавсияларни амалиётга жорий этиш, бу борада маҳсус давлат стратегиясини ишлаб чиқиб, ижтимоий-сиёсий ҳаётни яхшилаш, такомиллаштириш қийин кечмоқда. Агар дунё парламентларидаги аёллар сонига назар ташласак, бу ҳол дарров маълум бўлади. Масалан, агар Скандинавия мамлакатлари парламентида аёллар 41,4 фоизни ташкил этса (Нидерландия ва Швецияда улар 50 фоизга яқинроқдир), Европа ОБСЕ (Скандинавиядан ташқари) қуий палатасида 19,0 фоиз, юқори палатада 18,8 фоиз, Америка (юқоридаги тартибда)да 20,7 ва 20,1 фоиз, Африкада 17,3 ва 21,2 фоиз, Осиёда 16,9 ва 14,8 фоиз, Тинч Океани ҳавзаси давлатларида 12,9 ва 31,8 фоиз, Араб давлатларида эса 9,6 ва 7,0 фоизни ташкил этмоқда. Дунё бўйича улар 17,9 ва 16,7 фоиздан иборатдир². Кўриниб турибдики, аёлларнинг миллий парламентлардаги ўрни ва сони ҳали юқори эмас. Мамлакатлар аҳолисининг ярмидан зиёдини хотин-қизлар таш-

¹ Ўша асар. 50-бет.

² Қаранг: Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисида Конвенция (Нью-Йорк, 1952 йил 20 декабрь). БМТ ва Парламентлараро Иттилоқ томонидан чоп этилган “Аёллар сиёсатда” деб номланган жаҳон харитасининг тақдимоти. Тошкент: NORI, 2008. 15-бет. Маълумотлар 2008 йил 1 январгача бўлган ҳолатни акс эттиради.

кил этса-да, уларнинг миллий парламентларга сайланиши 17,7 фоиз атрофидадир.

Миллий парламентларда хотин-қизларга ажратилган ўринлар қуидаги: Швецияда 349 тадан 164 тасини аёллар эгаллади, бу қўрсаткичлар Корея Халқ Демократик Республикасининг қуий палатасида 687 тадан 138 тани, Комбоджа Бирлашган Қироллиги қуий палатасида 646 тадан 126 тани, юқори палатасида 750 тадан 148 тани, Германия қуий палатасида 613 тадан 194 тани, юқори палатада 69 тадан 15 тани, Куба парламентида 609 тадан 219 тани, Италия қуий палатасида 630 тадан 109 тани ва юқори палатасида 322 тадан 45 тани, Францияда 577 тадан 105 тани (қуий палатада) ва 330 тадан 60 тани (юқори палатада), Индонезияда 550 тадан 64 тани, Ҳиндистонда 541 тадан 49 тани (қуий палатада) ва 243 тадан 24 тани (юқори палатада), Туркияда 549 тадан 50 тани, Конго Демократик Республикасида 500 тадан 42 тани (қуий палатада) ва 108 тадан 5 тани (юқори палатада), Ливияда 468 дан 36 тани, Мисрда 442 дан 8 тани (қуий палатада) ва 264 тадан 18 тани (юқори палатада), Жанубий Африка Республикасида 400 тадан 132 тани (қуий палатада) ва 54 тадан 22 тани (юқори палатада) ташкил этади. Юқоридаги давлатлар қаторида Ўзбекистон Республикаси 67-ўринда туради. Миллий парламентнинг қуий палатасида 120 ўриндан 21 тасини, юқори палатада эса 100 тадан 15 тасини аёллар ташкил қиласди. Энг охирги ўринда Микронезия, Науру, Уммон, Палау, Қатар, Саудия Арабистони, Сулаймон ороллари, Тувалу каби давлатлар эгаллади¹. "Умуман олганда, дунёнинг аксарият мамлакатларида аёлларнинг миллий қонун чиқарим органларида иштироки анча заиф эканлигини кўриш мумкин. Ўзини демократик ҳисоблайдиган мамлакатларда эркаклар ва аёллар teng равишда сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга эканлиги қонунан мустаҳкамлаб қўйилган бўлса-да, миллий парламентларнинг жинс нуқтаи назаридан таркиби мамлакатлар аҳолиси таркибига тўғри келмайди. Парламентаризм шаклланишининг илк даврида аёллар унда иштирок этмаганлиги тарихий факт ҳисобланиб, "сиёсат – эркакларнинг иши", деган дунёқараш ҳукмрон бўлган эди. Асрлар давомида аҳоли онгига сингиб кетган бундай қарашлар ҳозир ҳам аёлларнинг мамлакатлар сиёсий ҳаётida тўлақонли иштирок этишига тўсиқ бўлаяпти..."².

¹ Ўша асар. 10-14-бетлар.

² Ўша асар. 5-бет.

Демократия учун сайлаш ва сайланишда тенг ҳукуққа эга бўлиш муҳим аҳамиятга эга. Тажриба кўрсатадики, аёллар XX асрнинг иккинчи ярмигача ушбу ҳукуққа эга эмас эди. Шу боис ҳам уларнинг миллий парламентларда ижтимоий-сиёсий фаолик кўрсатиш, қонунлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, давлат органлари, бошқарув тизими устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, хотин-қизларнинг сиёсий билими, онги ва маданиятини юксалтириш борасидаги фаоллиги сезилмайди. Ҳатто, парламентларга сайланган аёллар ҳам ўзини ижтимоий-сиёсий борлиқнинг фаол субъекти, жамият ва давлат бошқаруви тизимида таъсир этувчи шахс, куч эканини тўла ҳис қиласвермайди. Ушбу ҳолатларнинг боисини нафақат ижтимоий-сиёсий борлиқдан, давлат бошқаруви тизимидан, худди шунингдек, аёллар менталитети, ҳаёт ва фикрлаш тарзидан излаш ҳам даркор. Шунинг учун ҳам тадқиқотчилар баъзан аёлнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги бутунлай аёлнинг ўзига боғлиқ, деган хulosага келадилар. Ҳатто, фалсафа фанлари номзоди С.К.Испулатова “аёлнинг қарамликтан халос бўлиши батамом ва фақат унинг ўзига, унда ўзини-ўзи англашнинг ривожланишига, яъни ўзини аёл сифатида қадрлашига боғлиқ”,¹ деган хulosага келади. Шу билан бирга тадқиқотчи аёл билан эркакни қарама-қарши қўйишга интилади, улар ўртасидаги демократик принципларга мувофиқ келадиган уйғунликни излашни эмас, балки антогонистик хислатларни қайд этади. Шундай ёндашиш кўпгина тадқиқотчилар асарларида учрайди.

Бизнинг фикримизча, бугун демократия, демократик таъмойиллар фақат монография ва мақолаларда қўлланиладиган воқеиликлар бўлиб қолаётгани йўқ, улар инсон ҳаёти ва фикрлаш тарзининг, ижтимоий борлиқнинг атрибутига айланган. Глобаллашаётган дунё, кенг оммавий-ахборот воситалари, халқаро ташкилотларнинг саъй-ҳаракатлари кишилар онгига, дунёқарашига шундай тез таъсир этяптики, демократия ҳақидаги фикрлар, ғоялар ва қадриятлар ушбу жараёндан четда қололмайди.

Демократик принциплар энг аввало давлатларнинг Асосий қонуни – Конституцияларида мужассам бўлади. Конституцияга

¹ Қаранг: И спулатова К. С. Самосознание женщин как фактор обновления общественного строя // Женщины в современном обществе. М.: НИКОС, 2004. С.42.

мувофиқ қонунлар қабул қилинади, давлат бошқаруви тизими, институтлари ташкил этилади ва уларнинг фаолияти олиб борилади. Демократия – талаб қилинадиган қонунларга ва конституцион принципларга риоя этган ҳолда, ҳамманинг тенг хукуқли эканини, ҳар кимнинг ўз эҳтиёжи, қизиқиши ва имкониятлари доирасида, бошқаларнинг хукуқ ва эркинликларини ҳурмат қилган тарзда яшаш, фаолият кўрсатишидир. Бугун ушбу демократик қадрият деярли барча давлатлар конституцияларида тан олинган, эътироф этилган. Бирорта давлат конституцияси йўқки, ушбу демократик принципга қарши чиқса ёки уларни шубҳа остига олса¹. Демак, демократик принципларни ижтимоий-сиёсий ҳаётга тадбиқ этиш барча давлатларнинг вазифаларига, тараққиёт мақсадларига айланган. Минг афсуски, реал ҳаёт, унда кечадиган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, кишиларнинг, гуруҳ ва партияларнинг хатти-ҳаракатлари, интилиш ҳамда эҳтиёжлари қабул қилинган принциплар, қарор ва дастурлардан кенгdir.

Демократиянинг кенг тарқалган ва умумэътироф этилган кўринишларидан – бири эркинлик, озодликдир. “Эркинлик, айниқса ижод эркинлиги, – деб ёзган эди И.А.Бердяев, – инсон борлиғини ўзгартирувчи, унинг руҳий-маънавий имкониятларини илоҳий даражага кўтарувчи кучдир. Инсон эркинлиги орқали алподам (“сверхчеловек”) даражасига кўтарилади”².

Эркинлик билан давлат бошқаруви ўртасида нафақат уйғунлик, яқинлик, шунингдек, маълум бир зиддият ҳам бор. Бу зиддият давлат бошқаруви тизимининг ўз талабларини сўзсиз ва ўз вақтида бажарилишини истashi билан ижтимоий-сиёсий фаолликнинг эркин, ихтиёрий характерда эканлиги ўртасидадир. Ҳар қандай ижтимоий организм сифатида давлат бошқаруви тизими субординация муносабатларига, қабул қилинган қарорнинг сўзсиз бажарилишига риоя этади. Давлатга хос бўлган марказлашган бошқарув ушбу талабларсиз самара бермайди, шунинг учун у ўз кўрсатмаларининг тўла ижросини талаб қиласди. Ижтимоий-сиёсий фаолиятнинг эркин, ихтиёрий характери ушбу талаб билан ҳар доим ҳам чиқишавермайди. Масалан, меҳнат жамоаларида

¹ Қаранг: Конституции мира. Сост. и авторы У.Таджиханов, А.Х.Саидов. Т. 1-4. Ташкент: Академия МВД РУз., 1997-1998.

² Бердяев И. А. Философия творчества. Париж, 1939. С.42-43.

ташкіл этилиши лозим бўлган ўзини ўзи бошқариш органлари хусусий мулк эгаларининг тасавурлари ва фаолият усуллари га мудом ҳам мос келавермайди. Бу ўринда демократизм билан конституционализм принциплари бир-бираига мувофиқ келмаслиги кўзга ташланади. Конституцион принципларга мувофиқ, ҳар бир киши хусусий мулк эгаси бўлиши, корхоналар очиб, уни бошқариши мумкин. Демократик принципларга кўра эса ҳар бир фуқаро жамият ва давлат ишларини бошқаришда қатнашиш, бошқарув органларини сайлаш, зарур топса, раҳбарни алмаштириш ҳукуқига эга. Бу ўринда хусусий мулк эгасининг ҳукуқи нима бўлади? Меҳнат жамоаси раҳбарни сайлаш ҳукуқидан келиб чиқиб, мулк эгасини алмаштирадими? Кўриниб турибдики, меҳнат жамоаси бундай қилолмайди, акс ҳолда шахснинг мулкка эгалик қилиш ҳукуқини бузган бўлади. Шу билан бирга ўзининг демократик ҳукуқини ҳам амалга оширолмайди.

Сайлов тизимини олайлик. Масалан, Россия Федератив Республикасининг Конституциясига мувофиқ 21 ёшга тўлган кишигина РФ Думасига сайданиши мумкин¹. Конституциянинг 28-моддасида ҳар бир киши сайдаш (аслида эса 18 ёшдан) ва 32-моддасида давлат ишларини (ёши кўрсатилмаган) бошқариш, мазкур жараёнда қатнашиш ҳукуқига эга экани кўрсатилган². Бундай парадоксларни деярли барча давлатлар конституцияларида учратиш мумкин. Демак, конституциялар ва қонунлар қабул қилиш, уларни билиш ҳали етарли даражада эмас. Энг аввало, конституцияларнинг ўзини демократик жиҳатдан идеал ҳолатга етказиш зарур. Конституцияларда парламентларга, давлат раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахсларни сайдашга ёш (18, 21, 25, 35 ёш ва бошқа) белгилаш демократик принципларга мувофиқ келмайди. Ушбу зиддиятни ҳал этиш йўли демократияни идеал билиб, унинг инсон ҳукуқ ва эркинликларини тўла химоя қилишга қаратилган талабларини ҳаётга, қонунларга тадбик этишга интилишdir.

Тўғри, жаҳон тажрибасига кўра, фуқаро 18 ёшидан сайловларда қатнашиш ҳукуқига эга, ваҳоланки, киши 16 ёшида расмий хужжат, паспорт олади ва фуқаро сифатида расмий эътироф эти-

¹ Қаранг: Конституции мира. Т.4. Сост. и авторы У.Гаджиханов, А.Х.Саидов. Ташкент: Академия МВД РУз, 1998. С.301.

² Ўша асар. 278-279-бетлар.

лади. 16 ёшида фуқаро сифатида тан олинган кишининг фақат икки йил ўтгач, яъни 18 ёшида сайлашда иштирок қилиши демократия талабларига тўтири келмайди.

Бошқариш тизими демократиянинг эркинлик талабига мувофиқ ташкил этилганидагина ижтимоий-сиёсий борлиқ субъектларининг манбаатлари ва интилишларига мувофиқ келади. Чунки ижтимоий-сиёсий фаоллик негизида инсоннинг ўз билими, тажрибаси ва салоҳиятини ихтиёрий тарзда намоён этиш, эл-юрт фойдасига сарфлаш нияти ётади. У мажбурий фаолият эмас, ундан шахс, субъект моддий манбаатларини, эҳтиёжларини қондиришни кутмайди. Ижтимоий-сиёсий фаоллик халқقا беғараз хизмат қилиш, жамият ва давлат ишларини такомиллаштиришга кўмаклашишдир. Шунинг учун ижтимоий-сиёсий фаоллик демократик принципларга қатъий амал қилишни, субъект эркини эъзозлашни, қадрлашни талаб этади. Бошқариш тизимидағи субъект-объект муносабатлари ушбу талабга мувофиқ ташкил этилганида, ижтимоий-сиёсий борлиқни ривожлантиришга, юксалтиришга хизмат қиласиди.

Демократия тенгликни ҳам тақозо этади. Аммо илмий тадқиқотлар ҳам, реал ҳаёт ҳам кишилар ўртасида тенглик бўлиши мумкин эмаслигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам “демократия имкониятлар тенглигини таъминлаш ва хизматига мувофиқ тақдирлаш билан заиф боғланган”¹.

Агар ижтимоий-сиёсий борлиққа диққат билан назар ташласак, ҳамма ҳам бошқариш вазифаларини ўз устига олавермайди, аксариятда ташкилотчилик, лидерлик сифатлари етишмайди. Бундай шахс, агар у ижтимоий-сиёсий вазифани згалласа, ўз устига олса, бюрократик, маъмурий усулларни кўллашга ўтади. Бу, аслида “тенглик” тушунчасини ҳар доим ҳам кўллаш мумкин эмаслигини, ижтимоий-сиёсий фаолиятдаги тенглик бошқаришни ўз зиммасига олишда эмас, энг аввало, демократик қарорлар қабул қилишда, раҳбар сайлашда овоз бериш, идора усули ҳақида ўз фикрини билдириш кабилардадир. Акс ҳолда биз ҳаммани, ҳар бир фуқарони ижтимоий-сиёсий фаол, кишиларни бошқарувчи лидер, етакчи, давлат бошқаруви тизимининг етакчиси бўла олади, деган ноҳаётий холосага келамиз. Бу ўринда со-

¹ Каранг: Пугачев В.П., Соловьев А.И. Введение в политологию. М.: АСПЕКТ-ПРЕСС, 1999. С.236.

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИҢ ИЖТИМОЙ-СИЕСИЙ ФАОЛИЯТИ

циализмда тарғиб этилган “ҳар бир ошхона хизматчиси бўлган (“кухарка”) аёлни давлат бошқарувчисига айлантирамиз”, деган шиорнинг ҳеч нимага олиб келмаганини эслаш мумкин. Шунинг учун демократиянинг тенглик принципини ҳар ким билими, қобилияти ва тажрибасига мувофиқ ижтимоий борлиқда ўз ўрнини топиш имконига эгадир, деб тушунмоқ зарурдир. Ижтимоий-сиесий борлиқда эса ҳар бир фуқаро, ҳамма ана шундай сифатларга, имкониятларга эга бўлавермайди, бироннинг маориф, маданият, бошқа бироннинг савдо-сотик, яна бошқа бироннинг деҳқончилик, врачлик соҳаларида фаолият кўрсатишга мойиллиги, интилиши табиий ҳолдир. Ижтимоий ҳаётнинг ранг-баранг талаблари, политистикаси кишилардан ранг-баранг фаолият турлари билан шуғулланишни талаб қиласди, бу ўринда улар ижтимоий детерминизм қонунларига бўйсуниб фаоллик кўрсатадилар.

Бошқариш жараёнида демократия, демократик қадриятларни шакллантириш бош мақсад, пировард натижа сифатида қаралмайди. Ҳар бир бошқариш ўзининг аниқ мақсадига эга, субъект ушбу мақсадни унотолмайди. Бундай жараёнда демократия, демократик қадриятлар ёрдамчи восита вазифасини ўтайди ва бош мақсадга етишга хизмат қиласди. Масалан, фирма омборхонасига келиб тушган озиқ-овқат маҳсулотларини туман ёки вилоятнинг турли ҳудудларида жойлашган филиалларига тарқатиши зарур, дейлик. Бу ўринда фирма раҳбари демократияни ривожлантириш ҳақида эмас, энг аввало озиқ-овқат маҳсулотларининг исроф бўлиб, бузилиб қолмаслиги учун тезроқ ҳаридорларга етказишни ўйлади. Агар у мазкур вазифани бажариш учун қандай демократик бошқариш усулини ихтиро қиласам ёки уни ишлаб чиқишини кимларга топширсам ва қачон меҳнат жамоаси олдида муҳокама қиласам, демократик асосда бирор қарор қабул қиласам экан, деган ўйга борса, маҳсулотларнинг яроқсиз, истеъмолга зид ҳолга келиб қолиши аниқ. Бу оператив қарор қабул қилишга эмас, балки демократия имкониятларининг чекланганлигига мисолдир. Демак, бошқарув тизимининг, лидернинг шахсий жавобгарликни, гоҳо таваккални бўйнига олиб, авторитар тарэда қарор қабул қилиши табиий ҳолдир. Тўғри, фирма раҳбари қайси филиалга қанча маҳсулот етказиб бериш ва бу ишга кимларни мастьул қилиб қўйиш бўйи-

ча ёрдамчилари ёки ходимлари билан маслаҳатлашиши мумкин. Аслида бу ҳам демократик бошқаришнинг бир кўринишидир. Аммо охирги қарорни фирма раҳбари қабул қиласди. У ёрдамчилари ва ходимларининг таклифларини, фикрларини рад эт-маслиги (уларни эшлиши ҳам демократиядир) мумкин, лекин маҳсулотларни етказиб беришга оид сўнгги фикрни у айтади, ҳал этувчи (бу автократизм) қарорни у қабул қиласди. Шунинг учун демократияни автократик таъсирсиз, масъулдор-лидерсиз тасаввур қилиб бўлмайди, кимдир охирги натижага учун жавобгар бўлиши лозим.

Демократиянинг навбатдаги кўриниши, айниқса ижтимоий-сиёсий борлиқда, фикрлар плюрализми ва муҳолифатдир.

Ўз фикрини билдириш демократик қадриятлар ичida кенг тарқалгандир. Инсон эркинлигини, И.А.Бердяев ибораси билан айтганда, ижодда, транцендент излашда, эътиқодда намоён этганидек, у эркинлигини, демократик ҳукуқларини ҳурфикликда ҳам намоён этади. Нафақат бошқаришда, умуман ҳаётда, вербал восита орқали ўзини намоён этиш аёлларга хос хусусиятдир¹. Шунинг учун ҳам аёллар эркакларга нисбатан кўпроқ гапирадилар, баъзан гап-сўзларга берилиб, асосий мақсадни унугиб кўядилар². Шундай бўлса-да, бу психофизиологик белги уларнинг сиёсий ҳукуқларини чеклашга асос бўлолмайди. Аммо уларни ижтимоий-сиёсий фаолиятга жалб этганда, бошқарув тизими ни топширганда, мазкур психофизиологик белгини унутмаслик зарур. Бу улардан хавфсираш, уларга ишонмаслик, ҳар бир хатти-харакатини назорат қилиш учун эмас, балки ким билан ишлашга, ҳамкорлик қилишга тўғри келаетганини англаш учун зарур. Аёллардаги ушбу белги бутун субъект-объект муносабатларига, бошқарув тизимида кечадиган жараёнларга таъсир этишини унугиб бўлмайди.

Ижтимоий-сиёсий ҳаётда, айниқса парламент фаолиятида оппозиция – муҳолифат муҳим ўрин тутади ва унга демократиянинг зинг муҳим кўриниши сифатида қараш шаклланган. Лекин аёллар ичida Б.Бхутто, Ю.Тимошенко, Т.Новодворская, И.Хакамада каби

¹ Алимасов В. Гендер фалсафаси. Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ инст. нашр., 2008. 46–48-бетлар.

² Пиз А., Пиз Б. Как заставить мужчину слушать, а женщину молчать. М.: ЭКСМО, 2006. С.96–98.

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИДА ХОТИН ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ

ижтимоий-сиёсий жараёнларда сезиларли из қолдирған аёллар
кам топилади.

Давлат бошқаруви тизими фикрлар яқдиллигини, уюшқоқлик
ва бир ёқадан бош чиқаришни тақозо этса-да, субъект-объект мұ-
носабатларининг у ёки бу қараш, таълимот таъсирида бўлишини
рад қилиш мумкин эмас. Демак, бошқариш тизимидаги субъект-
объект муносабатларида фикрлар плюрализми, ҳатто оппозиция
бўлишини табиий ҳол сифатида қабул қилиш керак.

2-БОБ

ЎЗБЕКИСТОНДА ХОТИН-ҚИЗЛАР МАСАЛАСИ: ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ИЗЛАНИШЛАР ВА УЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ

- 2.1. Хотин-қизлар масаласига оид
ижтимоий-фалсафий изланишлар**

- 2.2. Феминизм ва гендер тенглик
муаммолари**

- 2.3. Хотин-қизлар масаласининг
ижтимоий-гуманитар тавсифлари**

- 2.4. Оммавий ахборот воситаларида
хотин-қизлар масаласининг
талқинлари**

2.1. Хотин-қизлар масаласига оид ижтимоий-фалсафий изланишлар

Энг аввало шуни эътироф этишимиз лозимки, “хотин-қизлар масаласи” тушунчаси “аёллар ижтимоий-сиёсий фаоллиги” тушунчасидан кенгdir. Кейинги тушунчани биринчисининг таркибиغا киритиш, аёллар ижтимоий-сиёсий фаоллигини аёллар масаласининг бир қисми сифатида қараш түғридир. Бироқ аёллар, хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини фақат давлат бошқаруви тизимидағи иштироки, фаолияти билангина чегаралаб қўйиш муаммони түғри тушуниш ва түғри ҳал этишга олиб келмайди. Уларни, яъни аёллар масаласига доир кенг, ранг-баранг соҳалардаги муаммоларни, аёллар фаоллигини аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги билан узвий боғлаб қараш лозим. Фақат шундай кенг комплекс ёндашишгина аёлларнинг хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини түғри англашга ва түғри баҳолашга етаклади. Аммо бундай ёндашишда асосий дикқат аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигига қаратилиши, уларнинг давлат бошқариш тизимидағи ўрнини очиб беришдан иборат бўлиши шарт. Кенг маънодаги аёллар масаласи аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини түғри англашга ёрдам берувчи фондир, ушбу фонсиз аёлларнинг хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий борлиқдаги ўрни етарли очилмай қолади.

Бундан ташқари, олдинги бобда қайд этганимиздек, давлат инсон фаолиятининг, ижтимоий борлиқнинг барча соҳаларига сингиб кетган, унинг таъсисисиз бирор соҳа, ижтимоий фаолият, айниқса бошқарув тизими муваффақиятли ишлай олмайди. Биз фуқаролик жамияти ва унинг институтлари ролини инкор қилмоқчи эмасмиз, аммо реаллик, ижтимоий борлиқ бутун дунёда давлатнинг самарали, “рационал-оптимистик”¹ фаолияти туфайлигина барқарор эканини кўрсатади. Агар давлатнинг “рационал-оптимистик” таъсири бўлмаганида ижтимоий борлиқнинг социумининг бутунлиги, барча фуқароларнинг тенг ҳукуқлилигини

¹ Ильин В. В. Политология. М.: Книжный дом Университет, 1999. С.237.

таъминлаш, жамиятнинг соғлом ва ўюшган организм сифатида ишлашига эришиш мумкин эмас эди¹.

Шу билан бирга айнан давлат бутуннинг қисмларга бўлинишидан манфаатдор, чунки у қисмлари – институтлари, тизимлари орқали ўзининг бутунлигини таъминлайди, бутун сифатида жамият ҳаётини рационал-оптимистик бошқаради. У бутунлигини йўқотиш, парчалаш учун эмас, балки ўзининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий функцияларини тўла, халқ манфаатлари ва социум тараққиётини таъминлаш учун ҳаракат қиласи. Қисмларнинг самарали ишлаши давлатнинг бутун сифатида рационал-оптимистик фаолият кўрсатишининг, ҳатто мавжудлигининг шартидир. Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни давлат бошқаруви тизими фаолиятига жалб этиш давлат қисмларининг охир натижада бутун (давлат)нинг самарали ишлаши учун зарурдир.

Совет даврида ҳам хотин-қизлар масаласи тадқиқотчилар учун қизиқарли мавзу бўлиб келган, лекин уларда коммунистик мафкуравий ёндашишлар устун турган. Ушбу ёндашишга кўра, ўзбек аёллари феодал-патриархал муносабатлар тазиёки остида яшаб келган, уларни озод, эркин қилиш, бутун ҳаёт соҳаларида аёллар эмансипациясига эришиш қайд этилган². Объектив баҳолаш зарурки, ушбу ёндашувда маълум бир ҳақиқат бор. XVI-XIX асрларда қитъамизда ҳукм сурган мутаассиблик, қолоқлик, жаҳон тараққиётидан орқада қолганлик хотин-қизларга ҳам ўзининг салбий таъсирини ўтказмаслиги мумкин эмас эди. Ушбу салбий ҳолни бартараф этиш, янги тузум мақсадларига барчани, шу жумладан хотин-қизларни ҳам хизмат қилдириш ўша давр мафкураси талаби эди³. Натижада 1927 йили бошланган "Хужум" ҳаракати ўзбек аёллари эмансипациясига туртки берди. Бугун ушбу ҳаракатга бошқача, янгича талқин беришаётган (агар совет даврида фақат позитив воқелик сифатида қаралган бўлса, ҳозир эса фақат салбий, ғайримиллий ҳодиса сифатида баҳоланмоқда, биз эса "Хужум"да ҳар икки жиҳат мавжуд деб биламиз) бўлса-да, ундаги позитив томонларни кўрмаслик мумкин эмас⁴. Энг муҳими

¹ Ўша жойда.

² Қаранг: Алимова Д. Женский вопрос в Средней Азии. Ташкент: Фан, 1991.

³ Ўша асар. 5-6-бетлар.

⁴ Тоҳтаходжаева М. Ўтмиш толиқтирган аёллар. Тошкент, 2001. 155-157-бетлар.

шундаки, советона эмансипация генезиси бир томондан, жаҳонда кечәётган аёллар ижтимоий-сиёсий ҳаракатининг, феминизмнинг бир кўриниши, иккинчи томондан, коммунистик, тор, синфий мафкура қобиғига ўралган ҳаракат эди. Ушбу ҳаракатда миллий анъаналарни, ўзбек аёлларининг менталитети ва турмуш тарзи хусусиятларини ҳисобга олмаслик бор эди, аммо у хотин-қизларимизда янгиликка интилишни, дунёвий билимлар билан қизиқишни, ижтимоий-сиёсий ҳаётда қатнашиш иштиёқини ҳам шакллантирган. Аёллар масаласининг ижтимоий-сиёсий ва илмий муаммо сифатида қаралиши ҳам ўша даврдан бошланган.

Мустақиллик йилларида хотин-қизларни ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар жараёнинга жалб этиш, давлат бошқаруви тизими-ни модернизациялашни кенг кўламда амалга ошириш объектив заруриятга айланди. 1995 йил 2 марта Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Ушбу ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга ҳужжат ижтимоий фалсафада аёллар масаласини янги давр, миллий демократик тараққиёт нуқтаи назаридан ўрганишга туртки ва дастур бўлди. 1998 йил 27 январда эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси хотин-қизлар масаласига оид Давлат дастурини ишлаб чиқди ва Миллий платформасини эълон қилди. Мазкур ҳужжат Ўзбекистонда аёллар масаласига жаҳонда юз берәётган глобал ўзгаришлар, БМТнинг, халқаро ташкилотларнинг аёлларга оид платформалари нуқтаи назаридан ёндашишни кун тартибига кўйди. Миллий ва умуминсоний қадрияtlар, меъёрлар ва тажрибаларга таяниш илмий тадқиқотларнинг вазифаси сифатида белгиланди.

Ўзбек хотин-қизларининг замонавий ва миллий фазилатлари, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги, жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги ўрни масалалари Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, фалсафа фанлари доктори, профессор X.O.Шайхова илмий изланишларида марказий ўринда туради. Унинг мустақиллик йилларида чоп эттирган асарлари¹ хотин-қизлар ма-

¹ Каранг: Шайхова X., Назаров К. Умуминсоний қадрияtlар ва мъянавий камолот. Тошкент: Ўзбекистон, 1992; Шайхова X., Тиллаева Г. Соғлом турмуш тарзи ва ёшлар камолоти. Тошкент: Фалсафа ва ҳуқук инст. нашр., 2008; Шайхова X. Мъянавият – камолот кўзгуси. Тошкент: F.Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009; Шайхова X. Ўзбек аёли – одоб тим-

саласини миллий демократик тараққиёт нуқтаи назаридан ўрганишга ёрдам беради. Олима ёзади, мустақиллик туфайли “хотин-қизларнинг тенглиги ва озодлигини тўла рўёбга чиқариш, янгича тафаккур, эркин фикрларни ва дунёқарашини шакллантириш, ижтимоий ҳаётда аёлга бўлган муносабатни тубдан ўзгартириш, Шарқ аёлига хос момо мерос, ахлоқий гўзал қадрият ва фазилатларни кенг камол топтириш зарурати мустақил юртимиизда давлат сиёсатининг устувор вазифасига айланди. Ўзбек аёлларининг маданий ва маънавий, хукуқий-ахлоқий, интеллектуал салоҳиятини ошириш, оиласидаги оналик бурчи ва маъсулиятини миллий, умуминсоний нуқтаи назардан чуқур англаб этиш ва амалиётга риоя қилишга одатлантириш мустақиллик тамойилининг асосий вазифасидир. Аёллар жамиятнинг энг эъзозга сазовор, хурмат-иззат, ғамхўрлик ва эътиборга лойиқ ижтимоий тоифасига айланмоқда... Демак, аёлни улуғлаш – оиласи, Ватанини, ҳаётни улуғлашдир”. Ушбу фикрларини давом эттириб, ўзбек аёлига хос бўлган инсоний, маънавий фазилатларни қайд этиб, Х.О.Шайхова замонавий аёлларининг ижтимоий фаоллигини ҳам кўрсатади. “Бирор соҳа йўқки, – деб ёзади у, – аёл ўз билими, фаоллиги, истеъдодини намоён қилмасин. Мулкдорлар синфи вакили, тадбиркор, фермер, кичик ва кўшма корхона соҳиби, тижоратчи, бизнес ва менежер каби касб эгалари ёки мудофаа ва хукуқ-тартибот соҳасида минглаб иқтидорли, салоҳиятли, ақл-заковатда ўқтам аёлларнинг фаолият кўрсатиши шаклланётган фуқаролик жамиятимиз учун оддий ҳолдир. Дарҳақиқат, раҳбарлик ва бошқариш ишларида аёллар сони кўпайиб бормоқда”¹.

Олиманинг фикрича, аёлларни ижтимоий ҳаётдаги ўрнини ошириш, жамият ва давлат ишларини бошқаришга жалб қилиш уларнинг маънавий камолотига хизмат қилади. Маънавий қадриятларсиз жамият ва давлатни бошқариб бўлмайди.

Х.О.Шайхова хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини кенг, ҳар томонлама таҳлил қилади. Унинг илмий асарларида аёллар меҳнат, оила, давлат бошқаруви, илм-фан, маориф ва маърифат, ахлоқий қадриятлар, маҳалла, баркамол авлодни вояга етказиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, бизнес ва тадбиркорлик соли. Тошкент: Ўзбекистон, 2007; Шаҳо в. А. Баркамол авлод – ахлоқий қадриятлар куршовида. Тошкент: Фалсафа ва хукуқ инст. нашр., 2010.

¹ Шаҳо в. А. Маънавият – камолот кўзгуси. Тошкент: F.Гулом номидаги нашириёт-матбаа ижодий уйи, 2009. 88-бет.

каби ранг-баранг соҳалар билан боғлаб тадқиқ этилади. Унинг асосий дикқати аёлларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрнини инсон муаммоси, унинг қадри нуқтаи назаридан ўрганишга қаратилган. Шунинг учун у ёзади: “инсон ва унинг қадри муаммоси – ижтимоий фанлар ва фалсафанинг энг кўхна мавзуларидан биридир. Одам, унинг табиатдаги ўрни ва мавқеи ҳамма замонларда ўз кўлами ҳамда хусусиятлари билан бошқа масалалардан ажралиб турган. Табиий фанлар учун инсоннинг тана ва жисмоний тузилиши муҳим аҳамият касб этган, бу билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш ҳамон даом этмоқда. Ижтимоий фанлар эса, жумладан фалсафа шахс камолоти, инсоннинг ижтимоий, сиёсий, маданий ва руҳий соҳалар билан боғлиқ хусусиятларини таҳдил қиласди”¹.

Тан олиш керакки, олиманинг таҳдили шахсий тажриба, гоҳо публицистик услугга асосланган. Унда илмий, эмпирик таҳдил ўрнини бадиий-публицистик тафсилотлар, баёнлар, кўтаринки тилдаги тасвирлар эгаллайди. Аммо олиманинг муаммони ўзига хос тарзда, эркин, эссеcизм тарзида баён қилиши, ўрганиши асарларидағи ижтимоий-фалсафий фикрлар аҳамиятини камайтиrmайди. Х.О.Шайхова катта тажрибали инсон, олима сифатида хотин-қизлар, аёллар масаласига оид муаммоларнинг асосий йўналишларини, тадқиқотчилар нималарга, қандай саволларга жавоб излаши зарурлигини умумий тарзда белгилаб беради.

Мустақиллик йилларида хотин-қизлар масалаларига маҳсус диссертацион тадқиқотлар бағишланди. Бу борада М.Холматова, З.Р.Кодирова, Р.Самаров, А.А.Хусейноваларнинг фалсафа фанлари доктори, С.Х.Сафаевна, Ф.Х.Юлдашева, У.А.Ахрорваларнинг фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тайёрлаган диссертацияларини мисол қилиб келтириш мумкин.

М.Холматова аёллар масаласини оиласи муносабатлар маданиятини ривожлантириш муаммолари орқали тадқиқ этади. Унинг фикрича, оила ижтимоий институт сифатида жамият ва давлат учун муҳим бўлган ишчи кучи, интеллектуал бойлиқ, соғлом фикр, ўз Ватани ва юртини ҳимоя қилишга қодир ёш авлодни етказиб беради. Жамият ва давлатнинг барқарорлиги негизи оиласда, оиласи муносабатлардадир. Агар ушбу муносабатлар мустаҳкам бўлмаса, уларнинг ижтимоий, иқтисодий ва психологияк асослари заиф, деструктив характер касб этса, жамият

¹ Ўша асар. 16-бет.

ўз таянчидан маҳрум бўлади¹. Тадқиқотчи асосий дикқатини оилавий муносабатлар маданиятига қаратган бўлса-да, бошқа асарларида эътиборини, қизиқиши доираларини кенгайтиришга, хотин-қизларнинг миллий ва умуминсоний қадриятлар синтези орқали ўрганишга қаратади². Ўзбек оиласи, энг аввало, Ўрта Осиё халқлари билан этногенетик ва этномаданий, этносоциал алоқалар таъсирида шаклланган, араблар олиб келган ислом динидан урф-одатлар, нормалар, гоялар олган. Булар ўзбек хотин-қизларининг ижтимоий ҳаётта бўлган муносабатларини, ўзининг ижтимоий-сиёсий борлиқдаги ўрнини англашга ёрдам берган. Демак, М.Холматова ўзбек хотин-қизлари масаласини оилавий муносабатлар синтези орқали ёритади. Бироқ оила ва оилавий муносабатлар аёлларнинг ижтимоий-сиёсий борлиқдаги ўрнини англашга қандай ёрдам беради? Ижтимоий-сиёсий борлиқда оиланинг ўрни қандай, улар нималарда акс этади? Умуман, хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий борлиқни яратишга, ўзгартириш ва та-комиллаштиришга интиладиларми, деган саволлар тадқиқотчи эътиборидан четда қолиб келган. Ваҳоланки, ижтимоий-сиёсий тузум ҳам, аёлларнинг ўзи ҳам фаолликни қўллаб-кувватлаётган бир пайтда миллий демократик тараққиёт учун муҳим ушбу саволларга жавоб изламаслик мумкин эмас. Тадқиқотчи аёлларни оила, уй, бола тарбияси билан чегаралаб қўймаслиги, давр талаб этаётган долзарб саволларга жавоб излаши зарур эди.

З.Р.Кодирова Ўзбекистон ёшлигининг жамиятни тубдан ислоҳ қилиш жараёнида ижтимоий фаолигини ошириш муаммоларини ўрганади. Шу билан бирга, у аёллар масаласига оид қарашларини докторлик диссертацияси ва чоп эттирган асарларида ёритишига, очиб беришга интилади. Унинг ёзишига кўра, совет давридаги оғир меҳнат, айниқса “қишлоқдаги ҳаёт аёлларга шахсий ҳаёт ва фарзандларини тўлақонли тарбиялашга имкон қолдирмаган”³.

¹ Қаранг: Холматова М. Проблемы совершенствования культуры семейных отношений и воспитание здорового поколения: Автореф. дисс... докт. филос. наук. Ташкент, 1998. С.28–32.

² Қаранг: Холматова М., Муравьева Н. Ёшлар оилавий ҳаёт бўсағасида. Тошкент: Ўзбекистон, 2000; Холматова М. Оилавий муносабатлар маданияти ва соғлом авлод тарбияси. Тошкент: Ўзбекистон, 2000.

³ Кадирова З. Р. Проблемы повышения социальной активности молодежи Узбекистана в условиях всестороннего реформирования общества: Автореф. дисс... докт. филос. наук. Ташкент, 1999. С 128–129.

Буни қишлоқ аёллари ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаоллик кўрса-тишдан мутлақ бехабар эдилар, деган маънода тушуниш ҳам мумкин. Ушбу оғир, чидаб бўлмайдиган ҳол 80-йилларнинг иккинчи ярмида аёллар ўртасида суицидни авж олдирган¹.

Шуни зътироф этиш зарурки, З.Р.Қодирова аёллар масаласи-ни ижтимоий-сиёсий борлиқ билан, ундаги муаммоларга аёлларнинг фаол муносабати билан боғлашга интилади. Унинг фикрича, мамлакат аҳолисининг ярмидан ошиғини ташкил этувчи, хотин-қизлар ижтимоий тараққиёт кун тартибига қўяётган, мамлакатда амалга оширилаётган туб ислоҳотлардан ташқарида туриши мумкин эмас².

Тадқиқотчи замонавий аёлнинг назарий-фалсафий портрети-ни чизишига интилади, ўзгараётган дунёда у дуч келаётган муаммолар ҳақида фикр юритади, уларни ечиш йўлларини излайди. Лекин у ҳам хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий борлиқдаги ўрни масалаларини четлаб ўтади. Ҳатто, ёшларнинг ижтимоий фаоллиги муаммоларини ўрганишга бағишиланган маҳсус тадқиқотда ҳам ушбу мавзу очиб берилмайди. Тўғри, унда ёшларнинг ижтимоий фаоллиги сиёсий ва ҳуқуқий маданият билан боғлиқлиги қайд этилади, улар маҳсус параграфда ёритилади. Лекин ушбу маданиятни талаб этаётган ижтимоий-сиёсий омиллар нимада, улар қандай тарзда ижтимоий-сиёсий борлиқни янгилаш восита-сига айланади, бу жараёнда давлат бошқарув тизимининг ўрни қандай, функциялари нималардан иборат, деган саволларга жавоб берилмайди. Чунки ҳар қандай ижтимоий фаолликни давлат ва унинг бошқарув тизими билан алоқа қилмай, мувофиқлашмай, ўзидан-ўзи, тасодиф сифатида амалга ошириб бўлмайди. Айниқса, миллий давлатчилик қайта тикланаётганида, жамиятда туб ўзгаришлар амалга оширилаётганида ҳар қандай ижтимоий фаоллик, ҳаракат давлат бошқарув тизими билан мувофиқлашишини тақозо қиласи.

¹ Ўша асар 20-бет.

² Қаранг: Нужна ли женщине социальная активность? // Мустақил Ўзбе-кистон: фалсафа фанларининг долзарб муаммолари. Тошкент, 1999. 128-129-бетлар; Кадиро Ҷ. Вопросы социальной активности жен-щин в Узбекистане // Ўзбекистонда оила, давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг роли ва гендер муаммолари. Тошкент, 1999. 50-53-бетлар.

А.А.Хусейнова фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида аёллар фаоллигини ошириш муаммоларини ижтимоий-фалсафий тадқиқ этади. У аёлларнинг давлат бошқаруви ва сиёсий партиялар фаолиятидаги иштироки, улар ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда нодавлат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситаларининг ўрни масалаларини ўрганади. Унинг хулосасига кўра, давлат бошқаруви тепасида “асосан эркаклар туришибди. Шунинг учун “аёллар масаласи”даги энг мураккаб ва турли қарама-қарши ёндашувларни келтириб чиқараётган муаммо ҳам хотин-қизларнинг давлат ва жамият бошқарувида кенг иштирок этишига эришишдир”¹. Мазкур хулоса асосан тўғри, чунки бошқарув тепасидаги шахс, айниқса эркак иложи борича ўз жинсидан ходим, ёрдамчи излайди. Асрлар давомида давом этган ушбу тажриба, анъана очиқ бўйласа-да, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий борлиқдаги ўрнига ишончсизлик билан қарашни шакллантирган. “Лавозим, мансаб инсонни эмас, балки бошқариш фаолиятидан яхши хабардор, одамлар билан моҳир психолог раҳбар сифатида ишлай оладиган, юксак маънавият ва малакага эга инсон (унинг қайси жинсга тааллуқли эканининг аҳамияти йўқ) мансабни безайди. Демократик жамият учун киши мавқеини оширадиган лавозим, мансаб эмас, балки лавозим, мансабнинг санарадорлигини оширадиган инсон, шахс, мутахассис мұҳимдир”².

Эътибор қылсак, ургу жинсга, лавозимга ёки тизимга эмас, балки инсонга, мутахассисга бериляпти. Айнан, биринчидан, инсоний сифатлар, иккинчидан, бошқарув фаолияти хусусиятларидан яхши хабардор мутахассис мұҳимдир.

Тўғри, ушбу икки гуруҳ сифатлар ҳар доим ҳам бир-бирини тақозо этавермайди, бири иккинчисига хизмат қиласкермайди. Ижтимоий-сиёсий фаолият шундай соҳаки, унда турли манфаатлар, гоҳо қарама-қарши эҳтиёжлар, қараш ва ёндашувлар тўқнашади. Ушбу хусусиятдан бехабар субъект, агар у ўзини гуманист ва демократ кўрсатмоқчи бўлса, барчага тилёғламалик қилишга, бошқарув самараси учун зарур қарорни қабул қилишда иккиланишга, лаёқатсизлик ва масъулиятсизлик қилишга маж-

¹ Ҳусейнова А. А. Фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида аёллар фаоллигини ошириш муаммолари (ижтимоий-фалсафий таҳлил): Фалсафа фан. док... дисс. автореферати. Тошкент, 2010. 29-бет.

² Ўша жойда.

бур бўлади. Ижтимоий-сиёсий фаолият масъулиятни, жавобгарликни, таваккал билан қарор қабул қилишни тақозо этади. Ким таваккал қилмаса, масъулиятни ўз устига олмаса, ва ниҳоят, кишиларни бошқаришдек мураккаб фаолиятга ҳаётини, ҳатто тақдирини тикмаса, у ҳақиқий раҳбар бўлолмайди¹.

А.А.Хусейнова аёлларнинг сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ), оммавий ахборот воситалари (ОАВ), маҳалла, ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик институтлари билан алоқаларини ўрганади, ушбу ташкилотларсиз фуқаролик жамияти ҳақида сўз юритиш мумкин эмас. У нодавлат нотижорат ташкилотларининг аёллар ижтимоий-сиёсий фаоллигига таъсирини ўрганиб, Республика хотин-қизлар қўмитаси мисолида хulosага келади: “Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси каби аёлларни давлат ва жамият қурилишига жалб қилиш вазифасини бажаришга қаратилган ННТлар фаолият кўрсатаётган бўлса-да, улар ҳали хотин-қизлар дуч келаётган муаммоларни ҳал этишга сезиларли ҳисса қўшайтганлари йўқ”². Ушбу фикрнинг тўғрилигини бизнинг кузатишларимиз нотижалари ҳам тасдиқлайди. Масалан, “Хотин-қизларни давлат бошқаруви тизимида жалб этиш фаолиятингиз мақсадига кирадими?” деган саволга респондентларимизнинг (ННТларда ишлаётган 23 фоизи) 66 фоизи “Йўқ”, 22 фоизи “Билмайман”, 12 фоизи эса “Ҳа” деб жавоб берган. Деярли 88 фоиз респондент-эксперт хотин-қизларни давлат бошқаруви тизими фаолиятини бошқаришга ўргатиш, тайёрлаш ННТ вазифаси эмас, деб ҳисоблайди. Тўғри, ННТлар аёлларни бевосита давлат бошқаруви тизимида ишлашга тайёрлайди, ўргатмайди. Аммо улар фаолиятининг моҳияти аёлларни, жамоатчиларни, жамият ва давлат ишларини бошқаришга ўргатишга қаратилгандир.

А.АХусейнова аёлларни маҳалла қўмиталари ва ўзини ўзи бошқариш органларидағи фаолиятини таҳлил қилиб ёзади: “Шубҳасиз, аёлларнинг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи бўлган маҳалла фаолиятида иштирок этиши уларда ташкилотчилик хислатларини юксалтиради, оиласардаги муаммоларни тўғри ҳал этишга ёрдам беради. Шу билан бирга, маҳалла

¹ Грин Р. 48 законов власти. М.: РИПОЛ-классик, 2006. С.132–134.

² Ҳусейнова А. А. Фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида аёллар фаоллигини ошириш муаммолари (ижтимоий-фалсафий таҳлил): Фалсафа фан. докт... дисс. автореферати. Тошкент, 2010. 29-бет.

кўмиталарини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш объектив эҳтиёж сифатида сақланиб қолмоқда. Маҳалла фаоллари – аёлларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш механизmlарини ишлаб чиқишилари лозим”¹.

А.Хусейнова хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга оид кўпгина ижтимоий, иқтисодий ва маънавий омилларни таҳлил қиласди, улардан самарали фойдаланиш механизmlарини топишга интилади. Лекин тадқиқотчи назаридан ижтимоий-сиёсий борлиқни, давлат бошқаруви тизимини юксалтиришда хотин-қизларнинг субъект-объект муносабатларининг ўрни масалалари чеккада қолган. Тұғри, тадқиқотчи фуқаролик жамииятида давлат институтининг ўрни ҳакида (диссертациянинг биринчى бобида) асосли фикрларни билдиради, лекин улар умумий характерга эгадир.

Аёллар масаласини ўрганиш С.Х.Сафаева номзодлик диссертациясининг мақсадидир. Кейинчалик тадқиқот монография сифатида чоп этилган. Тадқиқотчининг фикрига кўра, “хотин-қизлар масаласи – уларнинг жамиият ва оиласидаги аҳволи, оналик ва болаликни турли камчиликлардан холи қилиш муаммоларини ўзида ифодалаган ижтимоий муаммолар мажмуудир”². Кўриниб турибдики, тадқиқотчи аёлларнинг ижтимоий-сиёсий борлиқдаги ўрни масаласини четлаб ўтади. Тұғри, монографияда хотин-қизларнинг сиёсий тизимлардаги мавқеи³ мавзуси тилга олинади, аммо мавзу ретроспектив таҳлилдангина иборат. Хотин-қизларнинг замонавий ижтимоий-сиёсий борлиқдаги ўрни масаласи етарли ўрганилмайди.

Н.М.Муравьевә аёлларнинг ижтимоий мавқенини ошириш билан боғлиқ муаммоларни ижтимоий-фалсафий таҳлил этади. У республикамиздаги аёлларнинг ижтимоий статуси расмий тарзда әркакларникига тенг бўлса-да, реал ҳаётда улар ўртасида, анъаналар, миллий менталитет, турмуш тарзи, гоҳо феодал – патриархал қарашлар таъсирида, маълум бир тафовутлар сақланиб қолмоқда⁴, деб кўрсатади.

¹ Ўша асар. 32-бет.

² Сафаева С. Аёллар масаласи: умумижтимоий ва миллий жиҳатлар. Тошкент: Ўзбекистон, 2003. 7-бет.

³ Ўша асар. 31-37-бетлар.

⁴ Муравьевә Н. М. Социально-философский анализ повышения социального статуса женщин: Автореф. дисс... канд. филос. наук. Ташкент, 2003. С. 15-17.

Тадқиқотчи хотин-қизларнинг давлат бошқаруви тизимларидаги сони ҳақида зарур мисолларни келтирса-да, уларнинг бевосита ижтимоий-сиёсий борлиққа муносабатлари, давлат бошқаруви тизими билан аёллар ўртасидаги алоқалар, фаоллик динамикаси, имманент хусусиятлари каби илмий-методологик ақамиятга эга мавзулар ҳатто тилга ҳам олинмайди.

С.А.Ахророванинг номзодлик диссертацияси Ўзбекистонда аёллар ижтимоий фаоллигини ошириш омилларини ўрганишга бағишиланган. Диссертациянинг учинчи боби "Хозирги давр тараққиётидаги аёлларнинг энг фаол ижтимоий-сиёсий куч сифатида шаклланиш жараёнлари" деб аталган. Минг афсуски, тадқиқотчи аёлларнинг нима учун "ижтимоий-сиёсий куч" эканини аниқ тасаввур этолмайди, натижада мавзуни умумий, сийقا, ҳаммага маълум баёнлар билан изоҳлашга интилади¹.

Аёлларнинг ёшларни оиласи ҳаётга тайёрлаш (Н.З.Сайдалиева), улар ҳаётига, дунёқарашига исломий қадриятларнинг таъсири (Ф.Х.Юлдашева), хотин-қизларнинг ҳалқ маданияти равнақидаги ўрни (У.А.Утанова), хотин-қизларни ижтимоий муҳофазалаш (А.М.Каримова), аёллар масаласининг демографик вазияти билан боғлиқ муаммолари (С.Б.Боймуродов) ўрганилган бўлса-да, хотин-қизларнинг давлат бошқарув тизими билан алоқалари уларда таҳдил қилинмайди. Бизнинг фикримизча, гап бу ўринда тадқиқот мавзусининг бошқа ва чекланганида эмас, балки ижтимоий-сиёсий борлиқ, унинг аёллар онги, дунёқараши ва турмуш тарзига таъсири, уларда ташкилотчилик, бошқариш санъати, кишилар билан ишлаш, мулоқот каби фазилатларни шакллантириши муаммоларининг ўрганилишидадир. Албатта, битта мавзуда, тадқиқотда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий борлиқдаги ўрни ва давлат бошқаруви тизимидағи фаолиятини ёритиш, очиб бериш қийин. Бироқ, хотин-қизлар масаласи маҳсус тадқиқ этилганида, уларда ижтимоий-сиёсий фаолликни шакллантириш масаласи ўрганилганда, юқоридаги муаммоларни четлаб ўтиш ноўриндир.

¹ Каранг: Аҳророва С. А. Ўзбекистонда аёллар ижтимоий фаоллигини ошириш омиллари: Фалсафа фан. номз... дисс. автореферати. Тошкент, 2005. 17-18-бетлар.

2.2. Феминизм ва гендер тенглик муаммолари

Хотин-қизлар масаласининг ижтимоий муаммо сифатида қаралиши феминизм билан боғлиқдир. 1779 йили француз файласуфи Ж. Кондорсье “Аёлларга фуқаролик ҳуқуқини бериш тўғрисида”, Олимпия де Гуж эса “Фуқаролик ва аёл ҳуқуқи” декларацияси орқали Европа, кейинчалик АҚШда аёлларнинг ижтимоий ва сиёсий ҳуқуқлари учун ҳаракатга асос солдилар. Ушбу даврдан бошлаб “феминизм”, “феминист” тушунчалари пайдо бўлди. Аслида “феминизм” тушунчаси француэча *feministe* сўзидан олинган. “Фемина” аёл деган маънони англатади.

А.А.Хусейнованинг келтиришича, феминизм аёлларнинг ижтимоий-сиёсий тенг ҳуқуқлилигини ҳимоя қилувчи ҳаракат сифатида қаралади. “Феминизм хотин-қизларнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий соҳаларда эркаклар билан тенг ҳуқуққа эга бўлиши учун курашни, шунингдек, ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этишни тарғиб этади... Шунинг учун у аёллар мафкурасига айланган, у ўз олдига инсонлар (тўғрироғи, жинслар) тенглигини асосий мақсад қилиб қўяди”¹. “Феминизм ғоя сифатида аёлларнинг жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий соҳаларда эркаклар билан тенг ҳуқуқ ва имкониятларга эга бўлишини ифодаласа, мафкура сифатида аёлларни эркаклар билан тенг ҳуқуқ ва тенг имкониятларга эга бўлиши ҳамда аёлларнинг барча кўринишлардаги камситилишига қарши қаратилган маданий ҳаракатдир. Тор маънода феминизм инсоният тарихида “биринчи кулликка тушган аёлни” жамиятнинг тенг ҳуқуқли субъектига айлантиришга қаратилган ҳаракатдир. Жамият ҳаётини “субъект-объект” эмас, балки “субъект-субъект” муносабатлари асосида куриш феминизмнинг антологияси ҳисобланса, инсон онгидаги аёлларга нисбатан нигилистик дунёқараш, стереотипларни ўзgartириш эса унинг гносеологиясини (тўғрироғи, социологиясини) ташкил этади”².

Илмий адабиётларда феминизмнинг ушбу антологик генезиси ва гносеологик моҳияти энг аввало инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кураши билан бошлаб талқин қилинади. XIX асрда юзага келган турли ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар, инсон ҳуқуқлари

¹ Ҳусейнова А. А. Фуқаролик жамияти ва аёллар. Бухоро, 2009. 52-бет.

² Ўша асар. 52-53-бетлар.

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИДА ХОТИН-КИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ

ҳақидаги қарашларнинг кенг ёйилиши феминизм учун асос яратади. Шунинг учун XIX аср ўрталарига келиб аёллар масаласи мавжудлиги нафақат китобларда, балки давлатлар сиёсатида ҳам тан олинди... Аёлларнинг сиёсий ҳаракати таъсирида XIX асрнинг 70-йиллари ва XX аср бошларида Шимолий Америка, Янги Зеландия, Австралия, Финляндия, Норвегия, Швеция, Англия, Германия, Австрияда либерал қонунлар қабул қилинди ва аёллар ички ҳаётнинг айрим соҳаларида (муниципалитет сайловида, мактаб ва лицейларни бошқаришда, госпиталлар ҳаётида ва б.) қатнашиш имконига эга бўлдилар. XX асрнинг ўрталарига келиб эса, аёллар тўла сиёсий ҳуқуққа эга бўлдилар ва уларнинг сиёсий ҳаётдаги иштироки масаласи Европа кенгашлари, БМТ симпозиумларида кенг муҳокама қилинадиган бўлди”¹.

Феминизм тўғрисида тўғри тасаввурларнинг шаклланмагани боис унга салбий муносабатлар, қарашлар ҳам йўқ эмас. Бу, энг аввало дискриминация кўринишларида намоён бўлади. Масалан, Жаҳон Иқтисодий Форуми (World Economic Forum) ривожланган мамлакатлардаги асосий кўрсаткичлардан келиб чиқиб, аёлларнинг ижтимоий ҳаётдаги мавқенини аниқлаган. У аёлларнинг иқтисодий ҳаётдаги иштироки, иқтисодий имкониятлари, сиёсий ҳокимиятдаги ўрни, маълумоти ва соғ-саломатлиги нуқтаи назаридан таҳлил қилиб чиқсан. Жаҳон Иқтисодий Форуми келтирган маълумотга кўра, аёлларга нисбатан зарур шарт-шароитлар Швеция, Норвегия ва Исландияда яратилган. Ушбу давлатларда аёллар дискриминацияси батамом бартараф этилган, хотин-кизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги бошқа давлатлар ҳавас қиласидиган даражададир. Юқоридаги кўрсаткичлар бўйича Латвия 11- ўринда, Литва 12, Эстония 15, Россия 31, АҚШ эса 17-ўринда туради. Охирги ўринларни Миср, Туркия ва Покистон згаллайди².

Баъзан феминизм тўғрисида гап кетганида, аёлларнинг миллий парламентлардаги сонига мурожаат этилади. Амалий нуқтаи назардан бу феминистик ҳаракат эришган ютуқлардан биридир. Бироқ, парламент аъзоларининг ўз жинсининг ҳақ-ҳуқуқлари учун курашгани, дискриминацияни бартараф этишга оид эъти-

¹ Сафаева С. Аёллар масаласи: умумижтимоий ва миллий жиҳатлар. Тошкент: Ўзбекистон, 2003. 34-35-бетлар.

² World Economic Forum. 01.02.2007.

борли ташаббуслар билан чиққани кузатилмайди. Шунинг учун парламент аъзолари бўлган аёлларни феминизм тарафдорлари, деб аташ қийин. Бундан ташқари, аъзоларининг 17-20 фоизини аёллар ташкил этган парламентларнинг аёллар дискриминациясини тўла тутгатиш ва гендер тенгликни таъминлашга оид қонунлар қабул қилишига эришиши ҳам шубҳалидир. Эркаклар кўпчилик бўлган сиёсий партиялардан сайланган аёллар парламентда уларнинг, яъни эркакларнинг манфаатларини ҳимоя килмаслиги мумкин эмас.

Феминизм аёллар, хотин-қизлар ҳукумронлигини таъминлашга қаратилган ҳаракат эмас. Давлат бошқаруви тизимида аёллар сони 10-12 фоизга етган заҳоти эркакларда ҳам, қуи поғоналарда хизмат қилувчи аёл хизматчиларда ҳам ҳасад, эътиroz уйғонади ва миш-мишлар тарқалади. Бу ҳол жамият феминизмни тенг ҳуқуқлилик учун кураш эканини қабул қилишга тайёр эмаслигидан далолат беради. А.А.Хусейнова “феминизм бир жинснинг иккинчи бир жинс устидан ҳукмонлик қилишига қарши ҳаракат, деганида тўғри қарашни ифода этади”¹. Шунингдек, “феминизм – бу фақат аёллардан ташкил топган моножинсли (бир жинсли) ҳаракат эмас. Унинг таркибига демократик ғоялар, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ўз ҳаётининг мазмунига айлантирган барча инсонпарвар эркаклар ҳам киради”².

Ўзбекистонда феминизм учрамаса-да, феминистик ҳаракатлар кузатилмаса-да, хотин-қизларнинг ҳуқук ва эркинликларини ҳимоя қилиб чиқсан, ижтимоий-сиёсий ҳётда улар фаоллигини ошириш муаммолари билан шуғулланувчи кишилар – жамоат арబоблари, олимлар топилади. Бундан ташқари, Ўзбекистонда давлатнинг ўзи хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий борлиқдаги, жамият ва давлат курилишидаги фаоллигини юксалтириш ташаббускори бўлиб келади. Тарих кўрсатадики, феминистик ҳаракат хотин-қизлар масаласи унунтилган, давлат бошқарув тизимида эркаклар устуворлик қилган, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ҳётда фаолият кўрсатишига тўсиқлар пайдо бўлганида юзага келади. Ўзбекистонда ушбу тўсиқларни бартараф этишга, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга давлатнинг ўзи киришган.

¹ Хусейнова А. А. Фуқаролик жамияти ва аёллар. Бухоро, 2009. 53-бет.

² Ўша жойда.

“Феминизм инсоннинг биосоциологик табиатига зид келувчи барча ижтимоий ҳодисаларга, жумладан ўз жинсини алмаштириш, лесбиянка, гомосексуализм, фоҳишабозлик (проституция), “одам савдоси” каби ноинсоний воқеликка зид ҳаракатдир¹. Кейинги йилларда бундай ноинсоний, инсоннинг биосоциологик табиатига зид ҳодисалар авж олди, оммавий ахборот воситалари, ҳатто баъзи давлатлар бунга йўл очиб бермоқда². Энг фожиалиси шундаки, бундай ҳолатларни айрим халқаро ташкилотлар ҳам қўллаб-қувватлаётгани, айрим сиёсатчилар ўзининг бефарқлиги, масъулиятызизлиги билан уларнинг авж олишига йўл очиб бераётганидир³. Одам савдоси эса бугун глобал муаммолардан бирига айлангани учун Ўзбекистон Республикаси унга қарши кураш олиб бермоқда.

Феминизм жинслар ўртасидаги маданий-психологик ҳодисаларни, уларнинг ижтимоий-сиёсий борлиққа муносабатларини ифода этади. Шунинг учун у икки жинс ўртасидаги интим алоқалардангина иборат эмас⁴.

Феминизмни интим алоқаларга қарши ҳаракат, деб тушуниш ҳам нотўғри тасаввурларни келтириб чиқаради. Тўғри, икки жинс ўртасидаги интим алоқалар турли манфаатлар (иқтисодий, сиёсий, эстетик, биологик ва б.)га қурилиши мумкин. Жинслар ўртасидаги зиддиятлар, низолар баъзан ушбу манфаатлар маҳсулси сифатида юзага келади, аммо улар эркак билан аёл бир-бирига нафақат биологик, худди шунингдек социологик муҳтож турлар эканини инкор қилолмайди. Ижтимоий-тарихий ривожланиш, филогенез, оиласнинг ижтимоий институт сифатида зарурлиги ва у икки жинс ўртасида интим алоқаларни тақозо этиши уларни бир-бирига мутлақ зид, антогонист, ёв субъектлар сифатида қарашни рад қилади. Феминизм ушбу ижтимоий-тарихий тажрибаларга қарши эмас, у эркак билан аёл ўртасидаги интим алоқаларни ҳам рад этмайди (тўғри, интим алоқаларга қарши радикал феминистлар учрайди, лекин улар феминизмда сезиларли

¹ Ўша жойда.

² Қаранг: Ф л и н т Л. Секс, ложь и политика // Голая правда. М.: АСТ М., 2006. С. 26–60.

³ Қаранг: М а л е р и н В. Наташи продаются. М.: ИНТЕР-ПРЕСС, 2006. С. 7–18.

⁴ Қаранг: Современная западная философия: Словарь. М.: Политиздат, 1991. С. 308–309.

2-БОБ. Ўзбекистонда хотин-қизлар масаласи: илмий-назарий изланишилар

оқим эмас), балки ижтимоий-сиёсий борлиқда эркак ва аёл ўзига хос мавқега, ўринга эга эканини тан олади. Бу ўзига хосликлар иккি турни бир-бирига қарши қўйишга асос бўлолмайди, аммо уларнинг ижтимоий-сиёсий борлиққа муносабатларида, бошқарув фаолиятида маълум бир фарқлар мавжудлигини эътироф этади¹.

Феминизм ўзича сиёсий назариядир. Унга кўра, аёллар ижтимоий-сиёсий борлиқни эркаклардан кўпроқ ўзгартириш имкониятига эга ва технологиясини биладилар. Эркаклар қанчалик кучли, узоқни кўзловчи, муғомбир, сиёсий ўйинларга мойил бўлмасин, улар ўзининг ижтимоий-сиёсий қарашларини аёллар таъсирида, гоҳо бевосита иштирокида яратадилар. Бундан ташқари, дадил ҳаракатлари, стратегик ўйинлари ва “ожизона талаблари” билан кишиларни ўз кетидан эргаштира оладилар².

Ўзбекистондаги сиёсий партиялар қошида фаолият юритаётган аёллар қанотини сиёсий феминизмнинг ижтимоий-сиёсий амалиётдаги бир қўриниши, дейишимиз мумкин. Тўғри, улар ўзини феминистик ҳаракат, деб атамайди, аммо ўзларининг сиёсий партияларида хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ижтимоий-сиёсий ҳаётга жалб этиш масалалари билан шуғулланадилар.

Феминизм сиёсий партия эмас, у ижтимоий-сиёсий институтларни, давлатни қўлга киритиш, ҳокимиятни эгаллашни мақсад қилиб қўймайди. Феминизм ижтимоий-сиёсий институтларнинг, давлатнинг аёлларга нисбатан муносабатини инсоний, хукукий бўлишини истайди. Феминистлар назарida, ижтимоий-сиёсий институтлар, давлат аёлларни ўз фаолиятига тортишда, бошқариш ишларини яхшилашда улар билан етарли даражада маслаҳатлашмайди, уларнинг демократик фикрларини эшитмайди. Бошқарув тизимида эркакларнинг устунлиги қабул қилинадиган қарорларни улар манфаатига йўналтиради, бундай ёндашув аёлларни дискриминация қилишга, уларнинг инсоний хукуқларини камситишга олиб келади³. Феминизм ушбу ноинсоний тартибни, бошқариш тарзини

¹ Қаранг: Milliet K. Sexual Politics. –N.-Y., 1970; Feminism and Political Theory. –L., 1986; Friedan B. The feminine Mystique. –N.-Y., 2006; Феминизм в общественной мысли и литературе. М.: Грифон, 2006.

² Қаранг: Брайсон В. Политическая теория феминизма. М.: Идея-Пресс, 2001. С.17–24.

³ Ўша асар. 8–9-бетлар.

ўзгартаришга интилади. У матриархатни тикламоқчи эмас, аммо эркак билан аёллар ўртасидаги муносабатлар инсоний, ҳуқукий бўлишини, жинсларнинг аҳил, иттифоқ, бир-бирига таяниб яшашини назарда тутади. Жинслар ўртасидаги фарқлар антогонизмга эмас, балки, аксинча, муросага, коалицияга, интеграцияга олиб келиши лозим¹. Ўзбекистонда амалга оширилаётган тадқиқотларда асосан эркак билан аёл ўртасидаги муносабатлар мазкур ёндашув нуқтаи назаридан ўрганилади. Масалан, фалсафа фанлари номзодлари С.А.Сафаева ва Н.М.Муравьевева чоп эттирган китоблар, амалга ошириган тадқиқотларда шундай ёндашиш кузатилади. Н.М.Муравьевева Ўзбекистон хотин-қизларининг ижтимоий мавқеини демократик тараққиётни таъминлаш ва давлат институтини мустаҳкамлаш нуқтаи назаридан ўрганади. Бу билан у хотин-қизларнинг ижтимоий мавқеи фақат аёлларга эмас, балки энг аввало давлатга, мустақилликка эришган Ўзбекистон Республикасининг келажагига, тараққиётига тааллуқли ижтимоий воқелик эканини таъкидлайди. Тўғри, давлат бошқарув тизимида аёллар ҳали юқори эмас, аммо улар илғор давлатлар хотин-қизлари эгаллаган ижтимоий мавқега, эътиборга эгадирлар². Давлатимиз амалга ошираётган чора-тадбирлар гендер тенгликни мустаҳкамлашга қаратилгани учун ҳам Ўзбекистонда аёллар бирлашиб, фенимистик ҳаракатлар тузишга интилмайди.

Эсда тутиш зарурки, феминизм, назария сифатида, хотин-қизларни фақат ижтимоий-сиёсий борлиқ билан муносабатларинигина ўрганимайди, у хотин-қизлар ҳаёти, фаолияти, менталитети, маданияти билан боғлиқ барча томонларни ўрганишга интилади. Буни феминология деб аташ мумкин. Эркак билан аёл ўртасида биологик, психологик, социологик ва антропологик фарқлар, ўзига хосликлар мавжуд экан, феминология учун мавзуу топилаверади. Бироқ, ушбу назария гендер тенглик (гендерология), инсон ҳуқуқлари мавжуд эканини, феминизм мудом ижтимоий борлиқнинг ушбу томонлари орқали ўрганилиши, қаралиши зарурлигини эсдан чиқармаслиги керак.

¹ Қаранг: Пушкарева Н. Л. Что такое феминизм? Женская история. Гендерная история (теория и исследования). Калуга, 2001. С.44–46.

² Қаранг: Муравьева Н. М. Ўзбекистон хотин-қизлари ижтимоий мақомини юксалтириш. Тошкент: Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2004. 12-14-бетлар.

Феминизм аёлларнинг ўз ҳукуқ ва эркинликлари учун курашини ифода этувчи ижтимоий ҳаракат бўлса, “гендер” эркак ва аёл ўртасидаги муносабатларни назарда тутувчи тушунчадир. Ушбу муносабатлар генезиси жамият шаклланишининг илк даврларига бориб тақалади. Шу даврдан бери у аристократик, монархистик, феодал-патриархал, теологик, либерал босқичларни босиб ўтди. Аёлга бўлган муносабат жамиятга, шу жумладан, эркакка бўлган муносабатнинг кўриниши сифатида ҳар бир давр учун долзарб эди. Чунки хотин-қизларга бўлган муносабатнинг субъектлари эркаклар эди; ижтимоий ҳаётда етакчи мавқега эга бўлган эркакларнинг аёлларга муносабати гендер аҳамият касб этиши табиий ҳол эди¹. Шунинг учун гендер муносабатларнинг бош актори эркаклар бўлиб келган.

“Гендер фалсафаси” қуидаги фундаментал аҳамиятга эга фикрларга таянади. Биринчиси, эркак ва аёл бир турдаги икки жинслардир. Антогенези умумий бўлса-да, уларнинг ён-атрофга, оламга ва вазифаларига муносабати ҳар хилдир. Ушбу функционал, психологик тафовутлар эркак ва аёлни икки мавжудотга, субъект (объект)га айлантиради. Иккинчиси, узоқ ижтимоий-тарихий ривожланиш жараёнида эркак овчилик, аёл эса “ўчоқни асраш”, оилани тебратиш, фарзандларни вояга етказиш билан шуғулланиб келган, бу уларнинг ҳаётга бўлган муносабатларидаги фарқларни келтириб чиқарган. Учинчиси, оиласвий вазифаларнинг дифференциаллашуви эркак ва аёлнинг teng ҳуқуқли эканини инкор қилмайди. Лекин аёл оилани тебратишга мояил экан, у мазкур вазифасини бажаришни истар экан, бундан ҳеч қандай дискриминация изламаслик керак. Аёлни мажбуран оиласдан ташқарига, ижтимоий ҳаётни бошқаришга тортиш унинг ҳуқуқлари ва истакларини менсимасликдир. В.Алимасовнинг фикрича, “ахир оиласвий вазифаларни, ишларни ҳам кимдир ба жариши керак-ку?”²

“Гендер нотенгликни, – деб ёзади В.А.Алимасов, – табиат яратган, акс ҳолда жамият бир жинсли бўлиши зарур. Ҳатто бир жинсли жамиятда ҳам дискриминация сақланиб қолади, чунки ижтимоий ҳаёт дифференциацияга курилган.

¹ Қаранг: В о р о н и н а О. А. Феминизм и гендерное равенство. М.: Эдиториал УРСС, 2004. С.18–21.

² А л и м а с о в В. Гендер фалсафаси. Тошкент: Фалсафа ва ҳукуқ инст. нашр., 2007. 28-бет.

Дифференциация эса нотенгликни келтириб чиқараверади. Шунинг учун дискриминация тўла бартараф этилган, гендер тенглик тўла қарор топган жамиятни барпо этиш орзу, хаёлдир. Майли, бунаقا идеал жамият ҳанузгача бўлмаган, аммо унинг инсонлар қалбидан ўчиши дискриминация ва эксплуатацияни авж олдиради. Демак, инсонга ҳаётда нотенглик мавжуд эканини эслатиб туриш зарур¹. “Табиат яратган гендер нотенглик хавфли эмас, у борлиқни ранг-баранг, инсон ҳаётини сермазмун ва сермағз қилиш манбаидир. Аммо гендер нотенгликни ижтимоий воқеликка айлантириш хавфлидир. Гендер нотенгликка қарши курашганимизда биз табиат яратган гендер нотенгликка эмас, балки унинг ижтимоий воқеликка айлантирилишига қарши курашни назарда тутамиз”². Демак, гендер нотенглик табиий ва сунъий кўринишларга эга. Табиий гендер нотенгликни тугатиш амри маҳол, ҳатто зарур ҳам эмас. Шу нуқтаи назардан гендер тенглик тўла қарор топган жамият йўқ, бўлиши ҳам даргумон. Бундан ташқари, жамият асосини ташкил этадиган, кишиларнинг турли вазифаларни бажариши билан боғлиқ дифференциация ҳам гендер тенгликнинг тўла қарор топишига имкон бермайди.

Лекин олим гендер нотенгликни қўллаб-куватлади, деган фикрга бормаслик керак. У гендер нотенглик жамият ҳаётининг ва инсон табиатининг ўзиладир, деб билади. Чунки “аёл ва эр-как гендер ролларни турлича қабул қиласидилар ва бажарадилар... Бироқ гендер ролларни ижро этишдаги гендер фарқлар аёл ва эр-какни бир-бирига қарши қўйишига асос бўлолмайди. Майли, биз ҳар хилмиз, лекин биз бир мавжудотмиз, яъни инсонмиз”³.

Тўғри, “Гендер фалсафаси”да гендерга оид турли, тоҳо зиддиятли фикрлар ҳам бор. Улар билан баҳсласишиш, айримларини рад этиш мумкин. Бироқ, бу ҳол энг аввало гендер муаммоларидаги қарама-қаршиликлардир. Ушбу зиддиятли томонларни объектив ёритиш, муҳокамага қўйиш илм-фан учун муҳимдир.

Ўзбекистонда гендер муаммосини М.Холматова ҳам ўрганади. Унинг фикрича, “Меҳнат турлари ва санъатни дастлаб аёллар кашф этган, эркаклар уларни камолотга етказгандар. Шубҳасиз, ҳозирги замон цивилизациясининг ибтидосида аёл турган.

¹ Ўша асар. 55-56-бетлар.

² Ўша асар. 56-бет.

³ Ўша асар. 63-бет.

Ҳатто, аёллар салтанати даврида фарзандлар оналар томонидан аниқланган. Аёллар салтанати давридан эркаклар салтанатига ўтиш аёлларнинг жамиятда туттган ўрнини ўзгартирди, улар жамият тараққиётидаги иштирокини рад этиб, уларнинг фаолиятини оила доирасига туширди. Бу даврда аёллар камситилган, оила хўжалигидаги барча ишларни бажаришга маҳкум этилган. Оқибатда, бу даврда аёл ўз қобилияти ва истеъдодини ривожлантириш имкониятларидан маҳрум бўлиб, инсонга хос ва мос ҳаёт кечира олмаган...Шу даврдан бошлаб, жамият ва оиласи бошқариш, уларга ҳукумронлик эркаклар қўлига ўтди, аёл эса оила доирасида чекланиб, эркак кишига моддий ва маънавий жиҳатдан қарам бўлиб қолди¹.

Аёллар масаласига бундай қараш кенг тарқалган, айниқса советлар даврида, синфий мафкура тазиёки остида бутун ижтимоий-тарихий босқичларни қоралаш анъана зди. Ваҳоланки, халқлар, давлатлар ҳаётини бошқарган, ҳатто ўзгартирган аёллар бўлганки, уларнинг довруғи ҳамон ҳавас уйғотади.

Хотин-қизлар масаласини ўрганиш ва БМТ қарорлари, халқаро ҳужжатларга мувофиқ тўла бажарилишига эришишни таъминлаш мақсадида CEDAW (аёллар масаласи бўйича давлат ўз устистага олган мажбуриятларнинг бажарилишини ўрганувчи халқаро ташкилот) Ўзбекистон ҳукуматига қўйидагиларни тавсия этган:

1. Аёллар дискриминациясининг барча, шу жумладан, оиласадаги кўринишларини ҳам бартараф этишга қаратилган қонуллар қабул қилиниши, мавжуд қонулларга ўзгартирислар киритилиши керак.

2. Барча раҳбарлар, айниқса судлар, адвокатлар ва прокурорлар дискриминация ҳақида аниқ тасаввурларга эга бўлиши, эркаклар билан аёллар тенг ҳукуқли эканликларини яхши билиши, ўз фаолиятларида халқаро нормаларга риоя этиши даркор.

3. Пекин платформасидаги гендер тенглик ҳақидаги талабларни тўла бажариши учун Ўзбекистон Хотин-қизлари қўмитаси ташкилотларга таъсир этиш кучига ва зарур ресурсларга, имкониятларга эга бўлиши керак.

¹ Х о л м а т о в а М. Гендер муаммоси ва уни Ўзбекистонда ҳал этишнинг ўзига хослиги // Ўзбекистонда оила, давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг роли ва гендер муаммолари. Тошкент: Фан, 1999. 23-бет.

4. Ҳукуматга нодавлат ташкилотлари фаолиятига оид меъёрларга ўзгартиришлар киритиш, уларнинг халқаро, чет эл маблағларини жалб этишга тааллукли ёндашувларини кўриб чиқиш таклиф этилган.

5. Эркак ва аёл муносабатида, айниқса оиласларда патриархал муносабатлар, тарихий-маданий стереотиплар сақланиб қолмоқда, бу эса гендер нотенгликни келтириб чиқармоқда.

6. Хотин-қизларни сиёсий ҳаётга, давлат бошқарувига жалб этиш ҳамон етарли даражада эмас, дипломатик идораларда эса улар деярли йўқ.

7. Мехнат бозорида жинсларга ажратиш, сегрегация сақланиб қолмоқда.

8. Қишлоқ хотин-қизларини ижтимоий ҳаётга, жамият ва давлат бошқаруви тизимида жалб этиш алоҳида эътиборни талаб этади ва бошқалар.

Мазкур муаммоларнинг ижтимоий-фалсафий жиҳатларини ўрганиш мухим аҳамиятга эга. Минг афуски, ижтимоий-фалсафий адабиётларда феминизм ва гендер тенглик масалалари таҳлил қилинмайди, эълон қилинаётган мақолалар эса тасодифий характерга эга. Бугун республикамизда хотин-қизлар масаласини яхши биладиган, унинг барча томонларини ижтимоий-фалсафий очиб берадиган тадқиқотчи деярли йўқ. Шунинг учун муаммога оид ижтимоий фикрни асосан журналистлар шакллантирмоқда. Уларнинг бадиий, публицистик асарлари эса хотин-қизларга эстетик идеал, гўзаллик манбаи, оила қўргони сифатида қараш билан чекланади. Хотин-қизлар дуч келаётган гендер муаммоларни чуқур таҳлил этиш ва ҳукуматга зарур тавсиялар бериш учун эса маҳсус тадқиқотлар ўтказилиши, кадрлар тайёрланиши даркор.

2.3. Хотин-қизлар масаласининг ижтимоий-гуманитар тавсифлари

Хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш масаласини ижтимоий-гуманитар соҳа вакиллари ҳам ўрганиб келади. Уларнинг асарларини, тавсифларини таҳлил қилиш муаммога комплекс ёндашишнинг талабидир.

Тарих фанлари доктори, профессор Д.Алимова Ўзбекистонда аёллар масаласини ўрганиб келаётган тадқиқотчилардан биридир. У мазкур муаммонинг ижтимоий-гуманитар фанларда ўрганилишини таҳлил қилас экан, мавзу “тарихий тадқиқотлар, мақолалар доирасида ҳал этилмоқда”¹, деб кўрсатади. Шу билан бирга у кейинги йилларда “аёллар муаммосини ўрганишда иқти-сад фани анча илгарила бетди, чунки бу соҳадаги тадқиқотлар ва муаммонинг ўзи муҳим ҳаётий аҳамият касб эта бошлади,”² деб ёзади. Ҳақиқатдан ҳам тарихчилар, айниқса “Хужум” ҳаракати мавзуси билан боғлиқ хотин-қизлар мавзусини қайта баҳолашга интилдилар. Бундай ёндашишни аслида Д.Алимованинг ўзи бошлаб берган эди³.

Олиманинг Ўрта Осиёда аёллар масаласига бағишиланган тарихий тадқиқоти йирик изланишлардан биридир. Унда “аёллар масаласи” тушунчасининг пайдо бўлиши, XVI–XIX асрлардаги қолоқлик ва унинг ижтимоий ҳаётга салбий таъсири, ўтган асрнинг 30-йилларида юзага келган хотин-қизларни эски, патриархал-феодал муносабатлар тазиийидан озод қилиш масаласи тадқиқ этилган. Тадқиқотчи “Хужум” ҳаракатини юзага келтирган омилларни, бу борада Ўзбекистонда амалга оширилган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий чора-тадбирларни аник мисолларда келтиради. Манбалар “Хужум” ҳаракатига ижобий воқелик сифатида қараш зарурлигини кўрсатади⁴. Биринчидан, “Хужум” коммунистик мафкура томонидан фаол қўллаб-кувватланган бўлса-да (бундай бўлмаслиги мумкиниди? Албатта, ийӯқ), ижтимоий-тарихий ривожланиш, айниқса XVI–XIX асрда Ўрта Осиёда юзага келган қолоқлик, диний мутаассибликнинг илдиз отиши хотин-қизлар масаласини ҳал этишини кун тартибига қўйган. Иккинчидан, Ўрта Осиёдаги ижтимоий аҳвол, хонликлар ўртасидаги

¹ Алимова Д. Ўзбекистонда ижтимоий фанларда хотин-қизлар муаммоларининг ўрганилиши ва вазифалари // Ўзбекистонда оила, давлат ва жамият курилишида аёлларнинг роли ва гендер муаммолари. Тошкент: Фан, 1999. 16–17-бетлар.

² Ўша асар. 17-бет.

³ Алимова Д. Хужумга зарурат бормиди? // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1992 йил 11 сентябрь.

⁴ Қаранг: Алимова Д. А. Женский вопрос в Средней Азии: история изучения и современные проблемы. Ташкент: Фан, 1991.

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИДА ХОТИН-ҚИЗЛARНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ

низолар туфайли халқ моддий ҳаётининг ёмонлашуви халқлар дунёқарашига, онгига таъсир этмаслиги мумкин эмас эди. XX аср бошида Россияда рўй берган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, ўша пайтгача абадий ҳисобланган Романовлар династиясининг кулаши Ўрта Осиёда ҳам ижтимоий фикрни ҳаракатга келтирди. Учинчидан, Октябрь революцияси уйғотган умидлар, халқларни озод, эркин ҳаёт, мустақил давлат куришга унданган даъватлар (масалан, жадидларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаракатлари) хотин-қизларда ҳам ижтимоий ҳаётда қатнашиш истагини уйғотиши табиий ҳол эди. Айниқса, маърифатпарвар жадидларнинг барчани саводли, илмли, маданиятли қилиш учун замонавий таълим тизимларини яратиш борасидаги ҳаракатлари хотин-қизларни ҳам ижтимоий ҳаётга чорлаган. Тўртинчидан, совет ҳукумати хотин-қизларни янги тузум иштирокчиларига айлантиришдан манфаатдор эди, бу борада у хотин-қизлар учун мактаблар, артеллар, клублар, қироатхоналар очган. Уларнинг тўлақонли ишлашини назорат қилиб борган, хотин-қизларни бой-феодалларга, қарамликка қарши курашини кўллаб-кувватлаган¹.

Мазкур омиллар натижасида Ўрта Осиё аёлларида ижтимоий ҳаёт билан қизиқиш, амалга оширилаётган ўзгаришларда иштирок этиш, замонавий илм-фан, маданият, урбанизациядан фойдаланишга интилишлар пайдо бўлдики, уларнинг ижобий таъсирини рад этиш мумкин эмас. Шунинг учун "Хужум"ни мутлақ хато эди, деб баҳолаш муаммодан бехабарлиkdir.

Тарих фанлари номзоди, доцент В.И.Минеевнинг аёллар ўртасида олиб борилган маданий-оқартув ишлари тарихини ўрганишга бағишилган монографияси ҳам муҳим илмий аҳамиятга эгадир. У 1918–1941 йилларда Ўзбекистонда аёлларга бўлган муносабатларни, уларнинг ижтимоий аҳволини ўрганади. Тўплаган жуда кўп манбалари асосида тадқиқотчи аёллар масаласини ижтимоий поғонода ҳал этиш совет даврида бошланганини, айнан шу даврда аёл ва эркак муносабатларини ҳуқуқий асосда ҳал этиш кун тартибига қўйилганини таъкидлайди².

Хотин-қизларни ижтимоий ҳаётга жалб этиш учун жойларда мусулмон аёллари билан ишловчи маҳсус бўлимлар ташкил

¹ Ўша аср. 61–68-бетлар.

² Қаранг: М и н е е в В. Н. Становление и развитие культурно-просветительской работы среди женщин Узбекистана. Ташкент: Фан, 1990. С.15.

этилган. Улар хотин-қизлар учун устахоналар, уюшмалар, меҳнат мактаблари, болалар уйлари, яслилар, туғруқхоналар, қаровсиз қолган болалар уйлари, аёллар гигиенаси бўйича курслар ташкил этдиларки, булар ўзбек аёлларини ижтимоий ҳаётга қизиқтирмаслиги мумкин эмас эди¹.

Шу билан бирга В.Н.Минеев аёлларни ижтимоий-сиёсий ҳаётга жалб этиш масаласи маҳсус ўрганилиб, зарур чора-тадбирлар кўриб борилганини таъкидлайди. Жойларда партия ячейкалари, ижроий қўмиталар хотин-қизлардан фаол ходимлар етишириш билан шуғулланган, уларни турли уюшмалар ва клубларга тортган. Хотин-қизларнинг сиёсий онги ва маданиятини шакллантириш билан шуғулланган. Масалан, шундай саъй-ҳаракатлар туфайли 1923–1924 йилларнинг ўзидаёқ Советлар органларига 287 нафар аёл, Туркистон МИК аъзолигига номзод қилиб эса беш нафар аёл сайланган, 52 нафар аёл халқ комиссарликларида ишлана, 25457 нафар комсомолдан 1752 нафари қизлар, 12410 нафар коммунистдан 418 нафари хотин-қиалар бўлган². Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Тарихий тадқиқотларга мурожаат этиш советлар даврини идеаллаштириш учун эмас, балки, энг аввало хотин-қизлар масаласини, уларни ижтимоий-сиёсий ҳаётга жалб этиш негизларини тўғри, объектив билиш учун зарурдир. Бугун кун тартибида турган муаммоларни самарали ҳал этиш, ечимини топиш учун тарихдан ибратли мисоллар, тажрибалар, намуналар топиш мумкин.

Тарих фанлари доктори Я.Абдуллаеванинг монографияси Қорақалпоғистон хотин-қизларининг тарихи ва ҳозир мавжуд муаммоларини ўрганишга бағишиланган. Унда XIX асрнинг охири ва XX аср тадқиқот доираси қилиб олинган. Қорақалпоғистон хотин-қизларининг XIX аср охиридаги аҳволини ўрганиб, тадқиқотчи ху-лоса қиласди: “Мазкур давр мобайнода Қорақалпоғистон аёлларининг ижтимоий-сиёсий аҳволи ўта оғир эди. Бир томондан, хотин-қизлар шаънини хўрловчи маҳаллий урф-одатлар, аёл ва эркакнинг тентсизлиги, иккинчи томондан, мустамлакачиликнинг салбий оқибатлари инсониятнинг ажойиб бўлаги ҳисобланган аёлнинг ижтимоий-маиший, сиёсий ҳуқуқларини поймол этар-

¹ Ўша аср. 23-бет.

² Ўша аср. 34-бет.

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ

ди. Муттасил ноҳақликлар, адолатсиз тизим қурбони бўлиш аёлларнинг сиёсий, маърифий онги ошишига, мустақиллик, озодлик, ҳурлик каби демократик қадриятлар қийматини янада чуқурроқ англашларига, бу йўлда қатъият, сабот-матонат билан ҳаракат қилиш зарурлигини англашларига олиб келди¹. Аммо тарихий ҳақиқатни айтиш керакки, муаллиф негадир ушбу салбий ҳолатларнинг бош сабабчиси қилиб подшо Россияси, “рус маъмурларини” кўрсатади,² аммо рус маъмурлари “маҳаллий аҳоли ва уларнинг қизларини... шафқатсизларча олиб кетгандар, хўрланганлари”³га тааллуқли бирор мисол келтирмайди. Муаллиф “Қизлар учун очилган ўкув юртида ўқиш хукуқидан маҳаллий қизлар маҳрум бўлган. Хотин-қизлар сиёсий хукуқлардан маҳрум бўлиб, сайлов рўйхатларига киритилмаган. Кўчмас мулк масалаларида уларнинг фикри инобатга олинмаган”, деб уқтиради. Бу ўринда ҳам бирор мисол келтирмайди.

Совет давридаги хотин-қизларга нисбатан олиб борилган сиёсатни Я.Абдуллаева “ижобий ва салбий томонлар”га эга деб баҳолайди. Ушбу даврда “бир томондан, аёллар билан эркакларнинг тенглиги ғояси улар ҳаётида, иш фаолиятида, кундалик турмушида жамиятга нисбатан ижобий муносабатларни юзага келтирди. Эркаклар томонидан ўтказилган зуғум ва ҳақоратларга қарамасдан, улар совет ҳокимияти изидан бориб, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида қатнаша бошладилар.Faқат хотин-қизларнинг ўзига хос шиҷоати ва меҳнатсеварлиги натижасида маълум даражада муваффақиятларга эришдилар. Аммо, иккинчи томондан, бу сиёсат улар ҳаётида салбий роль ўйнади. Совет ҳокимияти ва коммунистик партиянинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий соҳаларда олиб борган сиёсати хотин-қизлар онгида нохуш из қолдирган, қарши ҳаракатларнинг авж олишига сабаб бўлган. Чунки совет тузуми ва коммунистик партия сиёсатида бирёқламалик, парокандалик мавжуд эди⁵.

¹ А б д у л л а е в а Я. Қорақалпоғистон хотин-қизлари: кечада бугун (XIX асрнинг охири ва XX аср). Тошкент: IJOD DUNYOSI нашриёт уйи, 2004. 35-бет.

² Ўша аср. 32–35-бетлар.

³ Ўша аср. 35-бет.

⁴ Ўша аср. 52-бет.

⁵ Ўша жойда.

Хотин-қизлар масаласининг айрим томонлари О.Бўриев, И.Шоймардонов, Қ.Насриддинов, З.Х.Арифханова, Г.Ш.Зунуннова, З.Расурова каби тарихчилар томонидан ҳам ўрганилган¹. Лекин уларда хотин-қизларнинг оила, турмуш тарзи, тўй-маросимлари, маданияти, бола тарбиясидаги ўрни масалаларига дикқат қаратилади. Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий муаммолари, давлат бошқарувидаги ўрни деярли ўрганилмайди. Аммо тарихий тадқиқотлар хотин-қизлар масаласи узоқ даврларга бориб тақалувчи, патриархал қарашларнинг шаклланиши билан юзага келган муаммо эканини кўрсатади.

Хотин-қизлар масаласининг социологик томонлари Ўзбекистон ФА академиги Р.А.Убайдуллаеванинг асрларида кенг тадқиқ этилади. Унинг “Мустақил Ўзбекистон: аёл, оила ва жамият” асари республикамизда “Ижтимоий фикр” маркази ўтказган социологик сўровномалар асосида ёзилган. “Шарқда аёллар, – деб ёzáди Р.А.Убайдуллаева, – асрлар мобайнида жамоатчилик назарида фаол ижтимоий куч, қандайдир ўзгаришлар ёки ҳаракатларнинг мустақил субъекти сифатида қаралмаганлигини қайд этиш лозим. Аёллар ўзларининг ижтимоий-демографик аломатлари билан аҳолининг бошқа қатламларидан алоҳида олиб қаралмас эди. Ҳозирги замон илмий таҳлили аёлларга миллий тикланиш ҳақида индустря ва маданиятнинг миллий кадрларни шакллантириш, дәжонларнинг ижтимоий-хукуқий мақомини тиклаш ва меҳнат жамоаларида аёлларни рағбатлантириш призмаси орқали қарайди”².

Монографиянинг бешинчи боби “Аёл ва давлат” деб атала-ди. Унда Ўзбекистон Президентининг хотин-қизларни қўллаб-кувватлашга қаратилган фармонларини жойлардаги хотин-қизларнинг билиши (бilmasligi), улардан хабардорлиги (хабардор эмаслиги) ўрганилган. Масалан, респондентларга “Сизнинг

¹ Қаранг: Бўриев О., Шоймардонов И., Насриддинов Қ. Ўзбек оиласи тарихидан. Тошкент: Фан, 1995; Арифханова З.Х., Зунуннова Г.Ш. Обрядово-ритуальная жизнь узбеков Ташкента в условиях независимости. Ташкент: Фан, 2006.

² Убайдуллаева Р.А. Мустақил Ўзбекистон: аёл, оила ва жамият (социологик тадқиқот). Тошкент: Фан, 2006. 7–8-бетлар.

фиркингизча, Сизга яқин ва таниш бўлган аёлларга (қариндошлар, қўшнилар, ҳамкаслар) нисбатан қуидагилар (ҳокимият органлари, эри, қайноаси ва б.) томонидан хотин-қизлар хукуқларини бузиш, зўрлик ишлатиш, ҳақоратлаш, камситиш ҳолатлари тез-тез содир бўлиб турадими?" каби саволлар билан мурожаат этилган. Натижада дискриминация оиласда эр томонидан кўпроқ содир этилиши аниқланган¹. Тўғри, оила дискриминация учун шароитлар туғдиради, уни кўпинч эркаклар амалга оширадилар. Хўш, ушбу дискриминацияни бартараф этиш учун давлат нима қилиши керак? Р.А. Убайдуллаеванинг ўзи ҳам, ўта қисқа тарзда бўлса-да, тан олади: "Хотин-қизларга хизматда оддий ўсиш осон бўлмаса, сиёсий карьера қилиш янада қийинроқдир. Шу сабабли хотин-қизлар маъмурӣ лавозимларни анча кам эгаллаганликлари ажабланарли эмас"².

Асарда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий борлиққа муносабатлари, давлат бошқаруви тизимидағи ҳолати, идоралардаги сегрегацияни бартараф этиш борасида кўп, амалиёт учун муҳим бўлган фикрларни билдириш мумкин эди.

Р.А. Убайдуллаева, "Ижтимоий фикр" марказининг социологик маълумотларига таяниб респондент-аёлларнинг 89,5 фоизи мамлакатда ва дунёда юз бераетган барча ижтимоий-сиёсий воқеалардан огоҳ бўлишни исташини келтиради. У, "61,4 фоиз респондент-аёллар эркаклар билан баб-баровар равишда сиёсат билан шуғулланишга қобилиятлидир"³, деб ёзади. Бу ўринда гап қобилиятни аниқлаш устида кетаётгани йўқ, балки аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётга, бошқариш ишларига муносабати устида кетмокда. "Лекин сўралганларнинг фикрича, бу соҳадаги қобилиятларини 32-45 фоизгина аёллар амалга тадбиқ қила оладилар. Сўралганларнинг фикрича, Ўзбекистон аёлларига эркаклар билан баб-баровар равишда сиёсат билан шуғулланишга қуйидаги сабаблар тўсқинлик қиласди:

¹ Ўша асар. 287-бет.

² Ўша асар. 291-бет.

³ Убайдуллаева Р.А. Ўзбекистон аёлларининг ижтимоий салоҳияти// XXI аср бўсағасида Ўзбекистон аёлларининг ижтимоий салоҳиятини оширишга кўмаклашиш имконияти (симпозиум материаллари). Тошкент: Фан, 1999. 23-бет.

- Аёлларнинг оиласдаги роли бўйича бир қолипда фикрлаш – 73,3 фоиз;
- Аёллар руҳиятининг хусусиятлари – 9,7 фоиз;
- Маълумотнинг етишмаслиги – 5,4 фоиз”.

Кўриниб турибдики, муаллиф ижтимоий-сиёсий институтлар ҳақида ҳеч нима демайди, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий нофаоллигини уларнинг устига юклайди. Шунинг учун у табиий равишда, қўйидагича хулоса чиқаради: “Бизнинг давримиз – аёлларнинг ўз касблари соҳасидаги ва оиласдаги фаолиятларини бравар юритиш учун зарур йўллар давридир”¹.

Кейинги йилларда ижтимоий-гуманитар соҳаларда аёл ва дин, айниқса, ислом масалаларига қизиқиш ошгани кузатилади. Мамлакатимиизда исломий қадриятларнинг қайта тикланиши, улардан ижтимоий-тарбиявий тадбирларда фойдаланишга даъватлар аёл ва ислом мавзусини кун тартибига қўйган омиллардан биридир.

Ўзбекистонда ушбу мавзуни файласуфларимиздан Ҳ.Абдуса-метов, В.Алимасов, Ҳ.Алиқулов, И.Жабборов, И.Каримов, И.Хўжамуродов, Н.М.Мусаева, Т.Карим, Ф.Юлдашева, М.Маматов, М.Каримова, Ф.Примова, А.Ортиқовалар ўрганишган. Улар билдирган фикрлар, ёндашувлар хотин-қизларнинг исломий қадриятларга, ўз навбатида ислом динининг хотин-қизларга оид қарашларига тўғри муносабатни шакллантиради. Тўғри, бу борадаги изланишларда муаммонинг зиддиятли, диалектик томонлари ҳар доим ҳам эътиборга олинавермайди. Гоҳо ўтмишни идеаллаштиришга интилиш кўзга ташланади, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий борлиқдаги ўрни масаласи четлаб ўтилади.

Баъзи тадқиқотларда, ғарбона ёндашишлар таъсирида ислом динининг хотин-қизлар ҳаётига зиддиятли таъсири масаласига эътибор қаратилади. Шундай изланишлардан бири фан номзоди М.Тўхтаходжаеванинг “Ўтмиш толиқтирган аёллар” асаридир.

Муаллиф исломнинг хотин-қизларга муносабатини нафақат ретроспектив, шунингдек замонавий нуқтаи назардан, аниқ мисоллар билан таҳлил қиласиди. У ислом динидаги мутаассиблик ижтимоий ҳаётга, тараққиётга ғов бўлиб келганини, шу таъсир боис мусулмон аёллари жамиятдаги ўзгаришлардан чеккада қолиб

¹ Ўша жойда.

келганини очиб беради¹. Давлат илгари хотин-қизларнинг фаоллигини юксалтириш масаласини кўймаган, диндаги доктринализм, қотган анъаналар ва тасаввурлар бунга имкон бермаган, Шу билан бирга тадқиқотчи совет даврида хотин-қизларга берилган имкониятларни объектив қайд этади ва бошқарув-маъмурий ишларда аёллар 17,5 фоизни ташкил кўрсатади².

М.Тўхтаходжаева хотин-қизлар масаласи бугун янада долзарб бўлиб қолаётганини, кўпгина жойларда исломий қадриятлар остида дискриминация ҳолатлари кўпайиб бораётганини аниқ мисоллар билан кўрсатади. Унинг ёзишича, баъзи аёллар давлат раҳбарлиги лавозимига кўтарилганида ҳам хотин-қизлар муаммосини батамом ечолмайди, чунки муаммо ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига, аёллар турмуш тарзи, менталитети ва маданиятига сингиб кетган. “Мазкур маданий установкалар ва стереотиплар аёлнинг интилишлари ва танловларини чегаралайди, унга товар ролини юклайди, бу товар қимматини эса эркак белгилайди!”³

Китобда келтирилган мисоллар хотин-қизларни ижтимоий-сиёсий борлиқ субъектларига айлантириш муаммо бўлиб қолаётганини, бу борадаги зиддиятларни ҳал этиш жамият ва давлат олдидаги вазифалардан бири эканини англашга ёрдам беради.

Хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигига эришиш энг аввали уларни иш билан бандлигини таъминлаш, иқтисодий муносабатларга, бозор иқтисодиётига жалб қилишни тақозо этади. Ушбу муносабатлардан ташқарида ҳеч қандай ижтимоий фаоллик шаклланмайди. Ўз ишига, мулкига, иқтисодий ҳаётдаги ўрнига эга бўлган субъектгина жамият ташвишларини тўғри қабул қиласди, давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш механизmlарини топади ва таклиф этади. Тўғри, иқтисодий фаолликни аёллар ижтимоий-сиёсий характерга эга воқелик сифатида қабул қилишдан йироқдир. Уларнинг хусусий мулкка эга бўлишида ўзига хослик,

¹ Тўхтаходжаева М. Ўтмиш толиқтирган аёллар. Тошкент, 2001. 34-36-бетлар.

² Ўша асар. 130-бет.

³ Ўша асар. 117-бет.

яъни хусусий мулкка энг аввало оиласнинг моддий аҳволини яхшилаш манбаи, деб қараш устунлик қиласди. “Аёллар хусусий мулкка уни янада кенгайтириш, янги-янги маҳсулотлар яратиш, янги иш жойлари очиб ҳудудда ёки соҳада барқарор мавқега эришиш учун эмас, балки оиласвий-моддий шарт-шароитларини яхшилаш манбаи, деб қарашга мойилдир. Улар учун умумий ижтимоий-иктисодий тараққиёт эмас, балки оиласвий ҳаётни фаровонлаштириш биринчи галдаги вазифадир”¹. Ҳудди шунингдек, оиласвий фаровонликни ошириш омилини хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий манфаатларидан ҳам юқори қўядилар. Улардаги ушбу оиласпаратликни мутлақ қоралаш, тараққиётга зид нарса, деб қарамаслик зарур, балки оила фаровонлиги жамият тараққиётининг манбаи ва кўрсаткичидир.

Бугун Ўзбекистонда оиласвий бизнесни, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш стратегияси, дастури амал қилмоқда. Уларда хотин-қизларни ижтимоий-иктисодий ислоҳотларга жалб этиш асосий вазифадир. Уни амалга оширишда ҳали кўп муаммолар мавжуд бўлса-да, бугун кичик бизнесда аёллар субъектларнинг учдан биридан зиёдни (37,5 фоиз) ташкил этмоқда. Мустақилликнинг дастлабки йилларида улар бизнес соҳасида 7 (1996 йил) ва 13 (2001 йил) фоизни ташкил қилган эди, холос. Демак, хотин-қизлар ижтимоий-иктисодий фаоллиги бугун реал воқеликка айланган, кўпгина кичик корхоналар, компания ва фирмаларни аёллар бошқармоқда. Бундай фаолият соғ иктисодий воқелик эмас, унда иктисодий ва сиёсий мотивлар, жиҳатлар уйғун келади. Шунинг учун ҳам ижтимоий-сиёсий фаолликни иктисодий муносабатларни бошқаришга қаратилган фолият турлари билан уйғунликда қараш лозим.

Хотин-қизлар масаласи кўп жиҳатдан ҳукуқий масаладир. Шунинг учун уни ўрганишга ҳукуқшунослар сезиларли ҳисса кўшиб келадилар. Бу борада юридик фанлари докторлари, профессорлар Г.А.Маткаримова ва К.Р.Абдурасурова, ҳукуқшунослар Р.Муҳамедов, О.Турсунова, С.А.Ходжаева, С.Жабборов, Н.Юсупова, Ж.Шаропов, Г.Г.Инагамова каби тадқиқотчиларнинг илмий-назарий изланишларини эслаш ўринлидир.

¹Хусейнова А. А. Фуқаролик жамияти ва аёллар. Бухоро, 2009. 63-бет.

Г.А.Маткаримова хотин-қизларнинг гендер ва репродуктив ҳуқуқини миллий ва халқаро ҳуқуқ тизими нуқтаи назаридан ўрганади. Унинг фикрича, аёл ҳуқуқларини аввало рефлексив англай бошлайди, кейин эса уни амалга ошириш учун курашади. Аёлларнинг гендер ҳуқуқи демократик жамият билан бирга юзага келган. Аммо бугун дунёга эркаклар ҳукмронлик қилмоқда, чунки давлат қабул қиласиган қонунлар, тартиблар, жамиятдаги бошқариш усуллари, тақиқлар эркаклар иши бўлиб қолмоқда¹.

Г.А.Маткаримова аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари ҳақида ҳам тўхтади, бу борада жаҳон тажрибасига мурожаат этади. У сиёсий ҳуқуқни таъминлаш аёлларни давлат бошқаруви тизими фаолиятига тортиш, уларда ижтимоий-сиёсий фаолликни юксалтириш омили эканини тўғри қайд қиласиди. Шу билан бирга, у хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқини тадқиқ этишга "бир оз эҳтиёткорлик" билан ёндашган, бу борадаги сиёсий-ҳуқуқий муаммоларни четлаб ўтишга ҳаракат қиласиди.

Юридик фанлари номзоди Г.Г.Инагамова ёзди: "Ўзбекистонда ҳам аёлларни сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий ҳимоялаш масалаларига катта аҳамият берилиб, уларнинг устувор йўналиш сифатида ҳар томонлама шаклланишлари учун зарур чоралар кўрилган. Мамлакатда гендер тенглиги, барқарор ижтимоий ривожланиш ва ижтимоий адолатни таъминлашга қаратилган шароитларни яратиш бўйича катта ишлар амалга оширилди." Кейин муаллиф "Оила йили", "Аёллар йили", "Она ва бола йили" кабиларни, Ўзбекистон ратификация қиласиган халқаро ҳужжатларни, улардаги ҳуқуқий меъёрларни санаб беради². Муаллифнинг назарида илм-фан учун у қадар катта янгилик бўлмаган умумий баёнлар "жамият сиёсий ҳаётида аёллар иштирокининг халқаро ва миллий амалиёти". дея қаралган. Гап шундаки, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳуқуқлари ва фаолиятини бундай тушуниш ва талқин этиш адабиётларда, ҳатто илмий тадқиқотларда ҳам учрайди. Масалан, Г.Б.Ўразалиева ўзининг номзодлик диссертациясида гендер муносабатларининг аёллар ҳуқуқий маданиятини

¹ М а т к а р и м о в а Г. А. Гендерные и репродуктивные права женщин в международном и национальном праве: Автореферат дисс... докт. юрид. наук. Ташкент, 2002. С.19.

² И н а г а м о в а Г. Г. Халқаро ва миллий қонунчиликда аёл ҳуқуқлари. Тошкент: ИИВ Академияси, 2010. 31-36-бетлар.

такомиллаштиришга таъсирини ўрганади. Бироқ, у ушбу таъсир таркибиға ижтимоий-сиёсий омилларни киритмайди. Ушбу омилларни у, жинсларнинг биофизиологик тузилиши, аёлларнинг репродуктив вазифаси, меҳнат фаолияти, миллий урф-одат ва диний талаблар, оиласвий муносабатлар маданияти даражаси, гендер тенглиги тўғрисидаги тасаввурлардан иборат, деб кўрсатади. Тўғри, авторефератнинг 15-бетида муаллиф ижтимоий-сиёсий соҳани ҳам таҳлил қиласди¹. Бундай ёндашувни Н.Юсупова, О.Р.Шамиева, Ж.Шаропов асарлари²да ҳам кузатиш мумкин. Ҳа, муаллифларнинг тадқиқот объекти ҳуқуқдир, аммо гендер тенгликни, ҳуқуқий маданиятни ижтимоий-сиёсий омилларсиз амалга ошириш мумкинми? Ҳатто, тадқиқот мавзуси хотин-қизларнинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш ва ҳуқуқий маданият бўлган С.А.Ходжаева ҳам ижтимоий-сиёсий омилни, унинг муаммога таъсирини четлаб ўтади³.

Ижтимоий-гуманитар фанлардаги илмий изланишларда хотин-қизлар фаоллигини тадқиқ этиш, шубҳасиз, муаммонинг комплексли, кенг тармоқли, жамият ва давлат ҳаётининг, шахслар аро муносабатларнинг барча кўринишлари билан боғлиқлигини англашга ёрдам беради. Лекин биз бу соҳадаги барча изланишлар ижтимоий-сиёсий характерда бўлиши ёки ижтимоий-сиёсий фаолликни тадқиқ этиши зарур, деган фикрни билдиришдан йироқмиз. Лекин тадқиқотда аёлларнинг жамият ишларини бошқаришдаги фаоллиги тилга олинар экан, унинг ижтимоий-сиёсий характеристери, бошқариш механизмларининг эркак ва аёлда кўлланилиши, гендер тенглик (нотенглик)нинг боислари, кўри-

¹ Ўразалиева Г.Б. Гендер муносабатларининг аёллар ҳуқуқий маданиятини такомиллаштиришга таъсири (социологик таъсир): Социология фан.ном. ... дисс. автореф. Тошкент, 2006. 13-бет.

² Юсупова Н.Ж. Исломда аёл ҳуқуқларини ўрганишнинг назарий-татбиқий жиҳатлари: Юридик фан. номзоди ... дисс. автореф. Тошкент, 2006; Шамимеева О.Р. Раҳбар аёллар шахсининг ижтимоий-психологик хусусиятлари (халқ таълими мисолида): Психол. фан. номзоди ... дисс. автореф. Тошкент, 2000; Шаропов Ж. Оиласвий шариат қоидалари ва ҳуқуқий маданият. Тошкент: F.Улом номидаги нашриёт-матбаа ижод уйи, 2010.

³ Қаранг: Ходжаева С.А. Правовая культура и проблемы развития социально-правовой активности женщин Республики Узбекистан (историко-правовое исследование): Автореф. дисс...канд. юрид. наук. Ташкент, 2004.

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ
нишлари, бу борада ижтимоий ҳётда дуч келинаётган муаммолар таҳлил қилиниши даркор.

Хотин-қизлар масаласининг маданий, маънавий ва педагогик жиҳатлари ҳам мавжуд. Бу борада педагогика фанлари докторлари, профессорлар О.Мусурмонова ва Т.Э.Эгамбердиеванинг илмий изланишларини эслаш мумкин. Уларда хотин-қизларниң маънавий дунёси, маданий бойликларга муносабатлари, ёш авлодни тарбиялашдаги ўрни каби масалалар тадқиқ этилган¹. Уларда аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги тадқиқ этилмайди, аммо муаммолага оид маданий, маънавий ва педагогик жиҳатлар тилга олинади. Улар ижтимоий-сиёсий борлиқни маданий, маънавий ва тарбиявий соҳалар билан боғлиқлигини кўрсатади. Ижтимоий-сиёсий фаоллик нафақат аёллар дуч келаётган амалий муаммоларни ечишга ёрдам беради, худди шунингдек у маданият, маънавият ва педагогика борасидаги ютуқларга, улар ишлаб чиқсан тавсияларга ҳам таянади.

Бошқариш – бу маданий, маънавий воқеликдир, шунинг учун давлат бошқаруви тизимида фаолият кўрсатувчи субъект уларга таянади.

2.4. Оммавий ахборот воситаларида хотин-қизлар масаласининг талқинлари

Оммавий ахборот воситалари (ОАВ) ижтимоий фикрни шакллантириб, кишиларни у ёки бу ходисаларга, жамият ва давлат бошқаруви тизимига муносабатларини ифода этиб келаётган кучли воситадир. Бугун ижтимоий ҳётни, инсон билан жамият, давлат ўртасидаги алоқаларни ОАВ сиз тасаввур этиш қийин. Бу ОАВнинг хотин-қизлар масаласини кун тартибига қўйишига, унга жамият ва давлат диққатини тортишига ҳам тааллуқлидир.

Хотин-қизлар масаласи ҳар доим ОАВ диққат марказида бўлиб келган. Мустақиллик йилларида эса хотин-қизлар мавзуси билан шуғулланадиган нашрлар сони 1992–2012 йилларда 4 тадан 37

¹ Қаранг: Мусурмонова О., Абдурахимова Ф. Махаллада қизларнинг соғлом турмуш тарзи. Тошкент: Ўзбекистон, 2008; Эгамбердиева Т. Э. Ўзбекистон Республикаси маънавий ҳётидаги аёллар фаоллигини оширишнинг ижтимоий-педагогик асослари: Педагог. фан. докт.. дисс. автореф. Тошкент, 2005.

тага ошди. Бу, энг аввало Республика миқёсида нашр этилаётган газета ва журнallарга тааллуклидир.

Ўзбекистон халқи ўзининг ижтимоий фикрини ОАВ орқали билдиришга ва шакллантиришга одатланган. Махсус тадқиқотлар шуни кўрсатадики, кишилар ўзларини қизиқтирган ёки ўзлари дуч келган муаммолар билан махсус идораларга, органлар вакилларига эмас, балки энг аввало ОАВга мурожаат этадилар¹.

ОАВ хотин-қизлар масаласини ёритиши орқали алоҳида ижтимоий фикрни шакллантириб келади. Нашрлар ва кўрсатувларда хотин-қизлар ҳаёти, турмуши интеллектуал изланишлари, ишбилармонлигига оид турли мавзулар мұхокама қилинмоқда. Ушбу улкан ахборотни билмай, ўрганмай хотин-қизлар масаласи ҳақида тўла тасаввурга эга бўлиш қийин.

Демократия ОАВда фикрлар хилма-хиллигини, плюрализмни юзага келтирди ОАВ очиқ фуқаролик жамиятининг институтлари сифатида кишиларнинг эркин фикрларини, хотин-қизлар масаласига ҳам ўз қарашларини эълон қилиб бормоқда. Демак, хотин-қизлар масаласи турли хил ёндашишлар, гоҳо қарама-қарши фикрларнинг тортишувига сабаб бўлиши табиий ҳолdir. Ҳақиқатан ҳам ОАВда ушбу масала бўйича феодал-патриархал қарашлардан тортиб то радикал ёндашишларгача учрайди.

Мустақиллик йилларида, айниқса Ўзбекистоннинг демократик давлат қуриш борасидаги стратегик мақсади белгилангач, исломий қадриятларни қайта тиклаш асосий вазифалардан бири сифатида аён бўлгач, хотин-қизлар масаласини "янгича талқин" қилиш бошланди. ОАВда аёлларни эски, феодал-патриархал тартибларга итоат эттиришга даъватлар пайдо бўла бошлиди. "Хуррият" газетасида (1999 йил, 127-128-сонлари) эълон қилинган мақолалардан мисоллар келтирамиз: "Аёллар эркакларга тазийқ ўтказиш, ўз қаҳрини билдириш учун бошқача йўл тутадилар: улар ўзини ўлдиришга уринадилар... шунинг учун уларда ўлиш даражаси эркакларнидан 3-4 марта камдир. Ўнта уринишдан фақат биттаси ўлим билан якунланади." "Ўжар тарих кўрсатадики, аёлларнинг тарихий воқеаларга таъсири йўқ даражада. Ҳатто, энг машҳур ҳам олижаноблиги билан эмас, балки

¹ Қаранг: Суд ҳокимияти ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ўзаро муносабат. Ҳалқаро илмий-амалий семинар материаллари. Тошкент, 2004. 33-34-бетлар.

гуноҳлари билан шуҳрат топғанлар...” “Аёллар табиатан маккор (эркакларга куч-кудрат, аёлларга макр хос). Бунга қарамай, улар эркакни йўлдан уролмайди. Кишилар эркаклар билан иш олиб боришни афзал биладилар. Айнан табиатан маккорлик аёлларга ҳақиқий етакчи бўлишга ёрдам бермайди.” “Демак, шу нарса аёнки, аёлдан ҳеч қачон буюк йўлбошли чиқмайди, шунинг учун ким қиздан ижтимоий фойдали мавжудотни тарбияламоқчи бўлса, энг катта хатога йўл қўяди. Аёлларда бошқача тақдир ва бошқача буюк мақсад бор – у болалар туғиши ва тарбиялаш, эркаклардан фарқли ўлароқ аёллар бошқа нарсани яхши бажаролмайди. У бу дунё эгаларининг онасирид!”¹.

С.Сафаеванинг ёзишича, ОАВда хотин-қизлар масаласига оид кўплаб мақолалар, хабарлар берилаётган бўлса-да, уларда ижтимоий-сиёсий муаммолар деярли тилга олинмайди. “Танқидий мулоҳазалар бор мақолалар эса ё эскича қарашларни ифодалайди, ё бўлмаса Шарқ ва Ғарб аёлларининг бирон-бир соҳада тенг бўлиши мумкин эмаслигига қаратилган. Бундай мақолалар муаллифлари, одатда, ҳатто аёллар ҳуқуқи поймол этилганлиги ҳақидаги маълумотларни ёзиб туриб ҳам вазиятни ҳуқуқий жиҳатдан эмас, ахлоқий нуқтаи назардан баҳолаб, ўзбек аёлини анъанавий йўл-йўриқлар асосида тарбиялашга уринадилар”². Шу ўринда муаллиф Ш.Бошибековнинг “Аёласли ичкариникидир” (“Халқ сўзи”. 1997 йил 1 март), И.Шомуродов ва Т.Аҳраровларнинг “Кўп хотинлик айбми?” (“Ҳуррият”. 1997 йил 18 ноябрь), Ҳ.Насруллаеванинг “Кўп хотинлик айб эмас” (“Ҳуррият”. 1997 йил 17 декабрь), Э.Норелинанинг “Эримнинг икки хотини бор” (“Ватан”. 1997 йил 16 декабрь), Ш.Салимова ва Т.Содиқованинг “Онанг-ой ёруғи, күёшнинг нури” (“Ўзбекистон овози”. 1997 йил 17 июнь) каби мақолаларида эскича ёндашувлар, хотин-қизлар вазифаларини оила, рўзгор, бола тарбияси, эрининг кўнглини олиш кабилар билан чеклаб қўйишига даъватлар борлиги қайд этилади. С.Сафаева тўғри таъкидлайди: “Муаллифлар аёлларнинг бугунги кундаги иқтисодий аҳволи ноҷорлигини қайд этишар экан, бу муаммони ҳал этиш учун шариат меъёрларини ўрнатишга, хусусан, кўп хотинликни жорий этишга чақирадилар. Тўғри, бу соҳада

¹ Қаранг: Т ў т а х о д ж а е в а М. Ўтмиш толиктирган аёллар. Тошкент, 2001. 28-29-бетлар.

² С а ф а е в а С. Аёллар масаласи: умунижтимоий ва миллий жиҳатлар. Тошкент: Ўзбекистон, 2003. 131-бет.

мустақиллик ҳар бир фуқарога ўзининг эркин фикрини айтишига имконият яратди. Аммо бундай чиқишлиар Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб қўйилган аёл хуқуқларига қарши қаратилганини унугтиб бўлмайди”¹.

Журналист И.Кувондиқов “оилада эркакнинг етакчилиги биз учун менталитетимиз тақозо этган даражада табиийдир”, деб ёзади-ю, шу ўриндаёқ ўз фикрини шубҳа остига қўювчи фикрни билдиради: “Қолаверса, – деб ёзади у, – ҳозирги пайтда жамиятимизнинг фаол аъзолари бўлган хотин-қизлар ўзларининг хуқуқлари чекланганлиги ҳақида масала қўяётганлари йўқ ва бундай масала қўймаслиги аниқ”². Агар шундай бўлса олимларнинг, аёллар нодавлат ташкилотларининг, Ўзбекистоннинг Пекин платформаси шартларини бажаришни ўз устига олганининг ҳеч қандай асоси йўқ экан-да. Муаллиф хотин-қизлар масаласидан мутлақ бехабар эканини кўрсатади. У, “эрларини етакчи деб тан олган” аёллар оиласлари жамиятга намуна бўлиб келмоқда”³, деб хулоса чиқаради.

Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги уларнинг ўз хуқуқ ва эркинликларини ёшлигидан билишини тақозо этади. Минг афсуски, анъанавий қарашларга қурилган оила мухитида қизлар рўзгор юритишга, бола тарбиялашга, эркакларга итоат этиб, шириңсўз, камтар, одобли, ҳаёли бўлишга ўргатилади. Бу ғоя нафақат ОАВда, шунингдек илмий тадқиқотларда ҳам тарғиб этилади. “Оилада, – деб ёзишади маҳаллалардаги оиласларни ўрганган тадқиқотчилар, – қиз бола тарбияси алоҳида дикқат-эътиборни талаб қиласди. Шаҳарлик ўзбек оиласларида қиз бола тарбияси асосан оналар зиммасидадир. Ота қиз тарбиясига она орқали таъсир кўрсатади. Қиз болага озодалик, саранжомлик, шириңсўзлик, меҳмондўстлик, камтарлик, сабр-тоқатлилик фазилатларини сингдиришга алоҳида эътибор берилади”⁴. “Қиз боланинг ўзидан тиниб-тинчидек кетишида унинг шириңсўзлиги, итоаткорлиги, камтарлиги, чаққонлиги мухимдир. Дарахтни бир жойдан иккинчи жойга кўчириб ўтқазилса, қанча ўзгаради,

¹ Ўша асар. 132-бет.

² Кувондиқов И. Миллий-маънавий қадриятлар – ўзликни англашомили. Тошкент: Nishon-noshir, 2010. 31-бет.

³ Ўша асар. 35-бет.

⁴ Тошкент маҳаллалари: анъаналар ва замонавийлик (тариҳий-этнографик тадқиқот). Тошкент: Янги аср авлоди, 2002. 131-бет.

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИҢ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ

қиз бола ҳам шундай, бирорнинг ҳасми. Уни ёшлигидан уй-рўзғор юритишга тайёрлаб бориш керак"¹.

Кўриниб турибдики, муаллифлар анъанавий қарашларни ибратли фазилат, хотин-қизлар эгаллаши лозим бўлган кўнималар сифатида карайдилар, уларнинг ҳукуқ ва эркинликлари, қасб-кор эгаллаши, ижтимоий фаол шахслар бўлиб етишишлари ҳақида ҳеч нима дейилмайди. Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўрни эса тилга ҳам олинмайди.

Бошқа бир журналист билан сиёсатшунос ёзган китобда юқоридаги ёндашув бошқачароқ баён этилади: “Аёлларимиз дунёдаги кўпгина халқлар аёлларидан тамомила фарқ қиласди. Улар ҳар қандай мұхит ва шароитларга мослашиб, кўнишиб кетаверади”². Улар мазкур ёндашувдан келиб чиқиб феминизмни қоралашга интиладилар: “Феминизмнинг, – деб ёзади муаллифлар, – (Фарбдаги аёллар ҳукуқини эркакларга тенглаштирувчи, баъзи ўринларда ҳатто юқори қўйиш учун курашувчи оқим) оммавий жинслар ўртасидаги мутлак ҳукуқий тенгликни таъминлаган Farb оиласида эру хотин “қўш хўқиз” эмас, уларнинг муносабатларида шахсий манфаат ва қонунга мувофиқлик биринчи ўринда туради. Ушбу тенглик қонун доирасида белгилангани ва унга амал қилиш ҳукуқий муаммо бўлгани учун у ердаги аёлларнинг эрни “бошқариш”га уринишлари катта муаммо тусини олган”³. Farbда шартнома (контракт) асосида оила қуриш анъана, лекин бу эркак ва аёл ўртасидаги иноқлик, меҳр-муҳаббат “шахсий манфаат”га қурилганини билдирамайди. Шартнома (контракт) асосида оила қуриш Ўзбекистонда ҳам мавжуддир. Қонунларга амал қилиш эса салбий эмас, балки ижобий ҳолдир.

Муаллифларнинг қўйидаги кўтаринки сўзларга бурканган ифодалари турли саволлар уйғотади. “Ўзбек аёллари, – деб ёзади улар, – қонунда белгилаб қўйилган тенгликни ҳам даъво қилиб ўтирамайди. Ўзига алоҳида эътибор кутмайди. Яна эридан ҳеч нарсани талаб қилмагани ҳолда ҳамма соҳада назокати билан ўз таъсирини ўтказа билади. Чунки бизда аёлнинг мартабаси муам-

¹ Ўша асар. 132-бет.

² Қўчқаров Д., Қўчқаров А. Сизга бахтдан тахт тилайман // Оиласиий муносабатларга оид одоб-ахлоқий қиссалар. Тошкент: Академия, 2010. 86-бет.

³ Ўша асар. 87-бет.

мо эмас, балки маънавий ҳодисадир”¹. Наҳотки, аёлларимизнинг тенгликка даъво қилмаслиги – улардаги ижобий фазилат бўлса? Аёлнинг мартабаси муаммо бўлмаса, нега бизда хотин-қизларни жамият ва давлат қурилишига жалб этиш давлат сиёсати сифатида қаралмоқда? Нега Ўзбекистон аёллар дискриминациясига қарши курашиб учун халқаро Конвенцияларга кўл қўйган, гендер тенгликни таъминлаш вазифасини ўз устига олган?

Журналистлар, ёзувчилар, шоирлар мавзуни бадиийлаштиришга мойил, шунинг учун улар хотин-қизлар образини бадиий-эстетик идеал сифатида тасвирлайдилар. Шарқ анъаналарига хос тарзда улардаги ташқи гўзалликни, ҳаёни, итоаткорлик ва оиласи-парварликни улуғлайдилар. Хотин-қизлардаги ижтимоий-сиёсий фаолликни кўйлаган, намуна сифатида тасвирлаган адаб жуда кам топилади. Абдулла Қахҳорнинг “Синчалак” повестидағи Саида образи ҳамон ижтимоий-сиёсий фаол аёл рамзи бўлиб қолмоқда.

Хотин-қизларни, энг аввало, уй бекаси, садоқатли ва меҳрибон рафиқа, болаларининг тарбиячиси сифатида кўриш эркакларга хос фазилатга айланган. Бу тўғрида ОАВ кўпдан-кўп кўрсатувлар уюштироқда, нашриётлар рисолалар чоп этмоқда. Уларда эркаклар оиласини сақлаш байроғи остида ўз қарашларини баён қиласидилар, гоҳо исломдан, Қуръондан иқтибослар келтириб, хотин-қизларни ҳаётга, садоқатга, сабр-чидамли бўлишга, ҳатто безанмасликка (модага эргашмасликка) даънат этадилар². Эркак билан аёлнинг тенг ҳукуқли эканини эса юзаки қайд этадилар, унинг негизида оиласи бурчлардан ташқари хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий борлиқни ўзгартиришга, жамият ва давлат ишларини бошқаришга қодир шахслар эканини эътироф этиш, бу борада дуч келинаётган муаммоларга диққатни тортиш ётганини тўла ҳис қилмайдилар. Аёл, хотин-қиз жамиятнинг шунчаки аъзоси эмас, унинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги давлат бошқаруви тизимини, гендер муносабатларни тубдан ўзгартириб юбориши мумкин. Минг афсуски, буни баъзан аёллар, хотин-қизларнинг ўзи ҳам нотўғри тушунадилар.

¹ Ўша жойда.

² Қаранг: Баҳтиёр Мұхаммадамин Абдураҳим ўғли. Сирдошим – қизим, эшиш... Тошкент: Lieder-PRESS, 2009; Асрор Самад, Умрзоқ ҳожи Зокиржон ўғли. Қайнона масъулияти ва келин бурчи. Тошкент: Фан, 2007; Малик Т. Келинлар дафтариға. Тошкент: DAVR-PRESS, 2009.

Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар қўмитаси раиси вази-фасида фаолият кўрсатган Дилбар Ғуломова "Саодат" журнали хо-димининг ўзбек аёлидаги ижобий фазилатлар ҳақидаги саволла-рига қуидагича жавоб қайтаради:

" – Аёлларимизнинг қалби нақшли. Турмуш ташвишлари шу нақшга юк тушириб, хиралантирмаса, дейман. Улар бугунги му-раккаб шароитда ҳам ўzlари яйраб-яйраб, севиб-севиб қиласиган қадим ҳунарлари: дўппидўзлик, каштачилик, чеварчилик билан шуғуллансалар, қадамлари дадил, бошлари тик юришса дейман"¹.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг аъзоси, Соғлиқни сақлаш ва халқ таълими қўмитасининг раисаси бўлган Ҳ.Усмонова шундай дейди: "Аёллар ўз умрининг барча фаслларида ҳам ўз гў-заллигини сақлаб қолишта ҳаракат қила билиши зарур. Гўзаллик-нинг эса маъноси кенг, яъни, у маънавий бой, билимдон, хушму-омала, чехраси нурли, хушқомат ва хушхулқ, назокатли, мулойим, деган номга лойик бўлмоғи лозим.

Аёл ким бўлмасин, ҳаётда катта ютуқларга эришган бўлмасин, у биринчи галда аёл, у оила осойишталигига жавобгар, фаронон-лигининг бекаси эканлигини унутмаслиги керак"².

Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг (1994 йил) раисаси, тарих фанлари номзоди, доцент, Республикада хизмат кўрсат-ган маданият ходими М.Юнусхўжаева "Хотин-қизлар учун энг ях-ши фазилат нима?" деган саволга жавобан шундай дейди: "иболи, фаҳм-фаросатли аёл ҳеч қачон хор бўлмайди. Аёл – уй бекаси, аёл – она, аёл – ишчи, энг муҳими у – аёл. Ўзига қарашга вақт топиши, ўз қадрини англаб етмоғи керак"³. Бундай фикрларни яна ва яна кел-тириш мумкин. Ҳатто, хотин-қизларга етакчилик қилаётган аёллар ҳам хотин-қизларга нисбатан анъанавий қарашлар тарафдоридир-лар. Улар хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, жами-ят ва давлат ишларини бошқаришга жалб этишни четлаб ўтишга, бу борада муаммолар мавжудлигини илғамасликка интиладилар.

Аммо "Саодат" журналининг 1992 йил 10 октябрь сонида муш-тарийларнинг шов-шувларига сабаб бўлган "Ўзбек аёлидан прези-дент чиқадими?" деб номланган ижтимоий-сиёсий мавзудаги бетак-рор мақола эълон қилинган. Мақола муаллифи ижтимоий-сиёсий

¹ Қаранг: "Саодат" журнали. 1997 йил 1-сон. 16-бет.

² "Саодат" журнали. 1994 йил 1-сон. 4-бет.

³ Қаранг: "Саодат" журнали. 1994 йил 1-сон. 23-бет.

борлиқ учун ўта муҳим бўлган саволларни кўяди: “Миллат заифаларининг турмуши кўркаму фаровон эканлигидан аёл президент (у пайтда президент сўзи барча давлатлардагидек кичик ҳарф билан ёзилган) бўла оладими? Президенти аёл бўлган кишварларда хотин-қизлар ҳаёти президенти аёл бўлмаган ўлкалардаги аёллар ҳаётидан яхшироқми? Президентнинг аёл ёки эркак бўлиши турмушимизни ўнглашда ҳал қилувчи омил бўла оладими? Кишининг қандай одам бўлиб шаклланишига унинг эгаллаган лавозими таъсир этадими?”¹

Ҳақиқатдан ҳам қизиқарли ва долзарб саволлар ўртага ташланган. “Кичик, маҳаллий бўғинлардаги аёл раҳбарлар сони қисқариши кузатилмоқда”², – деб қайд этади муаллиф ва тарихий мисолларга мурожаат этади ҳамда аёлдан давлат раҳбари чиқиши мумкинлигига мисоллар келтиради. Ижтимоий-тарихий ҳаёт шунчалик рангбарангки, ундан истаган ғояни асослашга мисоллар топса бўлади. Бироқ, гап юқоридаги саволларга ўз ҳалқи тарихидан мисоллар келтиришда эдики, бу борада у ожизлик қиласи. Буни у қуйидаги фикри билан асослашга интилади. “Фарангистонда энг оддий ишдаги аёлдан тортиб, энг юксак лавозимдаги аёлгача ўзига, бир аёлга, бир рўзғорга яраша шарт-шароитлар, қулайликлар яратса олади, эҳтиёжларини қондирадиган даражада кушойиши кор ва даромад қиласи. Бизда эса деҳқон ёки ишчи аёлнинг, юксак вазифадаги аёлларнинг ҳам ҳаётида етишмовчиликлар, камчиликлар тўлиб-тошиб ётибди... Аёлни оқ пахтанинг қора машаққати, оппоқ пилланинг қол-қора меҳнати, тақур-туқур истанокларнинг сурони эмас, илм, ватанпарвар маърифат президент даражасига кўтаради. Бизнинг аёлларда эса ойна жаҳон кўрсатувларини томоша қилишга фурсат, фурсат бўлса, ҳафсала йўғу.”³.

Хуллас, муаллиф мақоласи бошида кўйилган саволга ижобий жавоб бермайди. У ёзади: “... Ўзбекистонда аёлнинг президент бўлиши учун тарихий шароит мавжудми? – деган саволга жавоб излаш керакка ўхшайди. Бизнингча, бундай вазият ҳали ечилмаган. Лекин, яқин орада ечиладими? Бизнингча, йўқ. Негаки, заифаларимизга бўлган муносабатимиз ахлоқий, мафкуравий, ижтимоий ва маънавий ўз-

¹ Салим Ашур. Ўзбек аёлидан президент чиқадими? // “Саодат” журнали. 1992 йил 10-сон. 14-бет.

² Ўша жойда.

³ Ўша мақола. 15-бет.

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ

гаришлар тарихида шаклланмоқда, шаклланишда давом этмоқда. Кичик маҳаллий бўғинлардаги аёл раҳбарлар сони қисқариши кузатилмоқда"¹. Ҳа, ушбу ҳол кузатилади, давлат бошқаруви тизимида аёлларнинг пайдо бўлиши осон эмас. Муаллиф ўта долзарб савонни, мавзуни кўтарган бўлса-да, унинг якуний фикрлари анъ-анавийдир. “Аслида, – деб ёзди у, – аёлнинг президентлиқдан кўра юксакроқ лавозими бор – бу Оналик даражасидир... Аёлларнинг дара-жасини эркакларнинг даражасидан паст қилиб қўйдик, дейилган...”².

Тадқиқотлар, китоблар ва ОАВларида бундай фикрлар ўзбек хотин-қизларида ижтимоий-сиёсий ҳаётга қизиқиши йўқ экан, деган холосага олиб келмаслиги лозим. Ижтимоий фикрни ўрганиш мутлақ бошқача фикрга олиб келади. Социологик сўровномага тортилган респондентларнинг 60,9 фоизи сиёсат билан қизиқишини хабар қилган. Уларнинг 13,7 фоизи “жуда қизиқаман”, деб жавоб берган. Қизиқарли жиҳати шундаки, ўша респондентлар ичida қишлоқ аёллари 68,6 фоизни ташкил этади. Уларнинг 26,7 фоизи сиёсат билан “жуда қизиқади”. Ижобий жавоб берган респондентларнинг 68,4 фоизи йигирма ёшгача бўлган хотин-қизлардир³. Кўриниб турибдики, хотин-қизлар Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, жамият ва давлат ишларини бошқаришга мутлақ бефарқ эмас, улар ижтимоий-сиёсий қизиқишлигини рўёбга чиқаришдан манфаатдордирлар. Айниқса, уларнинг ижодий ташаббуси, фаоллиги давлатимиз томонидан кенг кўллаб-кувватланаётгани ибратлидир. 1997 йилдан бўён 13 нафар аёл ибратли фаолияти, ташаббускорона меҳнати учун “Ўзбекистон қаҳрамони” унвонига сазовор бўлди, уларнинг 182 нафари “Зулфия” номидаги Давлат мукофотига, 80 га яқини “Ниҳол” мукофотига лойиқ топилди. Бундай кўллаб-кувватлаш хотин-қизларни яна ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётда фаоллик кўрсатишига таъсир этмай қолмайди.

¹ Ўша жойда.

² Ўша жойда.

³ Қаранг: Женщины независимого Узбекистана (результаты социологического исследования) / Под. ред. Р.Убайдуллаевой и Р.Крумма. Ташкент, 2004. С.54-55.

3-БОБ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМЛАРИДА ХОТИН- ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҮРНИ ВА ФАОЛИЯТЛАРИ

- 3.1. Олий давлат бошқаруви тизимида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ўрни**

- 3.2. Ижро этувчи давлат бошқаруви тизимида хотин-қизларнинг фаолияти**

- 3.3. Маҳаллий давлат бошқаруви тизими ва унда хотин-қизлар фаолиятининг хусусиятлари**

- 3.4. Суд ҳокимияти (бошқаруви) тизими фаолиятида хотин-қизларнинг иштироки**

3.1. Олий давлат бошқаруви тизимида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ўрни

Ҳар бир демократик давлатда бутун социум ҳаётига боғлиқ муаммоларни ҳал этишга даъват этилган, бошқариш ишларини олиб борувчи, барча субъект (объект)лар ўртасидаги муносабатларни рационал-оптимистик йўлга қўювчи олий институт бўлади. Мазкур институттнинг ташкил этилиши ва фаолият кўрсатиши айрим шахс ёки гурух (сиёсий партия) ихтиёрига боғлиқ эмас, у бутун социумда фаолият кўрсатаётган ва ўзининг рангбаранг манфаатларини ифода этиб, ижтимоий борлиққа хизмат қилаётган субъектларнинг ифодасига мувофиқ ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг бош факторига айланади. Унинг фаолияти, қабул қилган қонун ва қарорлари социум учун мажбурийдир, чунки унга бутун социум доирасида амал қиласидиган меъёрий ҳужжатлар қабул қилиш ваколатини халқ (сайловчилар) берган. Олий давлат бошқаруви тизимининг имманент қонунларини, фаолиятига оид хусусиятларни билмасдан туриб, умуман унинг фаолиятидаги субъектларни, шу жумладан хотин-қизларни қандай ижтимоий-сиёсий ўринга эга эканини англаш қийин.

Олий давлат бошқаруви тизимига хос бўлган имманент қонунлар, фаолиятига оид хусусиятлар қўйидагиларда акс этади:

1. Олий давлат бошқаруви институти халқ томонидан сайланади.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги (1993 йил 28 декабрь) Қонунга мувофиқ, ҳар бир фуқаро жинси, ирқи ва миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи, маълумоти, машғулотининг тури ва хусусиятларидан қатъи назар, тенг сайлов ҳукуқига эгадир. Қонунчилик палатасига депутатлар сайлаш умумий (яъни халқ томонидан, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳукуқи асосида яширин овоз бериш орқали), Сенат аъзолари эса Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси,

вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик ор-ганларининг қўшма мажлисларида яширин овоз бериш йўли билан сайланади¹. Мазкур қонунга кўра, 18 ёшга кирган фуқаролар сайловларда қатнашиши, 25 ёшида халқ депутати, 35 ёшда эса мамлакат президенти этиб сайланиш ҳукуқига эга.

Сайловлар “давлат ҳокимиятини легал янгилашнинг самара-ли инструментидир”². Шунинг учун сайловлар замонавий демо-кратиянинг, тенг ҳукуқлийкнинг энг муҳим белгиларидан би-ри ҳисобланади, давлат бошқаруви тизимини, ижтимоий-сиёсий институтлар фаолиятини шакллантириш ва йўлга қўйишнинг механизмидир. Шу билан бирга, юридик фанлари доктори, про-фессор Э.Х.Халилов қайд этганидек, “эркин сайловлар нафақат ҳокимиятни шакллантириш усули, худди шунингдек унинг халқ олдидаги масъулияти ҳамdir”³.

Масъулият ўзидан-ўзи шаклланмайди. Халқ депутатлигига сайланганлар ўз фаолиятининг юкини, оғирлигини, ҳар бир сў-зининг кучини тўғри ҳис этади, бутун фаолиятини халқ манфа-атларига йўналтиради, уларни згоистик интилишлар ва консер-ватизмдан мутлақ ҳоли, деб қараш соддаликдир. Депутат ҳам энг аввало инсон, турли таъсирларга берилувчи шахсадир. Ранг-баранг қизиқишлиар таъсиридан у ҳам ҳоли бўйламайди. Шундай экан, депутатга халқ олдида масъуллигини эслатиб туриш зарур ҳисобланади. Энг мураккаб нарса шундаки, масъулликни англаш демократия, плюрализм шароитида рўй беради. Бундай шароитда масъулликни эслатиб туриш демократияни, плюрализмни бўғиши сифатида қабул қилиниши мумкин. Масалан, РФ парламентида-ги баҳслар, низолар масъуллик билан демократия, плюрализм ўр-тасида катта фарқлар борлигини кўрсатади. Халқ депутати ман-датини қўлга киритиш халқ олдида масъулликни англаш дегани эмас. Депутат ҳам эмоцияга берилади, ўз фикрини, қарашларини химоя қилиб, сиёсий курашларда қатнашади.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Адлия ва-зирлиги. Тошкент, 2009. 5-6-бетлар.

² Х а л и л о в Э. Х. Высший законодательный орган Республики Узбекис-тан // От формального представительства до реального парламентаризма. Ташкент: Ўзбекистон, 2001. С.81.

³ Ўша жойда.

Депутатнинг пассив муносабати ҳам масъулликдан йироқлик аломатидир. Гоҳо парламент йиғилишларида баҳслашиб, тортишиб, ўз қарапшарини фаол ҳимоя қилиш кузатилмайди, узоғи билан бир-икки киши ўз фикрини билдириб қўя қолади. Депутатларнинг муаммоларга оид ўз қарапши борлиги, сиёсий плюрализм ҳаёт тарзи экани сезилмайди. Бу, аслида миллый парламентаризм шаклланишининг илк босқичига хос хусусият бўлиб, ҳокимият учун кураш сиёсий партиялар томонидан ҳали етарли англанмаганидан далолат беради. Тоталитар бошқаришдан, юқоридан кўрсатилган тартибда номзодга овоз беришдан ўз иродаси ва хоҳишини эркин эълон қилиш, кўп партиявийлик принципида депутат ва давлат раҳбари, президент сайлашга ўтиш маълум бир босқичларни, социал-психологик тўсиқларни енгигб ўтишни тақозо қиласи, албатта. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, биз ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуришга интилар эканмиз, “ҳаётимизда демократик тамойиллар чукур илдиз отишини истар эканмиз, демократиянинг бош талаби бўлмиш эркин сайловлар масаласига алоҳида эътибор қаратишимиш лозим”¹.

Демократия ва олий давлат бошқаруви тизимига ўтадиган сайловда ҳамманинг, ақли расо фуқароларнинг жинси, миллати, динидан қатъни назар, тенг ҳуқуқли қатнашиши муҳим аҳамиятга эга. Хотин-қизларнинг олий давлат бошқаруви тизимига бўладиган сайловда қатнашиши, ушбу давлат ҳокимиятияга сайлананиши демократиянинг Президентимиз назарда тутган асосий талабларидан биридир.

Советлар даврида ҳам олий давлат бошқаруви органига хотин-қизларни жалб этишга катта эътибор берилган. Масалан, Ўзбекистон Олий Советига сайланган депутатларнинг 34, 9 foизи хотин-қизлар эди². Ҳа, ушбу мисолни рад этиб бўлмайди. Олий Советнинг Ўн иккинчи чақириғидаги 500 нафар халқ депутатларининг 418 нафари (83,6%) биринчи марта сайланган халқ вакиллари эди, уларнинг 395 нафари (79,0%) олий маълумот эгалари, 62 нафари (12,4%) илм-фан ходимлари, фан номзодлари ва фан докторлари,

¹ Ислом Каримов. Биз келажагимизни ўз кўлимиз билан қурамиз. 7-том. Тошкент: Ўзбекистон, 1999. 310-бет.

² Қаранг: Союз нерушимый. 1922–1982 гг. Справочник. М.: Политиздат, 1982. С.127.

69 нафари (13,8%) ишчи, 65 нафари (13%) колхозчилар, 366 нафари (73,2%) хизматчи эди¹. Улар ичидаги хотин-қизларнинг 42 фоизи – ишчи-дәққонлар; 21 фоизи – хизматчилар; 12 фоизи – интеллекция вакиллари; 7 фоизи – раҳбарлик вазифасида ишлаётганлар эди. Умуман иттиғоқдаги Республикалар Олий Советидаги депутатларининг 36 фоизи; Автоном Республикалар Олий Совети депутатларининг 40 фоизи; вилоят, туман, шаҳар қишлоқлардаги ҳалқ депутатларининг 50 фоизи хотин-қизлар бўлган². Ўша пайтда бирорта ҳам чет эллардаги олий давлат ҳокимиятида хотин-қизлар бу даражада кўп эмас эди. Масалан, АҚШ Конгрессининг 99-чақириғида хотин-қизлар сони атиги 24 нафар (собиқ СССР Олий Советида эса 492 нафар, Миллатлар Советида 259 нафар), юқори палатасида бор-йўғи 2 нафар аёл бўлган, холос³.

Бундан ташқари, олий давлат бошқаруви органига сайланган аёлларни моддий ва маънавий қўллаб-кувватлаш мақсадида турли имтиёзлар берилган. Масалан, ўзи яшаётган ҳудуддан бепул уй-жой олиш, фарзандларини бепул болалар боғчаларига, олий ўқув юртларига жойлаштириш, транспортда бепул юриш ва уй хизматчиси тутиш кабилардир.

Шу билан бирга, собиқ СССР олий давлат ҳокимиятига сайланиш тартиби ҳуқуқий демократик хусусиятга эга бўлмаганини таъкидлаш жоиз. Чунки бир партия ҳукмрон жойда сайловнинг демократик бўлиши қийин эди. Тўғри, 80-йилларга келиб Олий Советга жойлардан, йиғинлардан номзодлар кўрсатиш тартиби киритилди. Аммо, Э.Х.Халиловнинг ёзишича, иккинчи номзод хўжакўрсинга кўрсатилар, кимнинг олий ҳокимиятга депутат бўлишини юқори ҳал этар эди⁴. Бундан ташқари, айрим ижтимоий гуруҳларнинг, шу жумладан, хотин-қизларнинг ҳам олий ҳокимиятга сайланиши мавжуд тузум ҳаётига таъсир этишга, кўп

¹ Қаранг: Халилов Э.Х. Высший законодательный орган Республики Узбекистан // От формального представительства до реального парламентаризма. Ташкент: Ўзбекистон, 2001. С.61.

² Женщины в СССР. Статистические материалы. М.: Финансы и статистика, 1987. С.5.

³ Ўша жойда.

⁴ Қаранг: Халилов Э.Х. Высший законодательный орган Республики Узбекистан // От формального представительства до реального парламентаризма. С.60.

мандатли сайлов тизимини яратишга имкон бермади. Марказлашган маъмурий бошқарув тизими шунчалик илдиз отган эдики, у кимни хоҳласа, шуни олий ҳокимиятга ўтказарди, мазкур депутатнинг қонунчилик фаолиятидан қанчалик хабардорлиги, халқ вакили сифатида ижтимоий-сиёсий ҳётга нима янгилик олиб кириши уни мутлақо қизиқтирас эди. Ҳатто, олий ҳокимиятдаги депутатлар ичидаги 10-15 йиллаб “Фаҳрли лавозим” да юрганлар бўлган, уларни қайта чақириб олиш, қайта сайлов ўтказиш йўлга кўйилмаган. Узоқ йиллар давомида мансабдор шахслар ҳам олий ҳокимиятга сайланиши мумкин эди. Фақат 1989 йил 20 октябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси халқ депутатларини сайлаш тўғрисида”ги Қонунда ва Олий Советнинг маҳсус қарорига кўра, фақат Вазирлар Маҳкамасининг раиси олий ҳокимиятга сайланиши мумкин қилиб қўйилди¹. Энг муҳими, Олий Совет доимий ишлайдиган ҳокимият тизимига айлантирилди, шу пайтгача унинг депутатлари ҳар олти ойда бир марта чақириладиган сессияларга келар, олдиндан тайёрланган қонунларга, хужжатларга овоз бериш билан чекланар эди. Энди олий ҳокимият вакиллари қонунлар лойиҳаларини тайёрлайдиган, уларни экспертизадан ўтказадиган, халқ олдида муҳокама қиласидиган бўлди. Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси хизматчилари, тармоқлар раҳбарлари, Олий суд раиси ва аъзолари, Давлат Бош арбитри ва давлат арбитрлари, Конституцион назорат кўмитаси ва унинг аъзолари олий ҳокимиятга сайланмайдиган бўлди.

Юқоридаги қонунда сайловлар бир мандатли ва кўп мандатли асосда ўтказилиши белгиланди. Депутатликка номзодлар сони қатъий чегараланмади, сайловчилар истаган кишиларни номзод қилиб кўрсатиш имконига эга бўлди. Олий Совет томонидан 1988 йил 20 октябрда тайинланган сайловда 500 сайлов округининг 174 тасидан бир номзод, 177 тасидан икки номзод, 149 тасидан уч ва ундан кўп номзодлар кўрсатилди. Кўпгина номзодлар сайловда етарли овоз ололмади, Олий Совет қарорига мувофиқ 91 депутат ўрни учун қайта сайлов ўтказилди. Мазкур сайловда 4 та округда бир мандатли, қолганларида эса кўп мандатли, жами 37 та мандат ўринга 208 номзод депутатликка даъвогарлик қилди. Умуман, илк бор ўтказилган кўп мандатли сайловда сайловчиларнинг 33,5

¹ Қаранг: Ведомости Верховного Совета Республики Узбекистан. 1989, №26-28. С. 96-142.

фоизи қатнашиб, демократик сайловнинг афзаллигини, Ўзбекистон аҳолиси ижтимоий-сиёсий ўзгаришларга бефарқ эмаслигини намоён этди. Биз учун мухими шундаки, бир мандатли 174 та округда 32 нафар, кўп мандатли 326 та округда эса 118 нафар хотин-қизлар депутатликка номзод қилиб кўрсатилдилар. Тўғри, олий ҳокимиятга сайловда атиги 47 нафар хотин-қиз ғолиб чиқди, бу 500 депутатнинг 9,4 фоизидан зиёдрогини ташкил этади, холос¹.

Бунинг сабаблари, бизнинг фикримизча, куйидагилардадир:

Биринчидан, хотин-қизларимиз очиқ демократик сайловда ўз номзоди билан қатнашиш, депутатлик мандати учун ижтимоий-сиёсий курашиш тажрибасига эга эмас эди. Советлар даврида илдиз отган бир мандатли ва номзодни юқоридан кўрсатиш тартиби сайловчиларда ижтимоий-сиёсий тортишувга, курашга киришиш майлини сўндирган эди. Чунки бу тартибга кўра, юқоридан кўрсатилган номзод, унга овоз берсанг ҳам, бермасанг ҳам, сайловда ғолиб чиқарди, олий ҳокимиятга сайланарди.

Иккинчидан, сайлов ҳақидаги қонунга маълум бир ўзгартиришлар киритилган бўлса-да, сайловни ўтказиш технологияси ҳали эски эди. Масалан, кўппартиявийлик тизими ҳали қарор топмаган мамлакатда маҳаллий ҳокимият вакиллари олий давлат ҳокимиятига номзод кўрсатиши сақланиб қолиши аниқ эди. Э.Х.Халилов тўғри таъкидлайди: “кўппартияли тизим етарли дарражада ривожланмаган шароитларда Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳукуқи, сайловлар, албатта, муқобиллик ва тортишув кураши асосида ўтказилишини назарда тутади. Алоҳида таъкидлаш лозимки, муқобиллик ва тортишув кураши демократик сайловларнинг мухим жиҳатидир. Башарти, у ёки бу номзодни танлаш вариантлари ва афзал кўрган номзодни монеликсиз ташвиқот қилиш имконияти мавжуд бўлса, сайловчининг ҳоҳиш-иродаси эркиндир. Муқобиллик ва тортишув кураши учун шарт-шароитлар яратиш совет сайлов тизимининг энг заиф томонларидан бири бўлди. 1990 йилда Ўзбекистон Олий Кенгашига ўтказилган сайлов муқобиллик асосида ўтказилган бўлса-да, бироқ инерция бўйича, асосий совет тузуми шароитларида, ўн йилликлар ичida ишлатилиб келган технология асосида ўтказилди”².

¹ Қаранг: “Саодат” журнали. 1993 йил 12-сон. 15-бет.

² Халилов Э.Х. Сайлов тўғрисидаги Ўзбекистон қонунларининг қарори ва ривожланиши. Тошкент: Ўзбекистон, 1999. 13-бет.

Учинчидан, мамлакатда бошланган ижтимоий-иктисодий инқизолар, танқислик хотин-қизларимизни кўпроқ оиласи боқиш, фарзандларни соғ-саломат ўсиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш билан банд қилиб кўйди. Шунинг учун улар депутатликка номзодини қўйиш ва ижтимоий-сиёсий курашда қатнашиш эмас, балки ўз оиласи фаровонлигини таъминлаш ҳақида қайғуришга мажбур эдилар.

1989-1990 йиллардаги сайловлар сайлов тизимини такомиллаштиришга унади. Мустақилликка эришгач, бу борада жиддий изланишлар, ижтимоий-сиёсий тузумни янгилаш бошланди. 1993 йил 4 сентябрда "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғриси"даги Қонун умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилинди. У халқ томонидан 4 ой муҳокама қилинди, қонунни такомиллаштиришга оид 600 дан зиёд таклиф ва мулоҳазалар тушди¹. Натижада қонуннинг кўп моддалари кенгайтирилган ва аниқлаштирилган ҳолда, жаҳон стандартлари га мувофиқ келадиган тарзда 1993 йил 28 декабрда Олий Мажлиснинг Ўн тўртингчи сессиясида қабул қилинди. 1994 йилнинг 25 декабряда мустақил Ўзбекистоннинг олий давлат ҳокимияти – Олий Мажлисга биринчи сайлов ўтказилди. Мазкур сайлов учтурда 1994 йил 25 декабрь, 1995 йил 8 ва 22 январда ўтказилгани билан эътиборлидир. Биринчи турда 205 нафар, кейинги турларда эса 45 нафар номзод Олий Мажлисга депутат этиб сайланди. Барча депутатлар олий маълумотли, ҳар етти депутатдан бири илмий даражалидир. Депутатлар 30-50 ёшлардаги халқ вакилларидир. 250 депутатдан 15 нафари хотин-қизлар бўлган. "Файз" давлат ҳиссадорлик мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори М.А.Азимова, Ўзбекистон "Соғлом авлод учун" жамғармаси бошқарув раиси Г.Б.Йўлдашева, Косонсой тумани ҳокими Т.Мирзаева, Ангор тумани "Мустақиллик" жамоа хўжалигидаги болалар боғчасининг мудираси Ш.М.Норбоева, Самарқанд тумани ҳокими Р.Ҳакимова, Самарқанд шаҳар 14-мактаб директори З.З.Ҳасанова, ЎзХДП Бешариқ тумани кенгашининг биринчи котиби З.Холматова, Бофот тумани ҳокими Ш.Ю.Хўжаниёзова, Республика Фанлар академияси Кимё-физика ва полимерлар институти директори С.Ш.Рашидова, Қува тумани Ш.Рашидов номидаги жамоа хўжалиги раиси М.Сайфутдинова, Пахтакор тумани маркази

¹ Ўша асар, 14-бет.

зий касалхонасининг бош шифокори ўринбосари М.С.Содиқова, Чимбой туман марказий касалхонаси туғруқхонасининг бош шифокори Д.М.Таганиёзова, Жалолқудуқ тумани ҳокими М.Эгамова, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.М.Ғуломова, Сурхондарё вилояти хотин-қизлар қўмитасининг раиси Б.А.Шодиева Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига депутат этиб сайланган илк хотин-қизлардир. Уларнинг биттаси Ўзбекистон халқ демократик партиясининг, биттаси Ўзбекистон Фанлар академиясининг вакиллариdir. Тўртта аёл туман ҳокимлари, иккитаси хотин-қизлар қўмитасининг раислари, қолганлари турли меҳнат жамоаларини бошқарувчилардир. Уларнинг олий маълумотли ва ижтимоий ҳаёт муаммоларидан яхши хабардор бўлгани депутатлик фаолияти учун муҳим аҳамият касб этган. Совет тизими олий давлат ҳокимиятига саводсиз ишчи-дехқонларни ўтказиш асосига қурилган эди, энди бундай ёндашиб қонунчилик органининг самарали ишлашига ёрдам бермаслиги аён бўлиб қолди. Шу сабабли ҳам олий давлат бошқаруви тизимида олий маълумотли, ижтимоий-сиёсий ҳаёт муаммоларидан яхши хабардор, кишилар билан ишлаш тажрибасига эга кишилар депутатликка сайланадиган бўлди. Бироқ, 1989 йилги кўрсаткичдан 1994–1995 йиллардаги сайловда ўрин олган аёллар сони деярли уч марта камдир. Юқоридаги даврларда депутатлар сони 500 нафардан 250 нафарга, аммо аёл-депутатлар сони уч мартадан зиёдга қисқарган ва 250 депутатнинг 6 фоизини ташкил қилган, холос¹.

Бундай ҳолат хотин-қизларнинг умумий аҳоли тизимидаги ўрнига ҳам, сиёсий партиялардаги иштирокига ҳам мувофиқ келмас эди, албатта. Масалан, 1991–1992 йилларда сиёсий партиялар (энг аввало ЎзХДП) фаолиятида хотин-қизлар 22,3 фоизни, 1994 йилда мазкур кўрсаткич 22,6 фоизни, 2008 йилда 37,5 фоизни, 2012 йилда 50,0 фоизни ташкил қилган. “Адолат” социал-демократик партияси аъзоларининг 2006 йилда (партия 2005 йил 18 апрелда ташкил топган) 42,2 фоизи, 2008 йилда 50,3 фоизи, 2012 йилда 50,0 фоизи; “Миллий тикланиш” демократик партияси аъзоларининг (партия 1995 йил 3 июлда ташкил қилинган) 1997 йилда 30 фоизи, 2000 йилда 34,5 фоизи, 2008 йилда 43,0 фоизи ва 2012 йилда 46,5 фоизини хотин-қизлар ташкил қилган. “Фидокорлар” пар-

¹ Қаранг: “Саодат” журнали. 1995 йил 2-сон. 3-бет.

тияси аъзоларининг хотин-қизлар 2006 йилда 24,0 фоизи, 2008 йилда 39,8 фоизи, Ўзбекистон тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати либерал-демократик партияси (2003 йил 3 декабря ту зилган) аъзоларининг 2008 йилда 34,8 фоизи, 2012 йилда эса 38,2 фоизи хотин-қизлар бўлган.

Кўриниб турибдики, хотин-қизларнинг сиёсий партиялардаги иштироки кўпайиш тенденциясига эга, аммо уларнинг Олий Мажлис депутатлигига сайланиши ҳали юқори даражада эмас. Буни кўйидаги кўрсаткичлар ҳам тасдиқлади. Биринчи чакириқ Олий Мажлис таркибида 69 нафар депутатдан 2 нафари аёл, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 47 нафар депутатидан 3 нафари аёл, "Адолат" социал-демократик партиясининг 14 нафар депутатидан 1 нафари аёл бўлган. "Миллий тикланиш" демократик партиясининг вакиллари ичida эса аёллар бўлмаган. Кейинроқ Олий Мажлис таркибида аёллар сони ошгани кузатилади. Масалан, 2004 йили Олий Мажлиснинг қонунчилик палатасига 21 нафар аёл (18 %), Сенатга 15 нафар аёл (15 %), 2009 йилги сайловларда эса, ўша тартибда, 22 фоиз ва 15 фоиз хотин-қизлар сайланган¹. "Адолат" социал-демократик партияси номзодларининг 31,7 фоизи, "Миллий тикланиш" демократик партияси номзодларининг 32 фоизи, Халқ демократик партияси номзодларининг 30,6 фоизи, Либерал-демократик партияси номзодларининг 33,3 фоизи хотин-қизлар эди². Сиёсий партияларнинг сайловлардаги иштироки жонлангани, улар қошидаги "Аёллар қаноти" олий давлат ҳокимиятига ўз номзодларини қўйишда дадиллик кўрсатаётгани кузатилади. Масалан, 2004 йилги парламент сайловларида 14 млн. 302 минг 662 киши (сайловчиларнинг 85,1 %) иштирок этган, улар сиёсий партиялар қўйган 495 номзодлар ва сайловчиларнинг ташаббускор гурухлари қўйган 54 нафар номзод бўйича овоз берганлар. Энг кўп 41 (34,2 %) депутат Либерал-демократик партиясидан, 28 нафар (23,3 %) депутат Халқ демократик партиясидан, 18 нафар (15 %) депутат Фидокорлар партиясидан, 11 нафар (9,17 %) депутат "Миллий тикланиш" демократик партиясидан, 10 нафар (8,33 %) депутат "Адолат" социал-демократик партиясидан, 12 нафар (10 %) депутат сайловчиларнинг ташаббускор гурухлариidan

¹ Народное слово. 2011 г. 3 июня.

² Ўзбекистон Республикасининг Сайлов ва референдум тўғрисидаги Қонунлари. Тошкент: Ўзбекистон, 2010. 87-бет.

сайланган¹. 2009 йил 27 декабрда ўтказилган Олий Мажлисга сайловда депутатлар сони 120 нафардан 150 нафарга кўтарилиди, сиёсий партиялар йиғадиган имзолар сони 50 мингдан 40 мингга туширилди. Сайловда 18 миллиондан ортиқ киши қатнашган. Сиёсий партиялар ўз сафидан 517 номзод кўрсатишган². 2004–2009 йиллар ичida хотин-қиз депутатлар 17,5 фоиздан 22 фоизга кўтарилган.

Хотин-қизларнинг олий давлат бошқаруви тизимидағи фаолияти Олий Мажлисга депутат қилиб сайланишдангина иборат эмас, улар вакиллик органининг барча ҳуқуқий, ташкилий, маърифий-ташвиқий ишларидаги қатнашадилар.

Бу ўринда энг аввало ким депутат бўлиши зарур, деган савол пайдо бўлади. Депутатнинг ижтимоий портретини, у қандай шахсий ва умумий фазилатларга эга бўлиши лозимлигини билиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, “оддий одамларнинг депутаттага муносабати фақат икки фуқаро ўртасидаги муносабатгина эмас, балки у жамиятда қарор топадиган маънавий-руҳий, сиёсий-ахлоқий мухитни яратади. Демак, жамиятдаги ишлаб чиқариш самарадорлиги, сиёсий, маданий тараққиёт бевосита одамлар кайфиятига, хусусан депутат шахсига бўлган муносабаттага кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.” Ушбу умумий қарашдан келиб чиқиб Б.Мустафоев ва Қ.Назаров депутатларга зарур бўлган фазилатларга қуидагиларни киритадилар: “Халқ барча фазилатлари билан бир қаторда нуқсонлари билан ҳам яхлитлигича халқдир. Ҳақиқий депутат ана шу яхшиликни англаб, ақл билан ҳис этиб, уларнинг бошини қовуштириб, ўзига эргаштира олиш билан, зикр этилган нуқсонларни бартараф этиш борасидаги амалий ишлари билан халқ олдида муносиб ҳурмат ва иззат қозониши мумкин”³. Ҳақиқатдан ҳам, ижтимоий-ахлоқий фазилатлар депутатнинг юзи, маънавий қиёфаси, борлиғидир.

Шу билан бирга, депутатлар ижтимоий-сиёсий фаолиятига тааллуқли қонунлар ишлаб чиқиш, уларни муҳокама қилиш, давлат идоралари томонидан уларнинг бажарилишини назорат

¹ Инсон ҳукуқлари умумжаҳон декларацияси ва Ўзбекистонда инсон ҳукуқларини ҳимоя қилиш миллий тизими. Тошкент: O'zbekiston, 2010. 67-бет.

² Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти. Тошкент: ИИВ Академияси, 2011. 95–96-бетлар.

³ Мустафоев Б., Назаров Қ. Ким депутат бўлиши мумкин? Тошкент: ТДЮИ, 2004. 7-бет.

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИҢ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ

этиш, аҳолининг шикоят ва аризаларини, маҳаллий ҳокимият томонидан уларга муносабатларни текшириш каби ранг-баранг вазифаларни бажаради. "Депутатнинг сиёсий соҳадаги энг асосий вазифаси – "Кучли давлатдан – кучли жамият сари" тамоилини тўла-тўқис ҳаётга тадбиқ этишни таъминлашдир... Депутатлар ана шу икки тизим – давлат тузилмалари ҳамда жамоат бирлашмалари институти тизими ўртасидаги муносабат ва мувозанатни кенг таҳлил қилиб, уларнинг фаолиятида уйғунликни таъминлаш йўлида ғов бўлиб турган муаммоларни бартараф қилиш учун амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишлиари, қонуний асосларини яратишда ўз хиссасини қўшишилари керак"¹. Демак, аҳолининг кундалик ҳаётини, давлат тизимлари бошқарув фаолиятини юқсалтириш борасида меҳнат қилиш олий давлат бошқаруви тизимида фаолият олиб борувчи ҳар бир кишининг, шу жумладан аёл-депутатларнинг ҳам бурчидир. Олий давлат бошқаруви тизимида ишлаш қандайдир имтиёз, обрў, шон берадиган вазифа эмас, унинг негизида ҳалқ, Ватан, тараққиёт манфаатларига хизмат қилиш, ижтимоий-сиёсий институтлар, маълум бир объектия ва субъектив сабаблар боис амалга оширилмаётган муаммоларни тез ва самарали ечишга ўз ҳиссасини қўшиш истаги ётади.

Олий давлат бошқаруви тизими депутатта юксак, мураккаб, ўта маъбулиятли вазифаларни юклайди. Кишиларни, ҳалқни бошқариш, уларда миллий демократик тараққиётга ишонч, оптимизм уйғотиш ушбу вазифаларнинг асосидир. Депутатдан саводхон, ўз касбини яхши биладиган, севадиган шахс бўлишни талаб этиш етарли эмас, у ижтимоий-сиёсий борлиққа позитив кайфиёт олиб кирадиган, конструктив фикрлашга мойил кишиларни бирлаштирадиган, миллий демократик тараққиётнинг стратегик мақсадларига хизмат қиласидиган шахсдир. У ижтимоий-сиёсий фоллик кўрсатиб, бошқаларда ҳам фаоллик уйғотадиган инсондир.

3.2. Ижро этувчи давлат бошқаруви тизимида хотин-қизларнинг фаолияти

Ўзбекистон Республикасида давлат бошқаруви тизимининг юқори поғонаси Президентлик институти ва ижро этувчи юқори

¹ Ўша асар. 16-17-бетлар.

ҳокимиятдир. Республикаизнинг Конституциясига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Президенти “давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир”¹. Мазкур лавозимга ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган Ўзбекистонда камида ўн йил муқим яшаётган Республика фуқароси сайланиши мумкин.

“Ўзбекистон Республикаси Президентига сайловлар тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, Президент сайловида 18 ёшга тўлган фуқаролар қатнашади. Сайлашда ҳам, сайланишда ҳам фуқаролар, миллати, жинси, эътиқоди ва келиб чиқишидан қатъи назар, тенг ҳуқуққа эгадирлар².

Ўзбекистонда Президентлик институти Республика Олий Совети томонидан 1990 йил 24 марта жорий этилган. “Бу, – деб ёзади юридик фанлари доктори, профессор Б.Утаджиханов, – мустақил давлатчилик томон ташланган энг муҳим конституциявий қадамлардан бири эди. Шу тариқа Ўзбекистонда “президентликнинг ўзбек модели” юзага келди”³.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, вазифалари, давлат ва ижро ҳокимияти тизимидағи ўрни Асосий Қонуннинг 93–95-моддаларида белгилаб берилган. Асосий Қонуннинг XIX боби эса бутунлай Президентнинг ваколатларига, сайланиш тартибига бағишлиланган.

Президент давлат бошлиғи сифатида давлат ва давлат ҳокимияти бирлигини ўзида ифода этади. Шу билан бирга, у ижро ҳокимиятининг бошлиғидир. Асосий Қонунимизнинг 93-моддаси Президентга, давлатга оид ички ва ташқи сиёсатнинг барча соҳаларига раҳбарлик қилиш, зарур Фармонлар, қарорлар чиқариш, ижро ҳокимият девонини тузиш, олий ҳокимият ва бошқарув тизимлари ўргасида ҳамжиҳатликни таъминлаш, давлат бошқарув тизимларини тузиш ёки тугатиш, Олий Мажлисда кўриб чиқиш, сайлаш ва тасдиқлаш учун Бош вазирни, Сенат раиси, Бош прокурор, Конституциявий суд раиси ва унинг аъзоларини, Олий суд ва унинг судьялари номзоди-

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент: Ўзбекистон, 2009. 22-бет.

² Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Ўзбекистон Республикаси Президентига сайловлар тўғрисида”. Тошкент: Ўзбекистон, 1991. 3-бет.

³ Қаранг: Таджик и нов Б. У. Правовой статус Президента. Ташкент: Академия МВД, 2000. С.3.

ни тақдим этиш ваколатларини беради. Шунингдек, Президент маҳаллий давлат ижро ҳокимиятини шакллантиради. Кўриниб турибдикি, Президент бир вақтнинг ўзида давлат бошқарувини амалга оширади, ички ва ташқи сиёсатни олиб боради, жамият ва давлат бошқаруви тизимлари учун зарур бўлган Фармонлар, қарорлар қабул қиласди, ижро ҳокимиятини шакллантиради, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларининг ҳамжиҳат ишлашини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар сайлов хуқуқларининг кафолатлари тўғрисида” (1994 йил 5 май)ги Қонунининг 1-моддасига мувофиқ, “Ўзбекистон Республикаси нинг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш хуқуқига эгадирлар. Бу хуқуқ фуқароларнинг референдумларда, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ва ҳокимиятнинг вакиллик органлари сайловида қатнашиши орқали амалга оширилади”¹.

Демак, фуқаролар Президент сайловида иштирок этиш, сийлаш ва сайланиш хуқуқига эгадирлар.

Президентликка номзодларни сиёсий партиялар, Ўзбекистон касаба уюшмаси Федерацияси, меҳнат жамоалари, муассаса ва олий ўкув юртлари йиғинлари, съезд ёки конференциялари кўрсатиши мумкин². Хуллас, Президентликка номзодлар кўрсатиш барча фуқароларнинг хуқуки, ушбу хуқуқ маҳсус қонун билан, сайловлар пайтида эса барча учун тент шарт-шароитлар яратиб бериш билан кафолатланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига 2007 йилда илк бор ўзбек аёли Дилором Гафурджановна Тошмуҳамедова ўз номзодини кўйди ва сайловда қатнашиб, 2,34 фоиз овоз олди. Унда қатнашган И.А.Каримов – 88,1 фоиз, А.Рустамов – 3,17 фоиз, А.Саидов – 2,85 фоиз овоз олди. Сайловда жами 14 миллион 765 минг 444 нафар сайловчи қатнашли, бу барча сайловчиларнинг 90,6 фоизидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Д.Г.Тошмуҳамедова 1962 йили хизматчи оиласида туғилган. Мутахассис-

¹ Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Фуқаролар сайлов хуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”. Тошкент: Адолат, 2009. 5-бет.

² Закон Республики Узбекистан “О выборах Президента Республики Узбекистан”. Ташкент: Ўзбекистон, 1991. С. 17.

лиги – врач, маълумоти – олий. Тибиёт фанлари номзоди. "Фармад" хусусий фирмаси раҳбари. 2001–2004 йилларда Ўзбекистон Олий Мажлисинген депутати, 2004 йили эса Қонунчилик палатасига депутат этиб сайланган. 2005 йилда Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сиёсий кенгашига биринчи котиб ва партиянинг парламентдаги фракцияси раҳбари этиб сайланган.

Оилали, тўрт фарзанди бор. 2006 йили "Дўстлик" ордени билан мукофотланган. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси томонидан номзод қилиб кўрсатилган.

Д.Г.Тошмуҳамедованинг қисқача таржимаи ҳоли ва дастури билан танишиш замонавий аёл – лидернинг ижтимоий-сиёсий фоллигини, фазилатларини тўғри англашга ёрдам беради.

Д.Г.Тошмуҳамедова дастуридаги стратегик вазифалар қуидагилардан иборат эди:

– "Адолат – ҳаётимизнинг бош мезони" тамойилини ҳаётга тўла-тўқис тадбиқ этиш;

– мамлакатимиз қудратини янада мустаҳкамлаш;

– эркин бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат қуришни давом эттириш;

– фуқаролик жамияти институтларини мустаҳкамлаш;

– ҳалқ фарновонлигини янада ошириш;

– ҳалқаро майдонда Ўзбекистоннинг нуфузини юксалтириш¹.

Шу билан бирга номзод "Адолат" партиясининг асосий вазифаларидан келиб чиқиб, ўз дастурига "ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни, айниқса, қишлоқ жойларида жадаллаштириш, илм-фан, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш соҳаларидағи ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, суд-хуқук тизимини янада либераллаштириш, ушбу соҳадаги ислоҳотларни изчил амалга ошириш, аёлларнинг жамиятдаги мавқенини янада ошириш, ёшларга оид сиёсатни ривожлантириш каби вазифалар"²ни ҳам киритган.

Д.Г.Тошмуҳамедованинг сайловолди дастури қуидаги йўналишларда амалга ошириладиган вазифаларни ўз ичига олади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Дилором Гафурджановна Тошмуҳамедованинг таржимаи ҳоли ва дастури. Тошкент: Ўзбекистон ИМИУ, 2007. 6-бет.

² Ўша жойда.

Биринчи йўналиш ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни давом эттириш билан боғлиқдир.

Унга маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини таъминлаш, қайта ишлаш саноатини ривожлантириш кабилар киради.

Иккинчи йўналиш ижтимоий соҳани ривожлантириш билан боғлиқ вазифаларни ўз ичига олади. Унда пенсия қонунчилигини такомиллаштириш, соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштиришнинг самарали механизмларини амалиётга тадбиқ этиш, тиббий хизматлар сифатини ошириш назарда тутилади. Номзоднинг фикрига кўра, "ижтимоий масалаларни фақат давлат ҳокимиятининг самарали саъй-ҳаракатлари билан ҳал этиб бўлмайди. Шу боис, бизнес тузилмаларининг ҳам ижтимоий масъулиятини кучайтириш ва бу борада қатор тадбирларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз. Жумладан, мазкур соҳа қонунчилик базасини янада такомиллаштириш даркор"¹.

Учинчи йўналиш сиёсий ислоҳотларни янада жадаллаштириш, демократик қадриятларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, инсон ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш, давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш каби масалалар билан боғлиқдир.

Тўртинчи йўналиш хотин-қизларнинг жамият ва давлатни бошқаришдаги иштирокини ошириш, аёлларга оид қонунчиликни янада такомиллаштиришни ўз ичига олади. Дастурда қайд этилганидек, давлат ҳокимиятининг барча тармоқларида хотин-қизларнинг том маънодаги тенг ҳуқуқли ва фаол иштирокини таъминлаш, юксак билим ва малакага эга аёлларга янада кенг имконият яратиш, аёлларнинг интеллектуал салоҳияти, ҳуқуқий маданияти ва иқтисодий фаоллигини ошириш зарур².

Бешинчи йўналиш суд-ҳуқуқ тизимидағи ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган вазифалардан иборатдир.

Олтинчи йўналиш илм-фан, таълим, маънавият ва маданият соҳаларида ютуқларга эришиш, ёшлар тарбиясига, улардаги ижо-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Дилором Гафурджановна Тошмуҳамедованинг таржимаи ҳоли ва дастури. Тошкент: Ўзбекистон ИМИУ, 2007. 9-бет.

² Ўша дастур. 11-бет.

З-БОБ. Ўзбекистон Республикаси давлат бошқаруви тизимлорида хотин-қизлар дий кучларни ривожлантиришга эътибор беришни назарда тулади.

Еттингчи йўналиш ташқи сиёсат масалаларини ўз ичига олади¹.

Кўриниб турибдики, Д.Г.Тошмуҳамедованинг сайловолди дастурида Республикасида зришилган ютуқларни мустаҳкамлаш асосий тамойил қилиб олинган. Шу билан бирга, унда жамият ва давлатнинг ривожланишини янги босқичга кўтариш вазифа қилиб белгиланган. Номзоднинг бутун диққат-эътибори, олдига қўйган вазифалари мамлакатимиз тараққиётига, унда тинчлик, осойишталик ва фаровонликни таъминлашга, ижтимоий-сиёсий фаолияти жамият ва давлат бошқаруви тизимлари фаолиятини демократлаштириш ҳамда либераллаштиришга, Ўзбекистонда демократик хукуқий давлат, очиқ фуқаролик жамиятини барпо этишга йўналтирилгандир.

Тўғри, сиёсий дастурда шахс ўзининг манфаатлари ва қизиқишиларини очиқ баён этавермайди, чунки бундай хужжат партия фаоллари ичидаги муҳокамадан ўтади, қайта ишланади, бойитилади. Бироқ, сиёсий дастурда номзодларнинг шахсий манфаатлари билан партиянинг умумий манфаатлари уйғун келади. Агар улар уйғун келмаса, ижтимоий-сиёсий фаолият рационал-оптимистик аҳамият касб этмайди, жамият ва давлат ишларини бошқариш принципларига зид келади. Бошқаришнинг рационал-оптимистик аҳамияти ва талаби ижтимоий-сиёсий фаолият олдига ўз манфаатларини ижтимоий манфаатлар билан уйғуллаштиришни шарт қилиб қўяди.

Д.Г.Тошмуҳамедова сиёсий дастурида ўзбек аёлларига хос бўлган юмшоқлик, ҳалоллик, оиласеварлик каби инсоний фазилатлар ҳам кўзга ташланади. Айниқса, унинг тўртингчи йўналишидаги вазифаларида, яъни хотин-қизларга эътибор бериш, уларнинг соғлигини яхшилаш, оила ва жамиятдаги мавқенини ошириш кабиларда ушбу фазилатлар бўртиб туради. Лекин, бу фазилатлар бутун жамият ва давлат аҳамиятига молик стратегик вазифаларни тўғри кўрсатишга, бу борада аник, рационал, конструктив чора-тадбирлар белгилашга халақит бермайди.

Д.Г.Тошмуҳамедованинг сиёсий дастурида ва унинг Олий Мажлис Сенати спикери вазифасида ўзбек аёли давлат раҳбари бўлиши мумкинлигини кўрамиз.

¹ Ўша дастур. 6–13-бетлар.

Ижро этувчи ҳокимият, давлат бошқаруви тизими ўзига хос хусусиятлар ва функцияларга, субъект-объект муносабатлариға эга. Илмий адабиётларда улар "давлат ҳокимиятининг мустақил тармоғи"¹ сифатида қаралади. "Улар давлат тасарруфидаги мурдак – ҳокимият ваколатларини жамоатчилик ҳуқуқи ва кўпинча, маъмурий ҳуқуқи услуб ва воситалари асосида тадбиқ этиш орқали ижро этиш – фармойиш бериш фаолиятини юритади"².

Аслида, бу ижро этувчи юқори давлат бошқаруви тизимига хос белгилардир.

Ўзбекистонда юқори давлат бошқаруви тизимига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Адлия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтиомий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Диний ишлар бўйича қўмита, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги кабилар киради. Мазкур бошқарув тизими:

- муайян соҳа, тармоқ, минтақада тартибга солиш, мувофиқлаштириш, ижро этиш ва бошқарув фаолиятининг бошқа шаклларини ўз ичига олувчи давлат – ҳокимият ваколатлари асосида жамият, давлат вазифаларини бажаради;

- ҳуқуқий мақоми давлат ҳокимиятининг юқори турувчи органи ёки қонун билан тасдиқланган низом билан расмийлаштирилади;

- ижро этиш – фармойиш бериш фаолияти жараёнида ҳуқуқий ҳужжат шаклидаги бошқарувга оид қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эга. Қарорларнинг тури ва қабул қилиш тартиби амалдаги қонунчиликка мувофиқ бўлади ва бу орган тасарруфидаги соҳада уларнинг бажарилиши мажбурийдир;

- бундай органларнинг ички тузилиши мураккаб бўлади: орган аппарати тузилмавий бўлинмалар (баъзан бошқа органларни ҳам ўз ичига олади) ва ушбу орган штатлар рўйхатига мувофиқ бўлган давлат хизмати хизматчиларидан иборат бўлади;

- бундай органлар давлат бюджетидан молиялаштирилади. Орган ва унинг хизматчилари бирор-бир хўжалик ёки тижорат иши билан шуғуллана олмайди;

¹ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизими. Тошкент: O'zbekiston, 2010. 94-бет.

² Ўша жойда.

– бундай органлар ижро этувчи ҳокимият тизимидағи биргаликда бўйсуниш тизимиға киритилади ва ўзини таъсис этган давлат ҳокимияти органи олдида ҳисоб беради¹. Демак, ижро этувчи ҳокимият органлари, юқори давлат бошқаруви тизими ўз ваколатларига кўра, “Инсоннинг конституциявий хуқуқлари ҳамда эркинликларини рўёбга чиқариш учун зарур ҳуқуқий, ташкилий ва моддий шароит яратади”². Масалан, Вазирлар Маҳкамаси Республика миқёсида фаолият юритувчи юқори давлат бошқаруви тизими сифатида “давлат бошқаруви органлари (яъни вазирликлар, давлат қўмиталари ва уларнинг тармоқлари) тизимиға бошчилик қиласи, улар фаолиятини ташкил этади ва бошқаради, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг хужжатлари қонунчиликка зид келган ҳолларда уларни бекор қилиш ҳуқуқига эга”³.

Кўриниб турибдики, Вазирлар Маҳкамаси, унинг таркибиға кирувчи соҳа, тармоқ вазирликлари, Давлат қўмиталари ижтимоий бошқаришни амалга оширади, мамлакат ҳаётига оид, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш бўйича зарур чора-тадбирлар кўради.

Юқори давлат бошқаруви тизимида вазирлар ўринбосарлари, бўлимлар раҳбарлари, раҳбарлар ёрдамчи-маслаҳатчилари орасида кўплаб хотин-қизларни учратиш мумкин. 1993 йилги маълумотларга кўра, улар мазкур бошқарув тизимида 10,5 фоиз, 2005 йили 12 фоиз, 2011 йилга келиб эса 15,3 фоизни ташкил этган⁴. Масалан, Самарқанд вилоятидаги вазирлик тармоқлари ва уларнинг бўлимларида хизмат қилаётган, ушбу тизимларни бошқараётган ёки мазкур соҳаларда фаолият кўрсатаётган хотин-қизлар сони қўйидагичадир (1-жадвал. Маълумотлар муаллиф томонидан 2012 йил март ойида масъул ходимлардан олинган. Маълумотлар ҳажми 28 бетдан иборат бўлгани учун улардан мавзу учун зарурлари танлаб олинди ва жамланди).

¹ Ўша жойда.

² Ўша асар. 95-бет.

³ Ўша асар. 97-бет.

⁴ Қаранг: Ўзбекистон хотин-қизларининг аҳволи тўғрисида маъруза. Тошкент, 1999. 27-бет; Муаллиф ҳисоб-китоблари.

1-жадвал

№	Тармоқ ва- зирликлари, уларнинг бўлимлари ва соҳалари	Умумий хизмат- чилар	Раҳбар ходим- лар	Мутахас- сис хизмат- чилар	Улар- дан аёл- лар	Раҳбар аёл- лар (аёл- лар сонига нисбатан %)
1	Қишлоқ хўжа- лиги тармоғи	10009	285	6449	1407	71 (20%)
2	Чорвачилик	2228	59	1118	468	11 (2%)
3	Урмон хўжалиги	554	25	400	83	2 (0.4%)
4	Транспорт	5203	160	2092	283	55 (19%)
5	Алоқа	1227	40	506	390	82 (21%)
6	Қурилиш	2751	180	1380	357	14 (3.5%)
7	Лайиҳалаш массасалари	116	3	99	13	5 (42%)
8	Кўттарма савдо	1336	60	452	90	46 (51%)
9	Чакана савдо	1705	129	1042	605	204 (41%)
10	Давлат чакана savdo соҳаси	1179	95	560	426	108 (26%)
11	Матбуот коопе- рацияси	58	5	53	46	13 (33%)
12	Геология, гео- дезия, гидроме- тереология	1383	51	576	333	9 (3%)
13	Таҳририят ва босмаҳоналар	566	41	202	167	88 (52%)
14	Коммунал хў- жалиги	8525	444	2529	1442	401 (34%)
15	Маишӣ хизмат кўрсатиш	333	27	290	166	86 (53%)
16	Жисмоний тар- бия, оммавий спорт	45384	1040	43985	32272	2817 (74%)
17	Соғлиқни сақлаш	44057	933	42828	31756	2991 (77%)
18	Дам олиш ва туризм	242	18	186	84	49 (52%)
19	Ижтимоий таъ- минот	187	24	168	141	84 (80%)

1-жадвалнинг давоми

20	Халқ таълими	114018	6110	105539	68533	53112 (77%)
21	Маданият ва санъат	4056	208	3679	1994	1212 (78%)
22	Илм-фан	1109	41	1055	270	128 (46%)
23	Молия, кредит, страхование	4533	498	3764	1734	899 (52%)
24	Бошқарув ишлари тизими	12212	2019	9552	3316	68 (3,1%)
25	Жамоат ташкилотлари	2268	675	1438	437	82 (21%)
26	Саноат	17678	1067	4403	4585	803 (19%)

Маиший хизмат кўрсатиш, дам олиш ва туризм, молия, кредит, таҳририят ва босмаҳоналар, улгуржи савдо соҳаларида хизмат килаётганларнинг деярли ярми хотин-қизлардир. Улар мазкур муассасаларни бошқариш жараёнларига ҳам раҳбарлик қилишади. Лекин муассасалар бевосита юқори давлат бошқарувининг ўзи эмас, балки унга тааллукли бўлимлар, тизимлардир.

Хотин-қизлар ижро этувчи юқори давлат бошқаруви тизимининг функционал хусусиятларини фақат ижрочилик фаолияти билан чегаралаб қўйишга интиладилар. Бу ёмон хислат эмас, чунки ижро ҳокимиятининг бош функцияси олий органлар қабул қилган қарор ва қонунларни тўла-тўқис бажаришдир. Бироқ, ижтимоий вазият, бошқарув билан боғлиқ жараён гоҳо ноодатий усулларни, қарорларни қабул қилишга, таваккалчилик билан масъулиятни ўз устига олишга унрайди. Эксперт-репондентларнинг деярли 86 фоизи “Бошқарувга оид қарор қабул қилишда фақат Президент Фармонлари, Олий Мажлис қарорларидан келиб чиқаман”, деб жавоб беради. 11 фоиз респондентлар “Тармоқ вазирлиги қарорларидан” ва “вилоят, туман ҳокими кўрсатмаларидан келиб чиқаман”, деб жавоб берган. Атиги З фоиз экспер特-респондент “Гоҳо ўзим мустақил қарор қабул қиласман” деб кўрсатади. Энг қизиги шундаки, юқори давлат бошқаруви тизимида юқори лавозимларни эгаллаган аёлларнинг деярли 96 фоизи “Президент Фармонлари ва Олий Мажлис қонунлари мен учун дастур”, атиги З фоизи (1 фоизи жавоб бермаган) “Ўз тажрибам ва билимимга ҳам асосланаман”, деб жавоб қайтаради.

Бу ўринда турли фикрларни билдириш мумкин. Биринчидан, юқори давлат бошқаруви тизимида ишләётган, бошқариш ишларини олиб бораётган аёллар лавозимда иерархия, субординация муносабатларига қатъий амал қилиш тартиби мавжудлигини унутмайдилар. Иккинчидан, улар шахсий ташаббус ҳамма вақт ҳам қўллаб-кувватланавермаслигини, бошқарув фаолияти юқори билан маслаҳатлашишни тақозо этишидан келиб чиқадилар. Бу уларни ўта эҳтиёткор бўлишга ундаиди. Учинчидан, уларда эркакка эргашиш, унинг маслаҳатини ҳисобга олиб яшаш, ишлаш анъанасидан мутлақ халос бўлмаганлик кузатилади.

Мазкур фикрларимиз хотин-қизларнинг юқори давлат бошқаруви тизимида фаолият кўрсатишини, ижро ҳокимиятига хос вазифаларни малакали ҳал эта олишини инкор қилмайди. Ҳатто улар, расмий маълумотларга кўра, ижро этувчи ҳокимият органларида, раҳбарият тизимида атиги 3,4 фойизни ташкил этсалар-да,¹ улар ижтимоий-сиёсий жараёнларни мустақил, керакли савияда олиб бориши, бошқариши мумкин.

3.3. Маҳаллий давлат бошқаруви тизими ва унда хотин-қизлар фаолиятининг хусусиятлари

Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги маҳаллий давлат бошқаруви тизими, у билан ҳамкорлик қилувчи вакиллик (халқ депутатлари Кенгашлари) ва ўзини ўзи бошқарувчи орғанлар (маҳалла, фуқаролар йиғини, хотин-қизлар билан ишлаш қўмиталари ва бошқалар) билан чамбарчас боғлиқдир. Айтиш мумкинки, хотин-қизларнинг мазкур давлат бошқаруви тизими ва фуқаролик жамияти институтларида фаолият кўрсатиши Ўзбекистон Республикаси учун энг характерли, кенг тарқалган ижтимоий-сиёсий фаолият кўринишлариdir.

Мустақиллик йилларида янги маҳаллий давлат бошқарув тизими (ҳокимлик) юзага келди. Айрим олимлар ҳокимлик институтини “ижро ҳокимиятининг мутлақо янги тури” деб ҳисобласа²,

¹ Қаранг: Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция (Нью-Йорк, 1952 йил 20 декабрь). Тошкент, 2008. 9-бет.

² Ҳусанов О. Мустақиллик ва маҳаллий ҳокимият. Тошкент: Шарқ, 1996. 6-бет.

айрим олимлар уни “янги кашфиёт эмас. У тарихий ривожланиш амалиётида синовдан ўтган анъанавий ҳокимият институтидир”¹, деб кўрсатади. Аммо, улар ҳокимлик институтининг давлат бошқаруви тизимидағи ўрнини юқори баҳолашади.

“Ижро ҳокимияти, – деб ёзади О.Хусанов, – ҳокимлар томонидан бошқарилиб, улар яккабошлиқ асосида иш юритади. Ҳокимлик институти вужудга келгач, маҳаллий миқёсда ҳам икки мустақил орган – вакиллик органи ва ижро ҳокимияти органи вужудга келди”². Бу ўринда 1992 йил 4 январда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида маҳаллий ҳокимият органларини қайта тузиш тўғрисида”ги Қонун муҳим роль ўйнади. Унга мувофиқ, ҳокимлик институти маҳаллий ижро ҳокимиятининг органи, халқ депутатлари Кенгашлари эса маҳаллий вакиллик органи, деб эътироф этилди³. Натижада “аввал эътироф этиб келинган маҳаллий Совет (Кенгаш)лар ягона ҳокимият органи деган тушунча барҳам топди. Маҳаллий Кенгашлар давлат ҳокимиятининг вакиллик органига айланди, бу эса ҳокимиятнинг бўлинниш принципига тўла мос келади”⁴. Ушбу ҳолат ва маҳаллий давлат бошқаруви тизимидағи уйғунлик, яъни ҳоким ва халқ депутатлари Кенгашлари фаолиятида бир-бирига таяниш, ёрдам бериш, тўлдириш зарурлиги Олий Мажлис томонидан 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонун билан мустаҳкамланди. Агар ҳокимлар Президент томонидан тасдиқланса, халқ депутатлари Кенгашлари сайланади, аммо улар фаолиятига ҳокимлар раҳбарлик қиласади. Шу тариқа ижро ҳокимияти билан вакиллик органи фаолиятида уйғунлик таъминланди.

Илмий адабиётларда маҳалла, фуқаролар йиғини, хотин-қизлар билан ишлаш қўмиталари билан бирга халқ депутатлари Кенгашлари ҳам ўзини ўзи бошқариш органлари сифатида қаралади. Айрим тадқиқотчилар халқ депутатлари Кенгашла-

¹ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизими. Тошкент: O'zbekiston, 2010. 118-бет.

² Хусанов О. Мустақиллик ва маҳаллий ҳокимият. Тошкент: Шарқ, 1996. 6-бет.

³ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1992 йил 3-сон. 21-23-бетлар.

⁴ Хусанов О. Мустақиллик ва маҳаллий ҳокимият. 25-бет.

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ

рини ҳокимлик институти билан уйғун қарашга интилса, бошқа тадқиқотчилар уларни ижтимоий-сиёсий ҳәётни демократлаштиришга хизмат қылувчи фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарувчи ташкилотлари сифатида қарайди. Масалан, тадқиқотчи А.Воҳобов кейинги ёндашув тарафдори сифатида ёзади: “Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизими – халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларини, ҳудуднинг ижтимоий ўзини ўзи бошқариш идораларини (мавзеларнинг кенгашлари ва қўмиталарини, маҳалла, уй комитетларини ва бошқа идораларни), шунингдек бевосита демократиянинг турли шаклларини (маҳаллий халқ овоз бериш референдумларини, фуқароларнинг йиғилишлари, йиғинларини ва бошқаларни) ўз ичига олади”¹.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат бошқаруви тизимига кирмайди, аммо ҳокимлар ва халқ депутатлари Кенгашлари улар билан ҳамкорлик қилиши, биргаликда фаолият кўрсатиши, фаоллар ёрдамидан фойдаланиши лозим. Ўзини ўзи бошқариш органларининг, шу жумладан, халқ депутатлари Кенгашларининг ҳам фаолияти, ташаббуслари мавхум маконда эмас, балки давлат бошқаруви тизими амал қиласидиган, раҳбарлик қиласидиган ижтимоий маконда кечади.

Хотин-қизларнинг ҳокимлик ва унинг ўринbosарлари лавозимларига тайинланиши ҳар бир давр ва ҳудуддаги ижтимоий, сиёсий ва маданий шарт-шароитлардан келиб чиқиб амалга оширилади. Ўтиш даврининг мураккаблиги, эскилил билан янгилик ўртасидаги зиддиятлар, ички ва ташқи таҳдидларнинг ошиши бошқарув тизими олдига дуч келган киши ҳам бажаравермайдиган, гоҳо осойишталил, оилавий фароғат, ҳатто жонидан кечиб, фидойиликка ундовчи вазифаларни қўяди. Жамиятни, кишилар тасаввурларини янгилаш ҳеч қачон осон кечган эмас, у дадилликни, гоҳо эса қаттиқўлликни талаб этади. Бу ўринда Президентимиз И.А.Каримовнинг қуйидаги фикрларини келтириш ўринлидир: “Мен доим айтаман: тасаввур қилингки, бирор жамоа ёки корхона оқсан ётибди, даромади йўқ, маош беришга курби йўқ, одамларнинг аҳволи чатоқ, раҳбар эса қаттиқўллик қилиб ҳеч кимга ёмон кўринишни истамайди. Амир Темур бобомиз айтга-

¹ В о ҳ о б о в А. Давлат ҳокимиятининг маҳаллий бошқарув ва ўзини ўзи бошқариш органлари // Ўзбекистон Республикаси – мустақил давлат. Тошкент: Адолат, 1995. 140-бет.

нидек, қатъиятсиз мингта одамдан битта қатъиятли, ишбилармон, азму шижаот эгаси бўлган тадбиркор одам афзал. Агар шу фикрни инобатга олсак, корхонага ахир яхши раҳбар келади-ю, тартиб ўрнатиш учун мажбур бўлади қаттиқўллик ишлатишга. Дангасаларни ҳайдайди, қолганларини, керак бўлса, саккиз соат эмас, ўн соат ишлатиб, жамоасини оёққа турғазади. Вақти-соати келади, одамлар унга раҳмат дейди. Вақти-соати келади, одамлар маошини олганда, уй-жой қурганда, болаларининг тўйини ўтказганда келиб шу қаттиқўл раҳбарга раҳмат дейди¹. Демак, давр, айниқса бир тараққиёт босқичидан иккинчи тараққиёт босқичига ўтаётганда, бутун ижтимоий тузум ва тартибларни ўзгартириш талаб этилаётганда раҳбардаги қаттиқўлликни кишилар табиий ҳол сифатида қабул қиласидилар. Тўғрисини айтиш лозимки, Шарқ аёлларида айнан шу фазилат етишмайди, бу эса уларнинг раҳбар сифатида фаолият юритишига халақит беради. Қаттиқўллик қўрслик, ҳақоратомуз муомала эмас, у дадиллик, шижаот, бошқаларда етишмайдиган сифатлари билан уларни ўз кетидан эргаштириш санъатидир.

1996 йили Ўзбекистондаги ҳокимликлар тизимида 180 та, 2000 йилда 206 та, 2005 йилда 227 та, 2011 йилда 310 та хотин-қиз фаолият кўрсатган. Мазкур ўзгаришларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 2 мартағи "Ўзбекистон Республикаси давлат ва жамият қурилишида аёллар ролини ошириш чора-тадбирлари", 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида-ги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг мазкур Фармонлар ижросини таъминлашга қаратилган махсус қарорлари (1999 й., 2004 й.) ва "Ўзбекистон Республикасида хотин-қизлар масалалари бўйича концепция ва дастурий хужжатлар" муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2004 йил 27 августда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги ҳамда "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги қонунларга

¹ Ислом Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. 5-том. Тошкент: Ўзбекистон, 1997. 316-317-бетлар.

депутатликка сиёсий партиялар томонидан номзодлар кўрсатишга тааллуқли қўшимчалар киритилди. Уларга мувофиқ, “хотин-қизлар сони сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камидаги ўттиз фоизини ташкил этиши лозим”. Мазкур ўзгартириш халқаро талабларга мувофиқ келади ва Ўзбекистон хотин-қизларининг қуи давлат бошқаруви тизимида фаол қатнашишига ҳуқуқий замин яратади.

Тўғри, ҳоким-аёллар сони кўп эмас, улар узоғи билан 4 фоиз атрофидадир. Бироқ, ҳокимларнинг хотин-қизлар билан ишлаш бўйича ўринбосарларининг деярли барчаси аёллардир. Ҳокимлик тизимидағи бўлимларнинг учдан бирини хотин-қизлар ташкил қилади, аммо улар бошқарув ишини бевосита амалга оширадиган субъектлар эмас.

Эксперт-レスпондентларнинг 58 фоизи “Хотин-қизлар ҳокимлик лавозимини бажара олади,” деб ҳисоблайди. Уларнинг фикрига кўра, бугун ҳоким образи асосан эркак қиёфасида гавдаланмоқда, жойлардаги қуи давлат ижро ҳокимиятида, эркак ҳоким бўлиши зарур, деган фикр кенг тарқалган. Ҳатто, аёл-ҳоким образи эркак-ҳоким сифатлари орқали тасвирланади, англанади. Эркак-ҳоким стереотипи кишилар онгидан чукур жой олган, уни ўзгартириш учун замонавий аёл-лидер, аёл-ҳоким портретини яратиш, уни ижобий образ сифатида тарғиб этиш лозим. Эксперт-レスпондентларнинг жанобидан оддий-レスпондентлар жавоби кескин фарқ қилади, улар “Ҳокимлик лавозимига эркаклар кўпроқ лойик” (67 фоиз), деб жавоб беради. Аслида бундай жавоб тасодиф эмас, чунки кишилар онгидаги жойлашиб олган эркак-ҳоким стереотипи аёл-ҳоким образини тасаввур қилолмасди.

Эксперт-レスпондентларнинг 28 фоизи “Аёллар яқин кунларда ҳокимлик лавозимида бўладилар, мен бунга ишонаман”, деб жавоб берган. Улар ўз тажрибасидан келиб чиқиб, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўзгаришлар жараёнидан яхши хабардор эканини кўрсатадилар. Чунки мамлакатимизда кечачётган ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар, хотин-қизларнинг жамият ва давлат бошқарувида фаоллашиб бораётганини улар ҳар куни амалий ҳаётида кузатадилар, кўрадилар. Рационал-оптимистик хусусиятта эга ушбу қараш эксперт-レスпондентлар ижтимоий-сиёсий институтлар фаолиятига, умуман, жамият ва давлат бошқаруви ишларига позитив муносабатни уйғотади, улар бир куни келиб туман, шаҳар ёки вилоят ҳокими бўлишига ишонадилар. Минг афсуски,

оддий респондентларнинг 74 фоизи “Яқин кунларда аёллар ҳокимлик лавозимини эгаллайдилар, деган фикрга мен ишонмайман”, деб жавоб беради. Улар аёллардаги ташкилотчиликка, ижтимоий-сиёсий фаолликка ишончсизлик билан қарайдилар. Шу билан бирга уларнинг 12 фоизи “Аёллар ҳоким лавозимини эгальлаши мумкин, мен бунга ишонаман”, деб кўрсатади, лекин уларнинг 16 фоизи “Аниқ жавоб айтотмайман”, деб кўрсатади. Чамаси ушбу респондентлар давлат ҳокимияти ишларини бошқаришда алоҳида ташкилотчилик, лидерлик, кишилар билан ишлаш маҳорати зарурлигини тўла англаб етмаганлар. Ижобий ва салбий жавоблар билдириган респондентларнинг иккала гуруҳи ҳам бошқарув фаолиятининг хусусиятларидан, машаққатларидан яхши хабардор эканини кўрсатадилар, аммо уларнинг бирида (эксперт-респондентларда) ижобий, иккинчисида (оддий респондентларда) салбий фикр, ёндашиш шаклланган.

Хотин-қизларнинг маҳаллий давлат бошқаруви тизимидағи ўрни уларнинг ҳалқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайланиши, улар фаолиятида иштирок этиши билан ҳам боғлиқдир. Ҳалқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари билан ҳоким ўртасида давлат ҳокимияти тақсимланиши тамойили ётса-да, улар ижтимоий, сиёсий, маданий муаммоларни ҳал этишда уйғундирлар. Шунинг учун ҳам илмий адабиётларда ҳалқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари “давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари” деб ҳам аталади. Шунинг учун ҳам юридик фанлари доктори, профессор А.Тўлаганов ёзди: “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг давлат ҳокимияти органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи уларга фақат сайловларда иштирок этиш имконини бериб қолмасдан, депутатликка сайлангандан сўнг давлат ҳокимиятини бевосита амалга ошириш имконини ҳам беради”¹. Яъни, ҳалқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ҳоким билан бирга ҳудудни бошқариш вазифаларини бажарадилар, Агар Асосий Қонунимиздаги “Ҳалқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир”², деган принципдан келиб чиқсан, ҳалқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари билан ҳоким ўртасида уйғунлик бўлиши шартлигини англаймиз.

¹ Тўлаганов А. Давлат ҳокимиятининг вакиллик ва ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ташкил этиш. Тошкент: ТДЮИ, 2002. 39-бет.

² Ўзбекистон Республикасининг Конститутцияси. Тошкент: Ўзбекистон, 2008, 4-бет.

Аҳолининг, шу жумладан, хотин-қизларнинг маҳаллий Кенгашлар фаолиятида иштирок этиши, энг аввало, уларнинг халқ депутатлигига сайланишида акс этади. Ўзбекистон Республикасининг “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида” (1934 йил 5 май) ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Концепция” (2009 йил 12 май)га мувофиқ, ҳокимият вакилларига сайловларда 18 ёшга тўлган, миллати, жинси ва келиб чиқиши, эътиқодидан қатъи назар, ҳар бир ақли расо фуқаро қатнашиш хукуқига эга. Депутатликка номзоднинг ёши 25 дан кам бўлмаслиги таъкидланади.

2004 йилги сайловларда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига хотин-қизлардан 1400, 2009 йилги сайловларда эса 1447 нафар номзодлар кўрсатилган. Ҳозир улар умумий депутатлар сонининг деярли 27 фоизини ташкил этади.

Эксперт-респондентларнинг 32 фоизи “Депутат аёл худуд муаммоларини ечиш имконига эга”, деб жавоб берса, 31 фоизи “Депутат аёлда бундай имкон бўлавермайди, бундай имконият кўпинча эркаклар қўлида”, деб кўрсатади. Эксперт-респондентларнинг деярли 30 фоизи, “Депутат аёл ҳеч қандай имкониятга эга эмас, у бошқарув тизими фаолиятига таъсир қилолмайди”, деган фикрни билдиради. Эксперт-респондентларнинг олдинги рационал-оптимистик кайфиятдаги жавоби билан мазкур жавоблар ўртасида кескин фарқ мавжуд. Аёллардан ҳоким чиқишига ишонган эксперт-респондентлар депутат аёлларнинг худудий муаммоларни амалий ҳал этишдаги имкониятларини юқори баҳолашмайди. Чамаси реал ҳаётий муаммоларга дуч келиб, бошқарув тизимида эркаклар етакчилик қилаётганини, депутат аёлларда имкониятлар чекланганини кузатиб, эксперт-респондентларнинг 61 фоизи халқ вакилларига салбий муносабат билдирган. Лекин бу депутат аёл портрети эмас, балки унинг имкониятларини реал баҳолашдир. Тажриба кўрсатадики, ташкилотчилик фазилатлари билан шахсларидер имкониятлари айнан воқеликлар эмас. Гоҳо шахсий ташаббус зарур воситалар билан қўллаб-қувватлашга мухтоҷ бўлади, агар шундай имконият ёрдам келмаса, ташаббус сўнади.

“Имконият деганда нимани назарда тутасиз?” деган оғзаки саволимизга аксарият депутат аёллар ижтимоий-хукукий таъсир

этиш, моддий рағбатлантириш, жазо чораларини кўриш, техника воситаларидан фойдаланиш имкониятларини назарда тутишларини билдиришган. Шу билан бирга, улар кишиларда масъулият, жавобгарлик ҳисси камлигидан норози эканлигини билдирадилар. Ушбу ижтимоий-психологик ҳолат гоҳо бутун бошқарув тизими фаолиятига таъсир этади, депутат-аёлнинг лидерлик фазилатларини яққол намоён этади.

Оддий респондентларнинг 48 фоизи “Депутат аёл ҳудуд муаммоларини ечолмайди”, 29 фоизи эса “Депутат аёл ҳудуд муаммоларини ечиш имкониятларига эга эмас”, деб жавоб берган. Демак, оддий респондентларнинг 77 фоизи депутат-аёлнинг кучига ҳам, имкониятларига ҳам ишонмайди. Фақат 18 фоиз оддий-респондент депутат аёлга ишонч билдиради, унинг ижтимоий фазилатлари ҳудуд муаммоларини ечишга ёрдам беради, деб қарайди.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ҳудудий муаммоларни ҳал этишда асосий куч ҳисобланади, давлат ва ҳукумат қарорларининг ҳаётга реал тадбиқ этилиши уларнинг фаоллигига боғлиқдир. Демак, халқ депутатлари давлат бошқаруви тизмининг қуийи погонасида турган ҳокимлар билан бирга ишлайдиган Кенгашларни ташкилотчиларга, бевосита кишилар, аҳоли, меҳнат жамоалари, фуқаролик жамияти институтлари билан ишловчи кучга айлантиради. Давлат бошқаруви айрим функцияларининг жойлардаги маҳаллий давлат бошқаруви органларига ўтиказилаётгани эса давлат вакиллик институтларининг ҳам таъсирини оширади.

Маълумки, маҳаллий давлат бошқаруви тизими маҳаллалар, фуқаролар йиғини, улар қошидаги хотин-қизлар қўмиталари, но давлат ташкилотлари, ўзини ўзи бошқарувчи ихтиёрий уюшмалар, сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, турли ассоциациялар билан ҳам ҳамкорлик қиласди. Айнан шу маънода маҳаллий давлат бошқаруви ҳудуднинг ижтимоий тараққиёти учун масъулдир.

Мазкур институтларда хотин-қизлар етакчи ўринда турадилар. Масалан, барча фуқаролар йиғини қошида дин, маънавий-маърифий ишлар бўйича оқсоқол мувинлари мавжуд бўлиб, уларни асосан аёллар бошқаради. Бугун Республика бўйича уларнинг ўртача сони 9900 дан зиёддир. Маҳаллалар раислари ичida аёллар сони 742 нафар, хотин-қизларнинг 3342 нафари

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЕСИЙ ФАОЛИЯТИ

масъул котиба, 8402 нафари хотин-қизлар қўмиталарида фаолият кўрсатади. 2004 йилда маҳаллалар раисларининг сони 734 нафар, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли)нинг маслаҳатчи аёллар сони 19080 нафар, масъул котиблар сони ўттиз фоизга 3323 нафар, хотин-қизлар қўмиталарини бошқараётган аёллар сони эса 8360 нафар эди¹. 2012 йилга келиб ушбу институтлар фаолиятида хотин-қизлар сони кўпайган. Бундан ташқари, ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида олий маълумотли аёллар сони кўпайгани кузатилади.

Маълумки, “Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари” тамоилии давлат бошқаруви органларининг ваколатларини астасекинлик билан босқичма-босқич фуқаролик жамиятига ўтказишина тақозо этади. “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳукуқий хужжатларда белгиланган ижтимоий-демографик, маданий-маърифий ва маъмурий бирлик сифатидаги мақомига эришиди. Улар ўз худудидаги фуқаролар ўртасида маҳаллий урф-одатлар ва анъаналар, ҳўжалик, ҳукуқий ва инсоний хусусиятлар бирлигини ташкил этгани ҳолда фуқароларнинг ўзаро ижтимоий муносабатларини боғлаб туриш воситасига айланди”². Шунинг учун ҳам Юртбошимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, “ҳаётнинг ўзи маҳаллаларни ривожлантириш ва уларни қўллаб-қувватлашни тақозо этмоқда. Мамлакатимиизда кўп қиррали ислоҳотлар амалга ошаётган бир пайтда маҳалла жамият учун ишончли таянч ва таъсиричан куч бўлиб хизмат қилиши лозим”³.

Бугун реал ҳаёт ҳам, илмий тадқиқотлар ҳам маҳалла, ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик институтлари ижтимоий-сиесий ҳаётда, аҳолининг фаоллигини оширишда мухим роль ўйнаётганини кўрсатади. Шу билан бирга респондентлар бу соҳаларда қатор муаммолар мавжудлигини, уларни ҳал этмай, миллий демократик тараққиётни ҳал этиб бўлмаслигини қайд этадилар.

¹ Қаранг: Гадойбоев А. Халқ йўли – ҳақ йўли. Тошкент: Янги аср авлоди, 2004. 106-бет.

² Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти. Тошкент: ИИИ Академияси, 2011. 81-бет.

³ Ислом Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. З-том. Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 10-бет.

Эксперт-респондентларнинг (51 фоиз) жавобларига кўра, “Кейинги йилларда хотин-қизларнинг маҳалла, фуқаролар йигинлари, ўзини ўзи бошқариш органларидағи фаоллиги кескин ошиди. Ҳақиқатан ҳам, Тошкент шаҳрида уй юритувчи (домком) ларнинг 82 фоизи, Самарқанд шаҳрида 76 фоизи, Фарғонада 71 фоизи, Чирчиқ шаҳрида 70 фоизи, Олмалиқ ва Ангренда 62 фоизи, Навоий шаҳрида 60 фоизи, Нукус шаҳрида эса 52 фоизи аёллардан иборат. Ушбу шаҳарлардаги фуқаролар йигини ва коммунал хизмат муассасаларидан олган, йиққан маълумотларимиз кўрсатадики, мазкур аёллар ичida олий маълумотлилар 28 фоизни, маҳсус ўрта маълумотлилар 54 фоизни, ўрта маълумотлилар 18 фоизни ташкил қиласди. Эксперт-респондентлар фаол хотин-қизлар маъмурий-расмиятчиликка (21%), қофозбозликка (20%), сансалорлик ва эътиборсизликка (6%) дуч келаётганликларини кўрсатадилар. Уларнинг 2 фоизи эса “Менинг фаоллигим ҳеч кимга керак эмас”, “Ҳокимият, фуқаролар йигини раислари, мастьул ходимлар ўз манфаатлари билан банд”, деб жавоб беради. Ушбу жавоблар маълум бир фикрларга ундейди.

Биринчидан, маҳалла қўмиталари ва фуқаролар йигинларини баъзан маъмурий-бошқариш органларига айлантиришга интилиш ҳоллари учрайди. Маҳалла ва фуқаролар йигини раис-оқсоқоллари ва фаоллари аҳоли, оиласлар, меҳнат жамоалари ичida бўлиш, улар ҳаётини ўрганиш, зарур пайтларда уларга амалий ёрдам бериш ўрнига ўз хоналарида вақт ўтказишни маъқул кўрадилар. Баъзан фуқаролар йигинларининг раис-оқсоқоллари, маҳалла қўмиталарининг котиблари 65-70 ёшдаги нафақаҳўрлардир. Уларнинг кекса ёшда экани, уларга ижтимоий фаол ҳаракат қилишга имкон бермайди. Шунинг учун улар ичida фидойилик билан вақти, кучи ва ҳаётий тажрибаларини маҳаллага бағишиштаган кишилар камдан-кам топилади. Кишининг психофизиологик ҳолати унинг фаолиятига таъсир этмай қолмайди.

Иккинчидан, маҳалла фаолларини моддий рағбатлантириш механизmlарини яратиш даркор. Бозор иқтисодиёти ҳар кимнинг меҳнатини муносиб тақдирлашни тақозо этади, ана шундагина киши жон куйдириб ишлади.

Учинчидан, маҳалла қўмиталари ва фуқаролар йигинларини кишилар назари тушадиган биноларга жойлаштириш, уларга за-

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ

монавий алоқа ва техника воситалари ажратиш лозим. Аксарият маҳалла қўмиталари ва фуқаролар йиғинлари кўримсиз, қишида иситилмайдиган, зах биноларга жойлашган. Улар учун алоҳида, миллий анъаналаримизга мувофиқ келадиган бинолар куриб бериш ҳақида ўйлаб кўриш зарур.

Туртнинчидан, фаол хотин-қизларни маънавий ва моддий кўллаб-кувватлаш учун уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини нафақага чиқаётганида ҳисобга олиш тартибини ўрнатиш керак.

Бешинчидан, маҳаллалар ва туарар жойларда хотин-қизларнинг тадбиркорлик, ишбилармонлик хатти-ҳаракатларини, оиласий бизнесини ривожлантиришга, шунингдек, ҳудудларни қайта қуриш, уларнинг архитектураси ва инфратузилмасини замонавийлаштиришга қаратилган лойиҳаларни яратиш мақсадга мувофиқидир.

Олтнинчидан, хотин-қизларнинг нодавлат ташкилотларини кўллаб-кувватлаш мақсадида фуқаролар йиғини қошида маҳсус жамоатчилик бўлими очиш даркор.

3.4. Суд ҳокимияти (бошқаруви) тизими фаолиятида хотин-қизларнинг иштироки

Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар давлат ҳокимиятини қонунчилик ҳокимияти, ижро ҳокимияти ва суд ҳокимиятига ажратилиши билан боғлиқdir. Қонунчилик ҳокимиятини Олий Мажлис амалга оширса, ижро ҳокимиятини Президент ва Вазирлар Маҳкамаси, унинг жойлардаги ижро ҳокимият тизимлари олиб боради. Суд ҳокимияти Ўзбекистонда мустақил давлат ҳокимияти тармоғи сифатида шаклланмоқда. Натижада бир-бирига ғов бўлмайдиган, тазийқ ўтказмайдиган уч давлат ҳокимият тармоғи мавжуддир.

Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари ўз устларига юклатилган вазифаларини бажаришда функционал мустақиллар. Аммо давлатчилик қайта тикланаётганда, жамият бир тарихий-маданий тараққиёт моделидан унга зид бўлган бошқа бир тарихий-маданий тараққиёт моделига ўтаётганида, айниқса сиёсий мустақилликка ички ва ташки таҳдидлар юзага келаётганида уч давлат ҳокимияти бир-биридан мутлақ

мустақил фаолият юритолмайди. Уларни бирлаштирадиган куч, манба зарур. Учта ҳокимият тармоғини бирлаштирадиган нарса – бу миллий ғоя. Бизнинг миллий ғоямиз эса юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги каби юксак тушунчаларни ўз ичига олади.

Юрт тинчлигини, Ватан равнақи ва халқ фаровонлигини таъминлаш фақат давлат бошқаруви тизимлари, тармоқларининг вазифаси эмас, уларга эришиш кафолати эса халқнинг аҳолининг ижтимоий фаоллиги, давлат ва жамият ҳаётини такомиллаштиришдаги иштирокидадир.

Хотин-қизларнинг юридик соҳадаги иштироки 75-80 фойизни ташкил этади. Тўғри, уларнинг аксарияти котиба, иш юритувчи, хужжатлар тайёрловчи, нотариус, гоҳо ҳукуқ маслаҳатчилари лавозимларида хизмат қиласди. Шундай бўлса-да, хотин-қизларнинг юридик соҳага интилиши ҳукуқ ва суд тизими фаолиятига таъсир этмай қолмайди. Бугун суд органларида хизмат килаётгандарнинг 22,7 фойзи хотин-қизлардир¹.

Хотин-қизларнинг юридик соҳага таъсири факат уларнинг биологик, психофизиологик, ҳатто ижтимоий мавқеи билан белгиланмайди, у энг аввало, давлат ўтказаётган ислоҳотлар, Олий Мажлис қабул қилган қонунлар, охир натижада эса ижтимоий фикр (ОАВ) билан боғлиқдир. Демак, хотин-қизларнинг учинчи ҳокимият тармоғидаги иштироки шахсий қизиқиш ва интилишлар билангина эмас, балки давлат, жамият ва тараққиёт талаблари маҳсулидир.

Хотин-қизларнинг олий вакиллик органи – Олий мажлис фаолиятидаги иштирокини, юридик соҳа, суд ҳокимияти учун зарур қонунлар қабул қилишда қатнашишини юридик соҳага, судлар фаолиятига ҳам таъсири сифатида қараш мумкин. Аммо бу фаолият судларга бевосита эмас, балки билвосита, яъни Олий Мажлис қабул қилган қонунлар, амалга оширадиган назорат функциялари орқали таъсир этишдир. Масалан, 1993-1996 йиллар мобайнида Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунлар ("Судлар тўғрисида" – 1993 йил 2 сентябрь; "Фуқароларнинг ҳукуклари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида" – 1995 йил 30 август;

¹ Қаранг: Аёлларнинг сиёсий ҳукуклари тўғрисидаги Конвенция. (Нью-Йорк, 1952 йил 20 декабрь). Тошкент: 2008. 9-бет.

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИҢ ИЖТИМОЙ-СИЕСИЙ ФАОЛИЯТИ

Фуқаролик Кодекси –1996 йил 29 август; “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида” –1995 йил 30 август; “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси тўғрисида” – 1994 йил 22 август ва бошқалар) да суд ҳокимиятини ташкил этиш, судларнинг фуқаролар ҳукуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолияти белгилаб берилди. Мазкур ҳужжатларнинг қабул қилиниши жараёнида депутат-аёлларнинг фаол иштироқини ўша пайтдаги Олий Мажлис депутати Тоҳирахон Маризаева куйидагича эслайди:

– “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Суди ҳақида”ги Қонун лойиҳасини тарқатиши. Тўғрисини айтсам, бундай ўта муҳим ҳужжат муҳокамасига илк бор дуч келишим эди. Ўзимни ҳукуқ, суд ишларидан мутлақо бехабар эканимни сездим. Амалий фаолиятимда (Косонсој тумани ҳокими лавозимида ишлаганман) ҳукуқий муаммоларга ҳар куни рўпара келган бўлсан-да, бутун мамлакатдаги демократик ўзгаришларга тааллуқли ҳужжат лойиҳаси бўйича ўз фикр-мулоҳазаларимни билдиришим керак эди. Нимадан бошлишимни билмай, ёнимдаги депутат-аёлларга маслаҳат солдим. Улар ҳам менинг аҳволимда экан. Эркак юристларга, қонуншуносларга мурожаат этиб, ҳужжат лойиҳаси ҳақидаги принципиал фикрларни билиб олгач, жаҳон тажрибасидан хабардор бўлишга киришдик. Лойиҳани тўрт маротаба маҳсус комиссияда, икки марта Қонунчилик палатасида муҳокама қилдик. Биз – мен ва яна уч депутат аёл Конституциявий суд таркиби Франция ва Финляндиядагидек тўққиз кишидан (ҳозир у саккиз кишидан иборат) иборат бўлишини ва уларнинг учтаси аёллардан бўлишини таклиф қилдик. Котибани ҳисобга олганда, бизнинг тўққиз кишидан иборат бўлсин, деган таклифимиз қабул қилинди, аммо учта аъзоси аёл бўлсин, деган таклифимиз ўтмади. Шунингдек, биз Конституциявий суд мажлислирида Олий Мажлис депутатлари ҳам қатнашиши мумкин, деган таклифни ҳам киритгандик. Депутат аёллар қонун лойиҳасини жуда фаол муҳокама қилдилар, баъзи таклифларимиз қабул қилинган. Ушбу қонунчилик фаолиятидаги “жанг”ни ҳамон эслаб юрамиз, ҳаммаслакларим, айниқса Манзура Эгамова билан ҳар гал учрашганимизда уни ёдга оламиз. Минг афсуски, аёл депутатларимизнинг ҳар бир модда, ҳар бир ибора, сўз учун

З-БОБ. Ўзбекистон Республикаси давлат бошқаруви тизимларида хотин-қизлар курашганини ҳеч ким, айниқса телетомошибинлар билмайди, кўрмайди...¹.

Депутат аёлларнинг бундай фаоллиги охир натижада бутун юридик соҳага, судлар фаолиятига таъсир этмай қолмайди.

2004 йили Олий Мажлисга депутат қилиб сайланган Шарифа Салимова ҳикоя қилади:

- Олий Мажлис қонунлар ижроси бўйича ҳар йили турли назоратлар ўтказади. Бизнинг назорат бўлимимиизга Самарқанд шаҳридаги судьялардан шикоят хати тушган. Унда маҳаллий ҳокимиятдаги масъул шахслар суд ишларига ноқонуний аралашаётгани, ўзига яқин кишиларни қонун олдида жавоб беришдан кутқариш учун судьяларга турли тазииклар ўтказиб келаётгани, ҳатто бир судьяга қарши фитна уюштиришганини хабар қилишган ва аниқ мисоллар келтиришган. Мен ва яна бир депутат хатдаги мисолларни ўрганиш ва агар вазият ҳақиқатан ҳам шундай бўлса, Республика прокуратурасига етказиш учун юборилдик. Хатдаги мисоллар тасдиқланди, Республика прокуратураси ходимлари ёрдамида вилоят масъул ходимларининг судларга тазиики бартараф этилди, уларнинг шаъни ҳимоя қилинди. Гоҳо маъмурий бошқариш олдида судлар ҳам ожия қолишини, улар мудом тазиик, ҳатто хавф остида яашларини кузатганман, жиноятчилар, айниқса, уларнинг яқинлари судларни ўзига душман деб билади... Хуллас, судьялар алоҳида ҳимояга муҳтоҷ, уларни ҳимоя қилиш борасида янги қонунлар қабул қилиш лозим².

Ўзбекистонда суд-хукуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлардан бири "ярашув" институтининг жорий этилганидир. Мазкур институт Олий Мажлиснинг Иккинчи чақириқ олтинчи сессиясида қабул қилинган "Жиноий жазоларнинг либераллаштируви муносабати билан Жиноят, Жиноят-процессуал ҳамда Маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги Кодексларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ти Қонунга мувофиқ суд амалиётига жорий этилди. Илмий кузатишларда қайд этилишича, "ярашув" институти демократик бошқарувнинг бир тури сифатида фуқароларнинг, суд фаолиятини назорат қилиш, қонунларга тўла итоат этишини, жиноят жараёнларини инсонийлаштиришни амалга оширади. Тўғри, бу фуқароларнинг судлар

¹ 2011 йил 29 февралда ўтказилган экспресс савол-жавоб.

² 2011 йил 8 июнда ўтказилган экспресс савол-жавоб.

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ

мустақиллигига аралашуви эмас, уларга тазийқ ўтказиши ҳам эмас, "ярашув" институти инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилишига йўл қўймасликка интилади, фуқароларнинг шаънини ҳимоя қиласди, суд ишларини адолатли олиб борилишига эришади. 2002 йилда, "ярашув" институти жорий этилгач, судланганлар сони 15 фоизга камайган. Шу кунгача "ярашув" институтининг аралашуви, суд жараёнларининг фуқаролар томонидан назорат қилиниши натижасида 79457 та жиноят иши бўйича 86488 нафар шахсга нисбатан жиноят ишлари тугатилди¹.

Самарқанд вилоят судидан олган маълумотимизга кўра, ўн йил ичida "ярашув" институтининг хатти-ҳаракатлари туфайли 498 та иш қайта кўриб чиқилган, 236 та шахсни ноҳақ жазолашнинг олди олинган. Мазкур ташаббусларнинг ярмидан кўпини хотин-қизлар қўмиталари, фуқаролар йиғини, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи нодавлат ташкилотлари кўтариб чиқишган². Айниқса, "Аёллар ҳуқуқ ва қизиқишлигини ҳимоя қилиш" нодавлат аёллар ташкилотининг фаоллиги туфайли 86 та жиноят қайта кўриб чиқилиб, 62 киши жазодан озод қилинган, 81 кишига ноҳақ жазо тайинлашнинг олди олинган.

Нодавлат ташкилоти қошида ишонч телефони мавжуд бўлиб, ҳуқуқлари бузилган хотин-қизлар унга мурожаат этиши, суд-тергов ишларига оид маслаҳатлар олиши, зарур бўлса, адвокатлар ёллаши мумкин. Ташкилот раисаси Г.Р.Раджабованинг берган маълумотларига кўра, судларда аёллар жинояти кўрилаётганда ташкилот аъзолари суд мажлисларида қатнашар, берилаётган жазонинг қанчалик қонуний эканини назорат қиласар эканлар. Шундай фаолиятни Ўзбекистон юрист аёллар уюшмаси (ташкилот) ҳам олиб боради. Унинг раисаси М.Х.Самарходжаеванинг маълумотларига кўра, нодавлат ташкилоти аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қиласди, уларга юридик ёрдам кўрсатади, судларда кўрилаётган ишларни ўрганиб, кўлланилаётган жазоларни назорат қиласди. Агар жазо ноқонуний ёки ноҳақ бўлса, аппеляцияга ҳужжатлар тайёрлаб, хотин-қизларга ёрдам уюштиради. 2009–2010 йиллар ичida нодавлат ташкилоти 32 нафар хотин-қизлар ишини судда

¹ Қаранг: Жамолов Б. Суд ҳокимияти (Назария ва амалиёт масалалари). Тошкент: "Yurist-media markazi", нашр, 2011. 30-бет.

² Самарқанд вилоят суди архивидан. 2002–2012 йилларда "ярашув" институти фаолияти ҳақида маълумотлар.

кўришда қатнашган, 19 нафар аёлга ноҳақ жазо қўллашнинг олдини олган. Бугун мазкур ташкилотнинг Фаргона, Нукус, Бухоро ва Жиззах шаҳарларида бўлимлари мавжуд. Улар ёрдамида "Суд-хукуқ тизимидағи ислоҳотлар: аёллар хукуқи", "Аёл ва суд ҳокимияти", "Хотин-қизлар ва хукуқий маданият" каби мавзуларда Республика илмий-амалий конференция, давра сұхбатлари ўтказиб келинади.

Фуқароларнинг суд-хукуқ тизимидағи фаоллиги маҳсус қонун билан қўллаб-кувватланади. Масалан, Олий Мажлиснинг "Фуқароларнинг хукуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-харакатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида"ги (1995 йил 30 август) Қонун фуқароларга шундай имкон беради. Мазкур қонун ижросини йўлга кўйиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми "Фуқароларнинг хукуқ ва эркинликларини бузадиган хатти-харакатлар ва қарорлар устидан келтирилган шикоятларни судларда кўриш амалиёти тўғрисида" Қарор қабул қиласган. Унинг бажарилишини ўрганганд мутахассислар қайд этишадики, "фуқароларнинг давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек, мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари (қарорлари) устидан судга (ижро ҳокимиятини тийиб турувчи механизм сифатида) шикоят қилиш ҳоллари фаоллашиб бораётганидан далолат беради. Агарда 2001 йилда умумий юрисдикция судлари томонидан шу тоифадаги 141 та фуқаролик иши кўрилган бўлса, 2009 йилда бундай ишлар 907 тани ташкил этади"¹. Тўғри, ушбу кўрсаткичлар ичидан хотин-қизлар фаоллигини, яъни уларнинг суд-хукуқ тизимига мурожаатларини ажратиб олиш қийин, бироқ юрист аёллар ва хотин-қизлар хукуқларини ҳимоя қилувчи номдавлат ташкилотлари маълумотларига қараганда, давлат органлари, ташкилот раҳбарлари устидан судларга мурожаат этаётганинг 70-80 фойизини аёллар ташкил этади. Айнан аёллар иш жойида хукуқ ва эркинликлари бузилаётганидан норози бўлиб, судларга шикоят қиласидилар. Бу, аслида хотин-қизлар ижтимоий-хукуқий онгига ўз хукуқ ва эркинликларини судлар орқали ҳимоя қилиш шаклланиб, уларнинг ҳаёт тарзига, хукуқий маданиятига айланиб бораётганини кўрсатади.

Хотин-қизларнинг суд ҳокимияти фаолиятидаги иштироки уларнинг оммавий ахборот воситаларида чиқишларида ёрқин

¹ Жамолов Б. Суд ҳокимияти (Назария ва амалиёт масалалари). Тошкент, 2011. 33-бет.

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИДА ХОТИН-ҚИЗЛарНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЕСИЙ ФАОЛИЯТИ

акс этади. Бугун Республикаизда 1200 дан зиёд оммавий ахборот воситалари фаолият кўрсатади. Улар ичидаги ижтимоий-хукуқий муаммоларни ёритмайдиган, мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-хукуқ тизимидағи ислоҳотларни тилга олмайдиган нашр йўқ. Ижтимоий-хукуқий мавзулар миллий демократик тараққиётнинг долзарб масалаларига, кишиларнинг хукуқ ва эркинликларига, манфаатларига бевосита таалукли бўлгани учун ҳам жамоатчиликда қизиқиш уйғотади.

ОАВ, матбуот – ижтимоий фикр ифодаси ҳисобланади, уларнинг давлат ҳокимиятига, судлар фаолиятига таъсири ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди. Журналистларнинг ҳозиржавоблиги, плюрализм ахборотларни қизиқарли килади, кишиларда ижобий ёки салбий муносабат уйғотади, уларни ҳисобга олмай бошқарув тизимлари бирор қарор қабул қилолмайди. Лекин журналистлар қанчалик ҳозиржавоб, жонкуяр бўймасин, ахборотлар олиш ва тарқатиш уларнинг якка ўзига боғлиқ эмас. Журналистларни қайта тайёрлаш Халқаро Марказининг директори Гулнора Бобожонова ёзади: “Журналистик фаолиятда ахборот олиш, шу жумладан, юридик ахборот олиш муаммо. Маълумотга эга бўлган шахслар уни беришдан бош тортиб, буни хизмат ёки бошқа сир эканлиги билан асослайдилар. Аксарият ҳолларда баъзи маълумотлар сунъий равишда сир сақланиб, журналистлар ҳам, бунинг натижасида жамият ҳам зарур маълумотга эга бўлолмайди, ёки уни кечикиб олади. Бу жамиятда ноўрин миш-мишлар ва норозиликни келтириб чиқаради”¹. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин, уларни “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида (янги таҳрир)” (2007 йил 15 январь)ги Конунга мувофиқ ҳал этиш зарур. Лекин бу ОАВнинг суд ҳокимияти фаолиятига ўтказаётган таъсирини инкор қилмайди.

2010–2012 йилларда “Инсон ва қонун”, “Хукуқ”, “Хуррият” газеталари ҳамда “Фалсафа ва ҳукуқ”, “Қонун ҳимоясида”, “Қалқон”, “Ўзбекистон Олий судининг Ахборотномаси” журналларида журналистлар томонидан чоп этилган мақолалар мавзуларини, уларнинг муаллифларини кузатиб, ўрганиб чиқдик. Мавзуларнинг 30 фойизидан зиёди инсон ҳукуқлари, ҳукуқий маданият, оила ҳукуқи,

¹ Бобоғонов Г. Журналистлар ва ҳукуқшунослар ҳамкорлиги. Ахборот олиш муаммолари // Суд ҳокимияти ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ўзаро муносабат. Тошкент: Agro-print, 2004. 41-бет.

демократик ҳуқуқий ислоҳотларнинг умумий-назарий масалаларига, 25 фоизи конституциявий ҳуқуқ, конституция ва миллий парламент фаолиятига, 15 фоизи тадбиркорлар ҳуқуқлари ва бозор муносабатларига, 14 фоизи суд-хуқуқ мавзуларига, 2 фоизи ҳалқаро ҳуқуққа бағишиланган. Юридик мавзулардаги мақолалар ичидаги суд-хуқуқ масалалари етарли ёритилмаган бўлса-да, жамоатчилик судлар фаолиятига бефарқ эмас. Лекин мазкур муаммони яхши тушунадиган, соҳадаги ҳал этилиши зарур масалаларга мутахассис сифатида баҳо берадиган журналистлар, айниқса, аёллар ичидаги ниҳоятда кам. Шунинг учун ОАВ ушбу танқисликни юрист-аёлларнинг, ҳуқуқшуносларнинг чиқишлигини уюштириш билан тўлдиришга интиладилар.

Эксперт-респондентларнинг 61 фоизи “Журналист аёллар ҳуқуқий муаммоларни ёритишда сусткашлик қиласидилар”, “Журналист аёллар кўпроқ оиласидар, майший, гендер муносабатларни, бола тарбияси, маънавият масалаларини ёритишга мойилдирлар,” “Урф-одатларни, тўй-маъракаларни, маҳалла ҳаётини ёритиш журналист аёлларнинг асосий касби бўлиб қолмоқда”, деб жавоб берадилар. Ҳақиқатан ҳам, юқоридаги нашрларда тўртбеш журналист аёл юридик мавзуларда мақолалар чоп эттирганлар, улардан иккитаси оила ҳуқуқи ва судда ажрим масалаларнинг ҳал этилишига тааллуқлидир.

Оддий эксперталарнинг “Журналист аёлларнинг қайси мавзуларда мақолалар ёзишини истар эдингиз?” деган саволга берган жавоблари қуйидагича тақсимланди:

- оила муносабатларига (62 %);
- урф-одатларимиз, анъаналаримиз ва диний қадриятларимизнинг аҳамиятига (60 %);
- ишқ-муҳаббат мавзуларига (54 %);
- касб-кор эгаллаш муаммоларига (42 %);
- маънавият, ахлоқ-одоб масалаларига (41 %);
- ёшлар тарбиясига (37 %);
- уй-рўзғор юритишга (23 %);
- жамият ва давлат ҳаётига оид мавзуларга (17 %);
- ҳалқаро ҳаётга (11 %);
- ҳуқуқ масалаларига (7 %);
- дам олиш ва хордиқ чиқаришшага (4 %);
- тадбиркорлик фаолиятига (3 %);

- физкультура ва спорт, соғломлаштириш мавзуларига (2 %);
- шахсий гигиена ва медицина муаммоларига (1 %).

Кўриниб турибиди, оддий респондентларнинг кўпчилиги оила, урф-одатлар ва қадриятлар, ишқ-муҳаббат масалалари журналист аёлларнинг асосий мавзулари бўлиши лозим, деб биладилар. Ижтимоий-сиёсий ҳаётга ва ҳуқуққа улар “иккинчи даражада”ги мавзулар сифатида қарайдилар. Демак, журналист аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуққа оид мавзуларда ниҳоятда кам қалам тебратадиган беҳуда эмас.

Кейинги йилларда илмий адабиётлар ва изланишларда шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашуви муаммоси тадқиқ этила бошлади. Уларда хотин-қизларнинг ҳуқуқий ижтимоийлашуви масалалари кўтарилилмаса-да, умумий-назарий нуқтаи назардан ҳуқуқий ижтимоийлашув бизнинг мавзуга ҳам тааллуқлидир. Хотин-қизларнинг суд ҳокимияти фаолиятидаги иштироки ҳуқуқий ижтимоийлашув билан бевосита боғлиқдир. Ижтимоий-ҳуқуқий муаммоларни ўзига тааллуқли эканини сезган кишилар ҳуқуқий ижтимоийлашув субъектларига айланадилар. Педагогика фанлари доктори Р.Махмудовнинг ёзишича, “шахснинг ҳуқуқий жиҳатдан ижтимоийлашуви, биринчидан, унинг озод, эркин, ўзининг ижтимоийлашганини англаш ва ўзида унга амал қилиш сифатларини шакллантириб бориш бўлса, иккинчидан, унинг ўзига хос миллий-инсоний сифатларини очиб берувчи этник, маънавий-инсоний асосларини англаш ва уларга амал қилишдир. Бу иккни сифат шахс ҳуқуқий-ижтимоий сифатларининг асосини ташкил этади”¹.

Хуллас, шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашуви ўзини ижтимоий-ҳуқуқий борлиқ субъекти эканини, бу борада ҳуқуққа оид сифатлари борлигини англаши ҳамда маълум бир маънавий хислатларини улар билан уйғунлаштириши натижасидир. Ижтимоий-ҳуқуқий борлиқ учун зарур сифатлар – билим, кўнкіма, қараш, маданият бўлиши зарур, уларсиз шахс ҳуқуқий фаоллик кўрсатмайди, ижтимоий-ҳуқуқий борлиқ муаммоларига бефарқ бўлиб қолаверади.

Хотин-қизлар ҳуқуқий ижтимоийлашувни кенг, ранг-баранг фаолият турлари орқали амалга оширадилар. Улар қаторига ои-

¹ М аҳмудов Р. Шахс ҳуқуқий ижтимоийлашувининг назарияси ва амалиёти. Тошкент: Фан, 2010. 6-бет.

ладаги гендер тенгликни таъминлаш, билим олишда ва ижод қилишда ўзининг конституцион ҳуқуқларидан фойдаланиш, давлат ва жамият ишларини бошқаришда қатнашиш кабилар киради. Суд ҳокимияти фаолиятида қатнашиш ҳам улар ҳуқуқий ижтимоийлашувининг кўринишидир. Аммо бу ўринда ижтимоийлашув ўзининг имманент хусусиятларига эгадир. Улар қўйидагиларда кўзга ташланади:

Биринчидан, суд ҳокимияти тизимиға маълум маънода ёпиқ бўлиш хос. Яъни ушбу тизим фаолиятига таъсир этувчи шахс, хотин-қиз суд ишларидан хабардор бўлиши, ҳуқуқий онги шаклланган, ижтимоий-ҳуқуқий борлиқни тўғри англайдиган бўлиши лозим. Шунинг учун ҳуқуқий ижтимоийлашув маълум маънода ҳуқуқий билим ва қарашларга эга бўлишни шарт қилиб қўяди. Акс ҳолда, унинг барча фаоллиги, саъй-ҳаракатлари натижа бермайди, безиз кетади.

Иккинчидан, суд-ҳуқук тизимида зиддиятларни, гоҳо кескин низоларни, кишининг ҳаёти, тақдири билан боғлиқ масалани ҳал этишга тўғри келади. Ижтимоий-ҳуқуқий фаол бўлса-да, профессионал билим ва тажрибага эга бўлмаган аёл ушбу масалаларни тўғри, қонуний тарзда ҳал этолмайди. Бу ўринда у профессионал билим ва тажрибага эга суд кетидан эргашишга, унинг қарорларини (гоҳо нотўғри) эътироф этишга мажбур бўлади.

Учинчидан, ижтимоий-ҳуқуқий фаоллик шахсга, хотин-қизларга профессионал кадрлар ўрнини эгаллашга, улар номидан қарорлар қабул қилишга, ҳукм чиқаришга ҳуқуқ бермайди. Шунинг учун хотин-қизлар ё профессионал билим, кўнукмага эга бўлиши ёки профессионал кадрларга ёрдамчи бўлиши, жуда нари борса, улар фаолиятини жамоатчилик номидан назорат қилиши мумкин. Ушбу ҳолат хотин-қизлар ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигини мутлақлаштирмасликни, шу билан бирга уларнинг беғараз саъй-ҳаракатларини камситмасликни тақозо этади.

Туртинчидан, суд ҳокимияти фаолиятида иштирок этиш, унинг профессионал иш юритишига халақит бермаслиги, ташқаридан тазиик ўтказиш орқали суд қарорини ўзгартиришга интилмаслиги шарт. Ҳар қандай вазиятда ҳам суднинг давлат идорасини, ҳокимиятини амалга оширувчи институт экани тан олиниши ва хурмат қилиниши керак.

Бешинчидан, хотин-қизлар суд ҳокимияти фаолиятига нодавлат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органла-

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИҢ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ

ри орқали самарали таъсир ўтказиши мумкин. Адвокатлар, аёллар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи уюшмалар шулар жумласидандир.

Хуллас, Ўзбекистонда амалга оширилаётган суд-хукуқ тизимидағи ислоҳотлар барча фуқароларга, шу жумладан, хотин-қизларга ҳам "учинчи ҳокимият" фаолиятига кенг таъсир этиш, уларнинг қарорларини назорат этиш орқали жамиятда адолат, тенглик қонун устуворлигини ўрнатишга имкон беради. Энди гап хотин-қизларнинг ўзида, уларнинг ижтимоий-хукуқий, сиёсий борлиқни такомиллаштиришга ўз ҳиссаларини кўшишга интилишлари дадир.

4-БОБ

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ- СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

- 4.1. Ўзбекистонда давлат бошқаруви тизимини модернизациялаш ва унинг хотин-қизлар фаоллигига таъсири**

- 4.2. Бозор муносабатларига ўтиш: давлат бошқарув тизими ва хотин-қизларниң ижтимоий-иктисодий фаоллиги**

- 4.3. Фуқаролик жамияти ва хотин-қизларниң ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалалари**

- 4.4. Ижтимоий-сиёсий фаол аёлнинг портрети: маънавий-ахлоқий фазилатлари ва лидерлик хусусиятлари**

4.1. Ўзбекистонда давлат бошқаруви тизимини модернизациялаш ва унинг хотин-қизлар фаоллигига таъсири

Бугун инсоният мислсиз ўзгаришларга, энг аввало, Э.Тоффлер ибораси билан айтганда, кишилар ҳётининг барча соҳалари билан боғлиқ "ҳокимиятнинг трансформацияси"га ёки "ҳокимият метаморфозаси"га рўпара келмоқда¹. Ҳокимият, давлат бошқаруви тизими осонгина метаморфозага бериладиган ва осонгина бошқа демократик кўринишга ўтадиган обьектлар эмас, унда бутун тизими бир-бирига улаб турган шундай куч, механизм, "занжир" борки, улар асрлар давомида яратилган. Ушбу "занжир"ни узиш нафақат бошқарув тизимига, балки кишилар, халқлар ҳаётига ҳам салбий таъсир кўрсатади, жамиятда бошбошдоқлик, хаосни юзага келтиради². Ҳокимият, давлат бошқаруви метаморфозаси (ўзгариши, товланиши)ни Э.Тоффлер билимнинг оммалашуви, информацияларнинг глобаллашуви билан боғлайди. "Билим, – деб ёзди у, – энг юксак сифатли ҳокимият беради"³. Ҳеч бир давлат, халқ, миллат шундай ҳокимиятга эга бўлмай туриб ривожланмайди, бусиз у цивилизациядан орқада қолиб, ўзини қолоқликка, турғунликка маҳкум этади. Булар эса ижтимоий низолар манбайдир.

Собиқ ССР даврида Р.Бэконнинг "Билим кучдир", деган ибораси Лениннинг фикри сифатида келтирилар, аммо ушбу принципга, даъватга амал қилинмас эди. Билимни, илмий-техник ютуқларни оммалаштиришда маълум бир ютуқларга эришилди, меҳнаткашлар оммасининг олий маълумот олиш имкониятлари кенг эди. Аммо бу ютуқлар жаҳон тараққиётидан орқада эди. Билимни реал кучга, ижтимоий-иктисодий тараққиёт омилига, воситасига айлантиромаслик, цивилизация ютуқларидан баҳраманд

¹ Т о ф ф л е р Э. Метаморфоза власти. М.: ООО "Изд. АСТ", 2004. С.22.

² Ўша асар. 23-24-бетлар.

³ Ўша асар. 575-бет.

бўйламаслик, барча халқаро алоқаларга синфийлик нуқтаи назаридан ёндашиш охир натижада ССРДа инқирозларни, емирилишларни келтириб чиқарди. Мустақил тараққиётга қадам кўйган Ўзбекистон совет тузуми емирған ёндашишлар ва бошқарув тизимларидан воз кечиб, модернизация томон йўл тутдид.

1992 йилда ёқ Президентимиз давлат бошқаруви тизими ислоҳ қилинаётганини, яккаҳокимлик тугатилиб, демократик институтлар шакллантирилаётганини, кўппартиявийлик қарор топаётганини, давлат ҳокимиятини учта тармоққа ажратишга ўтилаётганини, мамлакатнинг модернизациялашга йўл тутаётганини эълон қилган эди¹. Шу билан бирга, у ижтимоий-сиёсий соҳадаги ислоҳотлар давом эттирилиши ва куйидаги йўналишларда олиб борилишини белгилаб берган.

Биринчидан, “халқнинг турмуш тажрибасига, республика аҳолисининг миллӣ ва маданий анъаналарига, барча ижтимоий гурӯҳлари ва қатламларининг манфаатларига мос келадиган ҳақиқий демократия принципларини қарор топтириш. Халқ ҳам бевосита, ҳам ўз вакиллари орқали давлат ҳокимиятини амалга оширишда тўлиқ имкониятга эга бўлиши лозим”². Ҳақиқатан ҳам, тез орада – 1992 йил 8 декабрда ушбу вазифани амалга оширишни кафолатладиган Ўзбекистон Республикасининг Конституцијаси қабул қилинди.

– Мазкур ҳужжат ҳақиқий демократик ўзгаришларга юз тутган суверен давлатимизнинг кўрки, ифтихори ва тараққиёт рамзига айланди. “Айни вактда умумхалқ муҳокамаси давомида лойиҳани яхшилашга доир кўплаб таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Конституция комиссиясининг ўзигина 6 мингдан ортиқ таклиф ва мулоҳаза олди... Натижада 60 дан ортиқ моддага аниқлик ва тузатишлар киритилди”³. Тушган таклифлар ва мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда, яъни Асосий Қонун муҳокамасида янада кенгроқ аҳоли қатнашишига эришиш мақсадида, Конституциямиз икки марта матбуотда эълон қилинди. Лойиҳа Олий Кенгаш сессияларида, маҳсус комиссия мажлисларида ҳам қайта-қайта муҳокама этилди. Юридик фанла-

¹ И сл о м К а р и м о в . Ўзбекистон: миллӣ истиқлол, иқтисод, сиёсат, мағкура. 1-том. Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 37-бет.

² ўша асар. 44–45-бетлар.

³ Ўзбекистон Республикаси – мустақил давлат. Тошкент: Адолат, 1995. 14-бет.

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ

ри доктори, профессор М.Ф.Файзиев, комиссия аъзоси сифатида, тушган таклиф ва мулоҳазаларни куйидагича тақсимлайди:

- 30-35 фоиз таклифлар сиёсий хуқуқларга;
- 20-22 фоизи оила, маҳалла, инсон хуқуқларига;
- 10 фоизи халқ ҳокимиятчилигига;
- 9-10 фоизи сайлов тизимиға;
- 6-7 фоизи суд-хукуқ, прокуратура фаолиятига;
- 5 фоизи иқтисодий муносабатларига;
- 3-5 фоизи оммавий аҳборот воситаларига;
- 2-3 фоизи жамоат ташкилотлари, шу жумладан диний идораларга, эътиқод масалаларига;
- 1 фоиз атрофида ташқи сиёсат, мудофаа ва хавфсизлик моддаларига қаратилган эди. Мазкур таклиф ва мулоҳазаларнинг барчасида хотин-қизлар неча фоизни ташкил қилишини айтиш, аниқлашқийин, аммо оила, маҳалла, инсон хуқуқлари ва суд-хукуқ масалаларига оид моддаларга ўзгартиш, аниқлик киритишда хотин-қизлар жуда фаоллик кўрсатишган. Умумий таклиф ва мулоҳазаларнинг, адашмасам, 60-65 фоизини хотин-қизлар киритган. Сиёсий, халқ ҳокимиятчилиги, иқтисодий, жамоат ташкилотлари фаолиятига оид таклиф ва мулоҳазаларда уларнинг иштироки кам эди. Уларда ҳам хотин-қизлар эркаклар билан тенг иштирок этган, бироқ, фоиз нуқтаи назаридан улар эркаклар сонидан кам эди¹. Демак, Республика мамида бошланган ижтимоий-сиёсий ислоҳотларга хотин-қизлар бефарқ қолмаган, жамият ва давлат ҳаётига оид, стратегик аҳамиятга эга хужжатлар қабул қилишда улар фаоллик кўрсатишган.

Иккинчидан, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларнинг навбатдаги йўналишини И.А.Каримов давлат ҳокимиятининг уч тармоққа ажратилиши билан боғлайди:

“Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти вакилларини ажратиш асосида миллий давлатчиликни барпо этиш, жамиятнинг сиёсий тизимини, давлат идораларининг тузилмасини тубдан яхшилаш, республика ҳокимияти билан маҳаллий ҳокимиятнинг ваколатлари ва вазифаларини аниқ белгилаб кўйиш, адолатли ва инсонпарвар қонунчиликни вужудга келтириш лозим бўлади”².

¹ 2011 йил 4 январда ўтказилган экспресс савол-жавоб.

² Ислом Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мағкура. 1-том. Тошкент: Ўзбекистон, 1996, 45-бет.

Яккаҳокимликка асосланган ҳокимият, давлат бошқаруви тизимиning ваколатларини ажратиш давлатчилик асосига хавф солишдек кўринади. Мустақилликнинг дастлабки йилларида айрим кишилар, айниқса ретроградлар давлат ҳокимиятини тармоқларга ажратилишини шундай тушунгандар. Бу жойлардаги раҳбарларнинг қонунларни, қабул қилинган режаларни етарли бажармаслигида, сансалорлик, маҳаллийчилик ва тўрачиликни авж олдиришда кўзга ташланади. Айнан шу йилларда хотин-қизларни ижтимоий-сиёсий ҳётдан сиқиб чиқариш, уларнинг юқори лавозимларни эгаллашига ишончсизлик билан қараш каби салбий ҳолатлар юзага келган. Масалан, мустақиллик арафасида хотин-қизлар халқ судларининг 30 фоизини, суд маслаҳатчиларининг 44 фоизини ташкил қилган¹. 1994–1995 йилларга келиб аёл судьялар салмоғи 7 фоизга тушиб қолади, суд маслаҳатчилари фаоллигидан, ёрдамидан фойдаланилмайдиган бўлади. 2002 йилга келибина халқ маслаҳатчилари ўрнига “ярашув” институти пайдо бўлади.

Ўтиш даврининг қийинчиликлари хотин-қизларнинг давлат бошқаруви тизимида иштирокига таъсир этмай қолмасди. Бу даврда ҳокимият учун, раҳбарлик лавозимлари учун курашнинг асосий субъектлари бўлиб эркаклар майдонга чиққанини, айнан эркаклар ижтимоий-сиёсий жараёнларга йўналиш, тус берганини кузатамиз. Фалсафа фанлари нозоди, Ўзбекистон хотин-қизларининг ижтимоий мавқенини махсус тадқиқ қилган Н.М.Муравьевева, хотин-қизлар давлат бошқаруви тизимиning ўрта ва қуий бўғинларида тўпланган, улар ҳокимиятнинг юқори поғоналарида кўзга ташланмайди², деб ёзади. Унинг келтиришича, ўрта ва қуий бўғиндаги раҳбар аёллар салмоғи 24,4 фоизни ташкил этади, ваҳоланки, малакали мутахассисларнинг 57,9 фоизи хотин-қизлардир³.

Учинчидан, Ислом Каримов давлат бошқаруви тизимини модернизация қилиш масаласини стратегик мақсадлардан бири сифатида қарар экан, кучли ижроия ҳокимияти бўлиши шарт, акс ҳолда демократик қарорлар бажарилмайди, деб кўрсатади.

¹ Қаранг: Женщины в СССР. 1987 г. Статистические материалы. М.: Финансы и статистика. 1987. С.6.

² Муравьевева Н. М. Социально-философские вопросы повышения социального статуса женщин Узбекистана. Ташкент: Янги аср авлоди, 2004. С.109.

³ Ўша асар. 64-бет.

Марказий Осиё республикаларида, коммунистик мафкура ва то-талитар бошқаришдан халос бўлган МДХдаги айрим ҳудудларда 90-йилларнинг бошида юзага келган фожиалар, коррупция, халқ ва давлат мулкини талаш, жиноятчилик кучли давлат зарурлиги ни исботлайди. Давлатнинг кучлилиги ички ишлар органлари ёки ҳарбий қисмлар ва қуролларнинг кўплигига эмас, балки, энг авва-ло бошқарув тизимида кадрларда, уларнинг соф, адолатли, про-фессионал фазилатлари дадир. Ўтиш даври бошқарув ходимларига алоҳида талаб кўяди, ўрни келганда улар шижаотли, мард. дадил ва бутун масъулиятни ўз бўйнига олиб, ҳатто жонидан, ҳаловатидан кечиб, бетакрор қарорлар қабул қилиши лозим. Бундай вазиятларда эркак уйда хотиним, болаларим бор, жоним оғрийди, мен билан бирор тасодиф, оғат содир бўлиши мумкин, деб ўйлаб ўтиrmайди, у "кўкрак кериб" мавжуд тўсиқларни, ғовларни бартараф этишга отилади. Аёлларда эса бундай хислатлар ҳар доим ҳам учрайвермайди. Бу ўринда В.А.Алимасов ҳақ: "Бир хил вазифани ёки ролни аёл бошқача, эркак бошқача ижро этади. Ҳатто, ушбу вазифага қўйилган талаб, норма, ҳаракат доираси уларнинг иккаласи учун ҳам айнан бўлса-да, аёлнинг ҳатти-ҳаракатлари эркакларницидан фарқ қиласди. Демак, аёл ва эркак гендер ролларини турлича қабул қиласдилар ва бажарадилар. Ушбу фарқларни гендер психологияси, аёл ва эркакдаги ҳаётий тажрибанинг (айниқса, ижтимоий-сиёсий фаолиятда, жамият ва давлат ишларини бошқаришда) ҳар хиллиги, этномаданий муҳит таъсири кабилар билан изоҳлаш мумкин. Бироқ, гендер ролларни ижро этишдаги гендер фарқлар аёл ва эркакни бир-бирига қарши қўйишга асос бўлолмайди. Майли, биз ҳар хилмиз, лекин биз бир мавжудот, яъни инсонмиз"¹.

Тўртинчидан, ижтимоий-сиёсий модернизацияни И.А.Каримов
Ўзбекистонда ҳукуқий давлат барпо этиш билан боғладиди. "Барча фуқароларнинг, – дейди Юртбошимиз, – қонун олдидаги ҳукуқий тенглигини ва қонуннинг устуворлигини, жамият манфаатлари ҳимоя қилинадиган ва аҳолининг хавфсизлигини кафолатлайдиган ҳукуқий давлатни барпо этиш"², давлат тизимини модернизациялашдаги бош мақсаддир.

¹ А л и м а с о в В. Гендер фалсафаси. Тошкент: Фалсафа ва ҳукуқ инст. напр., 2008. 63-бет.

² И с л о м К а р и м о в . Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 45-бет.

Бизда аёллар ва эркаклар тенг ҳуқуқлилиги таъминланган, ҳуқуқи камситилган ҳар бир киши, шу жумладан, хотин-қизлар ҳам, ҳуқуқ идоралари, судлар, прокуратура, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи халқаро ва нодавлат ташкилотларига мурожаат этиши, ўз ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаши мумкин. Шундай бўлса-да, ижтимоий ҳаётда ранг-баранг, мураккаб ва зиддиятли ҳолатлар юзага келадики, улар дискриминация ва сегрегацияга йўл очади. Бундай салбий ҳолатларнинг келиб чиқиши кишиларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини яхши билмаслигидадир. Махсус тадқиқотлар натижалари кўрсатадики, Хораэм (52 %), Андижон (49 %), Сирдарё (43,1 %), Бухоро (31,7 %) вилоятлари ва Қорақалпогистон Республикаси (58,3 %) респондентлари ўз ҳуқуқ ва эркинликларини яхши билишади. Қашқадарё (69,1 %), Навоий (76,2 %), Тошкент вилоятлари (65,9 %) ва Тошкент шаҳрида (63,6 %) яшайдиган сайлов иштирокчиларининг аксарияти ўз ҳуқуқлари билан шунчаки, юзаки таниш. Сурхондарёлик респондентларнинг учдан бир қисми (30,7 %) фуқаролик ҳуқуқларини умуман билмайди¹. Хотин-қизлар (респондентлар) орасида ўз ҳуқуқ ва эркинликларини билмайдиганлар сони эркакларга нисбатан 1,5 баробар кўпdir².

Тўғри, барча фуқароларни бирданига ҳуқуқий саводхон қилиш қийин, аммо Ўзбекистон барпо этаётган демократик ҳуқуқий давлат ҳар бир фуқаронинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш учун зарур юридик базани яратган ва тараққиётининг ҳар бир босқичида уни мустаҳкамлаб бормоқда. Мазкур позитив ҳолат келгусида фуқаролар ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигининг юксалишига олиб келиши муқаррардир.

Бешинчидан, Юртбошимиз давлат бошқаруви тизимини, мамлакатимизни модернизациялашни, фундаментал аҳамиятга эга миллатлараро тутувликни, юртимизда тинчликни таъминлаш билан боғлайди. Унинг фикрига кўра, янги барпо этиладиган давлатимиз инсонпарвар, халқпарвар ва миллатпарвар бўлиши лозим. Шунинг учун у дейди: “Ўзбекистонда туғилган, унинг заминида яшаётган ва меҳнат қилаётган ҳар бир киши, миллий мансублигидан ва зътиқодидан қатъи назар, Республикализнинг

¹ Қаранг: Суд ҳокимияти ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ўзаро муносабат. Тошкент: Agro-print, 2004. 46-47-бетлар.

² Ўша асар. 47-бет.

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ

тeng ҳуқуқли фуқароси бўлишга муносибдир, деган инсонпарварлик ва ватанпарварлик қоидасини рўёбга чиқариш лозим”¹.

Бу ўринда Президентимиз ва Республикамиз ҳукуматининг юртимида тинчлик, бағрикенглик борасида олиб бораётган сиёсати муҳим аҳамият касб этаётганини эслаш мумкин.

“Одамлар дунёқарашидаги тасаввурлар асосидаги толерантлик, – деб ёзади фалсафа фанлари доктори М.Ҳожиева, – ҳуқуқий, сиёсий, ахлоқий жиҳатдан яхлит бир ижобий тушунча доирасида уйғунлашиб, ҳар бир шахсда шу йўналишдаги онг тизими – толерантлик юзага келади. Бу ўринда ҳуқуқ ва масъулият, меҳнат ва роҳат, жиноят ва жазо, хизмат ва ҳурмат ўртасидаги боғланишлар ижтимоий-тоявий манбаатлар тизимини ҳосил қиласди... Миллат ва ўзликни англашнинг онгда шаклланиб бориши миллий онг, толерантлик тушунчасининг мазмунини ва моҳиятини кўрсатади”². Демак, бағрикенглик ҳам инсонпарварликнинг бир кўриниши сифатида ҳуқуқ, сиёсат ва маънавиятнинг мазмун-моҳиятини ифода этиб келади. Бағрикенгликни шакллантириш жамиятни инсонпарварлаштиришнинг, инсонпарвар муносабатлар эса жамият жипслигининг асоси, шу асосда эса давлат бошқарув тизимини модернизациялаш, барча фуқароларни демократик ислоҳотларга жалб этиш мумкин.

Ижтимоий борлиқ моҳиятини ташкил этувчи инсонпарварлик тамоилии барча ўзгаришларга, ислоҳотларга дастуруламал қилиб олингани боис Ўзбекистондаги модернизация чет эллик мутахассислар, олимлар томонидан ижобий баҳоланади.

Олтинчидан, давлат бошқарув тизимини модернизациялашнинг фундаментал ҳусусиятлари тўғрисида тўхталар экан, Юртбошимиз бутун ижтимоий-сиёсий борлиқдаги ютуқларнинг пировард натижаси ҳалқ маданияти, этномаданий ҳаётни ривожлантириш билан боғлиқлигини таъкидлайди. Давлат бошқарув тизимида институтлар ташкил этиш, вазириклар ва уларнинг бўлимларини очиш қийин эмас, бунинг учун бошқарув субъектларининг иродаси, ҳоҳиши етарлидир. Буни мустақиллик йилларида ташкил этилган бошқарув институтлари – Президентлик, Му-

¹ И с л о м Қ а р и м о в . Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мағкура. 1-том. Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 45-бет.

² Ҳ о ж и е в а М. Ўзбекистонда толерантлик жараёни. Тошкент: ABU MATBUOT-KONSALT, 2008. 102-103-бетлар.

дофаа вазирлиги, икки палатали парламент, ҳокимлик, Конституциявий Суд, Олий хўжалик суди, Божхона кўмитаси кабиларда кўриш мумкин. Аммо ушбу давлат бошқаруви институтлари халқقا, кишиларнинг моддий ва маданий ҳәётига ижобий таъсир ўтказиши даркор. Шунинг учун Юртбошимиз ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар олдидағи вазифа “оэчиликдан иборат миллатларнинг манбаатлари ва хукуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг маданияти, тили, миллий урф-одатлари ва анъаналари сақланиши ҳамда ривожланишини кафолатли таъминлаш, давлат тузилмаларининг фаолиятида ва жамоат турмушида фаол қатнашиш”¹ билан боғлиқдир, деб кўрсатади.

Еттингчидан, ўтиш даврида дуч келинаётган кескин муаммолардан бири миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлаш эди. Ўзбекистоннинг ён-атрофида юзага келаётган этник низолар миллатлар, этник бирликлар кайфиятига, онгига таъсир этмай қолмасди. Давлат ва унинг бошқарув тизимлари мазкур масала-га бефарқ қололмасди. Натижада миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлашга қаратилган давлат сиёсати, унинг устувор вазифалари, чора-тадбирлари ишлаб чиқилди².

Бугун Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган 140 миллий-маданий марказлар фаолиятида хизмат қилаётганларнинг деярли 80-85 фоизини хотин-қызлар ташкил қиласди. 42 та миллий маданий марказни аёллар бошқаради. Республика байнаминал маданият маркази ходимларининг 70 фоизи олий маълумотли бўлиб, уларнинг деярли барчаси (90 %) хотин-қызлардир.

Миллий-маданий марказлар қошида 700 дан зиёд ашула, рақс, театр, тасвирий санъат ҳаваскорлик уюшмалари фаолият кўрсатади, улардаги хотин-қызлар сони 18 мингдан ошиқ, яъни умумий иштирокчиларнинг 75 фоизига яқиндир.

Маданият, маориф, ижтимоий таъминот каби номоддий ишлаб чиқариш соҳаларида хотин-қызлар 70-75 фоизни ташкил этади.

Давлат бошқаруви тизими миллий-маданий марказлар фаолиятига бевосита аралашолмайди, аммо зарур ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий ёрдам кўрсатиши орқали улар фаолиятини йўнал-

¹ И слов Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мағкура. 1-том. Тошкенг: Ўзбекистон, 1996. 45-46-бетлар.

² Қаранг: Очилдиев А. Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар. Тошкент: Ўзбекистон, 2004. 73-76-бетлар.

тириб боради. Буни Ўзбекистон Маданият ва спорт вазирлиги, унинг жойлардаги бўлимлари орқали амалга оширади.

Маданият ва санъат соҳасининг демократик ривожланишга мойиллиги улар фаолиятига аралashiшга йўл қўймайди, аммо улар ижтимоий ҳаётдан чеккада ҳам туролмайди. Мамлакатни, ижтимоий-сиёсий бошқарув тизимини модернизациялашга улар, яъни маданият ва санъат институтлари, яъни ижодкорлар алоҳида миллий ғояга, миллий давлатчиликка ишонч кайфиятини уйғотиши орқали ёрдам беради.

Саккизинчидан, ижтимоий-сиёсий ҳаётни модернизация қилиш жамиятда плюрализмни, демократик матбуотни, ташкилотлар, фикрлар хилма-хиллигини қўллаб-қувватлаш орқали кечади. “Бир мафкуранинг, бир дунёқарашнинг якка ҳокимлигидан қатъиян воз кечиш, сиёсий ташкилотлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллигини тан олиш”¹ зарур.

Давлат бошқаруви тизимини модернизациялашда давлат стратегияси, бошқариш доктринаси муҳим аҳамиятга эга. Шундай стратегияси ёки доктринаси йўқ давлат бошқариш тизимида хаосни келтириб чиқаради. Аммо мазкур омиллар давлат стратегияси ва бошқариш доктринаси плюрализмни, ёндашишлар ранг-баранглигини инкор қиласайди. Шунинг учун ҳам давлат бошқаруви тизими жамоат ташкилотлари, нодавлат муассасалари, ўзини ўзи бошқариш институтлари, фуқароларнинг ўюшмалари, яъни ранг-баранг манфаатларга ва фикрларга эга тизимлар билан ҳамкорлик қиласади. Бу ўринда субординация эмас, балки тенг хукуқли ҳамкорлик, бир-бирини қўллаб-қувватлаш, конструктив кучларни, имкониятларни координация қилиш орқали жамият ва давлатга хизмат этиши мақсади устувор бўлиши лозим. Давлат бошқариш тизими фуқаролик жамияти институтлари билан тенг хукуқли ҳамкорликка киришиш орқалигина уларни модернизациялаш жараёнига жалб этиши мумкин. Фуқаролик жамияти институтлари бугун плюрализм, ранг-баранг ёндашувлар ва фикрлар субъектлари сифатида фаолият юритмоқда. Давлатимиз мамлакатни модернизациялаш йўлидан бораётган экан, фуқаролик жамияти институтлари билан конструктив ҳамкорлик қилиши объектив заруриятdir².

¹ Ислом Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 46-бет.

² Ҳусейнова А.А. Фуқаролик жамияти ва аёллар. Бухоро, 2009. 59–60-бетлар.

Бугун Республикаизда икки юздан зиёд аёлларнинг нодавлат ташкилотлари мавжуд. Шунингдек, ННТларнинг 18,5 фоизи аёлларни давлат дастурларини амалга оширишга, 3,7 фоизи қонунлар ишлаб чиқиш ва муҳокама қилишда иштирок этишга жалб қиласиди¹. Демак, ННТлар фаолиятидаги ранг-баранглик очиқлик, плюрализм давлат бошқаруви тизимининг ҳам демократлашувига олиб келади, уларни ошкоралик принципларига мувофиқ ишлашга ундаиди.

Тўққизинчидан, давлат бошқаруви тизимини модернизациялаш ижтимоий-сиёсий борлиққа кучли таъсир этадиган сиёсий партияларнинг, кўпартиявийликнинг шаклланишини тақозо қиласиди. “Чинакам демократиянинг, – дейди Ислом Каримов, – зарур ва қонуний таркиби сифатида кўпартиявийликни амалда шакллантириш”² даркор. Бусиз давлат бошқарувини ҳам, ижтимоий-сиёсий борлиқни ҳам ўзгартириб, жонлантириб бўлмайди.

Юқоридаги йўналишларнинг қанчалик тўғри ва миллий демократик тараққиёт учун қанчалик фундаментал аҳамиятга эга бўлганини йигирма йиллик тараққиёт, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маданий соҳаларда рўй берган ижобий ўзгаришлар кўрсатиб турибди. Тўғри, кейинги тараққиёт босқичларида улар аниқлаштирилди ва тўлдирилди, кейинги босқичлар талабларидан келиб чиқиб, концептуал ғоялар ишлаб чиқилди. Бугун Ўзбекистон Республикаси фуқаролик жамиятини ривожлантириш босқичи талабларига мувофиқ келадиган ижтимоий вазифаларни амалга оширмоқда. Ушбу вазифаларни бажаришга хотин-қизларни кенг жалб этиш давлатимиз ички сиёсатининг диққат марказидадир.

Шуни алоҳида қайд этишимиз лозимки, давлат бошқаруви тизимини модернизациялаш миллий анъаналар, тажрибалар ва умуминсоний, замонавий ёндашишларни уйғунлаштириш асосида олиб борилмоқда. Глобаллашув жараёнлари Ўзбекистон давлати ва у амалга ошираётган ислоҳотларни четлаб ўтаётгани йўқ. Аммо бир нарса давлатимизнинг бош стратегик мақсади бўлиб қолмоқда – демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти

¹ Қаранг: Ўзбекистон, аёллар, нодавлат нотижорат ташкилотлари. Маълумотнома. Тошкент, 2000. 17-бет.

² Ислом Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 46-бет.

барпо этиш орқали ҳар бир шахсга, ҳар бир аёл ва эркакка тенг ҳуқуқлилик асосида ўзидағи қобилиятни, интеллектуал кучларни, ижодий салоҳиятини тўла рӯёбга чиқаришга ёрдам бериш, айнан шу нуқтаи назардан давлатни, давлат бошқаруви тизимлари ни инсонга, унинг манфаатларига хизмат қилдиришдир.

Албатта, мамлакатни, давлат бошқаруви тизимини модернизациялаш ҳали ниҳоясига етган вазифа, мақсад эмас, ушбу жараёнга ҳар бир тараққиёт босқичи ўз талабини қўймоқда, Республикамиз Президенти ва раҳбариятини давр талабларини тез илғаб олиб, ижтимойй-сиёсий ҳаётни янгилашнинг, такомиллаштиришнинг янги-янги йўналишларини белгилаб олишга, бутун жамиятни ушбу йўналишга ўз дикқатини қаратишга даъват этмоқда. Мамлакатимизни ва давлат бошқаруви тизимини модернизациялаш аслида Ўзбекистонда Президент институтининг жорий этилиши (1990 йил 24 март) ва "Мустақиллик Демократияси" нинг эълон қилиниши (1990 йил 20 июнь) билан бошланган. Кейинчалик у Президентимизнинг барча асарлари, маърузалари ва Фармонларида аниқлаштириб, тўлдириб, янги-янги ғоялар, ёндашишлар билан бойитиб борилган. Ва ниҳоят, 2010 йил 27 январда Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир" деган маъruzасида яхлит концепция сифатида тақдим этилди. Унда Юртбошимиз томонидан Олий Мажлис депутатлари, давлат бошқаруви институтлари, бутун жамият учун муҳим бўлган йўналишлар аниқлаштирилди. Ўтган йилларда амалга оширилган янгилашилар жараёнини умумлаштириб, ислоҳотларнинг келгуси йўналишини аниқлаштириб, И.А.Каримов дейди: "Агарки, биз иқтисодий ва социал соҳани ислоҳ этиш жараёнларини ижтимойй-сиёсий ва суд-хукуқ тизимини мунтазам янгилашиб бориш жараёнлари билан ўзаро аниқ ва чуқур, узвий боғлиқ ҳолда амалга оширишни таъминламас эканмиз, мамлакатимизни модернизация қилиш борасида белгилаб олган юксак мэрраларимизга эриша олмаймиз"¹. Шунингдек,

¹ Ислом Каримов И. А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиз, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. 18-том. Тошкент: Ўзбекистон, 2010. 141–142-бетлар.

Президентимиз Олий Мажлиснинг ижтимоий назорат фаолиятини, тарғибот ишларини, фуқаролик жамияти институтларини фаоллаштириш, ОАВларнинг вазифаларини белгилаб берадики, демак, улар мустақилликнинг бошида белгилаб олинган стратегик мақсад ва вазифаларни аниқлаштиради. Юқоридаги маърузалардан бир ой ўтгач, И.А.Каримов Ўзбекистон хотин-қизларини 8-март байрами билан табриклаб, модернизациялаш ва демократлаштиришда аёлларнинг ўрни юқори эканини уқтириб дейди: “Биз ўз мустақиллигимизнинг биринчи кунларидан бошлаб юртимизда демократик давлат, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлида хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини юксалтириш, уларнинг ҳақ-хукуқлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариш, бир сўз билан айтганда, аёлларимизни жамиятимизнинг тенг ҳукуқли, фаол ва бунёдкор аъзосига айлантириш борасида қандай улкан ишларни амалга ошириб келаётганимиз ҳақида, ўйлайманки, ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ”¹.

4.2. Бозор муносабатларига ўтиш: давлат бошқарув тизими ва хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллиги

Бозор муносабатларига ўтиш тараққий этган давлатларнинг узоқ ижтимоий-сиёсий, иқтисодий изланишларининг маҳсулидир. Унда шахснинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий эркинлиги асосий кўрсаткич ҳисобланади. Академик М.Шарифхўжаевнинг ёзишига кўра, бозор иқтисодиёти фаолият хиллари ва шаклларини эркин танлаш, мулк шаклларининг тенглиги, хўжалик юритишнинг мустақиллиги, товар ишлаб чиқарувчилар билан харидорлар ўртасида рақобатнинг, товар ва хизматларга, уларнинг ўзи, ўзаро келишилган ҳолда нарх кўйишлари, эҳтиёжларга мувофиқ товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш тартиби билан изоҳланади². Хуллас, “Эркин бозор уларда иштирок

¹ Ўша асар. 201–202-бетлар.

² Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очиқ фуқаролик жамиятининг шаклланиши. Тошкент: Шарқ, 2003. 48–49-бетлар.

этувчи агентларнинг тўлиқ имкониятлари моделидир. Яъни, эркин бозор шароитида бозор тенглиги бозорда иштирок этиш, бизнес турини ўзгартириш тўлиқ бозор ахборотига эга бўлиш ва қарорлар қабул қилиш нуқтаи назаридан ҳар бир агентнинг имкониятлари тенглигини ифодалайди. Мухтасар айтиш мумкин: эркин бозор бу – имкониятлар тенглиги тизимидир¹. Айнан имкониятлар тенглиги кишиларда бозор муносабатлари шароитида яшашга қизиқишийғотади. Аммо “бозор эркинлигини амалда таъминлашга фақат бозор мувозанати шароитидагина, яъни, ушбу тенгликнинг барча имкониятларидан тўла фойдаланилганидаги на эришилади. Чунки бозор бу – бор-йўғи назарий конструкция, демак, эркин бозор шароитидаги бозор тенглиги ҳам фуқаролик жамияти интилиши лозим бўлган идеал ҳолатдир”². Демак, бозор муносабатларида бозор эркинлигига эришиш ҳам, имкониятлар тенглигини таъминлаш ҳам тасаввурдаги идеал ҳолатдир.

Инсоният ҳеч қачон ижтимоий тараққиётни маълум бир ғоя, тасаввур, идея ёки идеал ҳолат сифатида қарашдан тўхтамаган. Лекин ушбу идеалларнинг объектив шарт-шароитларини яратишни давлат ҳар доим ҳам ўз устига олавермаган. Шу боис ҳам барча идеаллар утопия бўлиб қолган.

Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишни стратегик мақсадига етиш воситаси деб билади. У учун бозор муносабатлари инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш учун зарур шароит яратиш, ҳар кимга билими, куч-куvvвати, ишбилармонлигига мувофиқ яшаш имконини бериш, хуллас, барчани ташаббус, топқирлик кўрсатиб, ижтимоий-иктисодий муносабатларда фаол иштироқини таъминлашга қаратилган механизmdir.

Бозор муносабатлари эркин ишлаш, фаровон яшаш учун зарур маблағлар топиш, бор кучини, ақслини намоён этиш имконини берса-да, кишидаги бойликка, пул топишга ўчликни ҳам авж олдириш хислатига эга. Шунинг учун ҳам илмий адабиётларда, айниқса, жаҳон тилларида чол этилаётган асарларда бозор муносабатлари талабларига мувофиқ дадиллик, шижаот, топқирлик ва қаттиқўллик кўрсатиб, кўп пул ёки обрў топган аёллар лидер сифатида улуғланади. Баъзи асарларда эса аёллардаги ожизлик

¹ Ўша асар. 67-бет.

² Ўша жойда.

қораланиб, улар маккор, боқиманда, ўз ҳуснини бозорга солиб, эркакларни шиладиган шахслар сифатида қораланади. Масалан, “Эркакка аёл ҳақида” асарининг муаллифи В.В.Юрчук ёзади: “Эсингда турсин, кўпчилик аёллар, агар сиз уларга моддий таъминлашда қулай имконият бўлмасангиз, ҳеч қачон сиз билан узок мулоқотда бўлмайди ёки яшамайди...”¹ Бу билан муаллиф аёлни эркак эмас, унинг чўнтаги қизиқтиради, деган фикрни билдиримоқда. Ҳа, бозор муносабатлари бойликка, мулкка бўлган қизиқиши ошириди, баъзи даврларда шахснинг ижтимоий борлиқдаги ўрни унинг шоҳона қасрлари, топаётган минг-миллионлаб долларлари, чет эллик оға-иниларининг ва ҳовлисидағи “Шевролет” ёки “Жип”ларнинг сони билан белгиланадиган бўлди, муносабатларни сотиб олиш одатга айланди. Хотин-қизларга ҳузур берадиган, фахш обьекти деб қараш авж олди, “аёллар савдоси” глобал ҳодисага, хотин-қизлар сотиладиган ва сотиб олинидиган товарга айланди². Бундай деструктив характерга эга мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Бозор муносабатларидағи ушбу салбий томонлар миллий тараққиётга хавф солишини, эндиғина фаолият қўрсатаётган давлатни, унинг мустақиллигини барбод этишини англаған давлатимиз раҳбари Ўзбекистонда ижтимоий бошқариладиган бозор иқтисодиётiga ўтиш, бунинг учун эса давлат бошқаруви тизими мустаҳкамлаш, кучли давлат барпо этиш йўлидан бормоқ зарур, деган фундаментал аҳамиятга молик холосага келди. Ҳозир “Ўзбек модели” деб аталаётган концепция ана шу фундаментал аҳамиятга эга холосанинг ифодасидир. “Ўзбек модели” қуйидаги тамойилларни ўз ичига олади ва уларга таянади:

- иқтисодиёт сиёсатдан устун, у ҳар қандай мафкурадан озод бўлиши лозим;
- бозор муносабатларига ўтилаётганда, давлат бош ислоҳотчи бўлиб, бошқарув тизимини қўлдан чиқармаслиги керак;
- қонун устуворлигига эришиш керак;

¹ Ю р ч у к В. В. Мужчине о женщине: жизнь, общение или искусство не оставаться в дураках. М.: ООО “Совр.слово”, 1997. С. 74.

² Қаранг: М а л е р и к В. Продаются Наташи. М.: Интер-Пресс, 2006; Ф л и т Р. Политика, секс, ложь. М.: Радуга -К, 2007; А л и м а с о в В. Аёллар савдоси // Ҳуррият. 2006 йил 12 октябрь; К а р и м о в а Н. Инсон савдосининг олдини олиш // Оила, жамият, қонун. Тошкент: O'zbekiston, 2007. 97-103-бетлар.

- кучли ижтимоий сиёсат юритиб, мамлакатимиздаги ижтимоий-демографик ҳолатни ҳисобга олиб, кам таъминланган аҳоли қатламларини асраб-авайлаш йўлидан бориш зарур;
- бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш даркор¹. Ушбу тамойиллар Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларини шакллантиришга асос қилиб олинди.

Бизнинг мавзуга тааллуқли томони бозор муносабатлари га ўтишда амалга ошириладиган ислоҳотларнинг ташаббускори, бош субъекти давлатadir, деган концепциядир. Юртбошимиз фикрига кўра, бозор муносабатларига ўтишда давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги ўрни ва функциялари ўзгаради, энди давлат бошқаруви тизими иқтисодиётга бевосита аралашиб сиёсатидан воз кечади. Давлат бозор муносабатларининг шаклланишига иқтисодий дастур ва рағбатлантириш, маҳсус қонунлар доирасидагина аралашади. “Иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни давлат йўли билан тартибга солиш ҳаммага маълум дастурлар – молия, кредит, солиқ, валюта сиёсати, нархларни назорат қилиш ҳамда билвосита таъсир кўрсатишининг бошқа чоралари ёрдамида амалга оширилади. Худди шу йўл билан ҳақиқий бозор муносабатларига ўтиш ва у учун зарур шароитлар яратиш мумкин”².

Бозор муносабатлари эски марказлашган маъмурий бошқарув тизимини рад этгани учун Республикамида янги давлат бошқаруви тизимлари юзага келди. Биринчи босқичда тоталитар тузумда амал қилган марказлаштирилган тартибда қайта тақсимлашдан, бошқаришдан бозор механизмига, иқтисодий омиллар ва рағбатлантиришга асосланган ўзини ўзи бошқаришга ўтилди³. Унда давлат пул муомаласи, конъюктура сиёсати ва рақобатчиликни қўллаб-қувватлаш йўли билан бозор муносабатларини ташкил этиш; ижтимоий тизимлар (корхона ишчилари нинг бошқарувда қатнашуви) билан бозор бошқаруви тизимини тўлдириш; аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижти-

¹ Қаранг: Ислом Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. Тошкент: Ўзбекистон, 1995.

² Ислом Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 66-бет.

³ Қаранг: Мадалиев А. Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти миллий моделини яратиш асослари. Тошкент: Фан, 2004. 19-бет.

моий ҳимоя қилиш; ташқи алоқаларда либерал сиёсат кўллаб, капитал ҳаракати, божхона чекловлари ва товар ҳаракати учун имкониятлар яратиш; монополияга йўл қўймай, кичик корхоналарнинг фаоллигини таъминлаш; ишчи кучларининг эркин ҳаракати учун имкониятлар яратиш; монополияга йўл қўймай, кичик корхоналарнинг фаоллигини таъминлаш; ишчи кучларининг эркин ҳаракат қилишига эришиш; меҳнат бозорини шакллантириш; кичик ва ўрта корхоналарга, айниқса, дастлабки даврда ёки банкротга учраганда моддий-ташкилий механизмлар билан қўллаб-кувватлаш орқали бозор иқтисодиётiga хос бўлган ўзини ўзи бошқарув тизимини яратди¹. Мазкур вазифалар давлат бошқарув тизими фаолиятининг моҳияти ва мазмуни тубдан ўзгарганини, энди давлат эркин иқтисодиёт қонунларига мувофиқ ҳаракат қилаётганини кўрсатади. Масалан, бозор муносабатбатларига ўтишга халақит бераётган Давлат план қўмитаси (Госплан), Давлат таъминоти (Госснаб), Давлат нарх қўмитаси каби маъмурий бошқарув тизимлари, “Ўзпаррандасаноат”, “Ўзозиқ-овқатсаноат”, “Ўзбалиқ”, “Ўзқишлоқкимё”, “Ўзқоғозсаноат”, “Ўзмашсаноат” идоралари тугатилди. 2003-2004 йилларда маъмурий бошқариш тизимларига курилган, янги давр талабларига мувофиқ келмайдиган 8 та маъмурий туман ҳокимлиги ва унинг тизимлари Олий Мажлис ва Республика ҳукумати қарорига кўра тугатилди, натижада бошқаришни оптималлаштириш имкони юзага келди.

Давлатимиз бозор муносабатларига ўтаётганда, кучли ижтимоий ҳимоя сиёсатини олиб борди. “Иқтисодий аҳвол мураккаб бўлишига қарамай, – деб ёзади академик С.С.Фуломов, – моддий ва молиявий имкониятлар чекланган шароитда ҳам доимо ижтимоий аҳамиятга лойиқ бўлган энг муҳим вазифаларни ҳал этиш учун зарур воситалар қидириб топилди. Ислоҳотларнинг бутун биринчи босқичи (1991-2001 йиллар) давомида ижтимоий ҳимоялаш ҳаражатлари республика бюджетининг салкам учдан бир қисмини ташкил этди”². 1997 йил 1 январидан бошлаб кўп болали оиласаларга нафақалар тўлаш ўзини ўзи бошқариш тизимига ўtkазилди. Бу давлат бошқаруви тизимида катта янгилик эди. Бир нафар болали оналарга энг оз иш ҳақининг 50 фоизи, икки

¹ Ўша асар. 13-15-бетлар.

² Фуломов С. С. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти. Тошкент: Мехнат, 1997. 153-бет.

нафар болали оиласларга 100 фоизи, уч нафар болали оиласларга 140 фоизи, тўрт нафар ва ундан кўп болали оиласларга эса 175 фоизи тўланадиган бўлди¹. Шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида моддий ёрдамга муҳтож оиласлар учун юридик шахс ҳуқуқига эта бўлган маҳсус жамғармалар очишига рухсат берилди, Халқ банкида “болалар нафақалари” маҳсус ҳисоб варақаси очилди, Молия вазирлигига уларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олиб, бюджетдан маблағлар ажратиб бориш топширилди.

Кўриниб турибдики, давлат бозор муносабатларига ўтишга ўзининг иқтисодий механизмлари билан аралашпяпти, энг муҳими аҳолининг noctor, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини, айниқса кўп болали оиласларни, аёлларни қўллаб-куватлашни ўзининг асосий вазифаси деб билади.

Бозор муносабатлари жамиятни сиёсий, иқтисодий ва маданий эркинлаштириш томон йўл очади. Шунинг учун бозор иқтисодиётининг асосий компонентларидан бири, академик М.Шарифхўжаев таъкидлаганидек, “аҳолининг сиёсий фоллигини кучайтириш, жамиятда манфаатлар ва қарама-қарши кучлар ўртасида мувознатни таъминлайдиган кучли механизмларни шакллантириш заруратига асосланган сиёсий соҳани эркинлаштиришdir². Аммо, бозор муносабатларининг жамият ҳаётини эркинлаштиришнинг иккинчи, энг муҳим компоненти ҳам мавжуддир, у хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий эркинликларини таъминлашdir³. Ушбу икки компонент бир-бирига диалектик боғлиқ, ижтимоий-сиёсий онгли, фаол шахс иқтисодий ислоҳотлар мөҳиятини тўғри англайди, бозор муносабатларини қўллаб-куватлайди. Ўз навбатида бозор иқтисодиёти қонунларидан яҳши хабардор, иқтисодий эркинлик шахстга нима беришини биладиган киши сиёсий фаолликни объектив зарурят, давр ва тараққиёт талаби сифатида қабул қиласди. Демак, хотин-қизларнинг бозор муносабатлари шароитидаги иқтисодий фаоллиги уларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятига ҳам таъсир этади, уларда жамият тараққиёти ҳақида тўғри фикрларни шакллантиради.

¹ Ўша асар. 167-бет.

² Ўзбекистонда очиқ фуқаролик жамиятининг шаклланиши. Тошкент: Шарқ, 2003. 51-52-бетлар.

³ Ўша жойда.

Бугун мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулот ва саноат маҳсулотларининг 80 фоиздан ортиғини, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва чакана савдо айланмасининг деярли юз фоизини нодавлат сектори, кичик ва ўрта бизнес субъектлари, фермерлар, тадбиркорлар етиштириб беришмоқда. Кичик ва ўрта бизнес субъектлари ичida 12,5 фоизни, фермер хўжаликлардаги ишчи-хизматчиларнинг 67-70 фоизини, тадбиркорликда эса 80 фоизни хотин-қизлар ташкил этмоқда. Бу кўрсаткичлар турли вилоятларда турличадир¹.

№	Вилоятлар номи	Кичик ва ўрта бизнес, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган аёллар сони					
		1996	1999	2006	2010	2011	Усииш 1996 йилга нисбатан
1	Қашқадарё вилояти	1804	1602	4001	4302	5930	3,4 % га баробар
2	Коракалпоғистон Республикаси	5882	7012	9008	11044	16042	3,1 % га баробар
3	Наманган вилояти	1361	1299	3012	4204	4328	4,0 % га баробар
4	Жizzах вилояти	1301	1402	1608	2001	2703	2,1 % га баробар
5	Навоий вилояти	388	301	804	1061	1148	3,2 % га баробар
6	Хоразм вилояти	1848	2077	4088	6002	6884	3,8 % га баробар
7	Бухоро вилояти	1662	2122	3604	4002	4898	3,0 % га баробар

Кўриниб турибдики, бозор муносабатларига ўтишнинг биринчи босқичида Қашқадарё, Наманган, Навоий вилоятларидағи хотин-қизлар ўртасида кичик бизнес ва тадбиркорлик билан шуғулланиш камайган. Бу мамлакатдаги ижтимоий-иктисодий соҳада хотин-қизлар иштирокининг камайганига мувофиқ келади. Масалан, “Аёлларга нисбатан дискриминациянинг барча кўринишларини тугатиш бўйича Халқаро Конвенцияга қўшилган Ўзбекистон ўз маъruzасида меҳнатга лаёқатли хотин-қизларнинг ижтимоий-иктисодий соҳадаги иштироки 1992 йили 46,5 фоизни, 1997 йили 42,2 фоизни, 1999 йили эса 42 фоизни ташкил этишини эътироф этган”². Бозор ислоҳотларига ўтилаётган дастлабки йилларда, яъни 1992-1999 йиллар ичida хотин-қизларнинг

¹ Рақамлар Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси материалларидан олинди.

² Қаранг: Национальный доклад Республики Узбекистан об исполнении положений Конвенции “О ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин”. Ташкент, 1999. С.17.

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ

ижтимоий-иктисодий ҳаётдаги иштироки деярли 4 фоизга қисқарган. Бу ҳол яна давом этиши мумкин эди, чунки маънавий, диний, оиласвий бошқа сабаблар боис хотин-қизларнинг меҳнат қилиш, ижтимоий ҳаётда қатнашиш ҳукуқини чегаралаш ҳолатлари кўпая бошлади. Буни ўз вактида илғаган, кўрган Республикамиз ҳукумати хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллиги ни ошириш чора-тадбирларини кўрди. Масалан, 1998 йил “Оила йили”, 1999 йил “Аёллар йили”, 2001 йил “Она ва бола йили” деб эълон қилинди, Олий Мажлис 1999 йили “Оила кодекси”ни қабул қилди. Президентимизнинг 1999 йилнинг 17 марта “Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, Олий Мажлиснинг эса “Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида”ги Конунини қабул қилиши мисол бўлиши мумкин. 2001 йилдан кейин хотин-қизларнинг ижтимоий-иктисодий ҳаётдаги фаоллиги деярли уч мартага ошган.

Шу билан бирга, кичик ва ўрта бизнесда раҳбарлик тизимида ишлаётган аёллар, айниқса ўзининг хусусий корхонасига эга бўлиб, уни бошқараётган хотин-қизлар сони ҳали юқори эмас. Бизнинг ҳисоб-китобларга кўра, улар хусусий мулк, корхоналар эгалари ичida 7-8 фоиздан ошмайди.

Бозор муносабатларига ўтиш хотин-қизларнинг бизнес ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишига кенг имкониятлар яратди. Ҳатто, доимий ишга эга хотин-қизлар ҳам тадбиркорлик билан шуғулланиб, ўзининг оиласвий даромадини ва фаровонлигини оширишга интиладилар. Бу аёлларимизда оиласи учун, унинг фаровонлиги учун фидойилик билан ишлашга тайёрлик иштиёқини кўрсатади. “Ижтимоий фикр” Маркази томонидан ўтказилган маҳсус социологик сўровнома натижаларидан маълумки, аёл респондентларнинг 35,2 фоизи ишдан кейин тадбиркорлик билан шуғулланишини истайдилар. Уларнинг 49,8 фоизи ўзлари яшаётган жойларда тадбиркорлик билан шуғулланишига барча имкониятлар мавжуд, деб жавоб берадилар. Айниқса Самарқанд (73,2 %) ва Хоразм (63,3 %) вилоятларида га аёл респондентлар маҳаллий ҳокимият яратиб берган шарт-шароитларни юқори баҳолайдилар¹.

¹ Қаранг: Убайдуллаева Р.А. Мустақил Ўзбекистон: аёл, оила ва жамият. Тошкент: Фан, 2006. 312-313-бетлар.

Шу билан бирга тадқиқотда хотин-қизларнинг 33,2 фоизи тадбиркорлик билан шуғулланмаганини, у билан шуғулланиш истаги ҳам йўқлигини билдирганлар. Бухоро (72,0 %) ва Қашқадарё (74,3 %) вилоятлари аёл респондентлари маҳаллий ҳокимият хотин-қизлар учун зарур шарт-шароитлар яратмаганини билдирадилар. “Сизнинг фикрингизча, шаҳрингизда, туманингизда хотин-қизларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари учун эркакларниңидай шароитлари борми ёки йўқ?” деган саволга аёл респондентларнинг 42,9 фоизи салбий, яъни “йўқ” деб жавоб қайтаришган¹.

Тадбиркорлик хотин-қизларнинг бўш вақти ва хоҳиш-истакларига мувофиқ бажариладиган меҳнат туридир. У аёлларга нафақат кўшимча даромад келтиради, худди шунингдек, уларга ижтимоий фазилатлари ва қобилиятларини рўёбга чиқариш имконини беради. Ўзимиз ўтказган савол-жавобда қатнашган эксперт-респондентларнинг 72 фоизи тадбиркорлик негизида ижтимоий-фойдали меҳнат ёттанини, айнан ушбу фаолият аёлларга жамият ва давлат ҳаётида фаол қатнашиш имконини бераётганини қайд этадилар. Оддий респондентларнинг 58 фоизи тадбиркорлик билан бажонидил шуғулланиши мумкинлигини, аммо уни қаерда, қандай бошлишини билмаслигини айтади. Эксперт-респондентлар (62 %) ҳам, оддий респондентлар ҳам (74 %) маҳаллий ҳокимият тизимлари хотин-қизларнинг бизнес ва тадбиркорлик билан шуғулланишига зарур шарт-шароитлар яратиб бермаётганини, гоҳо уларга маъмурий-расмийчilik, қоғозбоэзлик, “текшир-текширлар” ҳалақит берсаётганини айтадилар. Мазкур фикримизнинг тўғрилигини “Ижтимоий фикр” олган жавоблар натижалари ҳам тасдиқлади. Масалан, “Сизнинг фикрингизча, шаҳрингизда, туманингизда хотин-қизларни тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга жалб қилиш учун шароитлар борми?” деган саволга Бухоро вилоятида аёл респондентларнинг 72,0 фоизи, Қашқадарё вилоятида 74,0 фоизи, Фарғона вилоятида 59,5 фоизи, Тошкент шаҳрида 50,0 фоизи, Хоразм вилоятида 36,4 фоизи, Самарқанд вилоятида 26,8 фоизи “йўқ” деб жавоб қайтарган. Демак, жойлардаги давлат бошқаруви тизими, фуқароларнинг бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини

¹ Ўша асар. 313-бет.

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ

қўллаб-кувватлашга даъват этилган институтлар ҳали кўнгилда-гидай фаолият олиб бормаяптилар. Юқоридаги вилоятларда иш-сизликнинг юқори бўлиб қолаётгани, айниқса кўп болали хотин-қизларни бизнесга, тадбиркорликка кенг жалб этиш долзарб ма-сала эканини англаймиз. Давлатимиз оиласвий бизнесни, касана-чиликни қўллаб-кувватлаётган экан, маҳаллий давлат бошқаруви тизимлари хотин-қизларнинг бандлигини таъминлашга, уларда ижтимоий-иқтисодий фаолликни ривожлантиришга давлат ва бутун жамият аҳамиятидаги вазифа, деб қараши лозим. Тўғри, со-циологик сўровномалар 25,5 - 30,0 фоиз аёллар қўшимча меҳнат, тадбиркорлик билан шуғулланишини кўрсатади. Лекин бу меҳнат турлари ғайриқонуний тарзда, яъни кўчалар, муюлишлар ва бекатларда сигарета, сақич, сув ёки пишириклар сотиш билан олиб борилаётгани ҳам кузатилади. Бундай тадбиркорлик оила бюджетига маълум бир улуш кўшади, истеъмолчиларнинг манфаатла-рини қондиради, аммо уларнинг сифатига, инсон соғлигига зарар етказмаслигига ҳеч ким кафолат беролмайди. Бундан ташқари, улардан давлат солиғи олиш ҳам қийин.

Бугун мамлакатимизда иш билан банд аҳолининг 74 фоизидан ортиғи кичик ва ўрта бизнес соҳасида меҳнат қилади. Уларнинг учдан бир қисмидан ортиғи (34 %) хотин-қизлардир. Лекин бу кўр-саткич ҳали кам, чунки меҳнатга лаёқатли аҳолининг ярмини (50 %) хотин-қизлар ташкил қилади. Улар саноатда 48 фоиз, қишлоқ хўжалигига 40 фоиз, соғлиқни сақлаш ва таълим-тарбияда 70-75 фоизни ташкил этган ҳолда кичик ва ўрта бизнес соҳасидаги кўрсаткич орқада қолмоқда. Дарвоқе, Н.М.Муравьеванинг келти-ришича, 2002 йили аёлларнинг 62 фоизи ишсиз бўлган¹. Мазкур муаммони ҳал этиш учун ҳам Республикаимиз ҳукумати оиласвий бизнес ва касаначиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор бермоқда. “Сиёсий омил тадбиркорлик фаолиятига давлатнинг муносабати ва жараёнга таъсирини акс эттиради. Умуман, тадбир-корлик жараёнида давлатнинг роли рағбатлантирувчи шаклда намоён бўлади. Мамлакатда тадбиркорликнинг ривожланишида сиёсий тизим барқарорлиги катта аҳамиятга эга. У тадбиркорга ўз фаолиятини стратегик жиҳатдан ривожлантириш ва узок муд-

¹ Муравьев Н. М. Социально-философские проблемы повышения статуса женщин Узбекистана. Ташкент: Янги аср авлоди, 2004. С.65.

датга мўлжалланган истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш имконини беради"¹. Истиқболини аниқ тасавур этолмайдиган, ўз ишини, корхонасини ривожлантириш лойиҳаларини, режаларини тузмайдиган тадбиркор, мулк згаси ё ижтимоий-сиёсий муҳиттага ёки ўзининг фаолиятига, кучига ишонмайди. Шунинг учун ҳам ижтимоий-сиёсий институтларнинг давлат бошқаруви тизимларининг барқарорлиги, ўз режаларида собитқадам туриши муҳим аҳамиятга эга. Тинмай ўзгартириладиган қонун, тартиб шахсада иккиланишларни, ишончсизликни келтириб чиқаради, бундай вазиятда у шу куннинг талаби, эҳтиёжи билан яшашга, имкониятдан фойдаланиб, бойлик орттиришга мажбур бўлади. Бу ўринда эксперт-レスпондентларимизнинг жавоблари га зътибор бериш ўринлидир. "Бизнес ва тадбиркорлик билан шуғулланишга нималар халақит бермоқда?" деган саволимиизга уларнинг 80 фоизи – "Маблағ етишмайди", 72 фоизи – "Маҳаллий ҳокимиятдагилар тўсқинлик қиласи", 61 фоизи – "Муқим ишлашга имкон беришмайди", 53 фоизи – "Шуғулланаяпман, аммо қоғозбозлик, текшир-текширлар бездириган", 43 фоизи – "Вақтим йўқ", 29 фоизи – "Билимим етишмайди", 27 фоизи – "Ташкилотчилик, тадбиркорлик қобилиятим йўқ", 12 фоизи – "Оиламдагилар қўллаб-куватламайди", 4 фоизи – "Эрим, турмуш ўртоғим рухсат бермайди", деб жавоб қайтарган. Бизнес ва тадбиркорлик билан шуғулланишга ғов бўлаётган тўсиқлардан бири маблағ етишмаслигиdir. Кейинги жавоблардан маълум бўладики, хотин-қизларнинг ижтимоий-иктисодий фаоллигини маҳаллий ҳокимиятдагилар, айниқса оиласи, энг аввало турмуш ўртоғи, эри қўллаб-куватлайвермайди. Расмиятчилик, текшир-текширлар ҳам аёлларнинг ижтимоий-иктисодий фаолият олиб боришига ғов бўлмоқда. Шу билан бирга эксперт-レスпондентларнинг 72 фоизи, оддийレスпондентларнинг 47 фоизи давлатимиз аёлларнинг бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-куватлаётганини, бу борада муҳим қонулар қабул қилинаётганини, кредитлар берилиб, текширишлар камайтирилаётганини қайд этадилар. Улар яқдиллик билан хотин-қизлар ижтимоий-иктисодий фаоллигини қўллаб-куватлаётган ва кафолатлаётган Президентимиз эканини зътироф қиласидилар.

¹ Содикон З. Бозор ислоҳотлари ва иктисолиётни либераллаштириши чиқурлаштириш йўналишлари. Тошкент: O'zbekiston, 2011. 40-бет.

Республикамизда хотин-қизларни бозор муносабатларининг, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг фаол субъектларига айлантириш давлат сиёсати даражасидаги вазифадир. Буни барча зътироф этади, ушбу сиёсий вазифага ҳеч ким тўсиқ бўлолмайди. Давлат бошқаруви тизимлари устига ушбу сиёсий вазифани бажариш учун хотин-қизлар фаоллигини қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёзли кредитлар бериш, иш жойлари ташкил этиб, аёллар ташаббусидан унумли фойдаланиш юклатилган. Аммо бу борада маълум бир этномаданий ва консерватив хусусиятга эга тасаввурлар, анъаналар мавжуддир. Бундай тасаввурлар ва анъаналар оиласда, оиласий муносабатларда кўпроқ учрайди ва бугунги кунда сақланиб қолмоқда. Сегрегацияни давлат қарори ва маҳсус қонунлар, билим бартараф этиши мумкин, аммо улар билан оиласдаги гендер муносабатларни бошқариб, дискриминацияни тугатиб бўлмайди.

Тўғри, бугун бозор муносабатлари, ижтимоий-иқтисодий муаммолар оиласий ҳаётга таъсир этиб, хотин-қизларнинг ҳам ижтимоий ҳаётда тенг ҳуқуқли, фаол қатнашишига ундумоқда. Илгарида бўлганидек, бугун хотин-қизлар боқиманда қолишини, эри ихтиёрига тўла бўйсуниб, унинг сўзидан чиқмай яшашни исташмайди, улар давлат ва жамият ишларини бошқариш, ҳеч бўлмаганда маҳалласи, тумани, қишлоғи турмушида сезиларли из қолдиришга интилишмоқда. Уларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ҳам шундай баҳолаш керак.

Бозор муносабатларига ўтиш давлат бошқаруви тизими олдига турли, гоҳо мураккаб ва зиддиятли вазифаларни қўяди, уларнинг ҳаммасини ҳам кишилар манфаатлари нуқтаи назаридан ҳал этиш, ечиш қийин. Бу ўринда ижтимоий манфаатлар, давлатнинг рационал-оптимистик бошқариш талаблари ҳам борлигини унутиб бўлмайди. Давлат бошқаруви тизимида фаолият кўрсататиётган субъектлар энг аввало, ушбу умумижтимоий манфаатлардан келиб чиқади, ўзининг хатти-ҳаракатларини, муносабатларини шу нуқтаи назардан рационал-оптимистик олиб боради. Шунинг учун ҳам давлат ижтимоий-иқтисодий фаолликни фақат хотин-қизлар билан чегаралаб қўймайди, унинг учун ҳар бир фуқаронинг, жинсидан қатъи назар, фаоллиги зарурдир. Аммо ижтимоий ҳаётда хотин-қизлар фаоллигининг сустлиги давлатни

бефарқ қолдирмайди, улардаги потенциалдан унумли фойдаланмай, ижтимоий ҳётдаги бўшлиқни хотин-қизларнинг фаоллиги билан тўлдирмай, демократик жамият, ҳуқукий давлат барпо этиш мумкин эмаслигини у билади. Пировард натижада инсон ижтимоий мавжудот (Аристотель) сифатида ўзининг нима учун дунёга келганини, баҳтли яшашга интилганинг боисини англаб етади. Моддий фаровонликка техника воситаларидан фойдаланиш орқали ҳам эришиш мумкин, бироқ, бундай фаровонлик инсонни тез беҳдиради, Э.Фромм ибораси билан айтганда, уни “жамиятдан бегоналаштиради”¹. Демак, инсонга меҳнат қилиб, азият тортиб, машаққатлар чекиб, тўсиқларни бартараф этиб, ўзини баҳтиёр сезиш ҳисси хосдир. Бозор муносабатларидағи рақобат, янги-янги воситалар ва усулларни излаш, таваккалчилик ана шундай ҳис-туйғунинг шаклланиши ва намоён бўлишига имкон беради. Бундай ҳис-туйғу рақобатни, курашни, мусобақани, дадиллик ва мардликни севадиган нафақат эркакларга, шунингдек, гўзалликни, муросани, аҳилликни, оиласи фаровонлигини севадиган аёлларга ҳам хосдир.

4.3. Фуқаролик жамияти ва хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалалари

Ўзбекистон барпо этаётган фуқаролик жамияти инсондаги ижодий салоҳиятни, кучлни рўёбга чиқариш учун зарур барча шарт-шароитларни яратувчи ижтимоий макондир. Бу маконда фуқаролар фаоллигига қурилган подавлат ташкилотлари, ўзини ўзи бошқариш органлари, ОАВ, хотин-қизлар қўмиталари, касаба уюшмалари, меҳнат жамоалари ва уларнинг ўзини ўзи бошқариш бирлашмалари, маҳаллалар, жамғармалар, хуллас ижтимоий борлиқни ранг-баранг қилувчи институтлар муҳим роль ўйнайди. Мустақиллик йилларида ушбу институтлар жамият ва давлат ишларини бошқаришга сезиларли таъсир ўтказувчи кучга айланди, энг муҳим қарорлар, Конун ва дастурлар уларнинг муҳокамасидан ўтгач, фикрлари ўрганилгач, қабул қилинмоқда. Бугунги давлат бошқаруви тизимларининг фаолияти ҳам ана шу институтларни

¹ Фромм Э. Бегство от свободы. М.: Интер-Пресс, 1996. С.12.

қўллаб-кувватлаши ва ривожлантириши орқали баҳоланмоқда. “Фуқаролик институтлари, – дейди И.А.Каримов улар фаолиятини ижобий баҳолаб, – нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик қадрияtlар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рӯёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иктисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамият-да манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда”¹.

Ҳақиқатан ҳам, бугун Республикаизда фаолият кўрсатаётган 5100дан зиёд фуқаролик институтлари, оммавий уюшмалар, ҳаракатлар, партиялар кишиларнинг фаоллигини уюштириш марказларига айланган. Биргина сиёсий партиялар атрофига сак-киз юз мингга яқин киши бирлашган, уларнинг 40-43 фоизини хотин-қизлар ташкил этади.

Фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий, иктиносидий маданий фаоллигини оширишга, фуқаролик институтларини қўллаб-кувватлашга қаратилган 200дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинди. “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг ка-фолатлари тўғрисида”, “Жамият фондлари тўғрисида”, “Ҳомийлик тўғрисида”, “Ўй-жой мулқдорларининг ширкатлари тўғрисида”ги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-кувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, “Республика “Маҳалла” хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қўллаб-кувватлаш тўғрисида”ги Фармонлари мисол бўлиши мумкин.

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг генезиси, шаклла-ниши муаммоларини А.Саидов, М.Шарифхўжаев, Э.Халилов, Х.Т.Одилқориев, Б.Т.Тўйчиев, З.М.Исломов, Ш.Жалилов, А.Қодиров, Ш.Мамадалиев, К.В.Жавакова, Ф.Мусаев, Б.Талапов, А.Хусейнова каби тадқиқотчилар махсус ўргангандар. Фуқаролик жамиятига оид турли фикрлар, ёндашувлар мавжуд бўлса-да, улар бир хуло-сада яқдилдиrlар, яъни бугун Ўзбекистон фуқаролик жамиятини

¹ Ислом Каримов. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Тошкент: Ўзбекистон, 2010. 42-бет.

барпо этмоқда, унинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва иқтисадий базаси шакллантирилган. Эндиғи вазифа ушбу ютуқларни мустаҳкамлаш асосида фуқаролик жамиятини, унинг институтларини ривожлантиришдан иборатдир. Мазкур хуосса Президентимиз И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлиси (2010 йил, 12 ноябрь) даги маърузасида баён қилинган фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясидан келиб чиқади. Хотин-қизларнинг фуқаролик жамиятини ривожлантиришдаги ўрни ва аҳамияти масалалари фалсафа фанлари доктори А.А.Хусейнова томонидан маҳсус тадқиқ қилинган.

Тадқиқотчи ННТни касаба уюшмалари, ёшлар ташкилотлари, фахрийлар ташкилотлари, хотин-қизлар ташкилотлари, физкультура ва спорт уюшмалари, ижодий уюшмалар, диний ташкилотлар, туристик уюшмалар, байналминал уюшмалар, экологик харакатлар, фан ва техника бирлашмалари, Ватан ҳимоячиси ташкилотлари, маданият, маориф ва санъат уюшмаларига классификация қилиб, уларнинг хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишдаги аҳамиятини очиб беради¹. У Республикаизда фаолият кўрсатаётган ННТларнинг кўринишлари ва фаолияти хусусиятларидан келиб чиқади.

Баъзи адабиётларда фуқаролик жамияти билан давлат, унинг тизимлари бошқа-бошқа субъектлар сифатида қаралади, гоҳо эса фуқаролик жамиятини давлатдан ажратишга интилиш ҳам кўзга ташланади. Фалсафа фанлари доктори Ф.Мусаев Х.Т.Одилқориевнинг “Анъанавий жамият ўз таркибига барча усткўрма ҳодисалари билан бирга давлатни ҳам қамраб оларди. Фуқаролик жамияти таркибига, унинг институциявий элементлари қаторига давлат кирмайди. Сиёсий давлат билан фуқаролик жамияти ўзаро қарама-қарши, лекин бирга фаолият юритувчи, амал қилувчи диалектик жуфтликдир,” деган мантиқан бир-бирига зид ва бир-бирини инкор этувчи фикрларига эътироҳ билдиради. Ҳуллас, Х.Одилқориев назарида “фуқаролик жамияти – давлатдан мустақил ва ундан ҳоли муносабатлар ҳамда воситалар тизимиdir”, деб ёзади². Ф.Мусаев фикрини ойдинлаштириб, шун

¹ Ҳусейнов А. А. Фуқаролик жамияти ва аёллар. Бухоро: Agro-Print, 2009. 60-65-бетлар.

² Мусаев Ф. Демократик давлат қуришнинг фалсафий-хуқуқий асослари.

дай хулосага келади: "Х.Одилқориев ҳозирги ижтимоий-сиёсий қарашларнинг умумий йўналишини тўғри ифода этади, тасвирлайди. Лекин олимнинг фуқаролик жамияти нодавлат тузилма, "давлатдан, унинг идораларидан ҳоли бўлган хусусий шахслар, гуруҳлар ва институтлар", "давлат ва ҳокимият тузилмалари доирасига кирмайдиган ижтимоий муносабатлар, алоқалар жамуҷами" деган сўзларида фуқаролик жамиятини "давлатдан мустақил ва ундан ҳоли" қилишга интилиш мавжудлиги сезилиб туради"¹. Бу баҳсни яна давом эттириш мумкин. Бироқ, ҳозирги гап давлат, давлат бошқариш тизимлари билан фуқароларнинг шу жумладан, хотин-қизларнинг ҳам ижтимоий фаоллигига асосланган, уларнинг ижтимоий-сиёсий ташабbusларини қўллаб-кувватлайдиган ва уюштирадиган фуқаролик институтларининг ўзаро боғлиқлиги, алоқалари устида кетмоқда. Давлат, давлат бошқаруви тизими ушбу институтлардан ташқарида турадими? Бизнинг фикримизча, йўқ. Ўтиш даврида давлат, унинг бошқариш тизими хотин-қизларнинг ННТ ларидан, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий ташабbusларини уюштиришдан чеккада туриши мумкин эмас. Давлат, унинг бошқарув тизими фуқаролар ижтимоий-сиёсий фаоллигини рационал-оптимистик ташкил этувчи, уларни стратегик мақсадига йўналтирувчи, яъни бош ислоҳотчи сифатида жамият тараққиётига раҳбарликни қўлдан чиқара олмайди. Ҳа, фуқаролик институтларини ривожлантириш, уларнинг фаоллигига, ташабbusларига таяниш лозим. Бу фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг асосий талабидир. Бироқ, у давлатнинг ташкилотчилик, етакчилик, раҳнамолик ролини инкор қилмайди.

Мавзумиз учун яна бир назарий-методологик аҳамиятга эга нарса шундаки, фуқаролик жамияти ва унинг институтларини давлатдан, давлат бошқаруви тизимидан ҳоли қараш фуқаролик институтларининг ижтимоий фаоллиги "ўзи ўзи учун мавжуд" деган ғайриҳаётӣ хулосага олиб келади. АҚШлик сиёsatшунос, социолог Ф.Фукуяманинг фикрига кўра, бугун инсоният, жамиятлар, давлатлар, халқлар ва минтақалар шундай муаммоларга дуч келмоқдаки, уларни глобал фуқаролик жамияти ҳал этолмайди, мазкур муаммоларни самарали ҳал этиш учун миллый

Тошкент: O'zbekiston, 2007. 50-бет.

¹ Ўша асар. 51-бет.

давлатлар кучли бўлиши даркор¹. Бу нафақат глобал давлат, глобал ҳокимият ва глобал жамият қуриш ғояси тарафдорларига, шунингдек, фуқаролик жамиятини давлатдан ажратишга интилаётган тадқиқотчиларга ҳам жавобдир. Айнан ушбу фундаментал аҳамиятга эга фикрлар хотин-қизларнинг ННТлари ва уюшмаларини давлат, давлат бошқаруви тизими, ижтимоий-сиёсий фаолияти билан уйғун қарашга ундейди. Хотин-қизларнинг фуқаролик институтларини ривожлантиришга қаратилган ижтимоий-сиёсий фаоллиги, ташаббуслари давлат, давлат бошқаруви тизимининг кўллаб-кувватлаши натижаси сифатида қаралиши даркор. Акс ҳолда, биз хотин-қизларнинг фуқаролик институтларини ташкил этиш, ривожлантириш борасидаги ташаббусларини нотўғри тушунган, уларни давлатга, давлат бошқаруви тизимига қарши қўйишга мажбур бўламиз. Бундай ғайриэтатистик, анархистик ёндашув ғарб давлатларида радикал феминизм тарзida учрайди, аммо у Ўзбекистон учун мутлақ бегона ҳодисадир.

Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигиги кенг кўллаб-кувватлаб келаётган фуқаролик институтларидан бири Хотин-қизлар қўмитасидир. Деярли йигирма бир йилдан ошиқ тажрибага эга мазкур қўмита (у 1991 йил 27 декабрда ташкил топган) бугун 208 ҳудудий бўлимлари ва 42 мингга яқин бошланғич ташкилотларига эга. Унинг раисаси Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринbosари ҳам ҳисобланади. Бу ўринда биз нодавлат ташкилотини давлат томонидан маҳсус кўллаб-кувватланаётганига, аммо у ўз фаолиятини мустақил юритишига дуч келамиз.

Хотин-қизлар қўмитаси аёллар масаласини, улар дуч келаётган муаммоларни юқори давлат бошқаруви поғонасида ҳал этиш имконига эга. Бу билан у бошқа нодавлат ташкилотларидан фарқ қиласиди. Шуниси эътиборлики, мазкур ташкилотнинг вилоят ва туманларда ҳам бўлимлари мавжуд, уларнинг барчасини олий маълумотли, хотин-қизлар масаласидан хабардор, аҳоли яхши танийдиган, фаол ва ташаббускор аёллар бошқаради. Улар ўртача 45-47 ёшлардадир.

Ўзимиз тўплаган маълумотларга кўра, хотин-қизлар қўмиталарини бошқараётган аёлларнинг 42 фоизи гуманитар билим-

¹ Қаранг: Фукуяма Ф. Сильное государство // Миропорядок в XXI веке. М.: ООО АСТ, 2004. С.6-7.

га эга, 32 фоизи инженер-техник, агроном ёки ҳисоб-китобчи, молиячидир. 24 фоиз аёл турли бошқарув ишларида, лавозимларида ишлаган, кейин хотин-қизлар қўмитасини бошқаришга таклиф қилинганд. Уларнинг барчаси оиласи, икки ёки тўрт фарзанднинг онаси. Хотин-қизлар қўмитасини бошқаришга асосан маҳаллий ҳокимият таклиф этган. Қўмиталарнинг раҳбарларидан 21 фоизи 6 йил, 32 фоизи 4-5 йил, 45 фоизи 2 йил, 2 фоизи эса бир йилдан кам ишламоқда¹. Хотин-қизлар қўмиталарининг барча вилоят, туман, маҳаллалар ва ўқув юртларидағи бўлим ҳамда бошланғич ташкилотларнинг фаолияти кўрсатадики, улар бугун Республикаизда энг йирик ва хотин-қизларнинг ташаббусларига бошчилик қилаётган ҳақиқий оммавий ташкилотдир. “Хотин-қизлар қўмитаси, – дейди Юртбошимиз унинг ижтимоий-сиёсий фаолиятига баҳо бериб, – ўзида аввало жамоатчилик ташаббусини мужассам этадиган тузилма... У хотин-қизларнинг жамоатчилик асосида тузиладиган бошланғич ташкилотлари орқали аёлларнинг ўз ҳақ-хуқуқларини ва турли манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ўзига хос муаммоларини ечишга қаратилган табиий интилишларини ифода этади. Агарки, биз эртанги кунимизни чукурроқ тасаввур этадиган бўлсак, Хотин-қизлар қўмитасини фуқаролик жамиятининг том маънодаги узвий бир қисмига айлантириш ҳақида ўйлашимиз зарур...

Фуқаролик жамиятининг энг асосий белгиси – бу давлатнинг вазифа-ваколатларини жамоат ташкилотларига босқичма-босқич ўтказиш орқали фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини, сиёсий маданиятини оширишдан иборат.

Биз ўз олдимизга қўйилган кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш вазифаси мана шу ва шунга ўхшаш жараёнларда ўз ифодасини топиши зарур².

Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитасининг раиси Э.Баситханова қайд этганидек “буғун Ўзбекистон хотин-қизлари фуқаролик жамиятини барпо этишга катта ҳисса қўшиб келмоқда. Бошланғич хотин-қизлар қўмиталари тизими ўз фаолиятини амалга оширишда давлат эътибори, ҳамкорлар ва фаолларнинг

¹ Маълумотлар 2012 йилда тўплланган.

² И с л о м К а р и м о в . Тинчлик ва хавфсиэлигимиз ўз куч-қудратимиэга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ, 12-том. Тошкент: Ўзбекистон, 2004. 349-350-бетлар.

қўллаб-кувватлаши ҳамда жамоатчилик кучига суннади. Айни шу омиллар жойлардаги Хотин-қизлар кўмиталарининг фаолиятини янада такомиллаштиришда асос бўлиб хизмат қилаёттир. Уларнинг бош мақсади эса онахонларимиз, опа-сингилларимиз ва қизларимизнинг ҳаёт тарзини, фаровонлик даражасини кўтаришдан иборатдир". Ҳозирда корхона ва ташкилотларда 16486 та, маҳаллаларда 8996 та, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида 1608 та, умумтаълим муассасаларида 9779 та, жами бутун Республикада 42 мингга яқин Хотин-қизлар кўмитасининг бошланғич ташкилотлари фаолият олиб бормоқда.

Махсус кузатишлар натижалари кўрсатадики, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, ННТ фаолиятини бошқариши уларнинг билими, маълумотига бевосита боғлиқдир. Чамаси олий ўқув даргоҳлари талаба-ёшлар қалбида, онгида жамият учун хизмат қилиш, фидойилик, жонкуярлик ҳар бир онгли кишининг бурчидир, деган фикрни чукур шакллантиради. А.А.Хусейнованинг келтиришича, "Нодавлат ташкилотлари фаолиятида қатнашаётганингиз Сизнинг ижтимоий-сиёсий билимларингизни бойитадими?" деган саволга эксперт-респондентлар (аёллар)нинг 73 фоизи "Ҳа", 14 фоизи "Бирмунча", 9 фоизи "Ҳали бирор нарса дея олмайман," 4 фоизи эса "Йўқ" деб жавоб берган. "Ҳа" деб жавоб берган эксперт-респондентларнинг 42 фоизи олий маълумотли, 38 фоизи ўрта махсус маълумотлидир. "Йўқ" деб жавоб берганларнинг барчаси олий (гуманитар) маълумотли аёллардир. Кўриниб турибдики, олий маълумотли аёллар ННТ фаолиятида нафақат кенг қатнашадилар, шунингдек улар фаолиятига юқори талаб ҳам кўядилар¹. Лекин ўрта махсус маълумотли аёлларнинг аксарияти ташкилотда маош жуда пастлигини билдирадилар. Сухбатлар чоғида ушбу аёллар ижтимоий-сиёсий фаолият (фаоллик) хусусиятини яхши тасаввур этмасликлари аниқланган, улар камдан-кам ҳолда бирор ташаббус билан чиқадилар². Демак, билим, маълумот даражаси, онгда шаклланган қадриялар, идеаллар, ғоялар хотин-қизларнинг фаоллигига таъсир этади. А.А.Хусейнова тўғри кўрсатади, билимга зга бўлмаган "киши ўз фаолиятининг ижтимоий-сиёсий аҳамиятини етарлича баҳолай олмайди, у бошқаларнинг ҳам социум учун жон куйдираётганини,

¹ Ҳусейнова А. А. Фуқаролик жамияти ва аёллар. Бухоро: Agro-Print, 2009. 67-бет.

² ўша жойда.

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИҢ ИЖТИМОЙ-СИЕСИЙ ФАОЛИЯТИ

бутун ҳаёти, фаолияти жамият тараққиётига йўналтирилганини қадрламайди. Унинг учун “эл”, “халқ”, “миллат” ва “давлат” деган тушунчалар оддий сўздан фарқ қилмайди, у қандай тарзда ижтимоий манфаатларни назарга илмаса, менсимаса, эл-юрт, миллат, давлат тараққиётини ҳақидаги даъватларни ҳам шундай осонгина четлаб ўтади ёки рад этади. Ижтимоий-сиёсий борлиқ ўта мураккаблиги билангина эмас, балки миллионлаб, юз миллионлаб кишилар ҳаёти ва тақдирига боғлиқлиги, қабул қилинган ҳар бир ижтимоий-сиёсий қарор ана шу миллионлаб кишилар турмуш тарзига таъсир этиши билан ҳам маҳсус билимларни, сиёсат фалсафасига оид қарашлар, тасаввурлардан хабардор бўлишни тақозо этади¹.

Ўзбекистонда хотин-қизларнинг навбатдаги йирик нодавлат ташкилоти Республика Тадбиркор аёллар Ассоциациясидир. 1991 йили ташкил этилган ушбу ННТ ўз атрофига 5 мингга яқин фаол аёлларни бирлаштирган. У 40 мингдан зиёд хотин-қизларга бизнес ва тадбиркорлик билан шуғулланиш, ўз хуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида турли ташкилий, хуқуқий маърифий хизматлар кўрсатиб келади. Ассоциациянинг барча вилоятларда бўлимлари мавжуд бўлиб, улар “Бизнес-инкубатор”, “Бозор кўникмаларини ривожлантириш”, “Фермер-фермерга”, “Бизнесни кўллаб-куvvatlash”, “Экспертга ёрдам бериш” каби халқаро грантларни бажариб келади².

Ассоциация хотин-қизларда бозор иқтисодиётига мослашиш, уларда бизнес, маркетинг ва менежмент кўникмалари, билимларини ривожлантиришга йўналтирилган бўлса-да, у халқаро грантлар орқали аёлларни ташки иқтисодий муносабатларга ҳам жалб этмоқда, баъзи хотин-қизларнинг чет элларда тажриба, билим ошириб келишига кўмаклашмоқда.

Бундай саъй-ҳаракатлар туфайли хотин-қизларни уй меҳнатига, яъни оиласиб бизнесга жалб этиш реал воқеликка айланди. Натижада оиласиб бизнесда 2009 йили 100 мингта, 2010 йили 130 минг 161 та, 2011 йили 142 минг 100 та ва 2012 йили эса (9 оий ичida) 345 минг 043 та иш ўринлари яратилди.

¹ Хусейнова А. А. Фуқаролик жамияти ва аёллар. Бухоро: Agro-Print, 2009. 69–70-бетлар.

² Қаранг: Женские негосударственные организации Узбекистана. Справочник. Ташкент, 2000. С. 321–323.

Республикамизда бевосита аёллар бошчилигида ташкил этилган ва фаолият олиб бораётган 212 та ННТ мавжуд. Уларнинг тизими, нашрлари, реквизитлари, олиб бораётган фаолияти йўналишлари ҳақидаги маълумотлар махсус сўровнома (справочник) тарзида чоп этилган. Уларга кўра фан ва маориф соҳасида 14 нафар, ҳукуқ соҳасида 49 нафар, ижтимоий муҳофазада 54 нафар, майший хизмат соҳасида 44 нафар, тадбиркорликда 11 нафар, экологияда 4 нафар хотин-қизлар ННТларда фаолият кўрсатадилар.

Республикамизда бевосита аёллар бошчилигида ташкил этилган ва фаолият олиб бораётган 212 та ННТ мавжуд. Уларнинг тизими, нашрлари, реквизитлари, олиб бораётган фаолияти йўналишлари ҳақидаги маълумотлар махсус сўровнома (справочник) тарзида чоп этилган¹. Шунинг учун, биз уларни такрорлаб ўтиришни лозим топмадик.

Аёллар нодавлат ташкилотларини бошқараётган хотин-қизларнинг 64 фоизи олий маълумотли, 32 фоизи ўрта махсус маълумотлидир. Олий маълумотли аёллар ичida ижтимоий-гуманитар соҳа вакиллари 78 фоизни, биология, математика, техника ва қишлоқ ҳўжалиги бўйича мутахассислар 22 фоизни ташкил этади. Демак, ижтимоий-гуманитар билимли аёллар давр талабини тўғри тушунадилар, ижтимоий фаоллик, давлат ва жамият ишларида иштирок этиш объектив зарурият эканини яхши биладилар. Гоҳо аниқ фанларга оид билимга эга аёллар ичida ҳам ННТга содик, ўз фаолиятини жуда севадиган, ўта фидойи хотин-қизлар учрайди. Улар ижтимоий-сиёсий жараёнларни ҳар доим ҳам яхши таҳлил қилолмасалар-да, ННТни ривожлантиришни ҳаётий мақсади, ижтимоий борлиғининг моҳияти деб биладилар. Масалан, Ўзбекистон ишбилармон аёллари “Тадбиркор Аёл” Ассоциациясининг раисаси Дилдора Маҳмудовна Алимбекова, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қошидаги инсон ҳукуқлари ташкилоти – Омбудсман раҳбари Сайёра Шараповна Рашидова, “Шарқ аёли” ҳалқаро жамғармасининг раисаси Саодат Турғунбоева ва унинг ёрдамчиси Муқаддас Йўлдошева, Қорақалпоғистон Хотин-қизлар қўмитаси қошида тузилган “Илмпаз хаял” ННТининг раҳбари Саригул Баҳодирова, Бухородаги “Тегина бегим моҳ” марказининг раҳбари Саодат Раҳматова

¹ ўша асар.

ана шундай фидойлардантир. Уларнинг барчаси олий маълумотли, оиласали, катта ҳаётий тажрибага зга инсонлардир. Аммо ННТни бошқараётган хотин-қизлар ичидаги ўрта ёшдаги фаоллар ҳам учрайди, лекин улар камчиликни ташкил этади. ННТни бошқараётган аёлларнинг ўртача ёши 42-45 да. Уларнинг 58 фоизи ННТ тизимида етти йил, 21 фоизи уч-тўрт йил, 12 фоизи икки йил, 9 фоизи бир йилга яқин фаолият олиб боради. Агар ушбу кўрсаткичларни хотин-қизларнинг ўртача ёшига қиёсласак, улар ННТга маълум бир ҳаётий тажриба тўплагач келадилар. Бу ўртача 32-35 ёшлардир.

Кузатишларимиздан маълум бўладики, 32-35 ёшларга кирган хотин-қизлар маълум бир ўкув юртини тугатган, касб-кор згаллаган, оила қуриб фарзандларини оёққа қўйган бўлади. Бу даврда оиласавий муҳит барқарорлашади, у эр-хотин бир-бирларига мослашган, бир-бирини тушунган босқич ҳисобланади. Аёллар уй доираси билан чегараланиб қолмаслигини, бирор ижтимоий фаолият тури билан шуғулланиши лозимлигини хис қиласадилар.

ННТни бошқараётган аёллар, айниқса олий маълумотли хотин-қизлар маблағ, пул топиш учун эмас, балки эл-юрга, жамиятга бирор наф келтириш учун хизмат қилаётганини яхши биладилар. Улар ҳатто, баъзи сабабларга кўра, икки-уч ой хизмат ҳақини олмаганларида ҳам фаолиятидан нолимайдилар, ўз вазифасини сидқидилдан бажараверадилар.

Миллий демократик тараққиёт хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллиги олдига маълум бир талаблар ҳам қўяди. Биринчидан, хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллиги уларнинг психофизиологик ривожланишига хавф солмаслиги керак. Бу ўринда энг аввалио, хотин-қизлар саломатлигига зарар етказувчи, уларнинг репродуктив функциясини бажаришга хавф солувчи фаолият турлари билан шуғулланишига йўл қўймаслик назарда тутилади. Ўзбекистон Республикасининг Мехнат Кодексига мувофиқ, хотин-қизларни тунги ишларга, яшаш қийин жойлардаги фаолият турларига жалб этиш мумкин эмас. Уларни доимий равишда 9 кг. юк кўтарадиган меҳнатга тортиш тақиқланади¹. Тўғри, ННТларда оғир юк кўтариш билан боғлиқ вазифалар йўқ, бироқ экология, туризм, спорт соҳаларида аёллар психофизиологик ривожлани-

¹ Қаранг: Иноятов А. Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ҳуқуқи. Тошкент: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашр. уйи, 2002. 329-332-бетлар.

шига салбий таъсир кўрсатувчи машғулот турлари мавжуддир. Иккинчидан, ижтимоий-сиёсий фаолият хотин-қизларни оилавий вазифаларни бажаришдан халос қилолмайди. Ижтимоий-тарихий тараққиёт хотин-қизларни оилани бошқариш, уй-рўзғор ишларини бажаришга мослаштирганки, уларни аёллар инстинктив биладилар. Бу дискриминация эмас, оила олдидаги бурчdir. Аёл ижтимоий вазифасини бажараётганида, оиласи ташвишларини, ишдан қайтгач, хонадонида нималар қилиши зарурлигини ҳеч қачон унутмайди. У мудом оила ва ишхона оралиғида яшайди, ишда ҳам оиласи, фарзандлари, эри ҳакида ўйлади, уларни тоза кийинтиришни, ўз вақтида овқатлантириши зарурлигини эсдан чиқармайди. Шунинг учун ҳам аёлда ишига фидойилик билан, бор вужуди билан ёндашиш бор, фақат унда ҳаётий мақсад, қониқиш излаш етишмайди. Бу аёлнинг қусури эмас, балки ундағи олижаноб фазилат, оилапарварлик, инсонпарварликдир. Учинчидан, аёл халқ, миллат ҳаёт давомчисидир. Унинг бола тарбиясига мойиллиги, фарзандлари учун яшашини унутиб бўлмайди. Ижтимоий-сиёсий фаолият аёлга ушбу вазифасини бажаришга ғов бўлмаслиги лозим. “Ижтимоий фикр” Маркази томонидан ўтказилган социологик сўровнома натижалари ҳам кўрсатадики, ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол қатнашадиганлар асосан оиласи аёллардир. Эридан ажраган (72,2%) ва бева (65,2 %) аёллар ижтимоий-сиёсий ҳаётда қатнашмайди, улар ичida тўлиқ бўлмаган ўрта маълумотли аёллар 67,9 фоизни, ўрта маълумотлилар 63,5 фоизни, уй бекалари эса 71,2 фоизни ташкил қилади¹. Демак, ижтимоий-сиёсий фаол аёлларнинг асосий қисми, кўпчилиги оиласи, фарзандлидир. Уларнинг олий маълумотли экани эса иккала бурчини баб-баробар олиб боришига халақит бермайди, балки уларга онгли ёндашишга ундейди.


Фуқаролик жамияти ҳаётида, ривожланишида сиёсий партиялар муҳим ўрин тутади. Айнан сиёсий партиялар кишиларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини уюштирувчи, уларда жамият ва давлат ишларини бошқаришга қизиқиши уйғотувчи институтлардир. Маданий бошқариш ва ҳокимият учун курашишнинг бошқа кўринишлари ғайриқонуний ҳисобланади. Шунинг учун ҳам сиёсий партиялар зиммасига, қонунлар доирасида, ижтимоий-сиёсий фаолият олиб бориш юклатилган.

¹ Женщины независимого Узбекистана. Ташкент, 2004. С.56.

ДАВЛАТ БОШКАРУВИ ТИЗИМИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ

Кейинги йилларда Ўзбекистон хотин-қизларининг сиёсий партиялар фаолиятида кенг иштирок этаётганини кузатамиз. Масалан, хотин-қизларнинг сиёсий партиялардаги сони 2005–2012 йиллар давомида қуйидатicha ошган: Ўзбекистон Халқ демократик партиясида хотин-қизлар 2005 йили – 34,6 фоиз (166749 киши)ни, 2006 йили – 33,0 фоиз (10461 киши)ни, 2007 йили – 36,8 фоиз (127,9 киши)ни, 2008 йили – 37,5 фоиз (132344 киши)ни, 2009 йили – 40,3 фоиз (145045 киши)ни, 2012 йили – 41 фоиз (154,538 киши)ни; Ўзбекистон Либерал-демократик партиясида худди ўша тартибда: 33,6 фоиз (49467), 34,0 фоиз (49573), 34,0 фоиз (49573), 34,8 фоиз (53982), 36,0 фоиз (59216), 38,2 фоиз (670,89); “Адолат” социал-демократик партиясида 38,8 (18789), 42,2 (25551), 43,2 (25551), 50,3 (32290), 50,0 (38000), 50,0 (436,50); “Миллий тикланиш” демократик партиясида 2008 йили 43,0 фоиз (81160 киши)ни, 2009 йили – 45,0 фоиз (47250 киши)ни, 2012 йили – 46,5 фоиз (552,81 киши)ни ташкил этган. Бу ўринда биз 2004 йилда сиёсий партияларга вакиллик органлари ҳамда парламент депутатлигига номзодлар кўрсатиш жараёнида хотин-қизлар учун 30 фоизли квота берилганининг таъсирини кўрамиз. Натижада 2009 йил декабрдаги сайловда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига 33 нафар аёл сайланди. 1999 йилда улар 8,2 фоизни, 2004 йилда эса 17,5 фоизни ташкил қилган эди.

2007–2012 йилларда сиёсий партияларга аъзо бўлган аёллар сони:



Кўриниб турибдики, хотин-қызлар Республикаизда кечётган ижтимоий-сиёсий жараёнларга бефарқ эмас, улар давлат ва жамият ишларини бошқариш тизими фаолиятини такомиллаштириш тарафдорларидир. Тўғри, бугун сиёсий партияни бошқараётган аёл учрамайди, аммо улар электоратда самарали ўринни эгаллайдилар. Масалан, ХДП Марказий Кенгаши аъзоларининг 36 фоизи, “Адолат” социал демократик партияси Сиёсий Кенгаши аъзоларининг 41 фоизи, “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий Кенгаши аъзоларининг 29 фоизи, Либерал-демократик партияси сиёсий бюроси ижроий қўмитаси аъзоларининг 42 фоизини хотин-қызлар ташкил қиласди.

Улар оилали, олий маълумотли. Ёшлари ўртача 37-40 атрофида бўлиб, уларнинг 7 фоизга яқини фан номзодларидир.

Шу билан бирга Ўзбекистонда кечётган ижтимоий-сиёсий жараёнларни миллий демократик тараққиёт нуқтаи назаридан кенг қамраб олган мамлакатимизни модернизация қилишга ёрдам берадиган назарий концепциялар яратадиган, фаол, сиёсий лидер аёл учрамайди. Ҳатто, сиёсий партияларнинг Олий Мажлисга сайланган аёл депутатлари ичida ҳам бугун жамият тараққиётига, фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган муаммоларни қамраб олган илмий концепциясига эга лидер аёл борлиги қўэга ташланмайди. Хотин-қызларимизда ижрочиликка мойиллик устун туради, улар эркаклар илгари сураётган ғоялар, таклиф ва ташаббуслар кетидан эргашибни маъқул кўрадилар.

Касаба-уюшмалари фуқаролик жамиятини ривожлантиришга катта ҳисса қўшаётган ташкилотдир. Унга бугун 1,4 миллиондан зиёд киши аъзо. Ушбу аъзоларнинг 41 фоизини хотин-қызлар ташкил қиласди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раҳбариятида хизмат қилаётганларнинг 58 фоизи хотин-қызлардир, 5 та вилоят ва 5 та тармоқ касаба уюшмаларини эса бевосита аёллар бошқаради. Бошланғич ташкилотларни бошқараётганлар ичida эса аёллар 49 фоиздир. Кўриниб турибдики, хотин-қызлар касаба уюшмалари фаолиятида кенг иштирок этадилар. Улар меҳнат жамоаларида инсон ҳукуқларига риоя этиш, меҳнаткашларнинг ўзи ни ўзи бошқариш органларини тузиш, шартномаларнинг бажарилишига эришиш, кишиларнинг майший-маданий эҳтиёжларини қондириш каби турли вазифаларни бажарадилар.

Меҳнат жамоалари, ўзини ўзи бошқариш органлари билан маъмурият, хусусий мулк эгаси ўртасидаги конструктив муносабатларни шакллантиришда касаба уюшмаларининг ўрни катта. Меҳнат шартномалари тузиш ва уларнинг тўла бажарилишига зришиш, хусусий мулк эгасининг манфаатлари меҳнат жамоаси, жамият, тараққиёт манфаатларига зид келмаслигини ижтимоий назорат қилиш ҳам уларнинг вазифаларига киради. Улар орқали хотин-қизлар бошқараётган касаба уюшмалари меҳнат жамоаларининг манфаатларини ва конституциявий ҳақ-хукуқларини ҳимоя қилади, шу тариқа фуқаролик жамиятига хос бўлган ижтимоий назоратни, жамоатчилик бошқарувини амалга оширадилар.

Шуни эсда тутиш керакки, Ўзбекистонда фуқаролик институтлари энди ривожланмоқда, уларнинг айримлари фаолиятининг ижтимоий-сиёсий моҳиятини тўла англаб етган эмас. Энг муҳими, хотин-қизларимиз уюшиб, ташкилотлар тузиб, ижтимоий муаммоларни ечиш кўп жиҳатдан ўзларига боғлиқ эканини англаб етаятганидадир.

4.4. Ижтимоий-сиёсий фаол аёлнинг портрети: маънавий-ахлоқий фазилатлар ва лидерлик хусусиятлари

Демократик тамойиллар ҳар бир шахснинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ёки билвосита иштирокини тақозо қиласа-да, ҳамма ҳам давлат бошқарувини олиб боришга тайёр эмас. Айниқса давлат бошқаруви тизими фаолиятида бевосита қатнашиш учун шахсада маълум бир фазилатлар, лидерлик хусусиятлари бўлиши лозим.

Хотин-қизларнинг давлат бошқаруви тизимидағи фаоллиги-ни ошириш масаласини Республикаизда ҳал этилаётган ва кун тартибига кўйилган кадрлар сиёсати билан уйғунликда қараш даркор. Чунки фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш кундалик ҳаёт талаб этаятган муаммоларни тез ҳал этишгагина бориб тақалмайди, охир натижада у кадрлар тайёрлаш, уларни жой-жойига қўйиш, давлат ва жамият ишларини бошқаришга қодир резервларни етиширишни ҳам назарда тутади. Юртбошимиз И.А.Каримов беҳудага раҳбар кадрлар ҳақида шундай таъкидламайди: “Биз ўтказаётган сиёсатнинг рўёбга чиқиши сизнинг

фаолиятингиз билан узвий боғлиқ... Биз бугунги ҳётимизнинг қайси масалалари ва вазифалари ҳақида, қайси истиқболлари ҳақида гапирмайлик, бошқариш ва ишлаб чиқаришнинг барча бўйинларида – ҳамма нарса бугун кадрларга ва яна кадрларга бориб тақалади¹. Ушбу фундаментал ғояни аниқлаштириб, давлат бошқаруви тизими ҳамда ижтимоий-сиёсий фаоллик билан узвий боғлаб Президентимиз дейди: “Иқтисодий, айниқса сиёсий ислоҳотлар муваффақияти, аввало бошқарув соҳасидаги кадрларни тайёрлаш даражасига, уларнинг бугунги ўзгаришларни амалга ошириш истаги ва лаёқатига боғлиқ. Худди шу боис ҳам давлат хизматчиларининг мақоми тўғрисида қонун қабул қилиш зарурати сезилмоқда. Бу қонунда ва унинг асосида қабул қилинадиган меъёрий ҳужжатларда давлат хизматчиларини танлаб олиш тизими, уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, масъулияти, униб-ўсиши, ижтимоий ҳимояси, имтиёzlари белгилаб берилган бўлур эди.

Мазкур муносабатларни қонун йўли билан тартибга солиш кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишдаги ўзбошимчаликни, шахсий садоқат, қариндош-урӯғчилик каби иллатларнинг пайини қирқади. Қонун кучли рағбатлантириш механизмини вужудга келтириши керак... Бундай қонун қабул қилингач эса, ўз хизмат вазифасига садоқатли, юксак малакали хизматчилардан иборат давлат аппаратига эга бўламиз, деб ўйлайман².

Шуни эсдан чиқармаслик керакки, ижтимоий-сиёсий фаолият олиб борувчи хотин-қизлар ҳали давлат хизматчилари эмас, улар жамият ва давлат ишларини бошқаришда жамоатчилик асосида ёки нодавлат ташкилотлари, фуқаролик институтлари орқали иштирок этувчи, беғарас мөхнатлари, ташабbusлари, фаоллиги билан давлат бошқаруви тизимини такомиллаштиришга интилувчи фидойи шахслардир. Улар хизматлари учун маош, ҳақ тўлашни талаб қилмайдилар (тўғри, нодавлат ташкилотлари раҳбарлари, касаба уюшмаси Федерацияси ходимлари кабилар маош билан рағбатлантириладилар), улар ижтимоий-сиёсий фаоллиги орқали ижтимоий ҳётни такомиллаштиришни ҳёттий мақсад қилиб қўядилар. Бироқ, улар умр бўйи жамоатчи бўлиб қолишни ҳам истамайдилар, ўрни келганида ижтимоий

¹ Ислом Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курамиз. 7-том. Тошкент: Ўзбекистон, 1999. 290-бет.

² Ислом Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. З-том. Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 13-бет.

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИҢ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ

борлигининг таркибий қисмига, ҳаётининг мазмунига айланган ижтимоий-сиёсий фаоллигини яна бир поғонада, давлат хизматчиси даражасида давом эттиришдан ҳам умидвордирлар. Демак, ижтимоий-сиёсий фаол хотин-қизлар давлат хизматчилари тайёрлашда резерв кадрлар захираси ҳамdir.

Албатта, ижтимоий-сиёсий фаолликдан давлат хизматчисига, профессионал бошқарувчига ўтиш, сайланиш ўз хусусиятлари ва талабларига эга¹, гоҳо жамоатчиликда катта тажриба орттирган, ўз вазифасини давлат хизматчисидан ҳам юқори талаб даражасида бажарадиган шахс раҳбарият, ҳокимият эътиборига тушмаслиги мумкин. Бу ўринда симпатия-антипатия каби психолого-гик омиллар ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Ҳар қандай ижтимоий-сиёсий фаолият жамият ва давлат ишларини ташкил этишга, кишиларни бошқаришга қаратилган бўлади. Шу нуқтаи назардан у мудом ижтимоий характерга эга фаолиятдир. Агар ушбу принципиал фикрдан келиб чиқсан, давлат хизматчилари бўлган профессионал раҳбарларга хос фазилатлар ва лидерлик хислатлари жамоатчи, ижтимоий-сиёсий фаол кишидан ҳам талаб этилади. Лекин профессионал раҳбарга қўйиладиган талаблар билан жамоатчига, ижтимоий-сиёсий фаол кишига қўйиладиган талаблар ўртасида жиддий фарқлар мавжуд. Улар қўйидагилардан иборат:

Профессионал раҳбардан ижтимоий-сиёсий лидерлик хислатлари қатъий талаб этилади. Унинг ўз лавозимида қолиши ана шу хислатларининг етарли даражада эканлиги туфайлидир. Жамоатчи, фаоллардан улар талаб этилмайди. Ижтимоий-сиёсий етакчилик, лидерлик хислатларини эгаллаш ёки эгалламаслик мутлақ уларнинг ихтиёридадир. Аммо, улар лидерлик хислатлари зарурлигини унотолмайдилар.

Профессионал раҳбар, бошқарувчи давлат томонидан ўрнатилган квалификацион талабларга ва ўрнатилган меҳнат тартибларига қатъий бўйсуниши лозим. Унинг иш куни, вазифалари, қуий ва юқори идоралар билан алоқалари, субординацион муносабатлари олдиндан белгилаб берилган бўлади. Жамоатчилар, фаоллар учун бундай тартиблар йўқ, улар ўзининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини эркин, мустақил, ўз имкониятларига қараб амалга оширадилар. Лекин бу, масалан, нодавлат ташкилотлари,

¹ Қаранг: Рағшанов Ф. Миллий раҳбаршунослик: тарих ва тажриба. Тошкент: Akademiya, 2007. 136-186-бетлар.

хотин-қизлар қўмитаси, фуқаролар йигини раҳбарлари истаган вақтларида ишга келиши, истамаган пайтда ишдан кетиб қолиши мумкин экан-да, деган фикрга олиб келмаслиги зарур. Ижтимоий-сиёсий фаоллик англашган, ижтимоий манфаатларга хизмат қилишга қаратилган фаолият тури бўлгани учун ҳам жамоатчи, фаол ўзини ўзи қатъий идора этади, бошқаради, яъни маълум бир тартибларга қатъий амал қиласди.

Профессионал раҳбар, бошқарувчи юқори давлат бошқаруви тизими олдида масъулдир, унинг кўрсатмаларини тўлиқ бажаради. Жамоатчиларда, фаолларда бундай масъулият йўқ, улар аввали ўз виждони, кейин эса ён-атрофидаги кишилар олдида маънавий жавобгардир.

Жамоатчилар, фаоллар профессионал раҳбар, бошқарувчи иродасига бўйсунади, чунки айнан улар бутун ижтимоий-сиёсий борлиқ учун давлат олдида масъулдирлар. Профессионал раҳбар, бошқарувчи билан бамаслаҳат фаолият олиб бориш кўзланган мақсадга эришишнинг самарали йўлидир. Тўғри, профессионал раҳбар бошқарувчи ҳам хатога йўл кўйиши, симпатия-антипатияга берилиши, ўз манфаатларини кўзлаши мумкин. Халқимиз, “Бе-айб – Парвардигор”, деб бехуда айтмайди. Бундай пайтда профессионал хизматчи билан жамоатчи ўртасида англашилмовчиликлар, ҳатто низолар келиб чиқиши мумкин. Англашилмовчилик ва низоларнинг олдини олиш ҳар икки томондаги фазилатларга, тўғрироғи, маънавий-ахлоқий нормаларга боғлиқдир.

Бошқарув фаолияти мудом ҳаммаслаклар, ёрдамчилар, қўллаб-куватловчи кучлар ёрдамида амалга оширилади. Бу ўринда жамоатчиларнинг, фаолларнинг ёрдамига таяниш объектив заруритга айланади. Агар раҳбар ушбу заруриятни ўз вактида ва тўғри англаб олмаса, у кўзланган мақсадга эришолмайди ёки узоқ вақтда, кўп маблағ ва куч сарфлаб эришиши мумкин. Бундай муваффақият раҳбарнинг ўзига ҳам, унинг ёнидагиларга ҳам кувонч, қониқиш олиб келмайди. Демак, гап лавозимда эмас, балки лавозимни эталлаб турган шахснинг лидерлик хислатларида-дир.

Жамоатчи, фаолларнинг ижтимоий-сиёсий хислатларини ўрганаётган тадқиқотчи фақат уларнинг хислатларини аниқлаш, қайд этиш билан чекланолмайди. Жамоатчи, фаолларнинг ижтимоий-сиёсий хислатларини аниқлаш уларни яна бир поғонага, яъни

давлат бошқаруви тизими учун зарур бўлган фазилатларга кўта-риш йўлларини белгилаш учун зарурдир. Жамоатчи, фаоллар давлат бошқаруви тизимидаги фаолият юритар экан, улар, шубҳасиз, маълум бир ижтимоий-сиёсий хислатларга эга бўлиши лозим. Ижтимоий-сиёсий фаолият шуни тақозо этади, бу давлат бошқаруви тизимидаги самарали ишлашни, фаолият кўрсатишни таъминлайди. Демак, биз ижтимоий-сиёсий фаол аёлнинг портретини яратишда, биринчидан, ундаги фазилатларни аниқлашимиз, иккинчидан, ушбу фазилатларни бир поғонага кўтариш, яъни давлат бошқаруви тизими талабларидан келиб чиқишимиз керак. Жамоатчи, фаол аёлларнинг ижтимоий-сиёсий хислатларига юқорироқ талаб қўя туриб, биз уларда ушбу хислатларни ривожлантириш йўлларини белгилаб берган бўламиз.

Фалсафий, социологик, ҳуқуқий, педагогик ва иқтисодий адабиётларда баъзан хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллиги масалалари ўрганилади. Фақат С.А.Ходжаеванинг номзодлик диссертациясида ижтимоий-ҳуқуқий фаол аёлнинг портретини яратишга уринилган. Бошқа адабиётлар ва тадқиқотларда мазкур масала четлаб ўтилади, бу эса муаллифларнинг илмий-назарий қарашлари, концепцияларининг чала ёритилишига олиб келади.

С.А.Ходжаева ижтимоий-ҳуқуқий фаол аёл портретини қўйидагилардан иборат, деб кўрсатади. Ижтимоий-ҳуқуқий фаол аёл: 1) ўз маҳалласи, тумани, шаҳари ижтимоий ва сиёсий ҳаётида фаол иштирок этадиган, жамоатчилик билан алоқалар ўрнатган; 2) сиёсий партиялар ёки жамоат ташкилотларидан бирига аъзо, 41-66 ёшларда, олий гуманитар маълумотга эга; 3) оиласи, ҳуқуққа оид нашрлардан бирини доимо ўқиб боради, хотин-қизлар масаласи тарихи ва замонавий гендер муаммолари билан қизиқадиган; 4) кишилардаги тартиблилик, инсонпарварлик, ахлоқийлик ёқадиган, кишилар даврасида бўлишни истайдиган шахсdir¹. Кўриниб турибдики, С.А.Ходжаева ижтимоий-ҳуқуқий фаол аёл портретини деярли нафақа ёшига яқин аёллардан келтириб чиқаради, у бизга маълум бўлган 30-40 ёшлардаги аёлларни ҳисобга олмайди. Афсуски, ижтимоий-ҳуқуқий фаол аёл портретини у ҳозирги даврда яшаётган, мустақил Республикамиз

¹ Карап: Ходжаева С.А. Правовая культура и проблемы развития социально-правовой активности женщин Республики Узбекистан (историко-правовое исследование): Автореф. дисс... канд. юрид. наук. Ташкент, 2004. С.19.

манбаатлариға хизмат қилаётган хотин-қызлардан эмас, балки негадир совет даврида яшаган, коммунистик мағкурага хизмат қилған аёллардан қидиради, яратади. Ўтган, айниқса миллий тараққиётга зид даврдан хозирги, замонавий ижтимоий-хуқуқий фаол аёл портретини яратиш нотўғри ёндашишдир. Ўзбекистон мустақил тараққиёт босқичига ўтгач, хотин-қызларимиз онгиди, қизиқишилари ва турмуш тарзида, ижтимоий борлиққа муносабатларида кескин ўзгаришлар рўй берди, буларни ҳисобга олмай ижтимоий фаол аёл портретини яратиб бўлмайди.

Тадқиқотларимиз натижаларидан келиб чиқиб биз замонавий, ижтимоий-сиёсий фаол аёлга хос фазилат ва хислатларни икки гурухга классификациялаш мумкин, деган хulosага келдик. Улар: 1) маънавий-ахлоқий фазилатлар ва 2) лидерлик (етакчилик) хислатларидир.

1. Маънавий-ахлоқий фазилатлар хотин-қызларимизга қадимдан хос бўлган, ижтимоий-тариҳий ва маданий ривожланиш жараёнида шаклланиб, миллий қадриятларимизга айланган, хозир ҳам аёлларимизнинг хатти-ҳаракатлари, турмуш тарзи ва ижтимоий борлиққа муносабатларини белгилаб бераётган кўрсаткичлардир. Эксперт-レスпондентларимизнинг 83 фоизи, қолганレスпондентларимизнинг 91 фоизи замонавий раҳбарга, шу жумладан, аёл раҳбарларга маънавий-ахлоқий фазилатлар хос бўлиши лозим, деб кўрсатишади. Бу шунчаки истак, фикр эмас, унда ҳалқимиз томонидан яртилган, ҳозир ҳам эъзозланадиган, инсондаги гўзал фазилатларни улуғлаш анъанаси ўз ифодасини топган.

Агар Юсуф Ҳожиб ва Форобийдан тортиб то Фитратгача эслайдиган бўлсак, барча мутафаккирларимиз давлат башқаруви билан шуғулланувчи шахсларнинг маънавий-ахлоқий фазилатларига эътибор берганлар. Бу уларнинг субъектив қарашлари ва хоҳишлиарининг ифодаси бўлмай, ҳалқнинг, аҳолининг орзу-тилаклари эди¹.

Хўш, нима учун раҳбарлардаги маънавий-ахлоқий фазилатларга эътибор берилади? Давлат башқаруви тизими энг аввало лидерлик хислатларини талаб этмасмиди?

Шарқона тасаввур ва ҳаёт тарзига кўра, инсондаги барча фазилатлар марказини маънавият, ахлоқ ташкил қиласди. Инсон ни-

¹ Қаранг: Арипов М. К. Социально-утопические идеи в Средней Азии. Ташкент: Фан, 1984. С.12-17.

малар қилмасин, қандай кашфиётларга эришмасин, унинг барча саъй-ҳаракатлари бошқаларга, эл-юрга маънавий-ахлоқий таъсир этгани билан ўлчанади. Ф.Мусаев ёзганидек: “Инсон жамият ҳаётидаги барча муносабатларга муайян маънавий-ахлоқий қадриятлар асосида ёндашади. Имонли, инсофли, ҳалол бўлиш, ҳаромдан ҳазар қилиш, бирорнинг ҳаққига кўз олайтирмаслик, меҳр-мурувватлилк, раҳм-шафқатлилк, оқибатлилк, шарм-ҳаёлилк, дўстлик кабилар маънавий-ахлоқий қадриятлардир. Улар асрлар давомида ҳаёт синовларидан ўтиб, инсоннинг, ҳалқнинг ҳаёт тарзидан, дунёқарашидан, ён-атрофга муносабатларидан жой олган. Ижтимоий-тарихий парадигма, яшаш тарзига айланган маънавий-ахлоқий қадриятлар билан демократик ўзгаришлар бир-биридан йирок, бир-бирига қайишмайдиган нарсалар, бир-бирига ёт воқеликдек туюлади. Аслида ҳар қандай ўзгариш маънавиятимизни, ахлоқимизни бойитиши билан қадрлидир”¹. “Бизда демократия ижтимоий-сиёсий институтларни ўзгартириш ва уларни модернизациялашдангина иборат эмас, у ҳалқимиз ижтимоий ҳаётининг таркибий қисми, жамиятимизда мустақиллик йилларида яратилган маънавий-ахлоқий бойликтининг квинтэссенциясидир. Демократик тараққиётнинг маънавий-ахлоқий қадриятлар билан уйғунлиги ҳалқимизнинг шарқона фазилатлари, шарқона тафаккури ва шарқона турмуш тарзидан келиб чиқади. Шунинг учун шарқона ахлоқ-одоб билан шарқона демократия уйғунлиги миллий тараққиётимизга хос белгидир”².

Агар бизда раҳбар ходимларга, унинг маънавий-ахлоқий фазилатларига алоҳида эътибор берилаётган бўлса, бу энг аввало, ушбу ижтимоий-тарихий парадигма, ҳалқимиз асраб-авайлаб келаётган қадриятлар туфайлидир. Шунинг учун эл-юрг билан ишлайдиган раҳбар унинг асрлар давомида эъзозлаб келаётган маънавий-ахлоқий қадриятларини билиши, ҳурмат қилиши шарт. Мустақиллик йилларида Юртбошимиз бошчилигига раҳбар ходимларнинг янги авлодини шакллантиришга киришилди... Бу, энг аввало уларда янгича, коммунистик мафкурадан холи, миллий ва умуминсоний маънавий-ахлоқий қадриятлар уйғунлигига асосланган фазилатларни шакллантириш билан боғланди. Эски-

¹ М у с а е в Ф. Демократик давлат қуришнинг фалсафий-ҳуқуқий асослари. Тошкент: O'zbekiston, 2007. 234–235-бетлар.

² Ўша асар. 236-бет.

ча қарашларга, тасаввурларга эга кадрлар билан янги жамият куриш амри маҳолдир. Лекин, янги кадрлар осмондан тушмайди, уларни етиштириш учун ҳам мутахассислар, ҳам вақт, йиллар зарур. Мавжуд интеллектуал салоҳиятдан, раҳбарлардан ва давлат бошқарув тизимидан самарали фойдаланиш давр талаби эди. Юртбошимизнинг, янгисини қурмай туриб, эскисини бузма, деган шарқона ҳикмати эҳтиёткорлика, эволюцион ривожланишга асосланган давлатни барпо этиши ғоясига, кадрлар масаласига ҳам таалуқидир. Шу билан бирга, мамлакатимизда тизимли ўзгаришлар, ислоҳотлар амалга оширилди, давлат бошқаруви тизимида янги институтлар, бошқариш технологияси, замонавий усуллар юзага келди. Ушбу позитив ўзгаришлар мудом бир нарса асосида, яъни инсонда маънавий-ахлоқий фазилатларни юксалтириш негизида амалга оширилди.

Президентимиз раҳбар кадрлардан талаб этадиган маънавий-ахлоқий фазилатларни маҳсус ўрганган А.Болиев уларни қўйидагилардан иборат, деб кўрсатади: ташаббускорлик, имон-эътиқодлилик, виждонлилик, инсофилик, руҳан уйғунлик, сиёсий баркамоллик, билимдонлик, ўзини халқقا баҳшида этиш, кўкрагини қалқон қилиш, халқ манфаатлари йўлида камтарлик, талабчанлик, дардга малҳамлик, одамлар кўнглини олиш, она тилига фидойилик, зиёлилик, покизалик, сўз ва иш бирлиги, шахсий фароғатдан воз кечга олиш, ижтимоий начорларни ҳимоя қилиш, оқиллик, қатъиятлилик, жиддийлик, уқувилик, ҳушёрлик, одиллик, қонунийлик, бунёдкорлик, ишбилармонлик, масъулиятлилик, ўз устида доимо ишлаш, ўрганишдан тўхтамаслик, умуминсоний қадриятларга содиқлик, маънавиятга ҳомийлик, ватанпарварлик, талабчанлик, ҳалоллик, одамларнинг кўнглини ола билиш, янгича фикрланц, ислоҳотларнинг моҳиятини яхши билиш, изланувчалик, одамларни рағбатлантириш, руҳини кўтариш, ташаббусни қўллаб-куватлаш, ўз камчиликлари устида ишлаш, ўз қобигига ўралиб қолмасликка ҳаракат қилиш, элим деб, юртим деб, ёниб яшаш, диёнатлилик, изланиш ва интилиш, мардлик, ғайратлилик, хизмат бурчларига садоқатлилик, сезгирлик, зиммасидаги масъулиятни ҳис қила олишлик, фуқаролик масъулияти, огоҳлик, матбуотни мунтазам кузатиб бориш, хорижлик ишбилармонлар билан ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатиш, чет тилларни билиш ва бошқалар¹.

¹ Болиев А. Раҳбар маънавияти. Тошкент: Маънавият, 2002. 11-бет.

Ушбу фазилатларни И.А.Каримов турли мавзулар ва турли вазиятларда билдирган. Агар Президентимиз замонавий раҳбарнинг маънавий фазилатларига нималарни киритардингиз, деган саволга жавоб берганида, юқорида А.Болиев қылганидек, шахсий, ижтимоий, лидерлик-ташкилотчилик фазилатларини аралаштириб юбормай, уларни маълум бир гурухга солиб, ўз қарашини билдирган бўларди.

Маънавий-ахлоқий фазилатлар шахсий ҳодиса сифатида инсоннинг руҳи, онги, тасаввурлари, одоб-ахлоқ нормалари, кишиларга муносабатлари, эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги мулоҳазалари мажмуудир. Улар субъектив воқелиги билан ажралиб туради. Инсон ижтимоий борлиқ билан муносабатларини ушбу субъектив воқелик синтезидан ўтказади. Шубҳасиз, субъектив воқелик ижтимоий ҳаёт, ижтимоий-сиёсий фаол шахсларда эса лидерлик-ташкилотчилик сифатлари таъсирисиз шаклланмайди. Улардан қайси бири олдин шаклланишини ҳеч ким аниқ айтольмайди, чунки субъектив ва объектив ҳодисалар мудом диалектик алоқаларнинг маҳсулидир. Агар шахсдаги эҳтиёткорликни, етти ўлчаб бир кесиши хислатини эътиборга олиб, ундан лидер-ташкилотчи, ижтимоий-сиёсий фаол субъект чиқмайди, деган хуносага борсак, инсон психологиясини, маънавий-руҳий, ижодий потенциалини менсимасликдек хатога йўл қўямиз. Ҳар қандай кишини, агар унинг ақлирасо, мулоқотга киришиш имкони бўлса, лидер-ташкилотчиликка ўргатиш мумкин. Лекин бундай кишидаги маънавий-ахлоқий фазилатлар ижтимоий мухитда қарор топган, кишилар эъзоэлайдиган ва амал қиласидиган ахлоқ-одоб нормаларига мувофиқ келиши зарур.

Маънавий-ахлоқий фазилатларнинг имманент белгилари шундаки, уларни ҳар ким ҳар хил тушунади, улар ҳар кимга ҳар хил таъсири қиласиди. Кимгадир қўл бериб ёки қучоқлашиб кўришиш яхши ахлоқ-одоб бўлиб туюлиши мумкин. Аммо амалиётдан яхши маълумки, раҳбар ходим ҳатто ҳар куни ёнма-ён хонада ўтирадиган, жуда яқин маслакдош ва ёрдамчи бўлиб қолган ходимлари билан ҳам мудом қўл бериб ёки қучоқлашиб кўришавермайди. Бошқариш, раҳбарликнинг ўзига хос этикаси, ахлоқ-одоб нормалари мавжудки, кишилар уларга ҳеч қандай эътироэсиз бўйсунадилар, амал қиласидилар.

Маънавий-ахлоқий фазилатларни ҳеч кимга ёмонлик қилма, бир чаккангга урганга иккинчи чаккангни ҳам тут, қабилида, додматик нормалар тарзида тушунмаслик керак. Давлат ва жамият ишларини, кишиларни бошқаришда ҳаммага бирдек ёқиш мумкин эмас. Бу тилёғламаликни келтириб чиқаради, тилёғмалик эса лидер-ташкилотчиликнинг душманидир. Демак, бошқариш, раҳбарлик, ташкилотчилик ҳар кимнинг фикрига қулоқ солиб, уларнинг кетидан эргашиш эмас, балки тизим олдига кўйилган мақсадга етишга кишиларни даъват этиш, турли йўллар ва воситалар билан уларда мақсадга етишга ишонч ўйғотиш, ҳамжиҳатлик билан изланишга, ишлашга етаклашдир.

Тажриба кўрсатадики, раҳбар фаол, қанча босиқ ва етти ўлчаб бир кесадиган бўлмасин баъзан бефарқлик, кўрслик, ҳатто бағритошлиқ қилиши мумкин. Ўз ҳукмини ўтказишга интилмайдиган раҳбарнинг, ташкилотчининг ўзи йўқ. Тўғри, мазкур услуг демократия талабларига мувофиқ келмайди. Агар раҳбар софидил, меҳрибон, ижтимоий манфаатларни кўзлаб яшаётган, ишлаётган бўлса, кишилар, айниқса қўл остида узоқ йиллардан бери ишлаб келаётган ходимлар унинг бефарқлигини, кўрслигини кечиралилар, бағритошлиқ қилиб кўйганини унугдилар. Гоҳида учраб турадиган маънавий-ахлоқий нормалардан чекиниш кўзланган мақсадга етишга халақит бермаса, кишиларни янада дадилроқ, уюшқоқлик билан ишлашга етакласа ўзини оқлади. Бу қандай бўлса ҳам мақсадга етиш зарур, мақсадга етиш учун барча воситалар аъло, деган тамойил эмас, балки бошқариш фаолиятида гоҳо учраб турадиган ноодатий ҳолдир. Лекин ҳар доим, ҳар бир вазифани топшираётганида ёки қарор, режа қабул қилинаётганида кўрслик қиласиган, фақат ҳукмини ўтказиш билан чекланадиган раҳбарни, ташкилотчини, фаолни кишилар хурмат қилмайдилар, ундан қочадилар.

Эксперт-респондентларимизга “Раҳбар аёлдаги қандай маънавий-ахлоқий фазилатлар Сизга кўпроқ ёқади?” деган савол билан мурожаат этдик. Мақсадимиз фаол аёлнинг маънавий-ахлоқий фазилатларини аниқлаш ва улардан портрет ясашда фойдаланиш эди. Олган жавобларимиз қуйидагича бўлди:

– инсонпарварлик (88 %)¹;

¹ Эксперт-респондентлар бир неча жавобларни билдиришган, шунинг учун фоизлар юздан зиёд.

- меҳрибонлик (87 %);
- ҳалоллик (82 %);
- дилкашлик (64 %);
- дўстлик (61 %);
- одоблилик (47 %);
- камтарлик (42 %);
- беғаразлик (40 %);
- кечиримлилик (39 %);
- содиқлик (37 %);
- инсофилик (36 %);
- ҳамдардлик (34 %).

Кўриниб турибдики, эксперт-респондентлар биринчи ўринга раҳбар-аёлдаги инсонпарварлик (88 %), меҳрибонлик (87 %) ва ҳалоллик (82 %)ни қўядилар. Ушбу уч маънавий-ахлоқий фазилатлар қолган оддий респондентларда ҳам энг юқори кўрсаткичлар беради. Улардан олган жавобларимиз қўйидагича:

- ҳалоллик (91 %);
- инсонпарварлик (90 %);
- беғаразлик (82%);
- меҳрибонлик (73 %);
- инсофилик (70 %);
- одоблилик (61 %);
- дўстлик (57 %);
- дилкашлик (56 %);
- содиқлик (55 %);
- кечиримлилик (42 %);
- ҳамдардлик (28 %);
- камтарлик (21 %).

Тўғри, оддий респондентлар жавобида беғаразлик ҳам (82 %) юқори фоиз олган, аммо у инсонпарварлик, меҳрибонлик ва ҳалолликни энг муҳим фазилатлар сифатида қарашга халақит бермайди. Бизнинг фикримизча, ҳар иккала респондентларнинг 50 фоиздан зиёд олган жавобларини фаол-лидер портретига асос қилиб олиш мумкин. Агар шу ёндашувдан келиб чиқсан, раҳбар-аёлдаги маънавий-ахлоқий фазилатларга

- ҳалоллик;
- инсонпарварлик;
- меҳрибонлик;

- беғаразлик;
- инсофилик;
- дилкашлик;
- одоблилик;
- дўстлик;
- содиқлик кабилар киради, дейишимиз мумкин.

Тўғри, ушбу фазилатлар қолган жавобларни рад этмайди, ўрни келганида, албатта, вазиятлардан келиб чиқиб, камтарлик ва ҳамдардлик етакчи ўринга чиқиши мумкин. Лекин юқоридаги тўққиз фазилат ижтимоий-сиёсий фаол аёлнинг портретини яратишга асос бўла олади.

Илмий-методологик аҳамиятга эга бўлган бир нарсани айтиб ўтишимиз лозим. Юқоридаги маънавий-ахлоқий фазилатлар қишлоқ аёллари орасида бошқача, шаҳар аёлларида ўзгача, талаба хотин-қызлар орасида бошқача, ишчи-хизматчи аёллар ўртасида ўзгача, уй бекалари ўртасида бошқача, тадбиркор хотин-қызлар жавобларида ўзгача кўрсаткичлар бериши мумкин. Бундай ёндашибдан келиб чиқсан, хотин-қызлар қатламларидаги ижтимоий-сиёсий борлиққа муносабатлар динамикасини тадқиқот объекти қилиб олишимизга тўғри келарди. Биз, диққатимизни давлат бошқаруви тиозимида хотин-қызларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини ўрганишга қаратганмиз, бу фаолликка хос бўлган фазилатлар ва хислатларни умумий тарэда белгилаб олиш билан чекланишга унади. Аммо бу келгусида ижтимоий-сиёсий фаол хотин-қызларнинг портретини уларнинг турли қатламлари (талаба хотин-қызлар, ишчи аёллар, шаҳар ва қишлоқ хотин-қызлари, уй бекалари ва тадбиркор аёллар) нуқтаи назаридан ҳам яратиш мумкинligини рад қилмайди, балки унга йўл очиб беради.

2. Ижтимоий-сиёсий фаолият учун лидер-етакчилик, ташкилотчилик бош хислатлардан бири ҳисобланади. Маънавий-ахлоқий фазилатлар қанчалик мухим бўлмасин, лидерликсиз ижтимоий-сиёсий фаолликни тасаввур этиш қийин. Ж.Блондель ҳақ, қаерда гуруҳлар бўлса, шу ерда лидер бўлиши табиийdir, шунинг учун лидерлик инсоният каби қадимий феноменdir¹.

Ижтимоий-сиёсий фаолият, давлат бошқаруви тиозимида иштирок этиш сиёсий аҳамиятга эга хатти-ҳаракатлардир. Бу

¹ Блондель Ж. Политическое лидерство // Психология и психоанализ власти. Т.1. Самара: Изд. Дом "Бахрах", 1999. С.395.

соҳадаги лидерликни бошқариш психологиясида назарда тутиладиган "сиёсий лидерлик" деб аташ мумкин¹. Бироқ, мазкур сиёсий лидерлик турли поғоналарда, яъни давлатлар, миллатлар, халқлар, партиялар, гурухлар поғоналарида намоён бўлади. Биз бу ўринда давлатимиз (Хотин-қизлар қўмитаси ва унинг бўлимлари), халқимиз ва миллатимиз (Олий Мажлис, сиёсий партиялар), гурухлар (нодавлат ташкилотлари, ўзини ўзи бошқариш органлари) поғонасига тааллуқли сиёсий лидерлик ҳақида сўз юритамиз.

"Лидерлик, – деб ёзади Ж.Блондель, – бу ҳокимиятдир, чунки у "ҳокимият тепасида турган" бир ёки бир неча кишининг бошқалар қилишни хоҳламаган ёки умуман қилмайдиган ишни бажаришга мажбур этиш қобилиятидир"². Тўғри, тадқиқотчи бу таърифида сиёсий ҳокимиятга эга бўлган, мажбурлов механизмидан фойдаланиш ҳуқуқига эга давлат хизматчисини назарда тулади. Бизнинг ижтимоий-сиёсий фаол аёлнимизда эса бундай ҳуқуқ йўқ, унда битта бошқариш ҳуқуқи (тўғрироғи, ижтимоий-психологик таъсир усули) мавжуд, у ҳам бўлса, сўзи ёки ибратли хатти-ҳаракатлари орқали тизим олдига қўйилган мақсадга кишиларни даъват этиш, ишонтириш, етаклашдир. Унинг асосий қуроли сўз, даъват ва ибратли хатти-ҳаракатидир. Шу маънода сиёсий лидер-аёлнинг вазифаси давлат бошқаруви тизимида фаолиятини такомиллаштиришда, қўйилган мақсадга кам маблағ, куч ва вақт сарфлаб, самарали йўллар билан эришишда ёрдам беришдир.

Лидерлик билан фаоллик ўртасида фарқ мавжуд. Ҳамма фаол аёлларда лидерлик хислатлари кузатилавермайди. Масалан, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ўз атрофига 35 минг хотин-қизларни бирлаштирган. Вилоят, туман ва шаҳарлардаги фаоллари орқали у мазкур 35 минг хотин-қизларни у ёки бу ишларга етаклайди. Сиртдан қараганда, бизга фаоллик лидерлик бўлиб кўринади, аммо лидерлик алоҳида психологик феномен, кишиларга етакчилик қилиш хислати эканини англаған заҳоти фаоллик билан лидерлик айнан воқеликлар эмаслигига ишонч ҳосил қиласиз. Фаоллик у ёки бу вазифани бажариш жараёнида ташаббус кўрсатиш, қисқа муддат ичida бошқаларни қўллаб-кувватлаш шаклида келиши мумкин. Ҳатто, фаоллик у ёки бу тадбирда кузатувчи, бефарқ томошабин тарзида қатнашишда ҳам учраши

¹ Ўша жойда.

² Ўша асар. 397-бет.

мумкин, чунки тадбирга умуман келмаган фуқарога кўра унда қатнашаётган, у оддий кузатувчи, томошабин бўлса-да, фаол шахсdir. Лидерлик эса инсоннинг ижтимоий-психологик хислати сифатида, уни мудом кишилар даврасига етакловчи қобилиятdir; у инсоннинг бутун онги, қарашлари, турмуш тарзи, ижтимоий борлиғига сингган алоҳида қобилиятdir. Фаоллик индивидуал тарзда, кўринишда бўлиши мумкин, лидерлик эса фақат кишилар билан, кишилар даврасидагина кечади. Сукрот айтганидек: "Ким кишиларни бошқаролса, у шахсий ва ижтимоий ишларни олиб бора олади, ким шундай хислатга эга бўлмаса, унда ҳам, бунда ҳам хатолар қиласди"¹. Дж. Адаирнинг фикрига кўра, айнан Сукрот лидерлик хислатларини белгилаб берган, яъни кишилар даврасида бўлишни, уларни етаклашни, бирлаштиришни истайдиган, ўзида шу қобилиятнинг борлигини билган киши лидерлик қилмай туролмайди. Демак, кишиларни бирлаштириши ва шу вазиятда нима қилиши лозимлигини билиш лидернинг бош хислатидир².

Лидерлик хислати вазият юзага келтирган ёки тизим шакллантирган мақсадга мувофиқdir. Вазиятлар ранг-барангdir, бетакрордир. Уларни тўғри англаш ва тўғри қарорлар қабул қилиш лидердан билим, тажриба ва масъулиятни талаб этади. Ушбу учта хислат мақсад ва вазият юзага келтирган муаммоларни тўғри ҳал этишда етакчи фазилатларга айланади. Тизим мақсадини юқори идора, юқори раҳбар белгилаб беради, куйи поғонадаги лидер ушбу мақсадни ўз поғонасига, гуруҳига мослаштиради. Юқори поғонадаги раҳбар ҳар доим ҳам лидер бўлавемайди, лидер бўлиши шарт эмас, аммо у қуйи поғоналарда лидер ишлшини таъминлайдиган қарорлар қабул қилиши зарур³. Кишилар билан бевосита ишлайдиган ўрта ёки қуйи поғона лидерларсиз мақсадга зришмайди, вазифани бажаролмайди. Демак, лидерлик бошқарув тизимида турлича намоён бўлади, бошқаришнинг барча поғоналарида лидер бўлиши шарт ҳам эмас. Шу нуқтаи назардан лидерлар "яратувчи лидер", "қайта қурувчи лидер", "ишчи лидер", "хизматкор лидер", "етакловчи лидер", "даъваткор лидер", "ғоявий лидер", "сиёсий лидер", "ахлоқий лидер", "мехнаткаш ли-

¹ А д а и р Дж. Психология власти. Концепция непререкаемого лидерства. М.: ЭКСМО, 2004. С.29.

² Ўша асар. 23-бет.

³ Ўша асар. 38-40-бетлар.

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИДА ХОТИН-ҚИЗЛарНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ

дер”, “ташвиқотчи лидер” каби күренишларга ажратилиши мумкин. Шу тариқа ҳар бир соҳада, фаолият турида ўзининг лидерлари бўлиши табиий ҳолдир.

Сиёсий лидер ёки ижтимоий-сиёсий фаол, аёл-лидер тўғрисида гап кетар экан, ундаги шахсий ташаббус, хислатлар ижтимоий муҳит талабларига, манфаатларига мувофиқ келиши шарт. “Муҳит,- деб ёзди Ж.Блондель, – сиёсий ташаббус учун “субстанция”, “хомашё”, ҳамда “каркас”дир. Муҳит лидерлар ўйнайдиган ва ўйнаши лозим бўлган шахмат доскасидир”¹. Ҳа, лидерлар қандай вазифани, қандай воситалар, усувлар ёрдамида ва кимлар билан бажарилишини таъминлайдиган макон, у ижтимоий муҳитдир. Ижтимоий муҳит шахсни етакчи, раҳбар, қаҳрамон даражасига кўтариши мумкин.

Гоҳо эркак-лидерда муҳитдаги стереотипларни ўзгартиришга (“қайта курувчи лидер” ёки “яратувчи лидер”) интилиш кўзга ташланади. Шунинг учун ҳам жамиятдаги туб ислоҳотларни амалга оширган, ҳалқ, миллат тарихий-маданий парадигмасини, дунё, ҳаёт, жамият ҳақидаги тасаввурларни, стереотипларни ўзгартирган лидерлар асосан эркаклар бўлиб келади. Аёл-лидерларда ижтимоий муҳитга қулоқ тутиш, анъаналарга риоя этиш, қишилар ҳаётини кескин ўзгартирмасдан бошқариш хислатлари кўзга ташланади. Бу шарқона ахлоқ-одоб, бошқариш таъсиридир.

Ғарб фалсафаси ва социологиясида М. Вебернинг “анъанавийлик тарафдори лидери”, “хариэмматик лидер”, “рационал-легал фаолият олиб борувчи лидер” классификацияси кенг тарқалган² бўлса-да, у ҳар бир жамиядта, ҳатто у ёки бу муаммони ҳал этишда, ижтимоий муҳит шакллантирган стреотиплар таъсирида ўзига хос тарзда намоён бўлади. Унда консерватив қарашли лидердан тортиб революцион ўзгаришлар тарафдори бўлган лидерларгача учрайди³. Шунинг учун сиёсий лидернинг портретини у яшаётган, ишлаётган, ижтимоий-сиёсий фаолият олиб бораётган муҳитнинг фикридан келиб чиқиб яратиш лозим.

¹ Блондель Ж. Политическое лидерство // Психология и психоанализ власти. Т.1. Самара: Изд. Дом “Бахрах”, 1999. С.420.

² Каранг: Психология и психоанализ власти. Т.1. Самара: Изд. Дом “Бахрах”, 1999. С.515-516.

³ Ўша асар. 517-521-бетлар.

Эксперт-респондентларимизга берилган "Замонавий лидер (етакчи) аёлларда қандай хислатларни кўришни истайсиз?" деган саволга қўйидаги жавобларни олдик¹:

- ўзига ишонч (88 %);
- кишиларни уюштира билиш (82 %);
- адолатли қарорлар қабул қилиш (80 %);
- ишчанлик (71 %);
- фидойилик (61 %);
- халқ, Ватан манфаатларига хизмат қилиш (59 %);
- муомалали бўлиш (52 %);
- қонунларга, тартибга бўйсуниш (51 %);
- жамоага таяниш (50 %);
- ноодатий қарор қабул қилиш, услугуб қўллаш (31 %);
- тинмай янгиликка интилиш (20 %);
- ходимларни рағбатлантириб бориш (18 %).

Агар юқорида кўллаган ёндашувимиздан, яъни жавобларнинг 50%дан юқорисини лидерлик сифатларига киритишдан келиб чиқсан, экспер特-респондентлар, сиёсий лидер-аёлда энг аввало:

- ўзига ишонч;
- кишиларни уюштира билиш;
- адолатли қарорлар қабул қилиш;
- ишчанлик;
- фидойилик;
- халқ, Ватан манфаатларига хизмат қилиш;
- муомалали бўлиш;
- қонунларга, тартибга бўйсуниш;
- жамоага таяниш хислатлари бўлиши керак, деб ҳисоблашини кўрамиз.

Мазкур хислатлар илмий адабиётларда у ёки бу тарзда зътироф этилади. Масалан, Дж.Адаир лидернинг шубҳасиз хислатларига ташаббус (бизда ишчанлик), софдиллик (бизда адолат та-мойилларига амал қилиш), кўзланган мақсадгага етишга бор кучини, қувватини сарфлаш (бизда фидойилик, халқ, Ватан манфаатларига хизмат қилиш), қатъиятлилик (ўзига ишонч, қонунларга ва тартибларга бўйсуниш) хислатларини киритади². Эксперт-респондентларнинг қолган жавоблари, кўрсатган хислатла-

¹ Респондентлар бир неча жавоблар тагига чизишган, шунинг учун улар 100% дан ошиқ.

² А да и р Дж. Психология власти // Концепция непререкаемого лидерства. М.: ЭКСМО, 2004. С.25.

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИҢ ИЖТИМОЙ-СИЕСИЙ ФАОЛИЯТИ
ри ижтимоий мұхит күрсатған таъсир ва үз тажрибаларининг
маҳсулидир.

Оддий респондентларнинг жавоблари эса қуйидагича тақсим-
ланди:

- адолатли қарорлар қабул қилиш (92 %);
- жамоага таяниш (89 %);
- муомалали бўлиш (86 %);
- ўзига ишонч (81 %);
- кишиларни уюштира билиш (73 %);
- ишчанлик (71 %);
- ҳалқ, Ватан манфаатларига хизмат қилиш (62 %);
- фидойилик (60 %);
- ходимларни рағбатлантириб бориш (54 %);
- қонунларга, тартибларга бўйсуниш (50 %);
- тинмай янгиликка интилиш (41 %);
- ноодатий қарорлар қабул қилиш, услугуб қўллаш (21 %).

Кўриниб турибдики, эксперт-респондентлар билан оддий рес-
пондентлар жавоблари (50 % дан юқори жавоблари) умуман,
яқин бўлса-да, улар олган фоизлари ва эгаллаган ўрнига нисбатан
ҳар хилдир. Кейинги гурӯҳ респондентлари аёл-лидерда кўпроқ
адолатли қарорлар қабул қилиш, жамоага таяниб иш олиб бо-
риш, муомалали бўлиш каби хислатларни кўришни истайдилар,
эксперт-респондентлар эса диққатини асосан бошқарувга, таш-
килотчиликка, ишчанликка қаратадилар. Улар лидерлик фаоли-
ятини бирлаштиришга, уюштиришга ва бошқаришга қаратилган
фаолият тури эканини тўғри англайдилар.

Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиесий фаоллигини ва сиесий
лидерлик хислатларини ошириш масалалари бўйича нималар
қилиш зарурлигини аниқлаш мақсадида ҳам респондентларга
маҳсус саволлар билан мурожаат этдик. Ушбу саволлар ўтказган
тадқиқотимиз натижаларини янада аниқлаштириши лозим эди.

“Хотин-қизларда лидерлик хислатларини ошириш учун нима-
лар қилиш зарур, деб ҳисоблайсиз?” деган саволимизга эксперт-
респондентларнинг жавоблари қуйидагича тақсимланди:

- оиласда сиесий тарбияни йўлга кўйиш (79 %);
- хотин-қизларга бўлган стереотипларни ўзгартериш (76 %);
- аёл-лидер тайёрлайдиган курслар, мактаблар, ўкув юртлари
очиш (71 %);

- ижтимоий-сиёсий ҳаётга хотин-қызларни кенгроқ жалб этиш (63 %);
- сиёсий партияларда хотин-қызлар иштирокини, ролини ошириш (61%);
- хотин-қызлар қўмиталарига депутатликка номзодлар кўрсатиш хукукини бериш (59 %);
- хотин-қызлар нодавлат ташкилотларини ривожлантиришга оид қонунлар, меъёрий ҳужжатлар, дастурлар қабул қилиш (57 %);
- олий ўқув юртларида талабалар сонининг камидаги 50 фоизини хотин-қызлар ташкил этишига эришиш (52 %);
- давлат бошқаруви тизимларига раҳбарлик қилаётган аёлларни 30 фоизга этишини таъминлаш (51 %);
- Олий қавиллик органидаги депутатлар сонини 30 фоизга етказиш (50 %);
- Президент сайловида хотин-қызлардан номзодлар кўрсатишни анъянага айлантириш (41 %);
- Халқаро хотин-қызлар ҳаракати билан алоқаларни ва тажриба алмашибни кенгайтириш (13 %).

Эксперт-レスпондентлар оиласда сиёсий тарбияга алоҳида эътибор бериш даркор, деб биладилар. Улар шахсадаги асосий хислатлар оиласда, ёшлигига шаклланишидан яхши хабардорлар. Минг афсуски, бу борадаги бирор эътиборли тажриба ўрганилмаган, илмий адабиётларда эса ҳеч қандай фикр учрамайди. Ижтимоий-сиёсий маданиятни шакллантириш ҳақида кўплаб китоблар, рисолалар чоп этилган, аммо уларда оиласнинг ўрни масалалари четлаб ўтилади. Оиласларда сен юқори лавозимни згаллайсан, “сен президент бўласан”, “сен вазир бўласан” деган гап-сўзлар асосан ўғил болага нисбатан айтилади. Қизларга эса уй-рўзбор ишлари топширилади, биронни уйига борасан, эринг, қайнотанг ва қайнонангни айтганларини қил, деб панд-насиҳат қилинади. Бундай ёндашув, тарбия ёшларда стереотипларни шакллантирадики, улар то умрининг охиригача улардан халос бўйлумай, ўзгараётган давр, замон талабларига мувофиқ келадиган хислатларни ўзида шакллантиrolмай юрадилар.

Сиёсий партия фарзандларга, сен бу лавозимни згаллашинг керак, сен бундай вазифаларни бажаришинг керак, деган йўл-йўлакай айтилган фикрлардан иборат эмас. Сиёсий тарбия ижтимоий-сиёсий тараққиёт қонунларини, жамият ва давлат ишла-

рини бошқаришнинг имманент хусусиятларини, кишилар билан ишлаш сирларини, психология ва технологиясини яхши билишни тақозо қилади. Жамият, кишиларда позитив кайфиятни, рационал-оптимистик қарашларни уйғотиш ва шу асосида уларни бирлаштириш, ўз ортидан етаклаш сирларидан хабардор кишигина сиёсий тарбияни керакли савияда амалга оширади. Шундай тажриба ва билимларга эга ота-оналарда эса оиласида сиёсий тарбия билан шуғулланишга вақт бўлмайди. Демак, оиласидаги сиёсий тарбияни махсус тажрибага, билимга эга шахслар ёки бу вазифани махсус ташкил этиладиган курслар, мактаблар, билим юртлари олиб бориши лозим.

Эксперт-респондентлар мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш борасида амалга оширилаётган, кўрилаётган чора-тадбирлардан яхши хабардор эканликларини кўрсатадилар. Шу билан улар хотин-қизларни ижтимоий-сиёсий ҳаётга жалб этиш (63 %)ни кенгайтириш, айниқса сиёсий партиялар имкониятидан самарали фойдаланиш (61 %) зарур, деб биладилар. Улар хотин-қизлар қўмиталарига халқ депутатларига номзодлар кўрсатиш хукуқини бериш даркор (59 %), деган ғояни кўллаб-куватлайдилар.

Хотин-қизларнинг ННТ ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим роль ўйнаётганини (эксперт-респондентлар ичida уларни бошқараётган ёки масъул вазифаларни бажараётган аёллар 17 % ни ташкил этади) эксперт-респондентлар яхши биладилар. Шу билан бирга, улар мазкур ташкилотлар сони ҳали кўп эмаслигини, бу борада махсус қонунлар, дастурлар қабул қилиш лозимлигини кўрсатадилар. Ҳақиқатан ҳам ННТ хотин-қизларда лидерлик хислатларини ривожлантиришга ёрдам берадиган институтлардир. Айниқса, улар фаолиятининг мустақиллиги, очиқлиги, кенг аёллар қатламига, жамоатчиликка таяниши хотин-қизларга манзурдир. Маҳаллий давлат бошқаруви тизимлари кўллаб-куватлаётган ҳудудларда уларнинг обрўси юқори, фаоллиги ранг-барангдир.

Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, давлат бошқаруви тизимида самарали фаолият кўрсатиши, лидерлик хислатларини шакллантириши улардаги билимга, маълумотга бевосита боғлиқдир. Ижтимоий-сиёсий фаол аёлларнинг 90 фоиздан зиёди олий маълумотлидир. Ушбу омил уларнинг жавобла-

4-БОБ. Давлат бошқаруви тизимида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги

рида акс этиши табиий ҳол эди, албатта. Шунинг учун ҳам улар аёл-лидерга олий маълумот зарур, деб биладилар, олий ўқув юртларида хотин-қизлар сони 50 фоиздан кам бўлмаслиги тарафдорлари (52 %)дир.

Давлат бошқаруви тизимлари раҳбариятида ва Олий Мажлисда хотин-қизлар сонини 30 фоизга етказиш муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга воқеликдир. Ҳалқаро ташкилотлар миллий парламентларга кўрсатиладиган номзодларнинг 30 фоизи хотин-қизлардан иборат бўлишини тавсия этадилар. Кейинги йилларда Республикаизда ўтказилган сайловларда бу кўрсаткичга эришилди, ҳатто фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови (2011 йил декабрь) да хотин-қизлар номзоди 37 фоизга етди. Аммо раҳбарият тизимида, вакиллик органлари фаолиятида хотин-қизлар иштирокини янада ошириш эҳтиёжи мавжуд.

Сиёсий лидерлик ижтимоий-сиёсий тажрибани талаб этадиган фаолият туридир, уни фақат китобларни ўқиб, маъruzалар тинглаб шакллантириш қийин. Тажриба кўрсатадики, кишиларни лидерлик қилиш усууларини билмайдиган ёки қилишни истамайдиган ишни қилишга кўндириш, ундаш, эришиш санъатдир. Профессионал раҳбарда кишиларни мажбурлаш имкони мавжуд, ижтимоий-сиёсий фаоллик кўрсатаётган аёл-лидерда бундай имконият йўқ, у кипиларни ундаши, кўндириши орқали кўзланган мақсадига эришади. У том маънодаги демократик бошқариш вакилидир, ўз фаолияти билан давлат бошқаруви тизимига демократик қадриятларни олиб киради, уларнинг қарор топишига хизмат қиласиди.

Х У Л О С А

Демократик тараққиёттинг имманент хусусиятлари ва талабларидан бири – давлат бошқаруви тизимини очиқ қилиш, ҳар бир фуқаронинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда ўз билими, тажрибаси ва интилишларига мувофиқ бевосита ёки билвосита қатнашишини таъминлаштириш. Бу, биринчидан, давлат бошқаруви тизимининг фаолиятини оптималлаштириш, самардорлиги, кенг қамровилигини таъминлаш, иккинчидан, шахсга, ҳар бир фуқарога ўзининг ижтимоий-сиёсий ҳукуқларини, билим ва тажрибалирни амалда рўёбга чиқариш учун зарурдир. Агар демократия шунчаки шиор, даъват бўйласа, у инсоният интилиб келган жамият ва давлат ишларини бошқариш усули бўлса, социумнинг ҳар бир аъзоси ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг ҳукуқий субъекти эканини ҳис қилиши ва уларда фаол қатнашиши лозим. Энди демократия қитъалар, давлатлар устидан учиб юрган “бир шарпа” эмас, у миллий ва глобал тараққиёттинг кафолатига айланган; ҳалқлар, давлат ўз муваффақиятларини демократик тамойилларнинг қарор топаётгани, барча соҳаларда, оиласиди муносабатларда, бошқариш фаолиятида тенг ҳукуқлилик, эркинлик, қонун устуворлигининг таъминланаётгани билан ўлчамоқдалар. Айтиш мумкинки, демократия бугун глобал қадриятга айланган, инсоният ўз тараққиётини демократияда кўрмоқда.

Ўзбекистонда танланган миллий демократик тараққиёт бугун жамият аъзоларини, барча фуқароларни, аҳоли қатламларини ҳаракатга келтирди, энди ижтимоий ҳаётни кишиларнинг фаоллигисиз тасаввур этиб бўлмайди. Хотин-қизларимизни давлат ва жамият ишларини бошқаришга кенг жалб этиш ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга воқелик экани ҳеч кимда эътироуз уйғотмайди, у давлатимиз сиёсатига айланган.

Мустақиллик йилларида хотин-қизларни давлат бошқаруви тизимида фаол иштирок этишини таъминлайдиган сиёсий-ҳукуқий база яратилди, нодавлат ташкилотлари кўллаб-куvvatланди, хотин-қизлар сиёсий партиялар, вакиллик органлари ва давлат ҳокимияти тармоқларида фаолият олиб бормоқда, бу борада маҳсус дастурлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга тадбиқ этилди. Бу ўринда Олий Мажлис томонидан аёллар, оиласидар ва болалар ҳукуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қатор қонунларни

ёки қонунларга кириштеги ўзгаришларни, Республика мис Президентининг Хотин-қизлар қўмитасини кўллаб-кувватлаш чора-тадбирларига оид қатор Фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида хотин-қизлар масалалари бўйича концепция” (1995 йил 16 ноябрь) сини эслаш мумкин. Шу билан бирга хотин-қизларни давлат бошқаруви тизимидағи фаоллигини ошириш борасида қатор муаммолар борлиги аниқланди. Шу нуқтаи назардан тадқиқотимиз натижалари бизни қўйидаги хулосаларга олиб келади.

Биринчидан, давлат бошқаруви мураккаб, кенг қамровли, гоҳо ички зиддиятларга, муаммоларга тўла фаолият туридир. Унда субъект ва объект муносабатлари гоҳ уйғун келади, гоҳо бир-бира ни рад этиб, зиддиятларни келтириб чиқаради. Барча ижтимоий воқеликлар каби давлат бошқаруви ҳам рационал-оптимистик аҳамиятга эга фаолият тури сифатида кишиларнинг, социумнинг борлиғига, онги ва турмуш тарзига таъсир этади. Давлат, давлат бошқаруви тизимлари кишилар, социум ҳётининг, хатти-харакатларининг оддий қузатувчиси эмас, улар киппилар, социум фаолиятини стратегик мақсадларига мувофиқ йўналтиришга, ташкил этиш ва бошқаришга муҳтоҷдир.

Мазкур функцияларини унутган ёки керакли дараражада бажарол-майдиган давлат деструктив кучлар таъсирига тушиб қолади, жамиятда хаоснинг келиб чиқишига сабабчи бўлади. Давлат бошқаруви тизими шунинг учун ҳам рационал-оптимистик фаолият олиб бориши керакки, у нафақат социумда тинчликни, тартибни, қонунларга итоат этишини таъминлаши, худди шунингдек, социум аъзоларини, фуқароларни давлат бошқарувига жалб қилиш орқали улардаги ижодий кучни, салоҳиятни, имкониятларни тўла рўёбга чиқариши лозим. Пировард натижада давлат бошқаруви тизими социум, жамият, кишилар манбаатларига хизмат қилишни ўзининг мақсадига айлантириши, ўз фаолиятини самарали ташкил қилишни ўрганиши ва демократик қадриятларни қарор топтириши керак.

Тўғри, давлат бошқаруви тизими, энг аввало, субординация та-мойилига мувофиқ ишлайди, иерархик муносабатлар унинг хатти-харакатларини, жамоатчилик билан алоқаларини, ёнидаги фаолларни бошқариш тактикасини белгилаб беради. Аммо ушбу тактика давлатнинг Асосий Қонунида белгиланган стратегик мақсадига зид келмаслиги зарур. Бироқ амалиётда ҳар доим ҳам бундай бўлавермайди, натижада давлат бошқаруви тизими билан жамоатчи, фаоллар ўртасида бир-бира ни ёқтирасмаслик, тушунмаслик, ҳатто бир-биридан қочиш ҳолатлари юзага келади. Тажриба кўрсатадики, жамоатчилик, фаоллар давлат бошқарув тизимини ўзининг муаммолари билан безовта

қиласы, унинг вақтини, кучини олади. Вақт эса бошқарув фоалияты билан банд шахс, хизматчи учун мудом танқис ва камдир. Ушбу муаммони тұла-түкис ҳал этган бошқарув тизими деярли учрамайды, лекин бундан, давлат бошқаруви билан демократик ҳаракат үртасида мувозанат, келишиш, иттифоқ бўлмас экан-да, деган холоса келиб чиқмайды. Кўпинча мақур муаммо ёрдамчиларга, кенгроқ фаоллар иштирокига таяниш, уларни ҳамкорликка чорлаш орқали ҳал этилади. Демократик бошқаришнинг моҳияти ва муваффақияти ҳам шундадир.

Иккинчидан, демократия субъект ва объект муносабатларини тенг ҳуқуқлилик асосида бўлишини, эски маъмурий-буйруқбозлик бошқариш усулидан воз кечиб, ижтимоий-сиёсий жараёнлар акторларининг манфаатларини рационал-оптимистик мақсадга мувофиқ уйғунлаشتаришни, шу асосда ижодий ҳамкорликни, мусобақани, тараққиётни таъминлашни тақозо этади. Демократия бошқариш усули, аммо реал ҳаёт, ижтимоий-сиёсий жараёнлар, акторларнинг хатти-ҳаракатлари, қизиқишлари эса ундан кенг, ранг-барангдир. Ушбу кенг, ранг-баранг ижтимоий воқеликни демократик бошқариш усулига сиёдириш ёки кейингисини биринчисига тадбиқ этиш осон эмас, у бутунлай янгича тафаккурни, янгича дунёқарашни ва янгича ишлашни талаб қиласы. Демократияни амалиётга, бошқариш тизимига тадбиқ этган заҳоти субъект-объект манфаатларининг ранг-баранглигига, гоҳо зиддиятли воқеликлар эканига дуч келамиз. Тадқиқотимизда келтирилган мисоллар, хотин-қизларнинг, рееспондентларнинг фикрлари, экспресс савол-жавоблар натижалари кўрсатадики, аёллар масаласининг жиiddий муаммо сифатида сақланиб қолаётгани ҳам жамиятда, бошқарув тизимида ҳали янгича тафаккур, янгича дунёқараш ва янгича ишлаш тажрибасининг етарли эмаслигидадир. Хотин-қизларга гўззалик тимсоли, уй бекаси, ёрдамчи, деб қараш ўрнига аёл эркак билан тенг ҳуқуқли, ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг фаол субъекти, ташкilotчи, деган янгича ёндашувни шакллантириш даркор. Ҳа, аёлни улуғлаш - ҳаётни улуғлаш, аёл шаънига битилган куй, қўшиқ ҳаёт шаънига битилган куй, қўшиқдир. Аёлда табиат яратган барча гўзаллик, бокиравлик, сир мужассам. Фарзанд туғиши, уни юришга, гапиришга, фикрлашга ўргатиш ижтимоий меҳнатдан кам бўлмаган сабр-тоқатни, азиятни, фидойиликни талаб этади. Ушбу сермашақват вазифани аёл бажаради, бажариб келмоқда. Ҳа, аёлдаги ушбу фазилатларни инкор қилолмаймиз, улар туфайли инсоният, миллат, ҳалқ мавжуд. Аммо хотин-қизларда, барча онгли, тафаккурли инсонлар каби, ижтимоий-сиёсий ҳаётда қатнашиш, жамият ва давлат ишларини бошқаришга ўз хиссасини қўшиш, лидерлик-етакчиликнинг машаққати ва завқини

тотиб кўриш истаги ҳам мавжуддир. Ҳамма аёллар ҳам оила доирасидаги муносабатларда қатнашиш билан чекланиб қолавермайди, бугун хотин-қизларимиз миллий демократик тараққиётнинг фаол иштирокчилари, ташкилотчилари, ҳақиқий субъектлари бўлгиси келади, бу уларнинг конституцион ҳуқуқлари ҳамдир.

Учинчидан, ижтимоий-сиёсий фаолиятга, давлат ва жамият ишларини бошқаришга кишиларни, айниқса хотин-қизларни мажбурулаб ўргатиб бўлмайди. Ижтимоий-сиёсий фаоллик мөқияттан ихтиёрий фаолият туридир. Ундан шахс бирор манфаат, фойда орттиришни кутмайди, балки ўз кучи, билими ва тажрибасини турар жойи, меҳнат жамоаси ёки юритидаги муаммоларни тезроқ, самарали ҳал этишга сарфлашни истайди. Беғаразлик ижтимоий-сиёсий фаолликнинг негизидир. Айнан ушбу белгилари билан у давлат хизматчиси, профессионал бошқарувчи фаолиятидан фарқ қиласди. Фаолликнинг ихтиёрийлик хусусияти ҳаммани, дуч келган хотин-қизни ижтимоий-сиёсий ҳаёт субъектига, сиёсий лидерга айлантиравермайди.

Бундан ташқари, ижтимоий-сиёсий фаолият, давлат ишларини бошқариш маълум бир профессионал билимга, кишилар билан ишлаш тажрибасига, ташкилотчилик санъатига асосланади. Бошқариш мудом янги-янги воситалар ва усулларни, мулоқотнинг ранг-баранг технологиясини қўллашни тақозо этади. Бошқариш шунинг учун ҳам санъатки, у мудом бетакрор вазиятни шакллантиради, субъект (объект)ни мудом бетакрор муаммоларни ҳал этишга ундейди. Бетакрорлик, узлуксизлик, кенг қамровлилик ва зиддиятлилик бошқаришнинг атрибутларидир. Бундай мураккаб вазифани дуч келган киши, айниқса бўш вақтидагина ижтимоий-сиёсий фаолият билан шуғулланувчи шахс бажаролмайди. Демак, давлат бошқарувчи тизимининг самарали ишлаши субъект (давлат хизматчиси, профессионал бошқарувчи, масъул ходим) билан объект (фаол шахс, ижтимоий-сиёсий фаол аёл, жамоатчи) ўртасидаги конструктив мулоқотга, уларнинг ижодий ҳамкорлигига ва бирбирини қўллаб-қувватлашига боғлиқдир. Субъектнинг профессионал билими, тажрибаси билан фаолларнинг ташаббуси, қобилиятини рўёбга чиқариш истаги уйғунлашуви лозим.

Субъект билан объект ўртасидаги мулоқот, ҳамкорлик марказлашган бошқарувга, иерархик муносабатларнинг мавжудлигига, субординациянинг сақланишига халақит бермайди. Давлат марказлашган бошқарувга қурилган, давлатнинг кучи ушбу бошқарувни йўлга кўйгани ва ундан самарали фойдаланганидадир. Профессионал ходим, давлат хизматчиси давлатнинг марказлашган бошқарувига итоат қилувчи, унинг кўрсатмаларини ижро этувчи масъул шахсадир. Унинг фаоллар,

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ

жамоатчилар билан муносабатлари ҳам марказлашган бошқарувнинг мақсадларида, кўрсатмаларида, йўл-йўриклиарида мувофиқ кечади. Лекин бу жараён фаолларнинг демократик ҳукуқларини рад этмайди. Давлат бошқаруви тизимида энг қийин вазифа ҳам шу нуктададир.

Тўртингичидан, Ўзбекистонда феминизм, гендер тенглик масалалари ижтимоий-фалсафий, социологик, юридик, тарихий-мадданий, медицина, биологик, педагогик тадқиқотларга мавзу бўлиб келаётган бўлса-да, уларда жамиятда қарор топган стереотипларга эргашиб устун туради, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий муаммолари четлаб ўтилади ёки улар умумий иборалар билангина талқин этилади, тилга олинади, холос. Мавжуд стереотиплар аёлга:

- уй бекаси;
- фарзанд туғиш ва уни тарбиялаш;
- оиласи, уй-рўзгорни юргизиш;
- эри учун зарур қулайликларни яратиш;
- камтар, юнош, садоқатли, ҳаёли, серфарзанд бўлиш;
- анъаналар, урф-одатларни сақлаш;
- эрига итоаткор, хизматкор на ёрдамчи бўлиш каби назифаларни юклайди. Улар, яъни стереотиплар, Куръони каримдаги “Эркаклар хотинлар устидан раҳбардирлар”¹, деган фикрни асос қилиб келтиришади. Лекин улар Куръони каримдаги “Эрнинг хотинига нисбатан қандай ҳукуқи бўлса, хотиннинг ҳам эрга нисбатан шундай ҳаққи бор”², деган сурани негадир эслашмайди. Бошқа бир ижтимоий мухит ва бошқа бир даврда билдирилган фикрни асос қилиб келтириш ҳозирги даврнинг хусусиятларини ҳам, тараққиёт талабларини ҳам тушунмаслиқидир.

Тўғри, асрлар давомида шаклланган ва яшаб келган стереотиплардан батамом халос бўлиш, шу заҳотиёқ воз кечиш осон эмас, лекин демократик тараққиётни янгича тафаккурсиз, янгича турмуш тарзи ва янгича ишлашсиз таъминлаб бўлмайди. Бугун хотин-қизлар дуч келаётган тўсиқлар айнан ушбу стереотиплардадир. Бу борадаги тақлифларимиз қўйидагилардан иборат:

1. Стереотиплар тарихий-мадданий тажрибалар, анъаналар, менталиитетдан жой олгани учун, улардан шу заҳотиёқ воз кечиб бўлмаслигини яхши англаш зарур. Агар биз уларни кишилар онгидан, турмуш тарзидан дарров кувиш йўлидан борсак, куч ишлатишга, ғайридемократик таъсир воситаларини қўллашга мажбур бўламиз. Советларнинг динга қарши кураши, муносабати қандай оқибатларга, репрессив усусларни қўллашга олиб келганини унутмаслигимиз даркор.

¹ Куръони карим. Тошкент: Чўлпон, 1992. 33-бет.

² Ўша жойда.

2. Стереотиплар ўрнига янгича тафаккурни, янгича турмуш тарзини ва янгича ишлашни шакллантириш мақсадга мувофиқдир. Бозор муносабатлари негизидаги эркинлик, янгича ишлаш, яшаш иштиёқи, рақобат, ижодий мусобақа, кишилар манфаатларига ва эҳтиёжларига хизмат қилиш уларни шакллантиришнинг энг қулай имконидир. Шунинг учун биз бозор муносабатларига фақат иқтисодий воқелик, моддий неъматлар яратиш омили, деб қарамаслигимиз, балки, аксинча, унга инсондаги ижодий кучларни ҳаракатга келтириш воситаси, деб ёндашишимиз керак.

3. Стереотипларга қарши курашни "Хужум"дек оммавий ҳаракатга айлантириш (минг афсуски, баъзи ҳалқаро ташкилотлар стереотипларга қарши курашни оммавий ҳаракатга, бутун бошқарув тизимининг вазифаларига айлантиришни тавсия этадилар) катта хатодир. Жамиятдаги, социумдаги ахилликни, бирликни, иттифоқни бундай ҳаракатлар билан сақлаб қолиб бўлмайди. Фақат маданий-тарбиявий ва оммавий-тарғибий ишларни давр талаблари даражасида олиб бориш демократик тамоилилларга мос келади. Бу борада маҳсус давлат дастури қабул қилиш айни муддаодир.

4. Стереотиплар оиласда шаклланади; оиласдаги гендер муносабатлар ёшлар онгида чуқур сақланиб қолади. Шунинг учун маданий-тарбиявий ва оммавий-тарғибий тадбирлар энг аввало оиласга қаратилиши лозим.

5. Ижтимоий соҳалардаги сегрегацияни бартараф этиш учун мавжуд қонунлардан ўринли фойдаланиш талаб этилади. Сегрегация очиқ шаклда эмас, балки ёпиқ тарзда учрайди. Демак, хотин-қизлардаги ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни ошириш зарур.

Бешинчидан, давлат бошқаруви тизимида хотин-қизларнинг ўрни ва аҳамияти бекиёсдир. Мустақиллик йилларида аёлларнинг давлат бошқаруви тизимида иштирокини кенгайтириш ҳам ҳуқуқий, ҳам моддий қўллаб-куватланмоқда. Олий давлат бошқаруви тизимида, масалан, Олий Мажлисда хотин-қизларнинг иштироки, ижтимоий-сиёсий фаолиятда қатнашиши кўпгина ривожланган давлатлар даражасидадир. Бироқ, ўрта ва куйи давлат бошқарув поғоналарида, раҳбарлик лавозимларида хотин-қизларнинг сони ҳали кам. Бизнинг фикримизча, Олий давлат ҳокимиятида ҳам, маҳаллий давлат ҳокимияти тизимларида ҳам хотин-қизлар 30 фойздан кам бўлмаслиги керак. Бунинг учун хотин-қизларимиздан бошқарув ишларига резерв-захиралар тайёрлаш тартибини шакллантириш зарур. Буни маҳсус мактаблар, курслар ва билим юртлари орқали амалга оширса бўлади.

Айниқса, күйи ва ўрта поғоналардаги бошқарув тизимида хотин-қизларни жалб этиш, уларни раҳбарлик лавозимлариға қўйиш, маҳаллий депутатлар Кенгашларига сайлаш кенгайтирилиши даркор. Күйи ва ўрта поғоналарда тажриба орттириш, давлат бошқаруви технологиясини эгаллаш хотин-қизларни олий давлат идораларида ишлашга, давлат, мамлакат миқёсида ижтимоий-сиёсий фаолият олиб боришга тайёрлайди. Ҳеч ким, ҳатто шахс күйи ва ўрта поғоналарда, раҳбарлик лавозимларида ишлаганида ҳам, ўзидан-ўзи, дарров кенг миқёсда ижтимоий-сиёсий фаолият олиб бориш санъатини эгаллайвермайди. Бунинг учун катта билим ва ҳаётий тажриба билан бирга, кишиларни бошқаришга оид туфма фазилатлар, стратегик вазифаларни бажаришга қодир хислатлар ҳам зарур.

Олтинчидан, ижро этувчи ҳокимият тизимида бевосита бошқарув фаолияти билан шуғулланувчи хотин-қизлар 4 фоиздан ошмайди. Бунинг бир қатор сабаблари бор. Улардан энг муҳими – ижро ҳокимиятига юқлатилган вазифалар, айниқса ўтиш даврида, ўта мураккаб, кўп куч, вақт, тажрибани талаб қиласадики, улар хотин-қизларда етарли даражада топилавермайди. Тўғри, ҳоким, бошқарувчи, хизматчи барча ишларни якка ўзи бажармайди, у ёнидаги ходимлари, ёрдамчилари кучидан фойдаланади, шу тариқа ўта мураккаб вазифани енгиллаштиради. Бироқ, гап ана шу ходимларни, ёдамчиларни, фаолларни ҳаракатга келтириш, жон куйдириб ишлашга ундаш, уларга маstryулиятнинг бир қисмини ўз устига олишни ўргатишдадир.

Жаҳон тажрибаси кўрсатадики, ҳеч бир давлатда, ҳатто Маргарет Тетчер бошқарган ҳукумат тизимида ҳам, раҳбар-аёллар 5-7 фоиздан юқори бўлмаган. Демак, давлат ижро ҳокимияти тизимидағи, раҳбарлик лавозимларида хотин-қизларнинг эркаклар билан тенг фоиз эгаллаши яқин ўртада рўй бермайди, лекин бу ижро ҳокимияти бошқарув тизимида хотин-қизларнинг 30 фоиз атрофида бўлишига монелик қilmайди.

Еттинчидан, давлат бошқаруви тизимини модернизациялаш нафақат бошқарув жараёнларини оптималлаштиришга, ижтимоий-сиёсий институтларни самарали, тез ишлашга ундади, у, яъни модернизациялаш кадрларга янги талаблар қўйди. Мазкур талаблар бозор муносабатларига мувофиқ фаолият юритиш, жаҳон иқтисодиёти ва менежментидаги ўзгаришлардан хабардор бўлиш, қонунларни яхши билиш ва уларга қатъий амал қилиш, кенг жамоатчилик ташаббусига таяниш, демократик қадрияларни мустаҳкамлаш кабилардан иборатдир. Ранг-бараңг манбаатларга эга хўжалик субъектларини умумхалқ манфатларига хизмат қилдириш давлат бошқаруви тизимининг бош

вазифасига айланди. Иқтисодий демократия, хусусий мулк, эркинлик шароитида ушбу талабларга риоя этиш ва уларни бажариш осон эмас, албатта. Шундай шароитда хотин-қизларнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий ташаббусларига таяниш объектив заруриятдир. Бусиз давлат бошқаруви тизимларининг самарали фаолият олиб бориши даргумон эди.

Давлат бошқаруви тизимины модернизациялаш тизимли ўзгаришлар қилиш билан бирга бошқарувнинг демократлашуви учун кенг йўл очиб берди. Энди бошқарув тизимлари халқقا, инсон манфаатларига, кишиларда ижтимоий-сиёсий фаолликни оширишга, бизнес ва тадбиркорлик ҳаракатини бошқариш, олиб бориш, нодавлат ташкилотларини тузишга имкониятлар яратди. Натижада мамлакатимиз ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётини замонавийлаштириш жараёнига хотин-қизлар кенг жалб этилди.

Модернизациялаш хотин-қизларни янги касб-корларни эгаллашга, менежмент ва маркетинг усусларидан хабардор бўлишга, персонални бошқариш санъатини ўрганишга унадди. Аёллар бошқараётган кичик корхоналар, фирмалар, маданий-маиший хизмат уйлари, оиласибий бизнес-марказлар, маърифат-тарғибот ишларини олиб борувчи муассасалар юзага келди. Мазкур позитив тажрибалар ва изланишлар хотин-қизларда ташаббускорлик, янгиликка интилиш, ижодий кучларини, ташкилотчилик қобилияtlарини амалда намоён эта олиш фазилатлари мавжудлигини кўрсатмоқда. Кичик корхоналарни, гурӯҳларни, фирмаларни бошқаришда хотин-қизлар эркаклардан қолишмайдилар, ҳатто баъзи ҳолларда (масалан, маданий-маиший, маърифий, тарбиявий, ҳуқуқий хизматлар кўрсатиш марказларини бошқаришда) эркаклардан кўра кўпроқ топқирлик, ташаббус, ишбилармонлик, ташкилотчилик қобилияtlарини намоён этмоқдалар.

Саккизинчидан, Ўзбекистонда ривожлантирилаётган фуқаролик жамияти хотин-қизларнинг нодавлат ташкилотлари тузиш, ўзини ўзи бошқариш органларида фаоллик кўрсатиш, ОАВлари, интернет-клублар очиш, маданий, маърифий марказлар ташкил этишга имкон бермоқда. Баъзи йўналишларда хотин-қизлар 75-80 фоизни ташкил этади. Аммо вилоятлар, туманлар ва қишлоқлар тизимиға мувофиқ қараладиган бўлса, хотин-қизларнинг ташаббуси билан ташкил этилган фуқаролик институтлари ҳамма ҳудудларда ҳам керакли даражада барпо қилинмаганини кўрамиз. Айниқса, туманлар ва қишлоқларда уларнинг сони ҳам, таъсири ҳам суст. Демак, бу борада давлат миқёсида маҳсус чора-тадбирлар кўриш талаб этилади.

Тұққызинчидан, тадқиқотимиз бизни замонавий ижтимой-сиёсий фаол аёлнинг портретини яратишига ундағы. Шу мақсадда биз, тадқиқотимиз натижалари ва респондентларнинг фикрларига таянған ҳолда, ижтимой-сиёсий фаол аёлнинг маънавий-ахлоқий фазилатлары ва лидерлик хислатларини ўргандык.

Ижтимой-сиёсий фаол аёл маънавий-ахлоқий фазилатларга күра:

- инсонпарварлық;
- ҳалоллик;
- беғаразлық;
- меҳрибонлик;
- инсофилик;
- дилкашлық;
- одобилик;
- дүстлик;
- содиқлик.

Лидерлик хислатларига күра эса:

- адолатлилық;
- жамоага таяниш;
- ўзига ишонч;
- муомалалилық;
- ташкилотчилик;
- ишчанлық;
- фидойиilik;
- ҳалқ, Ватан манфаатларига хизмат қилиш;
- ходимларни рағбатлантириб туриш;
- қонунларга, тартибларга бўйсуниш каби сифатларга зга шахсdir.

Унинг ўртача ёши 32-37 ва 42-60 лардадир. У оиласи, олий маълумотга, ўз касби бўйича маълум бир тажрибага эга.

Мазкур портрет хотин-қизларнинг касб-кори, маълумоти, турар жойи, оиласи шароити каби омиллар орқали яна аниқлаштирилиши мумкин. Демак, бизнинг портрет соҳаларда ижтимой-сиёсий фаолият олиб бораётган хотин-қизларнинг портретини яратиш, аниқлаш учун назарий модель, андоза вазифасини ўташи билан эътиборга лойиқдир.

Ўтказған тадқиқотимиз натижалари бизни амалиёт учун қуйидаги тавсиялар беришга ундейди:

1. Хотин-қизларни давлат бошқаруви тизими фаолиятига жалб этиш бўйича чет элларда, айниқса, ривожланган давлатларда эътиборли тажрибалар тўпланган, уларни ўрганиш зарур. Бу бизга миллий тажрибала-римизни чет эллардаги тажрибалар билан қиёслашга, ютуқ ва камчили-кларимизни аниқлаб олишга ёрдам беради.

2. Олий Мажлис депутатлари ичидағи хотин-қызларни маҳсус квоталар орқали 30 фоизга етказиш тартибини ўрнатиш лозим.

3. Сиёсий партиялар томонидан депутатликка кўрсатиладиган хотин-қызларнинг номзодлари 50 фоиздан кам бўлмаслигига эришиш керак.

4. Олий ўқув юртларига қабул қилинадиган талабаларнинг камидаги 50 фоизи хотин-қызлар бўлишини таъминлаш даркор.

5. Маҳаллий ҳокимиятлар зиммасига хотин-қызлар ННТларнинг сонини ошириш, хотин-қызлар уюшмаларини тузишга кўмаклашиш, турар жойларда хотин-қызлар клубларини ташкил этиш вазифасини юклаш лозим.

6. Хотин-қызлар қўмиталари, Тадбиркор Аёллар Асоциацияси, Касаба уюшмалари Федерациясига хотин-қызлардан маҳаллий Кенгашларга депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳукуқини бериш айни муддаодир.

7. Оиласвий Бизнес, хотин-қызларнинг тадбиркорлиги маҳаллий ҳокимиятлар ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан ўрганилиб, мониторинг ўтказилиб, “Оила ва жамият” каби газеталарда ҳар йили эълон қилиб борилиши даркор.

8. Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашда, баркамол авлодни тарбиялашда, демократик қадриятларни қарор топтиришда юксак маҳорат, жасорат ва матонат кўрсатган аёлларнинг портретларидан галереялар ташкил этиш мумкин. Уларнинг номини кўчалар, мактаблар, кутубхоналар ва майдонларга қўйиш бурчимиздир.

9. “Аёллар – замонамиз қаҳрамонлари” туркумида рисолалар, китоблар нашр этиш даркор. Нафақат бугунги, шунингдек, келгуси авлод ҳам Ватанимиз равнақига буюк ҳисса қўшган буви-момоларини билиши керак.

10. Хотин-қызларни гўзаллик, латофат ва ишқ-севги тимсоли сифатида улуғловчи асарлар, кўшиқлар етарлича топилади, энди ижтимоий-сиёсий фаол аёлларимиз ҳам бадий ижод объекти бўлиши зарур.

11. “Аёл – сиёсий лидер” мавзусида телекўрсатувлар уюштириш ва уларга хотин-қызларни таклиф этиш мақсаддага мувофиқдир.

12. Давлат бошқаруви тизимларида, айниқса маҳаллий ҳокимият идораларида раҳбар аёлларни ҳозир камидаги 10 фоизга, келгусида эса 20-30 фоизга етказиш режасини ишлаб чиқиш керак.

13. Хотин-қызларда янгича ижтимоий-сиёсий тафаккур ва лидерлик фазилатларини шакллантириш билан шуғулланувчи ННТ, маҳсус курслар, ўқув марказлари ташкил этиш мақсаддага мувофиқдир.

N.Nishonova
Social and political function of women in state administration
(philosophical analysis)
(Resume)

One of the immanent peculiarities and requirements of democratic development is the openness of state administration and every citizen must be directly and indirectly involved into social and political life according to his/her knowledge, experience, and intensions. First of all it is important to optimization, improvement the efficiency and wide-range of the state administration and secondly, it is important for every citizen to realize his/her legal rights, knowledge and experience.

The national democratic development chosen in Uzbekistan has made the members of society, all the citizens and all the layer of population move, it is impossible to imagine the social life without the activity of people. Involvement of women and girls to the management of state administration is an event of social and political importance and no one can argue with it. It has become the policy of our country.

Women's socio-political acvitity, effective function in state administration system and formation of leadership features depends on their knowledge and information. More 90 percent of socio-politically active women has got a higher degree. It was natural that this factor would appear in their replies. That's why they think that a woman-leader needs a higher education, they are in favor of the number of women in higher educational establishments not less than 50 percent (that means 52%).

It is a very socio-political event to get the number of women in Oliy Majlis and state administration system to 30 percent. International organizations advice that 30 percent of candidates in national parliaments must contain of women. For the last year this number has been achieved by elections in our republic, even in the election for the head (aksakals) of social gatherings (December,2011) the candidates of women achieved 37 percent. But there is still a need for increasing the number of women in representative organizations and governing system.

Political leadership requires socio-political experience, it is difficult to form it by just reading books and listening to lectures on it. As the practice showed making, challenging, achieving the will of leadership is an art.

Professional leader has got an opportunity to make people do something, but the woman who is working as socio-political activist has not got such kind of opportunity, she achieves her goal through challenging and persuading people. She is a real representative of democratic administration, she involves democratic merits to the state administration system, she serves for their establishment as well.

Findings from the research allowed us making following recommendations that are believed to be of a practical value.

1. Developed foreign countries' experience in the issues of involving women into the state governance system needs to be studied. This will enable us to match local and foreign experience as well as to identify our benefits and disadvantages.

2. Procedure for reaching the quorum of 30 per cent of women in different committees of the Oly Majlis (Supreme Council) needs to be introduced.

3. The ratio of candidates running for MPs listed by various political parties should include no less than 50 per cent of female candidates.

4. University entrance should also reach the ratio of 50 per cent of female students.

5. Local administration offices should be assigned to expand the number of women's non-state non-governmental organizations as well as to support women's unions and organize activities of women's clubs at places.

6. It is the time when the Women's committees, Business Women Association, Trade unions Federation were entitled to delegate their female representatives for local MPs.

7. Local administration jointly with the Council of Ministers should investigate and monitor the family business and women's entrepreneurship aspects and report on their status in the local press (e.g. 'Oila va Jamiyat' newspaper) on a yearly basis.

8. We may open portraits galleries for women showed their competence, persistence and heroism in the upbringing of harmonious young generation developed in the spirit of independence and solid democratic values. To give streets, schools, libraries and squares their names can be regarded as our duty.

9. It is advisable that we published books and brochures under the cycle titled as "Women are heroes of present days". Both present day and future generation of youths should know the names and heroism of the women made their contribution to our country's prosperity.

10. There is plenty of literary works and songs faming the beauty and charm of a woman serving as a symbol of love and romantics; from now on socially and politically active women should turn into the object of literature.

11. It is also believed to be good to organize television programs under the title "A woman is a political leader" with participation of women.

12. State governance structures, local administration offices in particular now having 10 per cent of women in their operational staff should work out a plan for reaching this number to 20-30 per cent of women's involvement in their everyday activities.

13. It is also advisable to organize non-state non governmental organizations, special classes, training centers focused on forming new socially and politically oriented thinking and leadership features with women.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ҳалқаро мөъёрий хужожатлар ва Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Междунородный билль о правах человека. Ташкент: Шарқ, 1992. –64 с.
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент: Ўзбекистон, 2003. 35-бет.
3. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида” // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1991 йил 4-сон. 18–38-бетлар.
4. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида” // Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 1992 йил 3-сон. 3–24-бетлар.
5. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида” // Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 1993 йил 5-сон. 103–127-бетлар.
6. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Ўзбекистон Республикасининг Референдуми тўғрисида” // Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари. 1993 йил 5-сон. 123–144-бетлар.
7. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида” // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1993 йил 9-сон. 22–39-бетлар.
8. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Фуқароларнинг муаржаатлари тўғрисида” // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1994 йил 5-сон. 21–42-бетлар.
9. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Фуқаролар сайлови хуқуқларининг кафолатлари тўғрисида” // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1994 йил 5-сон. 17–28-бетлар.

10. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида” // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1994 йил 5-сон. 15-42-бетлар.

11. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида” // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1994 йил 10-сон. 3-28-бетлар.

12. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида” // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1995 йил 9-сон. 5-18-бетлар.

13. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида”. Тошкент: Ўзбекистон, 1997.

14. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Сиёсий партиялар тўғрисида” // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1997 йил 3-сон. 21-43-бетлар.

15. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллый дастури тўғрисида” // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1997 йил 9-сон. 21-34-бетлар.

16. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида” // Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 1998 йил 6-сон. 72-82-бетлар.

17. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида” // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1999 йил 5-сон. 21-43-бетлар.

18. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида” // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1999 йил 5-сон. 28-46-бетлар.

19. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонуни. “Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”. Тошкент: Ўзбекистон, 2002. 28-бет.

20. Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуни // Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 1996 йил 9-сон. 9-10-бетлар.
21. Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонуни (янги таҳрири) // Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 2001 йил. 18-28-бетлар.
22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасида хотин-қизлар масалалари бўйича Концепция" // Халқ сўзи. 1995 йил 26 ноябрь.
23. Ўзбекистон Республикасининг "Оила" кодекси. Тошкент: Адолат, 1995. 824-бет.
24. Четвертая Всемирная конференция ООН по положению женщин. Пекин. 1995. 4-5 сентября. Нью Йорк, 1996. – 237 с.
25. Доклад о положении женщин в Республике Узбекистан. Ташкент: Ўзбекистон, 1999. – 42 с.
26. Ўзбекистон Республикасида хотин-қизларнинг аҳволи тўғрисида маъруза. Тошкент, 1999. – 47 бет.
27. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонуни "Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида" // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1999 йил 6-сон. 17-28-бетлар.
28. Хотин-қизлар ва болаларнинг хукуқларига оид қонун кафолатлари. Тошкент: Ўзбекистон, 2000. 242-бет.
29. "Ўзбекистонда хотин-қизлар аҳволини яхшилаш бўйича ва уларнинг жамиятдаги ролини оширишга йўналтирилган миллӣ ҳаракат платформаси, уни амалиётга татбиқ этишининг асосий йўллари" // Аёллар ижтимоий ҳаётда фуқаролик жамиятининг таянчи сифатида. Тошкент, 2008. 69-бет.
30. Аёлларнинг сиёсий хукуқлари тўғрисида Конвенция (Нью Йорк, 1952 йил 20 декабрь). Тошкент, 2008. 22-бет.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг асарлари ва Фармонлари

31. Ислом Каримов. Ўзбекистон: миллӣ истиқлол, иқтисад, сиёсат, мафкура. 1-том. Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 364 бет.
32. Ислом Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-том. Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 380 бет.
33. Ислом Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-том. Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 366 бет.
34. Ислом Каримов. Бунёдкорлик йўлидан. 4-том. Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 349 бет.

35. Ислом Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. 5-том. Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 384 бет.
36. Ислом Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – 429 бет.
37. Ислом Каримов. Биз келажагимизни ўз қўнимиз билан қурамиз. 7-том. Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – 410 бет.
38. Ислом Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон хаёт – пировард мақсадимиз. 8-том. Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 528 бет.
39. Ислом Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-том. Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – 432 бет.
40. Ислом Каримов. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-том. Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – 432 бет.
41. Ислом Каримов. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-кудратимиизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамиизга боғлиқ. 12-том. Тошкент: Ўзбекистон, 2004. – 400 бет.
42. Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 бет.
43. Ислом Каримов. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимиизни модернизация қилиш ва тараққий топ-ган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. 18-том. Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – 360 бет.
44. Ислом Каримов. Демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимииз тараққиётининг асосий мезонидир. 19-том. Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 320 бет.
45. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Ўзбекистон Республикаси давлат ва жамият қурилишида хотин-қизлар ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” // Халқ сўзи. 1995 йил 3 март.
46. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Хотин-қизлар ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” // Халқ сўзи. 1999 йил 14 апрель.
47. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-кувватлаш ва яхшилашнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” // Халқ сўзи. 2004 йил 27 май.
- III. Монографиялар ва китоблар**
48. Абуллаева Я. Қорақалпоғистон хотин-қизлари: кече ва бугун. XIX асрнинг охири ва XX аср. Тошкент: IJOD DUNYOSI, 2004. – 224 бет.

49. А б д у р а ҳ м о н о в Ф. Р. Мустақиллик ва миллий манфатлар. Тошкент: Фан, 1994.
50. А б д у р а ҳ м о н о в а Ф. Аёл ўзи бир дунё. Тошкент: O'zbekiston, 2008. – 72 бет.
51. Аёл ва хукуқ. Маърузалар тўплами. Тошкент, 1999. – 210 бет.
52. Аёл ва хукуқ. Маърузалар тўплами. Ф.Эберт номидаги жамғарма. Тошкент, 1999. 147-бет.
53. Аёллар жамият маданий тараққиётида. Тошкент: ТашДМИ, 2006. 122-бет.
54. Аёллар ижтимоий ҳаётда фуқаролик жамиятининг таянчи сифатида. Гёте институти. Тошкент, 2008. – 377 бет.
55. Аёл яратган дунё (Ўзбекистоннинг фидойи аёллари) / Тузувчи М.Каримова. Тошкент: Шарқ, 2005–2008. Икки китоб. 528-бет.
56. Ал-Бухорий, Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Исмоил. Ҳадис. 4-китоб. 1-китоб. Ал-жомеъ ас-саҳиҳ (Ишонарли тўплам) /Араб-чадан З.Исмоил тарж. Тошкент: Қомуслар Бош таҳририяти, 1991. – 506 бет.
57. А ли е в А. Маънавият: қадрият ва бадиият (Ватан фидойилари). Тошкент: Академия, 2000. – 144 бет.
58. А л и м а с о в В. Фалсафа ёхуд фикрларин чанқоғи. Тошкент: Фалсафа ва хукуқ институти, 2007. – 193 бет.
59. А л и м о в а Д. Женский вопрос в Средней Азии. Ташкент: Фан, 1991.
60. А л и м а с о в В. Гендер фалсафаси. Тошкент: Фалсафа ва хукуқ институти, 2008. – 138 бет.
61. Античная демократия в свидетельствах современников. М.: Логос, 1996. – 513 с.
62. А р и с т о т е л ь . Политика. Соч. В 4 т. М.: Мысль, 1983. Т.4. – 830 с.
63. А р и п о в М. К. Социальная утопия как течение общественно-философской мысли в Средней Азии. Ташкент: Фан, 1989. – 110 с.
64. Аристофан. Комедии. М.: Искусство, 1983. Т.2. – 451 с.
65. Бобоев Ҳ., Норматов К. Миллий давлатчилик ҳақида. Тошкент: Ёзувчи, 1999. – 72 бет.
66. Б об о м у р о д о в а Ҳ. Қизилқум маликалари. Тошкент: F.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2007. – 216 бет.
67. Б е н д а с Т. В. Гендерная психология. Спб.: Питер, 2007. – 304 с.

68. Бердяев Н. А. Философия свободы. Смысл творчества. М.: Правда, 1989. – 442 с.
69. Бойдадаев М. Политико-правовое становление и развитие системы государственного управления в Республике Узбекистан. Ташкент: Адолат, 1996. – 174 с.
70. Бойко Л. М. Конституционные основы народовластия в Республике Узбекистан. Ташкент: Адолат, 2001. – 60 с.
71. Бурлацкий Ф., Мушинский В. Народ и власть. М.: Полит. лит-ра, 1986. – 256 с.
72. Вейнингер О. Пол и характер. Ростов-на-Дону: Феникс, 1998. – 584 с.
73. Власть. Очерки современной политической философии Запада. М.: Прогресс, 1986. – 288 с.
74. Гаджиев К. С. Политическая философия. М.: Экономика, 1999. – 606 с.
75. Гегель. Политические произведения. М.: Наука, 1978. – 434 с.
76. Глобаллашув жараёнида жамиятни демократлаштиришнинг сиёсий, фалсафий-хуқуқий асослари. Тошкент, 2006. – 208 бет.
77. Даль Р. Введение в экономическую демократию. М.: Наука СП «ИКПА», 1991.
78. Гражданское общество и перспективы демократии. М.: Логос, 1994. – 224 с.
79. Грин Роберт. 48 законов власти. М.: РИПОЛ КЛАССИК, 2000. – 576 с.
80. Джаббаров С. Шариат, семейное и обычное право в Узбекистане. История и современность. Ташкент: Фан, 1996. – 107 с.
81. Джавакова К. В. Институты народовластия в Республике Узбекистан. Ташкент: O'qituvchi, 2006. – 254 с.
82. Доклад на IV Всемирной Конференции по положению женщин (4–15 сентября 1995 г.). Пекин: Стенограмма, 1995. – 42 с.
83. Её величество – Женщина / Авт.-сост. Баталова И.Н. Ташкент: Шарқ, 2000. – 480 с.
84. Ёш авлодни бағрикенглик рухида тарбиялашда хотин-кизларнинг ўрни. Ташкент: Мирзо Улуғбек номидаги Ўзб. Миллий ун-ти, 2006. – 68 бет.
85. Жалилов Ш. Давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ислоҳоти: тажриба ва муаммолар. Ташкент: Ўзбекистон, 1994. – 106 бет.
86. Жалилов Ш. Маҳалла янгиланиш даврида. Ташкент: Мехнат, 1995. – 71 бет.

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИДА ХОТИН КИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОЙИЙ-СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ

87. Ж а л и л о в Ш. Кучли давлатдан кучли жамият сари. Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – 160 бет.
88. Ж а м о л о в Б. Суд ҳокимияти. Тошкент: Yurist-media markazi нашр., 2011. – 408 бет.
89. Жамиятни ислоҳ қилиш йўлида. Тошкент: Шарқ, 1998. – 110 бет.
90. Женщина в обществе: мифы и реалии. Сб. статей. М.: Информация. XXI век, 2001. – 332 с.
91. Женщина: её права и свободы. Ташкент: Эльдинур, 2001. – 205 с.
92. Женщина. Право. Общество: законы и законодательные акты. Ташкент: ТашГЮИ, 1999. – 160 с.
93. Женщины и гендерные проблемы в странах с переходной экономикой: Взгляд ЮНИСЕФ. М.: Наука, 1995. – 184 с.
94. Женщины мира – 1995: Тенденции и статистика. Нью-Йорк: ООН, 1995. – 204 с.
95. Женщины Республики Узбекистан // Статсборник. Ташкент: Статистика, 1993. – 82 с.
96. Женщины Узбекистана. 1990 год: Стат. сборник. Ташкент: Комитет женщин Узбекистана, 2000. – 42 с.
97. Ж у м а е в О. Сиёсий партияларнинг сайлов жараёнидаги этикаси. Тошкент: ТДЮИ, 2004. – 108 бет.
98. Ж у м а е в Р. З. Политическая система Республики Узбекистан: становление и развитие. Ташкент: Фан, 1996. – 208 с.
99. Ж у м а е в Р. Давлат ва жамият: демократлаштириш йўлида. Тошкент: Шарқ, 1998. – 142 бет.
100. Ж ў р а е в С. Фуқаролик жамияти: назария ва амалиёт. Тошкент: Тошкент давлат Шарқшунослик институти, 2003. – 362 бет.
101. И н а г а м о в а Г. Г. Халқаро ва миллий қонунчиликда аёл хукуқлари. Тошкент: ИИВ Академияси, 2010. – 70 бет.
102. Инсон хукуқлари умумжаҳон декларацияси ва Ўзбекистонда инсон хукуқларини ҳимоя қилиш миллий тизими. Тошкент: O'zbekiston, 2010. – 366 бет.
103. И с л а м о в З. Механизмы осуществления государственной власти. Ташкент: Адолат, 1997. – 56 с.
104. Ка й к о в у с. Қобуснома. Тошкент: Истиқлол, 1994. – 128 бет.
105. Ка н т И. Соч. В 6 т. М.: Мысль, 1974. Т. 4. Ч.1,2. – 534 с.
106. Курбанов Ш., Сейтхалилов З. Национальная программа по подготовке кадров. Ташкент: Университет, 2000. – 88 с.

107. Л о к к Дж. Два трактата о правлении. Соч. В 3 т. М.: Мысль, 1998. Т.3. – 572 с.
108. Лубгенков Ю., Романов В. Женщина и власть. М.: Нард. 1991. – 56 с.
109. М а м а д а л и е в Ш. О. Халқ ҳокимияти: назария ва амалиёт. Тошкент: ИИВ Академияси, 2003. – 186 бет.
110. М а т каримова Г. Права женщин: миф и реальность. Ташкент: ТашГЮИ, 1998. – 44 с.
111. М а т каримова Г. Ўзбекистонда аёл ҳуқуқлари //ФДУ. Илмий хабарлар ж. 2000 йил 1-4-сон. 24-42-бетлар.
112. Миллий истиқлол гояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Тошкент: Университет, 2001. – 48 бет.
113. М и р ҳ а м и д о в М. Ўзбекистон: демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида. Тошкент: Университет, 2003. – 190 бет.
114. М и н г б о е в У.Қ. Суд шундай ҳокимиятки... Тошкент: Шарқ. 1999. – 288 бет.
115. М у р а в ъ е в Н. М. Ўзбекистон хотин-қизлари ижтимоий мақомини юксалтириш. Тошкент: Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2004.
116. М и н е е в В. Н. Становление и развитие культурно-просветительной работы среди женщин Узбекистана (1918-1941 гг.). Ташкент: Фан, 1990. – 204 с.
117. М у с т а ф о е в Б., Н а з а р о в Қ. Ким депутат бўлиши мумкин? Тошкент: ТДЮИ, 2004. – 42 бет.
118. М у с т а ф о е в Б. Ўзбекистон Республикаси сайлов тизими ва сайлов қонунчилиги. Тошкент: ТДЮИ, 2004. – 64 бет.
119. М у с а е в Ф. Демократик давлат қуришнинг фалсафий-ҳуқуқий асослари. Тошкент: Ўзбекистон, 2007. – 272 бет.
120. М у с у р м о н о в А., А б д у р а ҳ и м о в Ф. Маҳаллада қизларнинг соғлом турмуш тарзи. Тошкент: Ўзбекистон, 2008.
121. М у ҳ а м м е д о в Р. Аёллар ҳуқуқи қонун ҳимоясида. Тошкент: Адолат, 1999. – 104 бет.
122. Н и з о м у л м у л к. Сиёсатнома ёки сияр ул-мулк. Тошкент: Адолат, 1997. – 256 бет.
123. Н и ц ш е Ф. Соч. В 2 т. М.: Мысль, 1990. Т.1. – 821 с.
124. О т а м у р о д о в С. О. ва бошқ. Матьнавият ва маърифат асослари. Тошкент, 1998.

125. Оналик ва болалик – давлат сиёсатининг устувор йўналиши (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси, Тошкент давлат Маданият институти, ЎзРФА Тил ва адабиёт институти. Илмий-амалий анжуманига тақдим этилган материаллар). Тошкент, 2001. – 63 бет.
126. О д и л қ о р и е в Х. Конституция ва фуқаролик жамияти. Тошкент: Шарқ, 2002. – 320 бет.
127. О д и л қ о р и е в Х. Т., Ф о й и б н а з а р о в Ш. Ф. Сиёсий маданият. Тошкент: Ўзбекистон, 2010.
128. Оила аъзоларининг ҳуқуқий мақомига тегишли қонунлар тўплами. Тошкент: “Оила” илмий-амалий маркази нашриёти, 1999.
129. П а р д а е в А. Адолатли бошқарув тамойиллари. Ташкент: Фан, 2006. – 102 бет.
130. П л о с с ь Г. Женщина в естествоведении и народоведении. Антропологические исследования. Сыктывкар; Киров, 1995. Т.1. – 608 с.
131. П о л е н и н а С. В. Права женщин в системе прав человека: Международный и национальный аспект. М.: ISHI, 2000. – 256 с.
132. Политические партии Узбекистана. Ташкент: Фонд региональной политики, 2007. – 230 с.
133. П р и г о ж и н А. И. Организация: системы и люди. М.: Изд. полит. лит-ры, 1983. – 176 с.
134. П р у д о н П. Ж. Что такое собственность? Или Исследование о принципе права и власти. М.: Республика, 1998. – 367 с.
135. П у ш к а р е в а Н. Л. Женщины Древней Руси. М.: Мысль, 1989. – 319 с.
136. Р а ҳ и м о в Ф. Конституциявий ҳуқуқларни таъминлашда давлат органларининг масъулияти. Тошкент: Маънавият, 2001. – 128 бет.
137. С а и д о в А., Ж у з ж о н и й А. Шарқ ва инсон ҳуқуқлари. Тошкент: Адолат, 1998. – 188 бет.
138. С а и д о в А. Х. Халқаро ҳуқуқ. Тошкент: Адабиёт жамғармаси, 2001.
139. С а и д о в А., Т о ж и х о н о в У. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Тошкент: Адолат, 2001.
140. С а ф а е в а С. Аёллар масаласи: умумижтимоий ва миллий жиҳатлар. Тошкент: Ўзбекистон, 2003. – 160 бет.
141. С и р о ж о в F. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси-га шархлар. Тошкент: Адолат, 1999. – 204 бет.

142. Собирова Д. Ўзбекистонда хотин-қизлар масаласи тарихидан (XX асрнинг 40-80-йиллари). Тошкент: Akademnashr, 2011. – 112 бет.
143. Тангрив Л. Мустақиллик ва жамоат ташкилотлари. Тошкент: Янги аср авлоди, 2000. – 78 бет.
144. Тоҳтакоджайев М. Ўтмиш толиктирган аёллар. Тошкент, 2001. – 352 бет.
145. Тофғалер Э. Метаморфозы власти. М.: ООО “Изд. АСТ”, 2004. – 469 с.
146. Туйчиев Б. Проблемы формирования политической культуры и демократизации современного общества. Ташкент: Фан, 1991. – 218 с.
147. Тулаганов А. Давлат ҳокимиятининг вакили ва ўзи ни ўзи бошқариш органлари фаолиятини ташкил этиш. Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 194 бет.
148. Убайдуллаева Р.А. Мустақил Ўзбекистон: аёл, оила ва жамият. Тошкент: Фан, 2006. – 446 бет.
149. Уринцев Б. С. Самоуправляемые системы и причинность. М.: Мысль, 1972. – 254 с.
150. Форбий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. Тошкент: АҚодирий номидаги Ҳалқ мероси нашриёти, 1993. – 222 бет.
151. Форбий Абу Наср. Фазилат, баҳт-саодат ва камолот ҳақида. Тошкент: Ёзувчи, 2002. – 64 бет.
152. Фиррат А. Оила ёки оиласи бошқариш тартиблари. Иккинчи нашр. Тошкент: Маънавият, 2000. – 112 бет.
153. Фромм Э. Мужчина и женщина. Спб.: Питер, 1999. – 288 с.
154. Халилов Э.Ҳ. Ўзбекистон Республикасининг қонунчиқарувчи олий органи. Соҳта вакилликдан ҳақиқий парламентаризмга қадар. Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – 382 бет.
155. Хамитов Н. Философия и психология пола. Киев; М.: Изд. дом “Нива”, 2001. – 142 с.
156. Хўжаниёзов Т. Оила тарихи ва ҳуқуқ. Тошкент: Адолат, 2006. – 184 бет.
157. Шарифходжаев М. Ўзбекистонда очиқ фуқаролик жамиятининг шаклланиши. Тошкент: Шарқ, 2003. – 510 бет.
158. Шайхова Х. Ўзбек аёли – одоб тимсоли. Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ инст. нашр., 2007. – 60 бет.
159. Шайхова Х. Маънавият – камолот кўзгуси. Тошкент: Фуқаролик номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009.

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ

160. Шарипова Ж. Оилада шариат қоидалари ва хукукий маданият. Тошкент: F.Фулом номли ад. ва санъат. нашр., 2010. – 72 бет.
161. Шомансурова Р.К. Аёл қалби. Тошкент: Ўзбекистон, 1988. – 206 бет.
162. Шофуломов Р., Дўст М.М., Султонов Х. Аёлга эҳтиром. Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – 208 бет.
163. Эгамбердиева Т.А. Аёл ва давр. Тошкент: Меҳнат, 1994. – 88 бет.
164. Эгамбердиева Т.А. Ижтимоий-маънавий ҳаёт ва аёллар фаоллиги. Тошкент: Фан, 2004. – 104 бет.
165. Юрчук В.В. Мужчине о женщине: жизнь, общение или искусство не оставаться в дураках. М.: ИООО "Совр. Слово", 1997. – 480 с.
166. Ўзбекистон хотин-қизлари: кеча ва бугун. Илмий-амалий конференция маърузалари. Тошкент, 2005. – 124 бет.
167. Қурбонов Ш., Мажидов И., Қўчқоров Р. Олий таълим тизимида бошқарув кадрларини тайёрлаш. Тошкент: Академия, 2002. – 108 бет.
168. Куръони карим. Тошкент: Чўлпон, 1992. – 672 бет.
169. XXI аср бўсағасида Ўзбекистон аёлларининг ижтимоий салоҳиятини оширишга кўмаклашиш имкониятлари [Симпозиум материаллари]. Тошкент: Университет, 1999. – 176 бет.
170. Гулом Мирзо. Сайловлар ва оммавий ахборот восита-лари. Тошкент: ТДЮИ, 2004. – 68 бет.
171. Ҳусанов О. Мустақиллик ва маҳаллий ҳокимият. Тошкент: Адолат, 1996. – 92 бет.
172. Ҳусейнова А.А. Фуқаролик жамияти ва аёллар. Бухоро: Agro-Print, 2009. – 140 бет.
173. Ҳусейнова А.А. Фуқаролик жамиятининг маънавий-маданий ва ахлоқий қадриятларини шакллантиришда аёлларнинг ўрни. Бухоро: "Бухоро" нашр., 2009. – 52 бет.
174. 1998 йил – Оила иили. Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – 122 бет.

Мундарижа

СЎЗБОШИ	3
КИРИШ	6
1-боб. Давлат бошқаруви тизимида субъект ва объект муносабатларининг назарий-методологик масалалари.....	11
1.1. Давлат бошқаруви тизими ва унинг субъекти	12
1.2. Давлат бошқаруви тизимининг объектлари ва уларнинг ижтимоий белгилари.....	23
1.3. Давлат бошқаруви тизимида субъект ва объект муносабатларининг диалектик боғлиқлиги.....	34
1.4. Демократия шароитида давлат бошқарувининг имманент хусусиятлари.....	44
2-боб. Ўзбекистонда хотин-қизлар масаласи: илмий-назарий изланишлар ва уларнинг ижтимоий-фалсафий таҳлили.....	57
2.1. Хотин-қизлар масаласига оид ижтимоий-фалсафий изланишлар	58
2.2. Феминизм ва гендер тенглик муаммолари	69
2.3. Хотин-қизлар масаласининг ижтимоий-гуманитар тавсифлари	78
2.4. Оммавий ахборот воситаларида хотин-қизлар масаласининг талқинлари	90
3-боб. Ўзбекистон Республикаси давлат бошқаруви тизимларида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ўрни ва фаолиятлари.....	99
3.1. Олий давлат бошқаруви тизимида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ўрни	100
3.2. Ижро этувчи давлат бошқаруви тизимида хотин-қизларнинг фаолияти.....	110

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ	
3.3. Маҳаллий давлат бошқаруви тизими ва унда хотин-қизлар фаолиятининг хусусиятлари	120
3.4. Суд ҳокимияти (бошқаруви) тизими фаолиятида хотин-қизларниң иштироқи	130
4-боб. Давлат бошқаруви тизимидаги хотин-қизларниң ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалалари	141
4.1. Ўзбекистонда давлат бошқаруви тизимини модернизациялаш ва унинг хотин-қизлар фаоллигига таъсири	142
4.2. Бозор муносабатларига ўтиш: давлат бошқарув тизими ва хотин-қизларниң ижтимоий-иқтисодий фаоллиги.....	153
4.3. Фуқаролик жамияти ва хотин-қизларниң ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалалари.....	165
4.4. Ижтимоий-сиёсий фаол аёлнинг портрети: маънавий-ахлоқий фазилатлар ва лидерлик хусусиятлари.....	178
Х У Л О С А	198
N.Nishonova. Social and political function of women in state administration (philosophical analysis) (Resume).....	208
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	210

Contents

FOREWORD	3
INTRODUCTION	6
Chapter 1. Theoretical and methodological issues of the subject-object entities' relations in the state governance system	11
1.1 Government system and its subject entity	12
1.2. Government object entities and their social distinctions	23
1.3. Dialectical link between subject-object entities' relation within the state government system.....	34
1.4. Immanent features of government in the democratic environment.....	44
Chapter 2. The issue of women's status in the Republic of Uzbekistan: scientific and conceptual studies into the domain and their social and philosophical review	57
2.1. Social and philosophical studies into the women's status domain.....	58
2.2. Feminism and gender equality issues	69
2.3. Social and humanitarian features of the women' status domain.....	78
2.4. Mass media interpretation of the women's status issue	90
Chapter 3. Social and political roles and functions of women in the government system of the Republic of Uzbekistan	99
3.1. Social and political role of the women in the supreme government structure	100
3.2. Functions of women in the executive government system	110
3.3. Community governance system and features of the women involvement in it	120
3.4. Court administration system and the women's involvement.....	130
Chapter 4. Raising women's social and political involvement in state governance issues	141
4.1. Modernization of the state governance system of the Republic of Uzbekistan and its impact on the women's activities	142
4.2. State governance system and the level of women's social and economic activities in transition to market oriented relations	153
4.3. Civic society and expanding of the women's social and political involvement.....	165
4.4. Depict of the socially and politically active womens: ethical merits and leadership features.....	178
Conclusion.....	198
Bibliography	210

66.74(5Ў)

Н 69

Нишонова, Нодирахон Райимжоновна

Давлат бошқаруви тизимида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти (фалсафий таҳдил) / Н.Р.Нишонова; масъул мухаррир Б.Тўйчиев; Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги; Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети. –Тошкент: Фан, 2013. – 224 б.

УЎК: 396.9(575.1)

КБК: 66.74(5Ў)

ISBN 978-9943-19-240-9

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
Илмий-техник кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган
(2012 йил 15 майдаги 3-сонли мажлис баённомаси).*

Мухаррир: *M.Содикова*

Мусахҳих: *M.Абидова*

Техник мухаррир, саҳифаловчи: *Д.Абдуллаев*

Нашриёт лицензияси АI №138, 27.04.2009 й.

Нашриёт рақами: з-12. Теришга берилди 20.12.2012.

Оригинал-макетдан босишга руҳсат этилди 16.04.2013.

Қоғоз бичими 60x84¹/₁₆. Cambrіa гарнитураси. Офсет босма.

Офсет қоғози. Нашриёт-ҳисоб т. 14,0. Босма-шартли т. 13,02.

Тиражи 500 нусха. Келишилган нархда.

ЎзР ФА "Фан" нашриёти. 100170, Тошкент, И.Мўминов кўчаси, 9-үй.

Тел./факс (8-371) 262-80-65, 262-70-40.

E-mail: fannashriyot@yandex.com

ЎзР ФА "Фан" нашриёти матбаа бўлимида чоп этилди. 5-буюртма.

100170, Тошкент, И.Мўминов кўчаси, 9-үй.